

Шарқ юлдузи

Адабиёт журнали

1931 йилдан чиқа бошлаган

2008

4-сон

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Абдулла Орипов –
тахрир ҳайъати раиси
Эркин Воҳидов
Хуршид Дўстмуҳаммад
Жуманиёз Жабборов
Омон Мухтор
Минҳожиддин Мирзо
Тўлан Низом
Хайриддин Султонов
Пиримкул Қодиров
Охунжон Ҳакимов
Ўткир Ҳошимов

Бобур Алимов
Туробжон Жўраев
Бахтиёр Кубеев
Фатҳиддин Муҳиддинов
Ғафуржон Муҳаммедов
Сувон Нажбиддинов
Неъматилло Худойбергенов
Ислом Шоғуломов
Омонулла Юнусов
Рустам Қосимов
Бойназар Йўлдошев

Бош муҳаррир
Сирожиддин Саййид

Бош муҳаррир ўринбосари
Икром Отамурод

Масъул котиб
Муҳаммаджон Аҳмедов

Наср бўлими мудири
Асад Дилмурод

МУАССИСЛАР:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Мамлакатимизда ва бутун Ўрта Осиё минтақасида энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлган Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, юртимиз илм-фани ва маданияти, замонавий таълим тизимини ривожлантириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, йигит-қизларимизни ватанпарварлик ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги бекиёс ўрни ва улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда ушбу илм даргоҳи ташкил этилганининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академиясининг 2008 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ҳафта муддат ичида ушбу санага бағишланган тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ҳамда уларнинг «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратсин.

2008 йилнинг август ойида «Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожига Ўзбекистон Миллий университетининг роли» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказишни юқори савияда ташкил этсин.

2008 йил сентябрь ойида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси стадионида «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» шиори остида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабаларининг фестивалини ташкил этишни таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Миллий университети мажмуаси ҳудудида байрам олдидан кенг қўламдаги қурилиш ва реконструкция, таъмирлаш ишлари олиб бориш, ўқув бинолари, талабаларнинг турар-жойлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини ҳар томонлама обод қилиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш топширилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур санани ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 9 апрель

МАЪРИФАТ МАСКАНИДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ

*Ўзбекистон Миллий университети ректори, химия фанлари доктори, профессор
Ғафуржон Муҳаммедов билан суҳбат.*

– Ғафуржон Исроилович, бу йил 90 йиллиги кенг нишонланаётган Миллий университетимиз тарихи зарварақларига битилган зарҳал битиклар жуда кўп. Суҳбатни ўқув даргоҳимизнинг ўтмишда қандай номлар билан аталганидан бошласак.

– Довруғи дунёга дoston университетимиз 1918 йилда ташкил этилган бўлиб, у қатор йиллар турли номлар билан номланган. Яъни, 1918 йилда Мусулмон халқ дорилфунуни, 1918-1919 йилларда Туркистон халқ университети, 1919-1923 йилларда Туркистон Давлат университети, 1923-1960 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети, 1960-2000 йилларда Тошкент Давлат университети деб аталган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 сентябрдаги «Тошкент Давлат университетига Мирзо Улуғбек номини бериш тўғрисида»ги Қарорига биноан Тошкент Давлат университетига Шарқнинг буюк олими ва мутафаккири Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай Улуғбек) номи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2000 йил 28 январдаги «Тошкент Давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақомини бериш тўғрисида»ги Фармони билан бу ўқув даргоҳи «Миллий университет» мақомига эга бўлган ва у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталмоқда.

– Миллий университетнинг бугунги илмий салоҳияти ҳам ўзига яраша, шундайми?

– Албатта. Миллий университетимиз бугун юксак салоҳиятли илм ва маърифат масканига айланган. Айна вақтда, унинг таркибида 13 та факультет (Биология-тупроқшунослик, География, Геология, Журналистика, Иқтисодиёт, Кимё, Механика-математика, Тарих, Фалсафа, Физика, Хорижий филология, Ўзбек филологияси, Ҳуқуқшунослик), 95 та кафедра, 16 та илмий лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Олий педагогика институти, Амалий физика илмий текшириш институти, Олий адабиёт ҳамда Олий журналистика курслари, 2 та академик лицей, ўқув-амалиёт маркази, Ижтимоий тадқиқотлар маркази, Амалий экология ва табиатдан умумли фойдаланиш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Республикамиз халқ хўжалиги соҳалари учун зарур бўлган юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, архившунослик, биоинформатика, биокимё, биофизика, генетика, геофизика, гидрогеология, геокимё, минералогия ва петрография, геология, фойдали қазилмалар конларини қидириш ва башорат қилиш, картография ва кадастр, компьютер лингвистикаси, манбашунослик, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, музейшунослик, психология, сиёсатшунослик, социология, халқаро журналистика, экология каби бир қатор янги таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бинобарин, бугунги кунда ўқув даргоҳида 46 бакалавр ва 115 магистратура йўналишида мутахассислар тайёрланмоқда.

Мамлакатимиз карвонбоши университети ҳисобланган ЎзМУ, айти вақтда, республика олий таълим тизимининг таянч олий ўқув юртига айланиб, унда барча олий мактаблар учун бакалавр босқичининг 34 йўналиши ва магистратура босқичининг 116 йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари тайёрланиб, таълим жараёнига татбиқ этилди.

Аспирантлар ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ҳимоясини амалга ошириш мақсадида университетда 12 та, жумладан, 7 та докторлик ва 5 та номзодлик ҳимоялари бўйича Ихтисослашган кенгашлар мавжуд. Сўнгги беш йил мобайнида бу кенгашларда 185 та номзодлик, 36 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Улардан 3 нафари хорижлик тадқиқотчилар эканлиги бу ўқув даргоҳининг турли давлатлар билан ҳамкорлиги қанчалик яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Университет Ихтисослашган кенгашларида 79 та ихтисослик бўйича фан номзодлари ва 25 та ихтисослик бўйича фан докторлари тайёрланмоқда.

– Олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари самарасини қандай баҳолаш мумкин?

– Буни замонавий технологиялар билан жиҳозланган Ахборот ресурс марказида ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда Интернет тизимига уланган компьютерлар хизмати ташкил этилган. Кутубхона фонди 3 миллиондан ортиқ адабиётларга эга. Мустақиллик йилларида чоп этилган ўқув адабиётларининг электрон нусхалари тайёрланиб, университетда жорий қилинган локал тармоқ тизимига узатилади. Бундан ташқари ҳар бир факультетда ўқув хоналари, кутубхоналар замон талабларига мос равишда жиҳозлантирилган.

Сўнгги беш йил давомида университет олимлари томонидан 60 га яқин дарсликлар, 350 дан ортиқ ўқув қўлланмалар, 200 га яқин ўқув-услубий қўлланмалар нашр этилган. Уларнинг бошқа ўқув юртлари етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда таълим тизимининг барча босқичлари учун 200 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилган.

Университет профессор-ўқитувчилари илмий изланишлар борасида Москва, Санкт-Петербург Давлат университетлари, Россия Давлат гидрометеорология институти, Океанология институти, Омск Давлат университети, Рязан шаҳридаги Ост-Лазер маркази ва бошқа нуфузли илмий муассасалар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда. Булардан ташқари Франция, Бельгия, Чехия, Хитой, Германия давлатларидаги қатор илмий муассасалар билан ҳамкорликлар ўрнатилган.

– Миллий университетда кадрлар салоҳияти ҳам алоҳида ўрин тутса керак?

– Буни бугунги кунда ўқув даргоҳимизда 21 нафар академик, 225 фан доктори ва профессорлар, 600 фан номзоди ҳамда доцентлар, 211 катта ўқитувчилар, 219 ўқитувчи ва ассистентлар илм-фан сирларидан сабоқ бераётганидан ҳам билса бўлади. Айти вақтда, 19 та докторант, 220 та аспирант ва 156 тадқиқотчи илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Бу ўқув даргоҳида бакалаврият босқичида 46 йўналиш бўйича 10 мингга яқин талаба, магистратура босқичида 115 ихтисослик бўйича 2 мингга яқин бакалавр таҳсил олмақда. Бу йил университетни муваффақиятли тамомлаган 3400 дан ортиқ толиб ва толибалар (жумладан, 831 нафари магистрлар) диплом олиб, амалий ҳаётга йўлландилар.

Мустақиллик йилларида 23 нафар талаба Президент стипендианти, 24 талаба Мирзо Улуғбек номидаги ва 27 талаба Алишер Навоий номидаги стипендиялар соҳиби бўлганлар. Университетда «ЎзМУ стипендияси» ҳамда ҳаёти давомида шу ўқув даргоҳида ёрқин из қолдиришган атоқли олимлар – Тошмуҳаммад Саримсоқов, Обид Содиқов, Саъди Сирожиiddинов, Содиқ Азимов, Убай Орипов, Ҳабиб Абдуллаев, Фулом Каримов, Иброҳим Мўминов номидаги стипендиялар ташкил этилган.

Университет тарихига назар солсангиз, ўтган йиллар мобайнида, бу қутлуғ даргоҳда таҳсил олган атоқли олимлардан 106 нафари академик даражасига эришганлар. Улардан 23 нафари Ўзбекистон Фанлар академияси президенти ва вице-президентлари бўлганлар. Олима аёллардан 113 нафари фан доктори ва профессор илмий унвонларини олганлар.

Университетда таҳсил олган зиёлилардан Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига, шунингдек, кўплаб профессор-ўқитувчиларимиз Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, «Буюк хизматлари учун» ордени ва бошқа унвонларга сазовор бўлганлар.

Ўқув даргоҳимизда 1918 йилдан буён «Ўзбекистон Миллий университети» (қатор йиллар турли номларда) кўп нусхали газетаси, 1997 йилдан буён «ЎЗМУ хабарлари» илмий журнали, 2008 йилдан «Журналистика масалалари» илмий альманахи чоп этилмоқда. Шунингдек, интернет тизимида www.nuu.uz веб-сайти, китоб нашриёти, босмахона, ахборот хизмати, журналистика факультетида «Журналист» ўқув газетаси, телерадиостудия, фотостудия фаолият кўрсатмоқда.

– Миллий университетнинг Илмий мактаблари ҳам дунё олимларида катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. Ана шу Илмий мактаблар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Маърифат бўстонида фидойи олимларнинг ўз илмий мактабларини яратишлари ғоят муҳим жараён ҳисобланади. Илмий мактаб тушунчаси жуда кенг мазмун ва маънога эга. Уни умумилмий дунёқарашга эга бўлган, фанда бирор илмий назарияларга, ғояларга таянган аниқ илмий мақсадлар йўлида тадқиқотлар олиб борувчи олиму мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорликда илмий фаолият юритувчи ижтимоий-иждоий уюшмаси, дейиш мумкин. Илмий мактабнинг ҳудудий чегараси унинг ўзидан бошланиб, бир неча мамлакатлар, ҳатто дунё бўйлаб ёйилиши табиий бир ҳолдир. Илмий мактабларни илм-фанга ўзларини бахшида этган заҳматқаш, алоҳида қобилият ва иқтидорга эга бўлган олимларгина яратади.

Фанда мактаб яратиш буюк ажодларимиздан меросдир. Абу Райҳон Бериуний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби ўнлаб даҳо бобокалонларимиздан мерос қолган илмий мактаблар бугунги кунда ҳам бутун дунё илм аҳли учун жуда қадрлидир. Оққан дарё оққани каби бу анъана Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети олимлари томонидан изчил давом эттирилмоқда. Зеро, турли даврларда олимлар ўзларининг илмий мактабларини яратганлар. Ўтган йиллар мобайнида, университетимиз олимлари томонидан яратилган 50 га яқин ана шундай илмий мактаблар жаҳон илм аҳли томонидан эътироф этилган.

ЎЗМУда яратилган мазкур илмий мактаблар бугунги техник тараққиётнинг ҳам пойдевори ҳисобланади. Зеро, улар бугун ҳам турли фанлар ривожига баракали ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир.

Университетимиз тарихида ёрқин из қолдирган ана шундай илмий мактаблардан бири – «Умуртқалилар зоологияси илмий мактаби»га биринчи ўзбек зоолог олими Теша Зоҳидов асос солган. «Биокимё илмий мактаби» яралишида Ёлқин Тўрақуловнинг хизматлари беқиёсдир. «Ўза генетикаси илмий мактаби»ни атоқли генетик олим, академик Жўра Мусаевсиз тасаввур этиб бўлмайди. Академик Ҳабиб Абдуллаев раҳбарлигида ташкил топган «Магматизм ва геодинамика – петрология илмий мактаби»нинг янги йўналиши ҳам жаҳон олимлари эътиборини тортган.

XX аср ўрталарида Ўзбекистонда фалсафий олимларни тадқиқ этишда академик Иброҳим Мўминовнинг хизматлари алоҳида. Бу ўзбек олими яратган «Маданият фалсафаси илмий мактаби» ҳам кўпчиликни қизиқтириши, шубҳасиз.

Всеволод Романовский, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирождидиновлар яратишган «Ўзбекистон эҳтимолликлар назарияси ва математик статистика илмий мактаби», академик Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг «Тошкент функционал анализ илмий мактаби», академик Қори Ниёзий асос солган «Дифференциал тенгламалар илмий мактаби», академик Обид Содиқовнинг «Табиий бирикмалар ва биоорганик кимё илмий мактаби» ҳақида ҳам кўп фикрлар айтиш мумкин. «Юқори молекулали бирикмалар кимёси илмий мактаби»нинг раванқ топишида академик Хамдам Усмоновнинг хизмати беқиёс. Кимё соҳасида академик Шукур Толипов асос солган «Аналитик кимё илмий мактаби», академик Нусрат Парпиев асос солган «Координацион бирикмалар кимёси илмий мактаби» ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Физика соҳасида «Легирланган кремний физикаси илмий мактаби», «Органик ярим ўтказгичлар физикаси илмий мактаби», филология йўналишида профессор Айюб Фуломов асос солган «Ўзбек тилшунослиги илмий мактаби», профессор Фулом

Каримов яратган «Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш илмий мактаби», профессор Ғайбулла Саломов асос солган «Ўзбек таржимашунослиги илмий мактаби» нинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Ўтган 90 йил мобайнида шаклланган бундай илмий мактаблардан турли даврларда наннки юртимиз, айни вақтда, қўшни республикаларнинг илм аҳли ҳам бирдек бахраманд бўлганлари бугунги ёш олимларни ҳам доимо жипслаштиради, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– **Университетнинг 90 йиллик юбилейига қандай ҳозирлик кўрилди?**

– Назаримда, юбилейга тайёргарлик кўриш тадбирлар режасида белгиланган вазифалар деярли тўла амалга оширилди. Бу ишларда жамоамиз билан бир қаторда тегишли ташкилотлар, ҳомийлар ҳам камарбаста бўлдилар. «Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожига Ўзбекистон Миллий университетининг роли» мавзусида ўтказилган халқаро илмий конференция олдидан 200 дан ортиқ анжуман иштирокчисининг илмий маърузалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида алоҳида тўплам ҳолида чоп этилди. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи «Мўътабар зиё маскани (1918-2008)», «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Илмий мактаблари», «Ўзбекистон» нашриёти «Университет – менинг ҳаётимда» деб номланган китобларни чоп этдилар. Булардан ташқари «ЎЗМУ хабарлари» илмий журналининг махсус сони, «Национальная кузница кадров» тўплами, «Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека 90 лет» деб номланган буклет чоп этилди.

ЎЗМУ тарих музейида сақланаётган осори-атиқаларнинг тасвирлари акс эттирилган махсус оқриткалар ҳам юбилейга муносиб совға бўлди. Айниқса, «Мирзо Улуғбек – ўзбек халқининг буюк мутафаккири, жаҳонга таниқли астроном ва давлат арбоби», «Алишер Навоийнинг «Хамса» асарининг XIX асрда кўчирилган нусхаси», «Ажойиб ул-махлуқот» қомусий асарининг тошбосма нусхаси тасвири, овоз тўлқинларини ёзиб олишга мўлжалланган «Эдисон қурилмаси», «XVIII аср охири – XIX аср бошларига оид расмий иш қоғозларининг асл нусхалари», Юра даврига мансуб «Палеонтология балиғи изи тамғаси», «Капалаклар коллекцияси», «Проекцион қурилманинг дастлабки хилларидан бири», «Оссуарий. Кеш. VII–VIII асрлар (Илк ўрта асрлар)», «Арча қайчитумшуғи», Ҳисор тоғи тизмасидаги «Юра даври динозаврининг изи», геология музейига оид «Тоғ жинслари», ўрта асрлар дурдонаси бўлган «Нақши босма усулда туширилган кўза», «Илоҳий жонзот ниқоби» каби ранг-баранг тасвирлар акс этирилган оқриткалар барчада қизиқиш уйғотмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ЎЗМУнинг 90 йиллиги муносабати билан нашр этилган мазкур китоблар, буклет ва оқриткалар, қатор газета ва журналларнинг ушбу юбилейга атаб чиқарилган махсус сонлари жонажон университетимизни яна бир бора қайта кашф этди десак бўлади.

– **Юбилей муносабати билан ўтказилган халқаро анжуман университет тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолса керак?**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 9 апрелдаги «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорида шу йил август ойида «Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожига Ўзбекистон Миллий университетининг роли» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказишни юқори савияда ташкил этиш алоҳида қайд этилган эди. Шу муносабат билан 22-23 август кунлари «Дедеман» меҳмонхонаси мажлислар залида ана шу халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда турли муассасалар масъул ходимлари, мамлакатимиз олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда, Россия, АҚШ, Германия, Польша, Чехия, Украина, Қозоғистон каби 20 га яқин давлатлардан ташриф буюрган таниқли олимлар иштирок этдилар.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимиз ва Марказий Осиёда илм-фан ривожига, миллий кадрлар тайёрлашда, турли давлатлар илмий муассасалари билан илмий ҳамкорликларни раванқ топтиришда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўрни ва ролига алоҳида эътибор қаратиб, бу ўқув даргоҳида раванқ топган илмий мактаблар фаолиятига юксак баҳо бердилар.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган анжуманда мамлакатимизда таълим тизимининг ижтимоий тараққиётдаги аҳамиятига, табиий, ижтимоий фанлар борасидаги муаммолар, уларнинг ечимлари ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Ёшлар фестивали ҳам талабалар қалбида ўчмас из қолдирганини эътироф этса арзийди. Шундаймасми?

– Юртбошимизнинг мазкур Қарориди 2008 йил сентябрь ойида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси стадионида «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» шиори остида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабаларининг фестивалини ташкил этишни таъминлаш вазифаси белгиланган эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу фестивал мамлакатимизда эълон қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар билан ҳамоҳанг бўлиб, ёшларнинг чинакам кўшалок байрамига айланди. Жорий йилнинг 8–20 сентябрь кунлари мобайнида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси стадионида, шунингдек, ЎзМУ спорт заллари, очиқ спорт майдонлари ва «Сув спорти саройи»да белгиланган муддатларда мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари анжуманлари, турли тадбирлар ўтказилди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси стадионида ўтказилган мазкур фестивалда республикамиз олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ва қатор ўрта-махсус касб-хунара таълим муассасалари иқтидорли ўқувчиларидан 3200 нафари иштирок этдилар. Фестивал иштирокчилари тантанани Мустақиллик майдонидаги «Мустақилик ва эзгулик» монументига гул қўйишдан бошладилар. Сўнг, Олий Мажлис Сенати биносида сенаторлар ва депутатлар билан учрашув бўлиб ўтди. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида мазкур фестивалга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Меҳмонлар учун Маданият саройида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тўғрисида ҳужжатли фильм ҳамда республика олий ўқув юртлари «Қувноқлар ва зукколар» кўрик танлови ғолиблари ва бошқа ижодий гуруҳларнинг бадиий чиқишлари намойиш этилди.

Фестивал иштирокчилари «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси стадионида ташкил этилган ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг ЎзМУнинг 90 йиллигига бағишланган илмий ишлари тўпламлари, университетда сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари кўргазмалари, Президент стипендиатлари, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек номидаги стипендиялар соҳибларининг, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази танлови ғолибларининг, ижодий ишлари билан ҳам танишдилар. Шу куни спортчи талабаларнинг турли мусобақаларда эришган ютуқлари, диплом ва медаллар, иқтидорли талабаларнинг кўрик танловларда қўлга киритган ютуқлари, республика фан олимпиадаси ғолибларининг диплом ва фахрий ёрлиқлари, талабалар учун яратилган шароитлар, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар натижаларини акс эттирувчи стендлар ҳам намойиш этилди. Фестивал доирасидаги қатор тадбирлар қарийб икки ҳафта давом этди. Яъни, деярли ҳар куни ЎзМУ спорт майдонларида Тошкент шаҳар олий таълим ва ўрта махсус касб-хунара таълими муассасалари талабалари ўртасида махсус спорт мусобақалари ўтказилди. Унда турли ўқув юртлари спорт жамоалари ўртасида мини футбол, волейбол, баскетбол, футбол, сузиш, теннис, шахмат бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Мухтасар қилиб айтганда, университетимизнинг 90 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган барча анжуман ва тадбирлар унинг эртанги истиқболи учун янги уфқларни очмоқда.

Тўлқин Эшбек суҳбатлашди



Носир Фозилов,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган санъат арбоби,
Давлат мукофотининг соҳиби,
1949–1954 йилларда ўқиган

МЎЎТАБАР УСТОЗИМ

Саратоннинг жазирама кунларидан бирида, чипта олишга ҳам қурби етмаган, эгни жулдур бир деҳқон боласи тарақа-туруқ қилиб елиб бораётган вагонлар томида Тошкент сари ошиқарди. Поезд йўл четидаги пастқам-пастқам уйларни, яккам-дуккам дарахтларни, бийдай далалару яланғоч тепаликларни ортда қолдириб олға интилар, паровоз мўрисидан чиқаётган қора ва қўланса тутунга йигитча парво ҳам қилмасди. Аслида, оқ-сарикдан келган ўспириннинг афт-башараси тутун қурумидан таниб бўлмайдиган даражада тасқара бўлиб кетган эди. Унинг кўнглида биргина эзгу ният – у ҳам бўлса фақат ўқишга кириб олиш, келажақда одамларга фойдаси тегадиган тузукроқ одам бўлиш истаги ҳукмрон эди.

Шундай эзгу ниятлар билан Туркистон деган кўҳна кентнинг чекка қишлоғидан йўлга чиққан ўша ўспирин – мен эдим. 1949 йилнинг июл ойида тўппа-тўғри Тошкентга келиб, Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни (ҳозирги ЎзМУ)нинг бўсағасидан ҳатлаб, филология факультетига ўқишга кириш учун имтиҳон топшира бошладим. Омадим чолиб, ўқишга ҳам кириб олдим.

Ўша кезларда Дорилфунун ҳозирги Амир Темур хиёбони ёнида жойлашган эди. Биз чекка-чеккадан келган йигит-қизлар бу муқаддас ва мўътабар ўқув даргоҳи билан жуда-жуда фахрланардик. «Қаерда ўқияпсан?» деб сўраганларга оғзимизни тўлдириб: «Ўрта Осиё Давлат дорилфунунида!» деб жавоб берардик. У пайтларда, менинг назаримда, бизларга энг зўр, энг сара домлалар сабоқ беришарди. Улар: Абдурахмон Саъдий, Ғулом Каримов, Турсун Иброҳимов, Теша Салимов, Зикриё Мирҳожиев, Фозила Сулаймонова, Шавкат Раҳматуллаев, Ёқуб Ғуломов, Сиддиқ Фузаилов, Фирдаус ... Биз бу домлаларнинг баридан сабоқ олганмиз. Буларнинг бари бизга устоз эди. Ахир, халқимиз: «Устоз отангдай улуг», деган гапни бекорга айтмаган-ку!

Дорилфунуннинг меҳрибон бағрида ўсдик, улғайдик, билим олдик ва шу ердан ҳаёт сари парвоз қилдик. Шу боис бўлса ажаб эмас, камина ҳар сафар бу мўътабар даргоҳ олдидан гоҳ яёв, гоҳ автокўликда ўтаётганимда бош кийимимни олиб, таъзим билан ҳурматимни, эъзозимни изҳор қиламан. Ўша пайтларда олган сабоқларимни, домлаларимни, уларга топширган имтиҳонларимни бир-бир эсламан. Кўнглим энтикиб кетади.

Бу Дорилфунуннинг қулочи кенг, даргоҳи ҳам кенг, жуғрофияси ҳам кенг эди. Бу мўътабар даргоҳда кимлар ўқимаган дейсиз? Қозоқ адабиётининг буюк намояндаси Мухтор Аvezов ҳам шу даргоҳда аспирантурада таҳсил олган. Ўзбек адабиётининг номдорлари: Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Саида Зуннунова, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев... Эҳ-ҳе, айтаверсак саноғи йўқ!..

Агар жоиз бўлса, мен бу мўътабар даргоҳни Падари бузруквору Мухтарамана онаизорга ўхшатган бўлардим. Ахир, бу Дорилфунун не-не олий ўқув юртларининг ташкил этилишига бош-қош бўлиб, ота-оналик меҳрини кўрсатмаган дейсиз? Ўзимиздагию, Ўрта Осиё минтақасидаги кўпгина олий ўқув юртлари мазкур Дорилфунун бағридан етишиб чиққан даргоҳлар ҳисобланади...

...Менинг жонажон Дорилфунуним!

Менинг мўътабар устозим!

Мен ҳам бугун бағриндан қанот ёзиб парвоз қилган барча толибларинг қатори сени муборак 90 ёшинг билан чин дилдан қўтлайман.

Илоё фарзандларимизга билим беришдан чарчама. Ўзининг 2200 йиллик табарруқ тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Доруссалтанат (Тошкент)га сендек Дорилфунун худди узукка кўз қўйгандек ярашади. Доруломонлигу дорулбақолик сенга ҳаммиша ёр бўлмай!

Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси,
1958–1963 йилларда ўқиган

ДОРИЛФУНУНГА

Неки қалбимизга чўғ бўлиб тушган,
Сенинг оташингда тобланган бари.
Ғиштин биноларинг тафтида пишган
Муҳаббат аталмиш севги гавҳари.

Ўйлар сурар эдик тегрангда узоқ
Толиба – Лайлию талаба – Мажнун.
Муҳаббат дарсидан бергайсан сабоқ,
Вафо дарсхонаси, эй Дорилфунун.

Сенинг кучоғингда топдик дўсту ёр,
Дўстлик нималигин англаб ололдик.
Ҳазил-мутойиба бўлса ҳам бисёр
Ва, лекин, дўстликка содиқ қололдик.

Бу кун ҳар қайларда юрсак ҳам йироқ,
Дўстларни эслаймиз – дилда ҳаяжон.
Оташин дўстликдан бергансан сабоқ,
Эй, сен Дорилфунун – мунис онажон!

Ҳар бир мустақил мамлакатнинг, миллатнинг фақат битта Миллий университети бўлади. Бу тарихий анъаналарга бой, катта илмий педагогик салоҳиятга эга бўлган олий даргоҳ. Унинг ўқитувчи, аспирант, магистр ва талабаси бўлиш буюк неъмат ва айни вақтда катта масъулият ҳамдир.

Абдусами Солнев,
профессор, Ўзбекистон География
жамияти президенти



Эркин Воҳидов,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири,
1955–1960 йилларда ўқиган

ДОРИЛФУНУНГА

Яна йигирма – йигит ёшимга
Узоқ йиллар ўтиб қайтган бу куним,
Таъзим қилиб келдим сенинг қошингга
Азизим, мунисим, Дорилфунуним.

Недирсан? Олисга ундаган садо,
Ё олис йиллардан чорлаган уним.
Сени соғинаман ва тирикман то
Сенга интиламан, Дорилфунуним.

Болангман, бор ҳали ўзингга ҳамдам
Шўхлик, эркалагим, андек жунуним.
Ким бўлсам, не бўлсам ва қайда бўлсам,
Сең мени тергаб тур, Дорилфунуним.

Ҳаёт бешафқатдир, яшаш мураккаб,
Ёзолмай гоҳ дилга чўккан тугуним.
Илтижо қиларман, бедор юракка
Қудрат бер, ёшлигим – Дорилфунуним.

Ҳали бу оламга саволим кўпдир,
Хаёлим қушида йўқ лаҳза кўним.
Яна шамчироғинг керак бўлибдир,
Йўлимни ёритгин, Дорилфунуним.

Шеър у ишқ, бахт, қувонч – дунё бири кам,
Фақат эътиқодим – танҳо бутуним.
Қалбим тубидаги энг ёруғ нуқтам
Сенга талпинарман Дорилфунуним.

Эзгулик соғинчи ўртаб кўнглимни
Бош уриб қошингга келган бу куним –
Сидқимни қабул эт, тарк этма мени,
Азизим, мунисим, Дорилфунуним.

Аҳмаджон Мелибоев,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»
газетасининг Бош муҳаррири,
1969–1974 йилларда ўқиган

ҲАМОН ҚАДРДОН ДАРГОҲ

Инсон умри ҳар дақиқасининг ўзига яраша маъно-мазмунли бўлади. Йиллар ўтган сари бу мазмунлар бир-бирини тўлдириб, бири иккинчисига пойдевор бўлиб боради.

Тошкентда кечаётган қирқ йиллик умримнинг дастлабки беш йили мен учун бир умр қадрдон бўлиб қолган бугунги Миллий университетимиз бағрига тўғри келади. Олтимиш тўққизинчи йилнинг кузида тўртта жиддий имтиҳондан ўтиб, талабалikka қабул қилинганман.

Тошкентга биринчи марта келиб, Университетга ҳужжат топшириб, тушлик пайти ошхонада паловни... тарозида тортиб беришаётганини кўриб, юрагим орқага тортиб кетган – бу ҳисоб-китобли дунёга сингиб кетишим қийин-ов, дея иккиланиб турганимда, талабалikka қабул қилинганлар рўйхатида менинг ҳам номимни ўқиб қолишган.

Беш йил оқар сувдай ўтиб кетди. Ёдимда қолган ҳамма нарсаларни санаб ўтишим қийин. Бири иккинчисидан мароқли, бетакрор, ширин хотиралар. Назаримда, ҳар бир дарс, таниқли қалам соҳиблари билан бўладиган учрашувлар бадий адабиётга, инсонийликка, маънавиятга бевосита дахлдор бўлиб, бирортасини қолдиргудек бўлсак, зарур бир нимани йўқотишимиз тайин эди. Дарслар жонли, баҳс-мунозара тарзида ўтарди. Журналистика факультети талабаларига сабоқ бераман деган домла дарсга жиддий тайёргарлик кўрмаса, мулзам бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Сувон Мели, Иқром Отамурод, Аҳмад Хўжа, Шарифа Салимова, Манзура Мирзаева, Раҳматилла Шералиев, Олимжон Ҳакимов, Ибодилла Жаҳонгиров сингари курсдошларим домлаларга баъзан шунақа саволлар беришардики...

Талабалик йилларимизда Зулфия, Асқад Мухтор, Воҳид Зоҳидов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Лазиз Қаюмов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўлмас Умарбеков ва бошқа кўплаб ижодкорлар билан бевосита танишганмиз. Университетда улар билан бўладиган учрашувлар шу қадар ҳаяжонли кечар эдики, бир неча кун эшитган-тинглаганларимиз таъсирида юрардик. Энди ўйласам, бўлажак журналист, филолог учун бундай учрашувларнинг аҳамияти жуда катта экан. Бир гал, Ўткир Ҳошимов билан учрашганимизда, кўшни факультетнинг бизга нотаниш домласи – Абдуғафур Расулов: «Мен Ўткиржон билан бўладиган бу учрашувдан ҳозир хабар топдим, алоҳида тайёргарлик кўрганим йўқ», дедию шунақа бийрон, таъсирчан ва яна қоғозга қарамай маъруза қилдики, мен, тўғриси, ҳайрон бўлиб қолдим. Фақат мен эмас, бошқалар ҳам қойил қолишди. Домла Ўткир аканинг ижодини муаллифнинг ўзидан ҳам яхшироқ билса керак, дедим ичимда. Бошқа бир гал Лазиз Қаюмов ажойиб лутфлари, ҳазил-мутойибалари билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига қаратди. Ўшанда, мен ўзимга-ўзим агар, вақти-соати келиб, бирор жойда маъруза қиладиган бўлсам, худди шундай – қоғозга қарамай гапираман, дея сўз берганман.

Файбулла Саломов домла дарс ўтар экан, ҳар гал аудиторияни ўзига ром қилиб оларди. Фикрларини доскага ёзиб, чизиб, белгилар билан безаб тушунтирарди. У кишининг дастхати санъат даражасида эди.

Факультет декани Тўғон Эрназаров талабапарварлиги билан ёдимизда қолди. Домланинг олдига кирган киши бирор юмуши бўлса, албатта, битириб чиқарди.

Устозларимизни унутганимиз йўқ, ҳаммаларини номма-ном айтишим қийин, албатта, кимдир эсимдан чиқиб қолган бўлса, олдиндан узр сўрайман. Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Шариф Юсупов, Ботирхон Ақромовларнинг дарслари қўшиққа ўхшаб кетарди. Очил Тоғаев, Тоҳир Пидаев, Сайди Умиров, Назира Абдуазизова, Мухтор Худойқулов, Бойбўта Дўстқораев, Ирисали Тошалиевлардан кўп нарса ўрганганмиз.

Ҳар бир дарс ёки семинар машғулотида жиддий тайёргарлик кўриб келардик. Баъзан факультетдаги сабоқлар билан қаноатланмай, қўшни филология факультетида бўладиган учрашувларда, баъзи дарс ва муҳокамаларда ҳам хуфиёна қатнашиб, бир нималарни илғаб олишга интилардик.

Кимдир бир соат дарс қолдирса, курсда мувозанат бузилгандай бўларди. Бир хонада эллик икки киши ўқисак-да, ҳамманинг ўзига яраша ўрни бор эди. Яхши бир муҳит яратгандик. Кечаси ётоқхонада баҳслар авжига чиқар, ҳали сиёҳи қуримаган шеърларни қироат билан ўқиш тонгача давом этарди. Бордию кимнингдир булбулнинг қанотидай ахбороти «Тошкент оқшоми» ёки ёшлар газетасида босилиб чиқса, муаллиф шу газетадан ўн-ўн бешта харид қилиб яқин дўстларига (ҳаммага эмас) автограф билан совға қиларди.

Мен гуруҳ «оқсоқоли» эдим (бу иборани биринчи бўлиб, Сувонқул қўллаган), ҳар куни йигитлардан бирини, кўлига йигирма тийиндан пул бериб, Бешёғочга, «думба-жигар» пирожка олиб келишга жўнатардик. Стипендияни ўртача қирқ олти-қирқ етти киши оларди. Икки сўмдан йиғиб, қолган тўрт-беш кишига ҳам маълум сумма ажратишни одат қилганмиз. Бу таомил бошқа курсларда бўлмаган.

Ҳозир қандай билмайман, аммо у йиллари меҳр-оқибат кучли эди, чамамда. Бирорта курсдошимиз имтиҳондан қулагудек бўлса, домланинг атрофини ўраб, озроқ ёлғон, лоф аралаштириб бўлса-да, ёнини олардик. Кимнингдир бошига мусибат тушса, домлалардан рухсат сўрардик-да, поездга ўтириб, воҳа ёки водийга жўнаворардик.

Домлаларга имтиҳон топширганимизни ҳам яхши эслайман. Бир гал талабчан ўқитувчимизнинг олдига дастурхон ёзиб, битта ликопчада гилос, иккинчисида қулупнай қўйган эдик, домла: «Буни ўзларинг енглар», деб уришиб берган. Беш йил ичида таъмагирлик деган иллатга дуч келмаганмиз. У йиллари бу сўз, назаримда, истеъмолга кирмаган эди...

Биринчи курслигимизда пахтага чиққанимиз кечагидай эсимда. Мирзачўлда роса етмиш кун қолиб кетганмиз. Айти шу жойда катта бир дорилфунундан ўтганмиз. Баъзи бўлажак ҳамкасбларимиз бир уйда яшаш, бир қозондан таом ейиш, бир-бирига кўмақдош бўлишдек энг зарур фазилатларни шу жойда ўрганишган. Кимнинг ким эканлиги, нимага қодирлиги шу чўлда аниқланган.

Тўртинчи курсга ўтганимизда бир сўмдан пул йиғиб (Раҳматилла Шералиев билан Олимжон Ҳакимов тантилик қилиб, икки сўмдан беришган), чойхонада «ҳалпана» ош қилишни бошлаганмиз. Журналист бўлмоқчи одам ҳаётни чуқур ўрганиши керак экан. Биз бўлсак, ош масаласига жуда юзаки қарабмиз. Яъниким, чойхонада бутифосга тўйинган пахта ёғига ош қилиш дуруст эмаслигини билмабмиз. Чойхоначининг танбеҳи ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглаб туради.

Ўқишни битириб кетганимиздан кейин ҳам Тошкентда қолган аксарият курсдошлар бир неча йил давомида 1 сентябр куни яхши кийиниб, кучоғимизни гулга тўлдириб, худди ёш талабалардай дарсга бориб юридик. Бу бизнинг жонажон Университетимизга меҳримиз, эҳтиромимиз эди. Мана энди, ўзим ҳам «домла» бўлиб, бўлажак ёш ҳамкасбларимга сабоқ бераман. Аммо, ҳар гал Университет биносига яқинлашганимда, бу азим даргоҳдан ҳали яна кўп нарса олишим зарурлиги ҳақида ўйга толаман...



Аҳрор Аҳмедов,
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош муҳаррири,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
1977–1982 йилларда ўқиган

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ТАРҒИБОТЧИСИМАН

Ўзи инсон ҳаётида мақтанадиган тўрт-бешта ҳолатлар бўлади. Мендаги ана шундай ҳолатлардан бири университет билан боғлиқ. Биз ўқиган пайтда журналистика факультетига атиги йигирма бешта талаба қабул қилинган. Тўрт юзтача абитуриент ҳужжат топширганди. Ўзи ҳужжат топширишим ҳам қизиқ бўлган. Поезддан тушибоқ, ҳозирги «Туркистон» газетасига борганман. Бир нечта мақолалар ёзгандим, шуларни топширгани. Таҳририятдагилар ўқишга келганимни билиб: «Олдин бориб ҳужжатларни топширинг, ўқишга кириб олинг, мақола ёзиш қочмайди, бир умр мақола ёзасиз кейин», дейишганди.

Улар билиб айтишган экан. Ҳужжатларимни у ери кам, бу ери чатоқ деб, роса сарсон бўлганман. Икки қайта қишлоққа бориб, охири куни энг охири бўлиб ҳужжат топширганман. У пайтда имтиҳоннинг биринчиси иншо бўларди. Боя мақтанадиган нарса деганим шунда бўлган. Тўрт юз чоғли абитуриентдан битта менга «беш» чиққан. Ҳали-ҳануз курсдошлар йиғилсак мақтаниб юраман. Бу «беш» менга нафақат баҳо сифатида, балки ҳаётда адолат, ҳақиқат борлигига ишонч уйғотган. Университет ана шундай адолат, ҳақиқат, эзгулик гўшаси сифатида бир умр юрагимда энг ёрқин хотиралар билан қолган.

Ўша пайтларда ҳам: «Ўқишга кириш учун қуруқ билимнинг ўзи кифоя қилмайди», деган тагдор гаплар бўларди. Мен қуруқ билимнинг ўзи билан, бошқа жойни билмадим, лекин Университетга кирса бўлади деб, ўз мисолимда ҳамма жойда гапириб, жуда кўпчиликни шу даргоҳга ўқишга киришга ундаганман.

Шунга ҳам ўттиз йилдан ошиб кетди. Ўшанда ҳам имтиҳондан олдин ижодий конкурс бўларди. Ҳозир қатор йиллардан бери ўзим ҳам унда қатнашаман. Абитуриентларга қараб, ўша даврлар эсимга келади. Мана йиллар ўтиб нимагаки эришган бўлсак, барчасининг замирида Университетда олган таҳсилимиз, тарбиямиз ётади.

Бу қутлуғ даргоҳнинг 90 йиллик байрами арафасида бизнинг давримизда бўлган 60 йиллик тўйи эсга тушади. Шўролар замони эди. Байрамнинг ҳар бир тадбирида унинг нуқси уриб туради. Комсомол комитетга чақириб: «60 йиллик юбилейга 60 дона оппоқ каптар топиб келасизлар. Байрам очилишида осмонга учирасизлар», деб топшириқ олдик. Шунга яраша пул ҳам беришди. Ўйлаб-ўйлаб Чорсуга бордик. Бир таниш каптарчи бор эди. Ундан маслаҳат олдик. Хадрада бир каптарбоз бор экан. Оқ каптарларнинг «додаси ўшанда», деди. Бориб у билан гаплашдик. Маъқуллашдик. Пулнинг ярмини унга бердик. Чунки ўргатилган каптарлар яна ўз манзилига қайтаркан. Қолган пулга курсдошлар ош қилиб егандик...

Мабодо, бу байрамга ҳам каптар керак бўлса, таниш бор... Бу энди бир ҳазил. Муҳими, шу даргоҳнинг табарруклиги. Тўйинг қутлуғ бўлсин мўътабар даргоҳ!



Баҳодир Карим,

ЎзМУ «Жаҳон адабиёти ва
назарияси» кафедраси мудир,
филология фанлари доктори,
1986–1991 йилларда ўқиган

ТАФАККУРНИНГ ОЛТИН БЕШИГИ

Ҳаётда бир умрга эсдан чиқмас воқеалар, отадек мўътабар инсонлар, табаррук масканлар бўлади. Улар ҳар кимнинг яшаш тарзига, тафаккур йўсинига ўз таъсирини ўтказди. Бу ҳол ҳақиқат мезонларини, ўзи интилаётган чўққини аниқлаб олишга ва, умуман, ҳаёт йўлининг моҳиятини теран англашга ёрдам беради. Одам муборак қадамжоларни, кўнглига яқин кишиларини қўмсагани каби ҳаётида ўчмас из бўлиб қолган ўша ўтмишини қайта-қайта эсга олади, қўмсайди. Айни чоғда, бевосита ўша ҳодисалар, дилгир лаҳзалар орасида юрганида ҳам қалбида чексиз ғурур пайдо бўлади. Шахсан мен Ўзбекистон Миллий университети билан боғлиқ таълимни, илмий-педагогик иш фаолиятимни эслаганда, айнан, шу ҳолга тушаман. Зеро, устозлар ўғити бир умрлик сабоқ, дийдори ғанимат. Илм йўлида орттирилган дўстлар бир умрлик қадрдон. Университетимиз улуғ, ҳайбатли ва табаррук маскандир. Гарчанд, инсон заминнинг қайсидир гўшасида жисман таваллуд топган бўлса-да, университетда, чин маънодаги маънавият масканларида маънан-руҳан қайта туғилади. Бу гап каминага ҳам тааллуқли, албатта.

Биз Университет билан ҳар доим фахрланамиз ва унга талпинамиз. Нега? Чунки қалбимиз кўзи шу даргоҳда очилди. Янгича миллий тафаккур таваллуди, айнан, шу Университетда содир бўлди. Бу табаррук даргоҳнинг маънавият булоғидан сув ичиб улғайдик, улғайиб сув ичдик. Зеро, зиёлиларни, олимларни енгилмас куч сифатида бирлаштириб турган маскан ҳам шу даргоҳдир. Тўқсон йилдан буён Университетдан таралаётган зиё нафақат Ўзбекистонни, балки кўшни мамлакатларни ҳам, узоқ-яқин хорижни ҳам ёритмоқда. Яхши биламизки, Миллий университетда вьетнамлик, афғонистонлик, ҳиндистонлик, хитойлик талабалар таҳсил олган ва бу таълим ҳозир ҳам давом этмоқда. Марказий Осиёнинг энг талантли математиклари, физиклари, химиклари, геологлари, филологлари, ёзувчи ва шоирлари, айнан, ана шу даргоҳ фарзандларидир. Демак, Миллий университет ўз тарихи давомида турли фан соҳасида улкан кашфиётлар қилган юзлаб академикларни, халқ хўжалигининг минглаб етук кадрларини етиштириб чиқарди. Узоқ ўтмишдаги аждодлар – хоразмийлар, берунийлар, бухорийлар, самарқандийларнинг аъналарининг муносиб давомчилари, айнан, шу даргоҳда дунёга келди. Ҳар бир фан соҳаси бўйича илмий мактаблар яратилди. Энг муҳими, Миллий университет Марказий Осиёдаги айрим олий ўқув юртлари, Ўзбекистондаги аксарият институт ва университетлар учун асос вазифасини ўтади. Ўша даргоҳлар, аввало, навниҳол ўлароқ университет бағрида куртак ёзди, сўнгра ҳар бири алоҳида бўлиб улкан мевали дарахтларга айланди.

Шахсан мен 80-йиллар охирида университетда талаба бўлдим. Аспирантура ва докторантурада таҳсил олдим. Аввалига 20-йиллар адабий танқидчилиги ҳақида номзодлик, сўнгра қодирийшунослик талқинига доир докторлик диссертацияларимни ҳимоя қилдим. Уч йил давомида декан сифатида ўзбек филологияси факультетини бошқардим. Сал кам ўн йилдан бери «Жаҳон адабиёти ва назария» кафедрасига мудирлик қиламан.

Университет бизни илмий фикрлашга, илмни қадрлашга ўргатди. Биз устоз олимларга эргашдик. Озод Шарафиддиновнинг ҳақгўйлик сабоқлари, Умарали Норматовнинг ҳаяжонли маърузалари, Бегали Қосимовнинг жиддий фикрлаш тарзи, Норбой Худойбергеновнинг фикрдаги шиддати, Лазиз Қаюмовнинг нотиклиги минглаб талабаларнинг қалбидан жой олди. Шавкат Раҳматуллаев, Иристой Қўчқортоев, Миразиз Миртожиев каби тилшуносларнинг сабоқлари эсан чикмайди. Юзлаб адабий анжуман, суҳбат ва учрашувлар одам танишга ёрдам берди. Айнан, шу даргоҳда адабиётнинг сир-синоатини англай бошладик, бадиий сўз жозибасини ҳис этдик. Энг асосийси, сўз қудрати, имконияти тафаккуримизга ўрнашди, сўз дарди ҳақиқий ҳамроҳимизга айланди. Миллий университетдаги таълим ва таҳсил бизга ҳақ сўзни айтиш йўлларини, баҳслашув маданиятини ўргатди, жуда зарур фикрни ўз вақтида ва ўз ўрнида айтишдан, айна чоғда, сукутнинг ҳикматидан дарс берди.

Миллий университет муаллими унвони билан, Ўзбекистоннинг энг биринчи илм даргоҳи номи билан хорижда ўтадиган анжуманларда қатнашиш ҳам кўнгилга сурур бағишлайди.

Туркиянинг Мармара университетида, Германиянинг Лейпциг шаҳрида ўтказилган халқаро илмий анжуманларда Миллий университетининг бир ходими сифатида қатнашдим. Айниқса, профессор Р. Ашуров билан бирга 2005 йили Пекиндаги Миллатлар Марказий университети раҳбарияти билан ўзаро ҳамкорлик, ўша университетда ўзбек тили бўлимини очиш масаласи бўйича ЎзМУ номидан музокаралар олиб борганимизни эслаб, фахрланиб юраман...

Ўзбекистон Миллий университети ҳозирги кунда олий таълим тизимидаги жуда кўп фан соҳасининг намунавий фан дастурлари, ўқув режаларини тузиш бўйича таянч олий ўқув юртидир. Мен университет тарихи ва бугунги кунини батафсил сўзламоқчи эмасман. Демокриманки, бу даргоҳ ўзбек миллати учун чинакам ифтихор масканидир. Бу даргоҳга талпинса арзийди. Шу маънода Университет биз учун ҳар нарсадан улуғ, юксак, маҳобатли ва табаррук бир маскан саналади.

Дунёда катта илмий нуфузга эга бўлган машҳур Гарвард, Кембридж, Оксфорд, Москва Давлат университети каби олий ўқув юрглари қаторида нафақат Ўзбекистонда, балки Осиё, Европа ва ҳатто Америкада ҳам таниқли бўлган Ўзбекистон Миллий университетининг мавқеи баландир.

Ботир Самархўжаев,
юримдик факультети декани,
юримдик фанлари доктори,
профессор



Гуландом Тоғаева,

шоира,

1989–1994 йилларда ўқиган

ИЛДИЗИ МУСТАҲКАМ ЧИНОР

Болалигимда қоронғу кеча осмонида маржон-маржон бўлиб ёғду сочаётган юлдузларни томоша қилишни яхши кўрардим. Ўзимча юлдузлар билан сирлашар, болалик кунларимдаги «яхши-ёмон» воқеаларни уларга айтиб дардлашар эдим. ...Ва, албатта... «Катта бўлсам Тошкентга бораман, Университетда таҳсил оламан», дея ҳар сафар ният қилар эдим.

«Фалончи ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)да ўқийди», десалар, уни ҳамма талабалардан бир қур баландроқ баҳоладим. Мен 8-синфдаёқ Университетга кириш учун қаттиқ тайёргарликни бошлаб юбордим.

Моҳир сайёҳ ва олим Руал Амундсен ҳақидаги китоб бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди. Қатъий кун тартиби, тинимсиз китоб ўқиш, ҳаётда, мактабда ҳам фаол бўлиш, ахлоқ-одобда бошқаларга намуна кўрсатиш менинг асосий муваффақиятларим эди. Ўн соатлаб мутолаа, ўқиш-ёзиш билан шуғулланардим. Тўрт-беш соат уйку кифоя эди. Руал Амундсеннинг ҳаётидаги: «Илм, ирода, соғлиқ!» шиори менинг ҳам шиоримга айланган эди.

Ўзим севган, ижодларини ҳурмат қилган шоирларнинг барчаси қачондир университет талабалари бўлишган. Масалан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Хубойбердиева, Хуршид Даврон, Усмон Азим, Икром Отамурод, Сирожиддин Саййид кабилар. Айниқса, менга таниқли шоирлар Ойдин Ҳожиева ҳамда Икром Отамуроднинг устоз мақомидаги ижодий кўмаклари беқиёс бўлди.

Дорилфунун остонасига илк бор қадам ташлаганимда, юрагимдаги чуқур-чуқур зарбларнинг товуши ҳамон ёдимда. Умр бўйи ўзим орзу қилган журналистика факультетига ҳужжат топширдим. Акам аэропорт яқинидаги чоғроққина ижара уйда яшар эди. Мен абитуриентликнинг «ташвиш-қувончларини» шу ерда татиганман. Ниҳоят, кутилган кун етиб келди. Ўқишга кирдим. Бу қувончларни сўз билан таърифлаб бўладими?! Баланд-баланд бинолар ичидаги мухташам аудиторияларда ўзим севган касб сирларини ўргандим. Университетдаги таҳсил йилларим эса янада жўшқин, талабаликка хос воқеаларга бой кечди. Файбулла Саломов, Талъат Солиҳов, Нажмиддин Комилов, Назира Абдуазизова, Қудрат Эрназаров, Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораев, Файзулла Мўминов, Омонулла Мадаев каби ўз соҳасининг билимдонларининг маърузаларидан баҳраманд бўлдим. Курсимиз адабиётда, журналистикада жуда фаол, иқтидорли йигит-қизларни ўзида жамлаган эди. Биз илк бор чиройли шеър ўқиб, таъсирланса кўзёшини яширмайдиган домлаларни кўрдик.

Бир йили фойе деворида журналистика факультетини битирган барча ижодкорларнинг суратларини осиб қўйишганди. Биз ушбу суратларни ҳар кўрганда улардек бўлишга дил-дилигимиздан жазм қилардик. Шу Университет партасида

дунёни танидик, ўзлимизни англаб етдик. Ҳамиша касб дипломимга кўзим тушганида кўнглим беихтиёр фахрга тўлади.

Аслида, жаҳонда нуфузи баланд ўқув юртлари кам эмас. Лекин бизнинг ЎзМУмизнинг юлдузи ўзгача иссиқ, унинг аудиторияларига кирсангиз ажиб илиқлик балқиб туради. Боғларида, хиёбонларида ҳамиша талабаликнинг беғубор осмоню нафис аргувонлари...

Ўткир нигоҳингда бир масал сездим,
Ёзиб-ўчирасан қоғозга тинмай.
Ўқув залидаги ўйчан укажон,
Ўқи ва илм ол асло чекинмай.

Бу кун тўқсон ёшда Дорилфунуним,
Улуғ ёшга етди маърифат шоҳи.
Бу кун оқ қоғозни бўяр жунуним
Ва андак Навоий бобонинг оҳи.

Янги логорифм ёхуд ечимлар,
Борлиқ уйғунлиги шунда намоён.
Ҳар сирнинг калити табаррукликда,
Ҳар дона ғиштида бордир эзгу шон.

Бу кун шамолдан ҳам сенинг забтинг тез,
Бу кун ғайрат сенга маноқиб, исм.
Фақат унутмагин бу остонада
Аввал, устозларга айлагил таъзим!

Чунки ҳар чинорнинг илдизи бордир,
Ҳар чақмоқ, ёмғирнинг моҳияти бор.
Шу макон, борликда ўзни танидик,
Шу илм ўчоғин хосияти бор.

Саъди Сирожидин, Обид Содиқов,
Не-не алломалар оққан бу дарё.
Дорилфунунимиз қошида балким
Йиғилганди закий, дониш бир дунё.

Бу кун шу дунёнинг фароғатини
Кўриб турар экан жон Ўзбекистон.
Толибларнинг олган зарофатини
Тан олиб турибди еттинчи осмон.

«Ё пир ё муриддан битади ҳожат»,
Чиндан орзу қилсанг кучасан жаҳон.
Бугунча илм ол, ҳикматлар ярат,
Менинг сўзларимга ишон, укажон!..





ТАЛАБАЛАР ДАФТАРИДАН

Гуллаб юборади орзулар

Акмал Тош

* * *

Ватан! Юрагимга ташладинг учкун,
Буюк аждодларнинг қўноғисан юрт.
Кўнглумда ғуруринг ўсади дуркун,
Беғубор туйғулар ардоғисан юрт

Ватан! Муқаддас юрт, меҳрибон она,
Дунёни тўлдирган улкан тафаккур.
Соҳибқирон руҳи қалбингда ёнар –
Асрлар қаъридан етиб келган нур.

Ватан! Қучоғингга қайтди истиқлол,
Соғинч дардларини синдирдик чил-чил.
Бизни кутиб олди, хув, ана, иқбол,
Бургутдек парвозга шайланди кўнгил.

Ватан! Бешигингни тебратгай сабо,
Қуёшнинг суйган эркасисан, сен.
Бошингга соябон бахт қуши – Ҳумо,
Момоларнинг қадим эртагисан, сен.

Ватан! Нега қиёс айлайин, билмам,
Қиёсинг топилмас улғувор макон.
Жоним толалари пойингга гилам,
Қалбим-ла йўлингга айлай нурафшон.

Ҳурматли журналхон! «Талабалар дафтарида» рукнида бу гал Ўзбекистон Миллий университети толиб ва толибалари ёзувларидан намуналарни ҳукмингизга ҳавола этаётимиз. Ўйлаймизки, ушбу битиклар сизга маъқул бўлади.

Таҳририят

* * *

Майсалар тебранар дафъатан,
Силкинар денгиздек кўк бўёқ.
Тўлқинлар қатида намоён:
Бинафша, нафармон, мовий, оқ.

Тоғларнинг кўримсиз оқ-қора
Бетлари алвонга бурканган,
Заминга тиралган гавдаси
Ям-яшил гиламга ўралган.

Боғлар ҳам келиндек ясанган,
Безаниб турфа хил безакка.
Дарахтлар ўранган ҳарирга,
Ўхшайди сулувга, малакка.

Осилиб фалакнинг тоқига
Баҳорий булутлар ўйнайди,
Қуёшнинг беминнат нуруни
Қиймалаб-қиймалаб қўймайди.

О, баҳор вужудинг гуллабди,
Еласан қирларга эй пари.
Ҳолимни бир бора сўрсанг гар,
Хаёлим тегрангда сарсари.

* * *

Мусаффо ёшлигим ўтган дамлар, о,
Калбимга шоҳ эди сирлар хирмони.
Гўё бу ақлимга сиғмаган дунё
Эртақлардагидек тилсимлар кони.

Куёшга боқаман, ойга боқаман,
Тоғлар борлиғимга ташлайди ҳайрат.
Учар гиламимда кўкка оқаман,
Эртақлардагидек учаман яйраб.

Гўёки самода барқ урган чақмоқ
Аждарлар пуркаган парча-парча чўғ.
Қутқаради мени аждардан шу чоқ
Эртақлардагидек улкан бир Семурғ.

Қад кўтарган қоя ваҳимали ғор,
Девнинг савлатидек, ундан-да ортиқ.
Жангга киришаман беаёв, тезкор,
Эртақлардагидек илкимда қўштиғ.

Ташландиқ жойлардан ўтаётсам гоҳ,
Недир томоғимдан бўғгандек бўлар.
Қуршаб турфа жинлар атрофим ногоҳ,
Эртақлардагидек дахшатли кулар.

Нажот изладим мен атрофга қараб,
Етиб келди дўстим қадрдон тулпор.
Парвоз айладик биз жинларни ҳатлаб,
Эртақлардагидек ёвузлик тор-мор.

Залворли силкинар бақувват қанот,
Бизга пешвоз чиқди коинот – само.
Учайлик, учайлик эй самовий от,
Эртақлардагидек юлдузлар аро.

Нодира Нортоева

* * *

Ғимирлайди тупроқ оралаб,
Хас остидан қарайди секин,
Бу баҳорнинг қадамларими
Ё меҳнаткаш чумолимикин?

Кечаларда кўринмас ой ҳам
Кетиб янги ошёнларига,
Чўчиб ёмғир томчиларидан
Кирди ҳамал айвонларига.

Соғингандир кўклам чечагин
Келса аввал эркалар қизин,
Ариқларга чиқар етаклаб
Битта япроқ ёзган ялпизин

Бир ялпизнинг митти бўйида
Минг-минг турфа таровати бор.
Билмам, унинг митти бўйига
Қайдан сиғди бунчалар ифор?

Фурсат кутар дову дарахтлар,
Ҳар куртаги уйгонмоққа шай.
...Лаҳзаларни йироқлаштириб
Келақолмас кўкламой атай...

Ҳасрат қилди сўрида қолган
Букри толнинг эски ёғочи,
Кутавериб қадамларингни
Бодомларнинг оқарди сочи.

* * *

Денгиз соҳилига қурилган уйчам,
Тўлқинлар тўшида ювилган қирғоқ.
Қайларга оқдинг, деб, боқаман ўйчан,
Тилимда изингни излаган сўроқ?!

Хотирам қаърида зарра чизгилар,
Ахтарсам, топганим ягона овоз.
Хайр, деб, кўз юмган ўша сезгилар
Баҳридан ҳали ҳам кечолмадим воз.

Денгизда оқиблар кетган ғуборим
Қурмадим не учун ғиштдан сени, айт?
Бўйнимдан йўқотиб кўйган туморим –
Ёшлигим, бағримга бир лаҳзага қайт!

Фозил Фарҳод

* * *

Муҳаббат – айтилган бир эртак,
Тингладим мен уни ҳаётдан.
Ўшанда ёш эдим – ғўр, куртак,
Эшитиб лол бўлдим ҳайратдан.

Сўнг мени бошлади боғига,
Қувонди барисин кўз кўриб.
Тўймадим ёшлигим чоғига,
Муҳаббат оғзига термулиб.

Бир кеча чорлабон тўйига,
Маст қилиб тўйдирди шаробга.
Ўйнатиб-ўйнатиб куйига,
Охири ташлади саробга...

* * *

Чанқовузни чалаяпман чертиб-чертиб,
Сурхон узра ажиб садо таралмоқда.
Бу садолар вужудимни жунбуш этиб,
Юрагимдан кўҳна наво яралмоқда.

Кўҳна наво – баҳши бобом қалб садоси,
Моможоним жилваланган жамалаги.
Олис-олис кекса тарих мискин саси,
Софликка бой саможоним камалаги.

Кўкламойим ардоғида нозик чечак,
Онагинам алласининг дил ноласи.
Ойчимилдиқ тўридаги гул келинчак,
Боботоғим шўх булоғин шалоласи.

Суюб-суюб эркалагим келар чиндан
Наволарни, бироқ, сира тутиб бўлмас.
Куйларимни қўшни қизи тинглар зимдан,
Девор оша ҳаёл-ла ҳам ўтиб бўлмас.

Ўтолмадим. Ҳатто кулиб ул жонона
Ич-ичидан қучоғига чорласа ҳам.
Ғуруримми ё ор деган бир бахона
Зинҳор-зинҳор йўл бермайди, йўл бўлсаям.

Қизларгулхон боқиб-боқиб менга зимдан,
Дийдаларин ёғдулари сўниб қопти.
Ўзга нигоҳ совчи бўлиб, билмам, кимдан
Жон қўшнимиз боғларига қўниб қопти.

Бу боғдаги ғунчанамо ўшал гулни
Кўрдингми, деб, кўз ўнгимда юлиб кетди.
Индолмасдан қовуштириб қолдим қўлни,
Ўтмас ҳанжар ҳиссиз танам тилиб кетди.

Асли, билсам, ҳаётга дўст қўшни қизи
Мен фақирга озроқ кўнгил солган экан.
Қўлимдаги бобогинам чанқовузи
Ундан кўра кўпроқ ақлим олган экан.

Гуноҳсизман, асил гуноҳ юрагимда,
Чунки муҳаббатга кечроқ қилди дучор.
Ўшал маҳал угинага керагимда
Ҳиссиз кўксим ўз кўксини қилди-ку тор.

Билолмадим, кўкками ё ер қаърига,
Кўҳна наво қалбгинамдан кетди кўчиб.
Қўл силтабон юракларнинг мен барига,
Қизларгулсиз чанқовузни қолдим қучиб...

* * *

Кўнгил айвонида йиғлайди кўнгил,
Муҳаббатдан мерос дардларни кучиб.
Айвон пештоқида хаёли чигил,
Тизгинсиз туйғуси бормоқда учиб.

Кўнгил, дардларингни унутиб тамом,
Шодлик поёндозин тўша пойингга.
Кулгулар базмида кувонч тўла жом,
Ичгин тўйгунингча, бариси сенга.

Кўнгил, учсанг, мана, сенга кенг само,
Истасанг боғларни кезамиз узоқ.
Адирларга чиқиб тергин чучмомо,
Тоғда лолалар-да пойингга муштоқ.

Кўнгил, капалакнинг дудокларидан
Бол олиб бераман, тўйгунингча тот.
Соғинчга зор райҳон бутокларида
Ҳушбўй ифорларга бўлақол қанот.

Наргиза Асадбек қизи

* * *

Бир куни бариси ростга айланар,
Рўёнинг сочини ўрмайди чиним.
Мен бахтли яшашни бошлаган кундан
Телбавор хаёллар топади тиним.

Гуллаб юборади шунда орзулар,
Тонготар самода чақнайди чақин.
Ошиқиб келаман ўша кун шаксиз,
Ишқингиз киприқдай турганда яқин.

Баҳорни соғинган қирлик боладек,
Самосиз – ҳислардан учургум варрак.
Балоғатга етган суманбар дилга
Ишқ отлиғ маъводан тақурман зирак.

Ишонинг, бариси ростга айланар,
Эрка дудоқларим турибди айтиб.
Сиз бахтли яшашни бошлаган кундан,
Сизга... Юрагимга келаман қайтиб.

* * *

Назарингда чўзилади қиш
Уҳ тортасан...
Ожиз сўзларим.
Рўзгорингнинг каму кўстини
айтиб қўйса
кечир кўзларим.
Деразангдан киради

шамол,
Дирдирайди токчадаги пул.
Қара, жоним,
баҳор келишин
айтар бизга тувақдаги гул...

* * *

Соат тўққиз.
Тугайди ишинг.
Ҳарид қилдинг
ширинлик атай.
Катта йўлга чиққандинг
шошиб,
Сендан кетиб борар трамвай.
Қўлингдаги юкинг
оғирми?
Оғир балки майда
ташвишлар.
Оғринмайсан...
Ҳадемай кўклам.
Бугунча қиш
уйингда қишлар.
Ошиқасан
йўлингда аёз,
Эримайди қордаги изинг.
Кута-кута
аммо, жонгинам,
Ухлаб қолар
бугун ҳам қизинг.

* * *

Эшик томон бурилади
шаҳд,
Тутқич тутиб
титрайди қўллар.
Кетаман деб, кўз юмади
аҳд,
Олиб қолмас бу дайри йўллар.
Тўқнашади
кўзлар кўзгуда,
Сониялар бўларми унут,
Бутун хона нафас
чиқармай,
Қол, дейишинг
кутади сукут...

* * *

Ой шуъласи қўйнида ором,
Ором қўйни ҳайратга тўла.
Деразадан мўралайди тун,
Шамол айтар ғамгин ашула.

Сой бўйида рубоб торидай
Тебранади оҳиста толлар.
Тутлар турар букчайиб, ана,
Ҳассасини йўқотган чоллар.

Чўмилмоқчи бўлиб юлдузлар
Ўзин отар шарқироқ сойга.
Боқар тоғлар рангги қорайиб,
Тушунмасдан бундай чиройга.

* * *

Берироқ кел, жоним, эртак айтаман,
Ишқ деб юрганимиз эртак, аслида.
Ҳиссиз кучаверма, энди қайтаман,
Ошиққа хижрон ҳам керак, аслида.

Эртагача ширин эртаклар тўқи,
Мен ҳам янги эртак ёзиб қўяман.
Сен ҳали умрингда татиб кўрмаган
Лабимда гул шароб сузиб қўяман.

Ҳаммаси сеники, тўйиб-тўйиб ич,
Ишқ деб юрганимиз эрмак, аслида.
Маст бўлиб, бу ёлғон дунёлардан кеч,
Ўзлигу эътиқод эски ақида.

Ҳайкир, юрагингда армон қолмасин,
Баралла айтавер севмаслигингни.
Ўтмиш севгинг билан яшашингни айт,
Айтавер, мени ҳеч демаслигингни.

Кўксимга бошингни қўй, йиғла, бақир,
Ўпирилиб тушсин вафо пештоқи.
Жигарлар қон қуссин, хун бўлсин бағир,
Кўксимда тебрансин ишқнинг пичоғи.

Дейман, садоқатни ўргансам сендан,
Сингиб кета олсам хаёлотинга.

Ҳижронинг доғида кўйиб бўлса-да,
Айлансайдим дейман эътиқотинга.

Берироқ кел, жоним, юрагимни ол,
Ишқ деб юрганимиз юрак, аслида.
Сарғайган армонни улоқтир, унут,
Гулларга ғарқ бўлгин, севги фаслида.

Берироқ кел, жоним...

* * *

Ёмғирлар қўнади замин юзига,
Дарёлар ҳайқириб, тошади «шов-шув».
Намчил тупроқларнинг ўйнар кўзига,
Янги эритилган қўрғошиндай сув.

Тўшакка михланган хаста чол каби
Васият қилади феврал жонсарак.
Тушунгандай бўлар дунё матлабин,
Ёмғирда покланиб олган бойчечак.

* * *

Самодаги қуёш эмас, юрагимдир,
Одамларга бермоқдадир бор тафтини.
У ҳам ўзбек, юрагида ўйлар фақат
Ўзин эмас, ер юзининг ҳур бахтини.

Дилафрўз Чориева

* * *

Шамоллар қўлидан тутсаму бу кун,
Оппоқ булутларга айланиб қолсам.
Гуноҳим юволмай қуриди кўзлар,
Розиман азобинг ичра йўқолсам.

Ҳижроннинг сочими адоқсиз йўллар,
Борим-ла мангуга бойланиб қолдим.
Гул кута-кута ул кўкси чўлимдан
Мен сўлмас бир гулга айланиб қолдим.

Қизғалдоқ кўксига бекинди орзу,
Яшаяпман алам ардоғларида.
Бегим, адашдикми иккимиз, ёху,
Муҳаббатнинг икки қароғларида?!

* * *

Мен ёнишни истаган гулман:
Тошни-да шамдаин йиғлатиб туриб,
Кўксимни кўкларга алмашиб туриб,
Ишқнинг лабларида мангу ин қуриб.

Мен ёнишни истаган гулман:
Дудоғига бокира майларни кўмиб
Асов дарёлари кезар руҳимда,
Яшаяпман энг сирли маржони бўлиб.

Мен ёнишни истаган гулман:
Ғамнок кўчаларда қадарлар ютиб,
Кўнглимни қучоқлаб тониб боряпман,
Вафоннинг чинордек бўйлашин кутиб.

Мен ёнишни истаган гулман:
Наҳот,
Кўксингиз деб, сингсам ернинг бағрига,
Дард борин бешикка солдим овутиб,
Изтироб бош қўйди ишқнинг сағрига...

* * *

Вафо – ҳеч кимга кўнгил қўймаган гўзал,
Кўзим кўриб, қўлим етмади сенга.
Хўрладинг қизингни тақдири азал,
Қисматим боғлаб ғўр дунё кокилига.

Ёлғизлик даштида яшаб юрибман,
Йўлгамас, пешонамга босилди излар.
Ҳислар исёнидан чўғ бўп турибман,
Соғиндим, мени олиб кетмаган кўзлар.

Куйиб, куйдиrolмай турар очунни,
Мажнунтоллар – эгик гуноҳкор бошлар.
Суйиб, билмадингиз азобларимни,
Айро йўлда дийдам чўктирди ёшлар.

Туннинг оғушига қуйилмоқда кун,
Хиёнаткор ёрдек қизариб юзи.
Босган изингизга бўлинмоқда жон,
Дилнинг парчаларин нетарсиз ўзи?!

Мен вафони нима қилдим ёлғизим,
Фано қовирғаси қайишмас менга.
Сиздан кечолмади интизор кўзим,
Кўнгилдан ўзгаси бегона менга.



НАСР



Мақсуд Қориев

ТАНАЗЗУЛ

БУЮК ТАРИХНАВИС



ҒАЗНАВИЙЛАР

Роман

Иккинчи китоб



Салжуқлар билан бўлган мухораба ғазнавийларнинг мағлубияти ва амир Масъуднинг фожиали ҳалокати билан тугади. Ғазнавийлар мағлубиятга учраганларидан сўнг, амир Масъуд Ҳиндистон тупроғига қочиб ўтиб, ғариб бир бешада, чарчаб-ҳориб ухлаб ётган чоғида юзига ниқоб тутган номаълум кимсалар оёқ-қўлларини боғлаб, қудуққа олиб бориб ташладилар, кейин устига тош-харсанглари бостириб, азобли ўлимга маҳкум этдилар. Бу аянчли ҳам шармандали ўлим Масъуддек ғозий, жангарий соҳибқироннинг шаънига ҳам, тутган мавқеига ҳам, бундай ўйлаб қараганда, ярашмасди, балки исноддек туйиларди. Амир бунақанги тақдирни ҳеч ўйламаган, тушига ҳам кирмаган. У кўпинча ўз қўшин бошлиқларига, саркардаларига, ҳатто оддий лашкарларига ҳам «мард майдонда, жангда ғозий бўлиб ўлиши керак» деб қайта-қайта таъкидларди. Тақдир тақозоси шундай эканки, мард майдонда шаҳид бўлмади, ғаламислар, сотқинлар қўлида ваҳшийларча ўлдирилди. Минг афсус-надоматлар бўлсинким, тақдир китобига шундай деб ёзилган эркан.

Савол туғилади: қайси номард, сотқин шундай шармандали ўлимга маҳкум этди ҳукмдорни? Салжуқларми? Ё бўлмаса, амирнинг ўз атрофидаги уни кўра олмаган ғаламис, ичи қора одамлар томонидан қилинган қотилликму? Хуллас, эл-юртда миш-миш гаплар кўп, албатта. Эл оғзига элак тутиб бўлмайти, биров ҳарбий саркардалардан бўлса керак ёки юқори лавозимда ўтирганлардан

бирортаси деб гумонсирар эдилар. Аммо қотилнинг исми-шарифини очиқ айтишдан қўрқишарди. Яна узоқ-яқин гапларга қараганда, бу ўша салжуқий саркарда Тўғрулнинг иши, ахир амир Масъуднинг энг ёвуз душмани эди-ку!

Ажабо, ғазнавийлар жангда мағлуб бўлганларидан сўнг, амир Масъуд Ҳиндистон тупроғига қочиб бориб, беркиниб ётган жойини ким билиши мумкин эрди? Бу сир фақат ҳамма нарсадан воқиф бўлган, бойликларни қайдалигини билган, ўзига яқин ғаламис ниятли бир номарднинг қилмиши бўлиши керак.

Турк қўшинларининг сардори Султон Маҳмуднинг ҳам, Масъуднинг ҳам энг садоқатли саркардаси Дамирхоннинг фиғони фалакка чиққан: «Шунчалик ҳам номардлик бўлурму, қайси аблаҳ бундай разилликка юз тутибдур, – деб фарёд чекарди. – Қани энди ўша сотқин қўлимга тушса, пора-пора қилиб, гўшларини итларга ташлаган бўлур эрдим. Эсиз-эсиз, энди бундай оғир жудоликка қандай чидайман, амирим, сизсиз менга энди ҳаёт йўқ!»

Яна бир шов-шувга сабаб бўлган хунрезлик Масъуднинг акаси Муҳаммадни, бола-чақаларини даштда ваҳшийларча ўлдирилиш воқеаси эди. Шунчалик ҳам шафқатсизлик бўлурму? Майли, тахт вориси Муҳаммадни қатл этсунлар, гўдаклари ва шўрлик хотинида не айб? Бундай адолатсизлик ва қонхўрликларга авом халқ не деюр? Эшитган қулоққа ёмон-ку! Яна, Муҳаммадни, бола-чақасини ўлдирган кимса энди Ғазна тахтига келиб хотиржам ўтирган ҳукмдорнинг ишонган, севимли ўғли шаҳзода Мавдуд бўлса, буни не сўз билан ифодалаш мумкин? Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлганми, наҳотки, Мавдуд шундай хиёнат ишга қўл урган бўлса! Уни нима мажбур этибдур ё бундай разиллик қилишга бирор сабаб борми эрди? Мавдуд амир Масъуднинг яхши кўрган, ишонган фарзанди эди-ку, наҳотки шу даража шафқатсизликка юз тутибдур. Балки, бунинг сабаби бордир...

Бундай ўйлаб қараганда, Султон Маҳмуд вафотидан кейин юз берган бу қонли кунлар бутун оламга донғи кетган ғазнавийлар салтанатининг емирилиши бошланганлиги далолати эмасмикин? Тож-тахт, бойлик, шухрат деганда ўғил отасини, ука акасини, оға инисини танимас эркан, ҳа, бу азалий ҳукмдорлик қонуни, э-ҳе, бу ёруғ дунё шундай қурилган экан: бос, янч, ўлдир, уриб-суриб кетабер, ҳукмрон бўл!

Мана, ғазнавийлар дорулсалтанатининг анча ҳувиллаб қолган ҳашаматли саройи. Бу даргоҳга қандай улуғ зотлар, амиру ҳоқонлар, подшоҳлар, буюк алломалар, шоиру фузалолар, ҳа, кимлар келиб кетмади дейсиз. У шоирлар анжумани, олимлар суҳбати, машҳур хонанда-ҳофизлар хониши билан обод ва кўркем эрди.

Ғазнавийлар салтанати тарихида ўчмас из қолдирган машҳур добир, тарихнавис Абулфазл Байҳақий ўз хонасида. Э-ҳе, у, бу муқаддас даргоҳга келганидан бери қанча йиллар ўтиб кетибди. Ёш, норғул йигит эди ўшанда. Қаранг, соқол-муйлабларига оқ ҳам тушибдур. Унинг битганлари, ёзган ашъорлари, тиним билмай кечани кундузга улаб меҳнат қилганлари Яратгангагина маълум. Йигитлигининг қаймоғини шу даргоҳ олди десак хато бўлмас. Бунақа садоқатли, ишбилармон арбоб – барча юмушларга ҳозир у нозир инсон дунёда бошқа йўқ, бўлмади ҳам. Не кунлар бошига тушмади дейсиз, саройдаги носоғлом муҳитда баъзан ҳукмдорларнинг қаҳр-ғазабига ҳам учраган пайтлари бўлди, бир марта қамоқ жазосига ҳукм ҳам этдилар уни. Ҳаммасига кўнди, чидади. Султон Маҳмудга ҳам, амир Масъудга ҳам садоқат билан, жон куйдириб хизмат қилди. Мана энди шаҳзода Мавдуд паноҳида. Сирасини айтганда, ҳар ҳолда умри бекорга ўтмади, кўрган-

билганлари, эшитганларини эринмай, битта ҳам қолдирмай ёзди, кунмакун, ойма-ой, йилма-йил ҳеч ким қилмаган, ўйламаган, фикрига келмаган тарихномани яратиб, авлодларга қолдирди. Вазир Ҳасан Майвандийнинг дорга осилиши, сарой амалдорларининг ғийбат-адоватли қилмишлари, адолатпарвар вазирларнинг саховатпарварликлари, ғазнавийлар бобоколони Сабуктегин, Маҳмуд Ғазнавий, амир Масъуд ва сўнги ғазнавийларнинг подшоҳлик даврларидаги воқеаларни қаламга олди.

У добирлик илмини тўла-тўқис ўзлаштирган, мадраса кўрган, чуқур илмли олим инсон эди. Добирликни энг шарафли ва ўта масъулиятли касб деб ҳисобларди. Добир Қуръони карим ва пайғамбарларимиз ҳадисларини яхши биладиган, боз устига ҳусни хат эгаси бўлиши, ғазал, шеър ёзиш санъатидан ҳам хабардор, ҳам нотиқ бўлиши зарур. Абулфазл Байҳақий ана шу фазилатларни эгаллаган кенг билимли алломадир. Девондаги ишлари бошдан ошиб ётса-да, вақт топиб, кечаларни уйқусиз ўтказиб, қатор бебаҳо илмий-тарихий асарлар ёзди. «Китоблар зийнати», «Сабуктегиндан Султон Иброҳимгача бўлган давр тарихи», «Тарихлар мажмуи», «Сабуктегин тарихининг сайланмаси», «Масъуд тарихи» ёки «Байҳақий тарихи» каби асарлари маълум ва машҳурдир.

Мана шу ҳаяжонли кунда ҳам Абулфазл кичкинагина хонасида қоғозлар дунёси ичра хаёл дарёсига чўмганча ўлтирар, бу суронли ва даҳшатли ҳаёт жабҳаларида боши қотган, шўрлик энди неларни битсун, баъзан қўли ишга бормайди, юраги чидамайди ёзишга. Аммо ўзини тутиб, барибир ёзади. Бу ахир ҳақиқий тарих-ку!

Аллома осойишталик даврларда, жангу жадаллар чоғида, айниқса, ҳинд элига юришларда раҳматли Султон Маҳмуднинг ҳам, амир Масъуднинг ҳам барча юмушларини кўнгилдагидек қилиб адо этди. Фақат ҳақиқатни, ҳақ гапларни қоғозга туширди.

Байҳақийнинг Амир Масъудга эътиқоди баланд эрди. Зеро, шаҳзоданинг инсонийлиги ҳам, олимлиги ҳам, қолаберса, золимлиги ҳам бор эрди, Масъуд шогирддек, мадраса талабасидек алломаи замон Беруний атрофида гирдикапалак бўларди.

Шу дамда Байҳақийнинг Масъуд ҳақида ёзмоқчи бўлган фикрлари тафаккур хазинасида турибди. Битганлари ҳам бор, қаламга олмаганлари ундан ҳам бисёр. Добир Масъуд билан ўтган дамларини, саодатли кунларини эслади. Шаҳзоданинг кулиб туришлари, бирор нарсадан кўнгли тўлмай қолса, куйиниб сўзлашлари, жаҳли чиққанда зарда қилишлари, ҳатто бурролаб сўқинишлари... Сўнг фожиали ўлими олдидаги аянчли ҳолатини кўз олдига келтириб, юрагининг аллақарлари ачишди, оғриди; руҳига бағишлаб Қуръон тиловат айлади.

Қуръонни ҳеч ким Абулфазлдек маромига етказиб қироат қила олмайди. У муқаддас Оллоҳ китобини сув қилиб ичиб юборган. Агар уйқусидан уйғотиб, Қуръоннинг фалон сурасидаги оятда нима дейилган, деб сўрсангиз, ўша дамнинг ўзидаёқ ўша оятни шариллатиб ўқиб, ҳатто мазмун-моҳиятини талқин этиб беради.

Байҳақий шуни орзу қиладики, ўзи игна билан қудуқ қазигандек, кечани кундузга улаб ёзган битиклари, Оллоҳ насиб этса, бутун бир солнома бўлиб қолгай. Ахир бекорга меҳнат қилаётгани йўқ-ку? Яна девон юмушлари, подшоҳликнинг жойларга юборадиган расмий ҳужжатлари дейсизми, салтанатнинг кундалик хилма-хил ёзишмалари дейсизми, ҳукмдорнинг қўшни давлатларга, машҳур арбобларга йўллайдурғон алоқа хатлари дейсизми, – ҳаммаси шу мушфиқ, меҳнаткаш добир ва олим, ҳассос муаллиф қўлидан

ўтади. Агар Байҳақий бирор иш билан саройдан чиқиб кетса, ҳукмдор сўраб қолса, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетади. Бош вазирдан тортиб саройдаги бошқа мансабдорлар не қилишларини билмай югуриб қолишади, Абулфазл қайдасан деб. Ҳа, Байҳақий салтанатнинг энг зарур кишиси, у битта, бошқа йўқ. Раҳматли Султон Маҳмуд ҳам, амир Масъуд ҳам унга жуда-жуда ишонишар, уришсалар ҳам, сўксалар ҳам, кейин яхши сўзлар билан ўша озорларини кўнглидан чиқаришга ҳаракат қилур эрдилар.

Абулфазлни девондагилар ҳам беҳад ҳурмат ва икром этур эрдилар. Сарой бош мирзаси Абу Наср Мишкон вафотидан сўнг Абу Саҳл Зувзаний бош мирзо лавозимига ўтгач, Байҳақий вазирга яқин бўлганлиги боисидан Зувзаний унга кун бермади. Арзимаган нарсалардан айб топиб, уни камситар, ишлашга йўл бермасди. Бош вазир Ҳасан Майвандий дорга осилгандан кейин, хожа Зувзаний унинг калласини кечаси табаққа солиб келиб, улфатлари ҳузурида мақтанчоқлик қилғонлиги унинг нақадар разил, пасткаш одам эканлигини кўрсатди. Ўшанда сарой аёнларидан бири: «Бу одам ҳажга бориб келди-ю, баттар расво бўлди, баччағар», деган эди.

Кейинги вақтларда Зувзаний Байҳақийни кузатиб, тақиб этиб юрадиган одат чиқарди. Баъзан Абулфазл бирор жойга иш билан кетса, хонасига кириб нарсаларини титкилар, ҳатто яшириб қўйган қўлёмаларини ҳам қидирарди. Бир марта шундай воқеа юз бердики, Абулфазл юмуш билан кетиб, кейин қайтиб хонасига кирганида, Зувзаний ўриндиқларини у ёқ-бу ёқ қилиб, қўлёмаларини излаётгани устидан чиқиб қолган. Шунда Зувзаний муҳрни ахтараётган эдим, уни қайга қўйган эдингиз, деб баҳона қилган. Шу сабабдан Байҳақий ёзган ашъорларини ўз темир сандиғига солиб, қулфлаб кетишни одат қилди. Зувзаний баъзан Абулфазлни ҳузурига чақириб, «бўлган, бўлмаган нарсаларни ёзиб юра берманг, энди кўпроқ амир Масъуднинг буюк, оламшумул ишлари-ю, ибратомуз қаҳрамонликлари ҳақида кўпроқ ёзинг», деб гўё маслаҳат бергандай бўларди.

Мавдуд тахтга ўтиргандан сўнг, хожа Зувзанийнинг хулқ-атвори яна ҳам ўзгарди. Девондаги вазият Байҳақийнинг соф, эзгуликка мойил қалбига ёмон таъсир этар, баъзан қўли ишга бормамай, асаблари бузиларди. Кейин бир-икки кун ишлай олмай, ҳеч нарса ёзолмай тоат-ибодат қилиб, Қуръон тиловат этиб ўлтирар, шунда ҳам Зувзаний ҳузурига келиб, йўқ ердаги гапларни айтиб, «Мана буни қайта кўчиринг, фалон ҳокимга мактуб тайёрланг», деб иш буюриб кетарди.

Мана, бир неча кундан бери амир Масъуднинг фожиали ўлими тафсилотини битиб ўтирибди. Юрагида ғам-алам, ўзини тутолмас, баъзан хўрлиги келар. Дорулсалтанатда юз бераётган бу можароларга ким айбдор? Амир Мавдудми ёки унинг атрофидаги баъзи бир ичи қора, ғийбатчи, разил кишиларми?

Локин шаҳзода Мавдуд ҳали ёш бўлса ҳам ўта зийрак, чаққон, унинг хонлиги ҳам, беклиги ҳам бор эрди. Шу неварасини бобоси Султон Маҳмуд ҳеч ерга ишонмас, яхши кўрар, баъзан эътиборли даврларда, кўпчилик олдида «сендан яхши пошшо чиқади», деб мақтаб ҳам қўярди. Боғ сайрига чиққан пайтларида эркалаб ёнига ўтқазиб оларди. Зеро, Мавдуд овни севар, шикорга чиқадиган кун кечаси билан ухламай чиқар, тонг билан ҳаммадан олдин уйғониб, ов анжомларини ҳозирлаб, отини ювиб-тараб, ҳозир-нозир бўлиб турарди. Отаси Масъуд тахтга ўтиргандан кейин Мавдуд севимли фарзанд сифатида ҳамиша эътиборда эрди. Амир Масъуд кўп новозишлар кўрсатар, сафарга чиққан чоғларида бўлса, энг ишонган лашкар қисмларини Мавдудга топширарди. Мавдуд паҳлавон қоматли соҳибқирон эрди.

Султон Маҳмуднинг ҳарбий вазири, ишонган тоғи Али Дойн ҳеч кимга сўзини ҳам, амалини ҳам бермайдиган қаттиққўл саркарда. Султон Маҳмуддек ҳукмдор ҳам кўпинча у билан ҳисоблашиб иш тутарди. Ҳарбий вазирнинг ўзи хон, кўланкаси майдон эди. Унинг атрофида қўллаб-қувватлайдиган хешлари, сирдош-ҳамтовоқлари ҳам бор эди, албатта. Султон Маҳмуд вафотидан сўнг, ҳарбий вазирнинг шукуҳи яна ҳам ошиб, баъзан амир Масъудга ақл ўргатадиган бўлиб қолганди. У девондаги вазирлар орасидан ўзига анча мойил кишиларни тўплаб олгандай кўринарди. Кўп вилоятлардаги лашкарбошилар орасида ҳам унинг измидан чиқмайдиган «вафодор» дўстлари бор эди.

Бир зиёфат чоғида ўша ҳамтовоқларидан бири кайф устида: «Яқин кунларда ҳамма нарса ағтар-тўнтар бўлиб кетади», деб алжиллаган эмиш. Бу гап амир Масъуднинг қулоғига ҳам етиб борган. Шунда ўша ҳарбий вазирнинг «дўсти»ни чақириб, буровга олганда: «Амирим, кайфда оғзимдан чиқиб кетибди. Мени кечиринг, мен бу сўзни бошқа маънода айтган эдим, бахтимизга сиз борсиз. Олампаноҳимиз, султонимиз ҳам ўзингиз», деб ҳукмдорнинг этагини ўпиб, унга ёқадиган яхши сўзлар айтиб қутулганди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳатто давлат амалдорлари ўртасида ҳам ғаламис ниятли, ҳокимиятга интилаётган мансабпарастлар анчагина бор эди.

Абулфазл Байҳақий ана шулардан тўла хабардор, ҳаммасини ипидан игнасиғача билар. Энди Масъуднинг ишонган фарзанди амир Мавдуд шундай катта давлатни ақл-заковат билан бошқаришга қодирму, йўқму?

ПИЁЛАДАГИ ЗАҲАР

Масъуд ўн саккиз ёшидаёқ отаси билан ёнма-ён мухорабаларда қатнашиб, қаҳрамонликлар кўрсатарди. Урушдан ҳамиша ғозий бўлиб қайтарди, қурол ишлатишда, жангу жадал олиб боришнинг барча усулларида фойдаланишда унга етадиган паҳлавон жангарий йўқ эди. Бир сафар чоғида душман қалъаси бошлиғини узоқдан туриб ягона ўқ билан отиб ағдарганлиги ва ўша мухораба чоғида шиддат ва шижоат билан жанг қилиб ёғийларни қочишга мажбур этганлиги учун Султон Маҳмуд ўғлига таҳсинлар айтиб, уни ўзига ворис ва Ҳиротнинг ҳокими этиб тайинлаганди.

Аммо ўша биринчи ғалаба, отасининг ишончи, ҳокимлик даражаси Масъудни анча талтайтириб юборди. Давлат ишлари қолиб кетиб, кўпроқ маишатга берилиб, атрофига Ҳиротнинг бойвачча йигитларини йиғиб олди ва эртаю кеч майхўрлик ва маишатбозлик билан банд бўлди. Ҳиротдаги махфий хизматчилар берган маълумотлардан кейин Султон Маҳмуд ўғлидан ғазабланиб, уни Мўлтонга бадарга қилиб юборди, кейин қилмишидан ўзи ҳам пушаймон бўлиб, нима қилса ҳам ўғли эмасми, раҳм-шафқат юзасидан яна хузурига чақириб олди. Шундан сўнг ҳам ота-ўғил ўртасидаги муносабатлар унчалик яхшиланмади, йиллар ўтиши билан эса кексинлашиб борди. Бунинг устига акаси Муҳаммад ҳам, тож даъвогари эмасми, укасига бўлган ғаразгўйлиги ошиб, қайда бўлмасин Масъудни оёғидан чалишга, пайти келганда отасига ёмон кўрсатишга уринар эди.

Султон Маҳмуд 1029 йилда Райга қарши уруш бошлашга қарор қилди. Асосий қўшинларга ўзи бошчилик қилиб, иккинчи қисмга эса Масъуд лашкарбоши этиб тайинланганди. Шунда Маҳмуднинг айғоқчилари Масъуднинг ўзига яқин бўлган ғуломлари билан яширин учрашиб, нималар ҳақидадур ўзаро

сўзлашганлари ҳақида маълумот бердилар. Шунда Султон Маҳмуд ғазабга келиб, ўғлини ўша кунидек ўлдирмоқчи бўлган.

Кечқурун Масъуд отаси ҳузурига кириб боради. Намоздан сўнг ўз даргоҳига кетмоқчи бўлиб чиқиб кетаётганда, ғуломлар унга «отангиз кечки таомга таклиф этурлар» деб қолдилар. Маълум бўлишича, унга берилган пиёладаги майга заҳар солиб қўйилган экан. Масъудга содиқ бўлган ғуломлардан бири бу сирдан уни воқиф этиб қўйди.

Масъуд майни ичмай, отасининг даргоҳидан чиқди-ю, отига қамчи босиб, тўрт соат деганда ўз лашкаргоҳи жойлашган истеҳкомга етиб олди. Бир зумда лашкарларини жанговар ҳолатга келтириб қўйди. Ана шу воқеадан сўнг ота-бола ўртасидаги алоқа бутунлай бузилди.

Шу алфозда кунлар кетидан кунлар ўтди. Султон Маҳмуд оғир касалликка йўлиқиб, баъзан оғриқнинг зўрлигидан ухлай олмас, шундай вақтларда Ғазнага ким подшоҳ бўлур, салтанатнинг тақдири не кечади, деб ўзига-ўзи савол берар, аммо саволларига жавоб тополмас эди...

1030 йил келди. Баҳор фасли, Наврўзи олам бошланди. Одамлар бир-бирларини янги айём билан табриклашар, қариндош-уруғларини йўқлашар, ота-боболарининг қабрларини зиёрат айлашар эди. Хуллас, Наврўз байрамининг барча расм-русумларини бажо келтирар эдилар. Аммо шундай муқаддас шодиёна кунларда Султон Маҳмуднинг аҳволи янада оғирлашди. Йўтали тутиб, кечалари ухлай олмасди. Шундай бўлса ҳам ҳукмдор давлат ишларидан бохабар бўлиб турарди. Бир кун Султон вазирдан девондаги аҳвол ҳақида сўраб қолди. Шунда вазири аъзам кўп олди-қочди гаплар билан бирга, Масъудни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлар, уларнинг яширин учрашувлари ҳақида маълумотлар берди. Шунда Султон:

– Бу Масъуд – золим, ўзидан бошқани танимайди. Мендан сўнг давлат Муҳаммадга қолади. Аммо Масъуд уни еб қўяди. Барча қариндош-уруғларимга ачинаман, чунки Маъсуд ўта қизғанчиқ, пулни, молу дунёни яхши кўради, агар бирор кишининг қўлида озгина пул бўлса ўшани ҳам ўмариб унга амал беради.

Ёнида ўтирган Абу Наср ҳеч нарса демади, ҳақ гапни айтиб, Султоннинг кўнглини оғритгиси келмади. Зеро, девон атрофида бўлаётган бунақанги гап-сўзлар кўп эрди, подшоҳ оғир аҳволда бўлганлиги боис барини муҳокама этиб, маслаҳат бериб ўтиришнинг вақти эмасди.

Султон Маҳмуд 1030 йил 29 апрелда ёруғ дунёдан кўз юмди. Унинг вафоти ҳақидаги хабар бир ҳафта ўтгандан кейин ошкор этилди.

Барча мотам маросимларидан сўнг шаҳзода Масъуд вақтни ўтказмай, Хожа Тоҳирни ҳузурига чорлаб, Бағдод халифасига мактуб йўллади. Унда отасининг вафоти муносабати билан асосий ворис сифатида ҳокимиятни қўлга олганини маълум қилди ва ёрлиқ юборишини сўради. Мактуб бундай ўқиганда ҳам илтимос, ҳам қатъий талабдек туйиларди.

Мамлакатда юз бераётган қийинчиликлардан норози бўлган аҳолига таяниб, бир гуруҳ ҳарбийлар сарой тўнтариши қилиб, амир Масъудни ҳокимиятдан четлаштирмоқчи ҳам бўлишди. Бунинг учун биринчи навбатда ҳарбий нозир Али Дойн, Хуросон лашкарларининг бошлиқлари Хожаб Сувбоши ва Бектуғдини тезда қамоққа олмоқчи бўлдилар. Яна бунга қўшимча Олтинтўш бошлиқ энг кучли ҳарбий қисмни белгиланган жойга етиб бормасдан йўл-йўлакай тарқаб кетишига ҳам эришдилар. Боз устига Ҳиндистон юришига тайёрлик кўраётган Масъуднинг баъзи лашкарбошилари ва айрим амалдорлари ўртасида ҳам норозилик кучайиб бормоқда эди. Бу воқеаларнинг жонли гувоҳи ўша онларда Абу Саҳл Зувзанийнинг ёрдамчиси

бўлган Абулфазл Байхақий эди. У, ана шу ҳокимият учун курашаётган икки қарама-қарши гуруҳнинг ўртасида туриб, уларни муроасага келтиришга кўп уринди. Хожа Абу Саҳл Зувзанийга эса, амир Масъуд буюргандек, тезда Тусга жўнаб кетиш таклиф этилди. Исёнчилар гуруҳи ҳокимиятга Масъуднинг укаси Абдурашидни қўймоқчи бўлдилар.

Шаҳзода Муҳаммад аслида Султон Маҳмуднинг тахтга ворис этмоқчи бўлган ўғли – буни Масъуд жуда яхши биларди. Аммо Масъуднинг жангарийлар, қолаверса, кўпчилик лашкарбошилар ўртасида обрў-эътибори баланд эди, Масъуднинг қатъиятлилиги, жангу жадалда жасурлиги учун ҳам уни ҳарбийлар ҳурмат-икром қилишарди. Шу боис ҳукмдор ўғлининг обрў-эътибори ошиб бораётганлигидан хавотирда бўлар, баъзан уни кўрганда асаблари бузилар, катта ўғли Муҳаммадни эса на учундур ўзига яқин тутар эди. Ҳатто Бағдод халифасига ўғлининг салтанатдаги ҳамда халқ ўртасидаги нуфузини оширишни сўраб, бир неча бор мактуб йўллади. Қачонки, Бағдоддан ана шу ёрлиқ келганида, девондаги бош вазирдан тортиб, казо-казоларгача бу хабарни мамнуният билан қабул этмадилар. Ўша куни девонда олий унвонни тантанали топшириш маросими бўлди, қарангки, йиғин анча бефайз ўтди, бир чеккада сарой аъёнлари қовоқ солиб туришди. Хомуш бўлиб қолган шаҳзода Масъуд эса, маросим тугаши биланоқ ҳаммадан олдин чиқиб кетди. Шунда бош вазир шаҳзоданинг ортидан бориб, унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб сўз бошлаган ҳам эдики, Масъуд уни тўхтатиб: «Сиз безовта бўлманг, қилич фахрий ёрлиққа нисбатан ҳақдир», деди мағрурлик билан.

БЕМАЪНИ ЎЛИМ

Куз фасли эди ўшанда. Табиат заъфарон рангга кириб товланар, авжи пишиқчилик. Ана шу мўл-кўлчилик фаслида амир Масъуд Ҳиротдан Пушангга йўл олди. Бу сафардан мақсад Сераксдаги ҳарбий қисмларнинг кўригини ўтказиш эди. Амирнинг топшириғи билан Пушанг ҳокими Музаффар Тоҳирий ҳам ушбу маросимга таклиф этилди. Суҳбат чоғида Хуросон соҳиби девони Сурий, гапдан гап чиқиб, Музаффар Тоҳирийнинг баъзи бир ноқобил ишлари ҳақида сўзлаб кетди, гўёмиш у авом халқ аҳволи, туриш-турмуши билан қизиқмайди, туркманлар бўлса аҳолини қийнаб юборишмоқда. Шунда Амир Масъуд жаҳли чиққандай бўлиб: «Бу Музаффар Тоҳирийни аёғидан осиб қўйиш керак», деб юборди. Амир Масъуд кўпинча бирор кишидан норози бўлса, ҳазил қилиб, бегараз ана шунақа сўзларни айтиб юборадиган одати бор эди, буни девондагилар яхши билишарди. Бу гап девон атрофидаги бир-бирига қалтис ҳазил қилиб, майнавозчилик сотиб оладиган ва шунақанги тасодифларни излаб юргувчи гуруҳлар учун бир баҳона бўлди-ю, энди қасд олиш вақти етди дегандек, бир-бирларига кўз қисиб қўйишди.

Сўнг Сурийнинг яқинларидан бири, сарой бош ҳожиби Хумор Тегин Туршак машваратдан чиқди-ю, ўша ерда ўтирганларга бу гапни тантанавор эълон қилиб юборди. Сурий бўлса, Музаффар Тоҳирийни кўришга кўзи йўқ, агар имконият бўлса, ҳар дақиқа уни аёғидан чалишга тайёр эрди. Кўп ўтмай Музаффар Тоҳирийни тутқун қилишди. Икки забардаст йигит ерга чалқанча ётқиздилар, икки аёғини боғлаб, оғзига эски латта тиқдилар. Шўрликнинг дами чиқмас, дод деёлмас, кўзлари қинидан чиқиб ғилай тортиб кетган эди.

Кейин судраб олиб бориб, сарой чеккасидаги чинорнинг катта шоҳига осиб қўйдилар. У бир оз типирчилаб турди-да, кейин шилқ этиб бўшашиб тушди. Абу Наср Мишкон бу мудҳиш воқеани эшитиб қолди-ю, ғазаби жўшиб ҳамма ёқни тўс-тўполон қилиб юборди.

– Аблахлар, номардлар. Амир бу гапни одатдагидек шунчаки айтиб юборган эрди-ку. Ахир Музаффар бир ўғри-каззоб эмас-ку, аёғидан осиб қўйсаларинг, бу қанчалик разиллик, ваҳшийлик, нима қилиб қўйдиларинг ўзи!?

Девон аъёнлари куйиб-ёниб, ғазаб билан дашном бераётган бош вазирга бирор сўз айтишга ожиз эдилар. Энди нима қилиш мумкин, сўкканнинг ҳам, урганнинг ҳам фойдаси йўқ! Бир навқирон йигит бекордан бекорга ўлиб кетди.

Бош вазир ғуломларни чақириб, чинор шоҳида чўзилиб турган Музаффар Тоҳирий жасадини тушириб, ўраб-чирмаб одамлар кўзидан узоқроқ хилват жойда вақтинчалик беркитиб қўйишди, девондаги мудҳиш бу воқеа ҳаммаёққа ёйилиб, шов-шув бўлиб кетмасин дегандай, эшитганга ёмон, амир Масъуднинг шаънига ҳам.

Бош вазир сарой қўриқчилари бошлиғи Мухтожни чақириб, энди уни бўралаб сўка бошлади, унга айтмаган гапи қолмади: «Ахир қандай бедодлик бу, ҳали амир қилмишларингиздан хабар топса борми, бирортангиз ҳам жазосиз қолмайдурсизлар, нодонлар, кўрнамаклар. Куппа-кундуз кунни муқаддас, олий даргоҳда шунчалик нодонликка йўл қўйилса-я!»

Бош вазирнинг асаблари кўзғаб, фиғони фалакка чиқар, ўзини қайга кўярини билмасди.

Сарой қўриқчилари бошлиғи эса, чурқ этолмас, бош вазирнинг куйиб-ёниб бераётган дашномларига жавоб бера олмас эди. Ахир, нима ҳам дерди, қилар ишни қилиб қўйди-ку! Албатта, бу ўйлаб қараганда, ақл кетгандаги ўта аҳмоқликдан иборат бир ғаламислик эрди.

Мусибат оқибат-натижада амирнинг қулоғига ҳам бориб етди. Тушлик овқат вақтида бош вазир барча эшитсин деб ҳамма гапни очик-ойдин ҳукмдорга сўзлаб берди.

Амирнинг фиғони фалакка чиқиб кетди. Ҳатто Абу Насрга ҳам қаттиқ дашном берди: «Ахир мен жаҳлим чиқиб, шундай деб юборган эканмен, жаноб вазир, сиз қайда эдингиз, наҳотки, шундай бир нодонликка йўл қўйибдурсиз!?»

Абу Наср деди:

– Амирим, ахир биз ўша пайтда машварат йиғинида эрдик-ку, булар ана шу имкониятдан фойдаланиб қолишган.

– Энди бўлар иш бўлди, бир одам бекордан бекорга ўлиб кетди, хўш буёғи не бўлур?

– Айбдорларни яхшилаб жазолаш даркор, токи бундай аҳмақона бебошлик бошқаларга ҳам ўрнак бўлсун, – деди вазир.

Кўзлари қизарган амир бир бош вазирга, бир иштаҳа билан овқатланаётган сарой аъёнларига ғазаб билан қаради. Шу дамда сарой бош ҳожиби Хумор Тегин кўзига жуда ҳам ёмон кўриниб кетди. Ўз манфаати йўлида одамлар ҳаётига зомин бўлаётган, бу билан салтанат шаънига ҳам путур етказаётган, пул-мол деса ҳар қандай разилликларни қилишдан ҳам қайтмаётган баъзи аъёнларга нафрати ошди-да, ошаб тургани тобақдаги емакни бир чеккага итариб қўйиб буюрди:

– Ҳожиблар бошлиғини чақиринглар!

Бир вақт Хумор Тегин кириб келди. Қўрққанидан ранглари бўздек оқариб кетган, турибди-ю, ўзини тутолмас, дир-дир титрарди.

– Қани, ит эмган, айт-чи, нечун Музаффарни ўлдирдинг? – амир унга ғазаб билан тик қаради.

– Амирим, рухсат беринг, гапирай, ҳузурингиздан чиқиб, мен сизнинг сўзингизни қандай бўлса шундайлигича уларга айтган эрдим, гуноҳим шул... – Ҳожиблар бошлиғи шундай деди-ю, кейин жимиб қолди. Қўрққанидан турган жойида сийиб юборган эди.

– Уни тезроқ олиб чиқиб кетинглар, орқасига минг дарра уринглар, токи ҳақ гапни айтсун, – деди амир ғазабланиб.

Хумор Тегинни сарой ҳовлисига олиб чиқиб, минг бор дод-фарёд этишига қарамай, роса дўппосладилар. Афтидан, қамчи ураётган ғулумнинг ундан озор чеккан жойи бор эканму, ҳар ҳолда қамчининг зарби одатдагидан ташқари кучли эди. Ниҳоят ҳушдан кетиб йиқилди. Кейин бир челак совуқ сув келтириб, бошидан қўйдилар. Зўр-базўр ҳушига келгач, яна амир ҳузурига олиб кирдилар. Энди ақли жойига келиб, айбини тўла бўйнига олди, минг динор берганлари-ю, бу ишда кимларнинг қўли борлигича, барча сир-синоатни рўй-рост айтиб берди.

Сўнг қоровуллар бошлиғи Мухтожни ҳам амир ҳузурига олиб кирдилар.

– Хўш, қани, ростини сўзла, нечун сен Музаффарни ўлдирдинг? – деди амир ғазаб билан.

– Хумор Тегин менга: «Сиз жаноби олийларининг фармонларини етказинг», – деган эрди.

– Нечун ҳузуримга кириб, шундай қилайму, деб сўрамадинг, аниқламадинг, ахир ўртада бир ҳурматли инсоннинг ҳаёт-мамонт масаласи турган эрди-ку, нокас!

– Кечиринг, мен аҳмоқ, мен нодон, – деди у титраб-қақшаб.

Амир ғазаб билан ўрнидан туриб кетди.

– Фармоним шулким, бу манфур ишга даҳлдор бўлғонларнинг ҳар бирига юз даррадан урилсин, токи эслари жойига келиб, умрбод сабоқ бўлгай!..

* * *

Абулфазл мана шу тарихларни ёзиб тугатди-ю, ўзини чарчагандай ҳис этди, кўзлари бир оз толиб хатчўпни жойига қўйди. Шу вақт хизматкор ғулум кириб, уни амир Мавдуд чорлаётганини маълум қилди. У, ёзувларини бирма-бир тартибга солиб, пўлат сандиғига қулфлади. Кейин у ёқ-бу ёғини тузатиб, одатдаги ёзув дафтарини қўлтиқлаб, Ғазнанинг янги ҳукмдори ҳузурига йўл олди.

ЯНГИ ПОДШО, ЯНГИ ҚОНУН

Дорулсалтанатнинг қадимий саройи. Бу муқаддас тахти олий оламгир Собуқтегин, Султон Маҳмуд, амир Масъуднинг етти иқлимга донғи кетган қароргоҳи. Ғазнага келибдики, Абулфазл шу қабулхона атрофида гирди-капалак, унинг хоналари, ўриндиқлари таниш ва қадрдон. Қабулхонага солиб қўйилган, Эрон шоҳлари саройидан олиб келинган оловдек ёниб турган шоҳона гилам, Ҳиндистондан келтирилган қимматбаҳо биллур қандиллар, тилла буюмлар ва чинмочин чинилари – ҳамма-ҳаммаси жой-жойида турибди. Лекин энди шу ноёб нарсалар Абулфазлга бошқачароқ, оддий нарсалардек кўринарди.

Шул вақт қабулхонага Абу Райҳон Беруний ҳам кириб келди. Аллома кўрдик, Байҳақий янги ҳукмдор ҳузурига кирмоқчи, демак, ҳукмдор уни ҳам таклиф этган. Чиндан янги подшо, янги сиёсат, янги қонун деганларидек, ҳар бир соҳиби давлатнинг ўзига хос қарашлари, ҳаётга, атроф-теварақдаги воқеаларга, салтанат хизматчилари-ю, амалдорларга муносабати бўлади. Янги подшоҳ келгандан сўнг кимлардир девондан кетади ёки бошқа лавозимга ўтади. Хуллас, подшоҳ ўзига яқин ва ишонган кишиларини атрофига тўплайди, бу давлатни идора этиш, бошқаришнинг азалий қонуни.

Амир Мавдуднинг ҳам ишонган, ўзига яқин сирдошлари бор, албатта. Салтанат даргоҳида – отасининг паноҳида ишлаб юрган бош вазирдан тортиб, котиби маҳкамагача, ҳарбий вазирдан тортиб, девоноғача – барчаси таниш ва маълум. Энди улар оёғи куйган товукдай безовта. Шаҳзода Мавдуд билан ошночилик қилган, унга яқинлашиб мақтаб юрганларнинг кўнгли тўқ, ошиғи олчи. Улар биринчи кундан бошлаб ҳузурида пакки-парвона.

– Амиримизнинг ҳузурларида ким бор, мени йўқлаган эрканлар? – деб сўради Байҳақий қабулхона ходимидан.

– Унсурий ҳазратлари, – деди у.

Унсурий сарой маликушшуароси, шоирлар шоири, энг муҳими, Султон Маҳмуднинг севикли кишиси, тўғрироғи – эркаси, сирдоши, қолаверса, яқин дўсти ҳам эрди, битган ашъорларини ҳукмдор жуда-жуда ёқтирарди.

Унсурий ғазалхонлик кечасидаги айтишувларда ўта ҳозиржавоблиги билан Султоннинг иззат-ҳурматиға сазовор бўлган. Султон баъзан зерикиб қолса ёки бирор нарсадан хафа бўлса, тун ярмида бўлса ҳам шоирни кўнгли истаб қолар, «агар ухлаб ётган бўлса ҳам уйғотиб олиб келинглар» деб буюрарди. Сирасини айтганда, буюк «Шоҳнома» муаллифи Абулқосим Фирдавсийни бир кўришдаёқ, унинг шеъриятга иштиёқи, қобилияти, истеъдодини ҳис этиб, тўппа-тўғри Султон Маҳмуд ҳузуриға бошлаб олиб кирган ва «Шоҳнома»ни шу камтаргина деҳқон шоир ёзиши мумкинлигини Султонға айтган, ишонтирган ҳам Аҳмад Унсурийдир. Бу унинг тарих олдидаги унутилмас хизмати, десак ҳақ сўзни айтган бўлурмиз. Агар пийсабилло айтганда, Унсурий бош-қош бўлмаганда, Фирдавсий Султон ҳузуриға киролмаслиги эҳтимолдан холи эмасди.

Байҳақий ўша воқеаларни кўз олдидан ўтказиб турган чоғида эшик очилиб, ҳукмдор ҳузуридан не учундир юз-кўзлари қизариб кетган Унсурий чиқди, кутувчиларға салом берди-ю, шошганча ўз хонасиға йўл олди. Шоир билан янги амир ўртасида бирор гап ўтган бўлса керак, деб кўнглидан ўтказди Байҳақий. Тўғриси, энди Унсурийнинг илгариги вазоҳати йўқдай, ўзини анча олдириб қўйган, соқол-мўйлабига оқ оралаб, оёқ босишлари ҳам сустлашиб, қариллик аломатлари кўрина бошлаган. У энди илгариги ариллаб-дариллаб юрган зукко эркатой эмас.

Беруний шоирнинг орқасидан кузатиб турган Байҳақийға:

– Ҳукмдорнинг ҳузуриға аввал сиз кининг, кейин мен, – деди.

– Йўқ-йўқ, сиздан ўтиб кетолмайман, – деди Абулфазл ва олимға ҳурмат ила йўл бўшатди.

Шу пайт ичкаридан хизматкор ғулом чиқиб Байҳақийға:

– Амирим сизни чорлайдурлар, – деб қолди.

Байҳақий ичкариға кирганда амир Мавдуд тахтда эмас, хона чеккасидаги юмшоқ ўриндиқда гулоб ичиб ўлтурур эрди. Негадир хаёллари тўзғигандек кўринди Байҳақийға. Паришонхотир, ранглари синиқ, кечаси билан ухлай

олмай чиққан кишидек кўзлари киртайиб қолган. Улуғ зотлар ўтирган тахтга чиқиб ўтиришга юраги дов бермай тургандай, шу кеча-кундуздаги қонли-ғурбатли воқеалар эса виждонини эзаётгандай туюларди зийрак добирга. Бунинг устига амир Мавдуд биладики, Байҳақий ҳамма сиру асрордан воқиф, боболари ва отаси кечмишини оқизмай-томизмай ёзмоқда.

Бир куни Байҳақийнинг кадрдонларидан бири: «Нечун сиз баъзи воқеа-ҳодисаларни қандай бўлса, шундоқлигича ёзурсиз, бир оз ўзгартириб, юмшатиб битсангиз, подшоҳларимизни кўпроқ мақтасангиз бўлмайдиму?» – деганда Байҳақий: «Қуръони каримнинг «Қалам» сурасинда: «Қалам Яратганнинг инсон зотига ҳадя этган буюк инъомидир» дейилмиш. Шу боис қалам – муқаддас, у билан ёлғон-яшиқ нарсаларни ёзиб бўлмайду, бу гуноҳи азимдир. Фақат ҳақиқатни, яна бир бор айтаман, фақат ҳақиқатни ёзмоқ даркор эрур. Қаламда ота-боболаримиз тарихи ёзилғон, муқаддас китобимиз – Қуръони Карим ҳам, Оллоҳдан нозил бўлгач, қалам билан битилган», деб жавоб берган...

Байҳақий Мавдуднинг нега чақиргани ва нима демоқчи эканлигини билмай бошини ҳам этиб, итоатгўйлик билан жимгина қўл қовуштириб ўлтирар эди. Нима ҳам қилсун, қаршисида – салтанатнинг янги, яна бир қаттиққўл ҳукмдори. Ахир у шу кеча-кундузда тахтни эгаллаб олиш учун ҳеч нарсадан тап тортмади-ку. Энди бу ёғи қандай бўларкин, янги амирдан нималар кутиш мумкин, яхшилик кўрадими, ё... Бу Байҳақийга маълум эмас. Агар хожа Зувзанийдек одам бирор ноўрин гап айтиб қўйса ё ёмонласа, эзаётган ашъорлари ҳақида сўзлаб берса, ҳолига вой!..

Булардан ташқари, Мавдуднинг қизиқ одатлари бор эди. У уч ишни ҳаргиз қилмас эрди: биринчидан, агар инъом икки юз тилладан оз бўлса, кўпчилик олдида ҳеч кишига бермасди. Ҳеч ким йўқ пайтда вазирининг ёрдамчиси, яъни парвоначига буюриб бердирур эрди. Иккинчиси, тиши кўрингунча қаттиқ кулмасди. Учинчиси, ҳар қанча қаҳри келса ҳам, ҳамиша «беҳамият» дейишдан бошқа дашном айтмасди.

Яна бир одати, ҳукмдор бўлса ҳам, кўп ишларни ўзи қиларди, айниқса сарой боғидаги дарахтларни, гулларни кесиш, суғориш, баъзан чопиш ишларини ҳам.

Амир Мавдуд тахти олийга эришгунга қадар бошидан кечирган қонли кунларни, айниқса, қасос кечасини ўйлаб, юраги ачишиб, безовта бўлгандек туйилди ўзига. Ҳа, ғазаб кўзгаганда ақл кетади. Мавдуд отаси амир Масъудга суяниб қолган, уни жонидан ортиқ кўрарди. Отаси уни Балхга ҳоким этиб юборганда, «Ўғлим, билгинки, бу сен учун катта мактаб бўлғусидир, мен ҳам ўша мактабни ўтаганмен. Отам раҳматли мени Балхга ҳоким этиб тайинлаганда ҳам ана шу мақсадни кўзлаган эрди, мана, энди сен ҳам шу йўлдан борурсен, ўша ерда катта дорулфунундан ўтурсен», – деган эди. Акаси Муҳаммад ўз разил қилмишлари учун жазосини олди, аммо кеннойиси, шўрлик болалари-чи? Уларда не гуноҳ? Ахир, бундай ўйлаб қараганда, дунёдан кўз юмиб кетганлар жигарбандлари эрди-ку! Бобоси раҳматли Султон Маҳмуд, отаси амир Масъуд, амакиси Муҳаммад... Шулардан фақат бобоси Султон Маҳмудгина ўз ажали билан бу ёруғ дунёни тарк этди, қолганлари тож-тахт қурбони бўлдилар. Энди барча суянган тоғлари йўқ, ёлғизланиб қолди. Айниқса, отаси амир Масъуднинг фожиали ўлимини кўз олдида келтирса, ғазаби ошади, «отамнинг қасосини олдим, аламдан чиқдим, жуда тўғри иш қилдим», деб бир оз таскин топгандай бўлади.

Мавдуд девон добири хаёлдан ўтказаётган фикрларни гўё билгандай унга ер остидан қараб турарди. Шу ўнғайсизликдан қутулиш учун Абулфазл Мавдудга:

– Улуғ амирим, тож-тахт муборак, илоҳо ота-боболарингиз руҳи сизга мададкор бўлсун. Узоқ йиллар шу муқаддас тахти олийда мустаҳкам ўлтирурсиз, деб орзу қилурмиз. Омон бўлинг, бошимизга соябон бўлинг, – деб эгилди.

– Оллоҳи таоло сизнинг дуойингизни албатта қабул айлағай. Чунки сиз Хизр назар этган бир ажиб, кўнгли пок инсонсиз, – деди Мавдуд гўё кўнглини унга яқин тутгандай.

Мавдуд отаси амир Масъудга ўхшаб камон отишда устаси фаранг эди. Қўлига ўқ-ей олганда, пийсибилло айтганда, нишонга тегизмасдан қўймасди. Ҳатто осмонда учиб кетаётган қушни битта ўқ билан уриб туширар, овда бўлса ҳаммадан кўп ўлжага эга бўларди. Албатта, камон отишда шу пайтгача ҳеч ким отаси Масъуд олдига туша олмаган, буни шаҳзоданинг ўзи ҳам бир неча эътироф этган. Лекин бобоси эътирофича, Мавдуд отасидан ҳам ўтадиган мерган эди. Ҳатто Мавдуд шундай камон ихтиро этган эдики, донғи бутун оламга кетган. Ўша камон соф олтиндан ясалган бўлиб, жуда ҳам қиммат баҳоланган ва «Камони Мавдуд» номини олган. Бирор киши унга эгалик қилмоқчи бўлса, нарҳини эшитиб, иккинчи марта уни сўрамаган, тўғриси яқинлашмаган. Мазкур камоннинг яна бир ғорайиб хусусияти шундан иборат бўлганки, отилган ва учиб кетаётган ўқдан ажабтовур чиройли куй таралган. Мавдуд овга жуда ихлосманд бўлган, ўрмонга кийик, қуён, тўнғиз овлагани борганда шикор тугаганидан сўнг ўша машҳур мусиқали камонини отиб, дўсту ёронларини ҳайратга солган.

Амир ковачадан яна бир пиёла гулоб қуйиб ичди-да, сўнг Байҳақийга:

– Сизнинг битикларингиз авлодларга мерос бўлиб қолғусидир. Шул боис мен ҳақимда ҳам илиқ-иссиқ сўзлар иншо этгайсиз, деб ўйлаймен. Кўриб турибсизки, бошимизга оғир кулфатлар тушди, отам раҳматликни ғаламислар ўлимга маҳкум этдилар. Билсангиз, бизга тикилган ёмон кўзлар, шон-шўхратимизни кўролмаётган ёвуз ниятли душманларимиз кўпдир, – деди.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, Байҳақий безовта бўлиши, ёмон хаёлларга бориши учун асос йўқ, Мавдуднинг ўз отасига ҳурмат-эҳтироми баланд эрди. Аслида воқеа бундай бўлганди:

Маълумки, салжуқийлар билан бўлган сўнги жангда ғазнавийлар кўп талофот кўрдилар. Аммо шунга қарамасдан, жангу жадал то қоронғу тушгунга қадар давом этди. Жангоҳ марказида амир Масъуд, ўнг қанотда шаҳзода Мавдуд, чап қанотда эса амакиси Муҳаммад жанг олиб борур эрдилар. Узоқдан кузатган кишига гўё Муҳаммад одатдагидек жасорат билан қаттиқ савашаётгандай туйиларди. Асли шаҳзода Масъуд бу сафар талофот кўришини тилаётган эрди. Агар Масъудга бирор кори-ҳол бўлса, Муҳаммад ўз мақсадига эришади, ҳокимият қўлида қолади. Қарангки, оқибат-натижада мухориба салжуқийлар фойдасига ҳал бўлди, жангда бу сафар ғолиб чиқдилар. Амир Масъуд ўз яқинлари билан хориб-чарчаб, Ҳиндистон тупроғига қочиб ўтиб, ўзига таниш бўлган бир ҳинд хонадонининг кулбасига борди-ю, аламидан бир коса майни нуш этиб, ўзини ўриндиққа ташлаб уйқуга кетди. Ортидан қолган-қутган лашкарлари билан Муҳаммад ҳам изма-из етиб борди. Шаҳзода Мавдуд бўлса, сўнги дамгача майдонни тарк этмади. У шундай жасорат, мардлик билан жанг қилур эрдик, ёғийлар паҳлавонона зарбларига бардош беролмай, ҳар томонга тўда-тўда бўлиб қочар эрдилар.

Хуллас, оқибат салжуқийлар кўпчилик бўлиб, уни ўртага олдилар. Аммо Мавдуд соҳибқирон бўш келмади, гоҳ қилич, гоҳ гурзи, гоҳ найза ишлатиб, бор маҳоратини намойиш қилди. Унинг паҳлавонона жангини кўриб турган салжуқийлар сардори Довуд ўз лашкарларига: «Бўлди, ортга қайтинглар, шаҳзода йўлига кета берсун», деб бақирди ва шу дам мухорабани тўхтатишга чорловчи тибилжинг садолари янгради.

Андан сўнг, Мавдуд омон қолган жангарийлари билан отаси амир Масъуд кетган томон йўл олди, икки-уч фарсах йўл юриб эрдик, қараса, бир неча юз суворий қоронғуда қарама-қарши келмоқда. Ажабо, улардан бири амакиси Муҳаммад эркан. Отаси қани, у қайда қолибдур? Шаҳзоданинг қони миясига уриб кетгандай бўлди, тагин анави ғаразгўй амаким отамга бирор кори-ҳол етказган бўлмасун, деб кўнглидан ўтказди ва ихтиёрсиз тарзда бақирди:

– Отам қани? Сиз қайга кетурсиз?!

Муҳаммад ҳеч сўз демай, отига қамчи босиб бирпасда кўздан ғойиб бўлди.

– Нима гап, ўзи не бўлди!!! – деганча қолди шаҳзода бақириб.

Мавдуд бир сўз айтурга ҳам тили лол, не қиларин билмас: Муҳаммаднинг ортидан қувсинму ё отасининг ҳузурига борсинму?! Бу ерда қандайдур сотқинлик, ё бирор ғаламислик рўй берганга ўхшарди, амакисининг нияти, хулқ-атвори маълум, тун қўйнида ҳатто овози ҳам бошқача туюлди.

Шаҳзода Мавдуд отига қамчи босди, ўша амакиси келган томонга елдек учиб кетди. Манзилга етиб борганда не кўз билан кўрсинки, бир жамоа ҳиндулар чироқ тутиб, амир Маъсуднинг қонга беланган паҳлавондек гавдасини қудуқдан чиқариб олмоқда эдилар. Отасининг яқинлари, ғуломлар, лашкарлар барчаси ўша ерда, тумонат одам йиғилган.

Абу Сайид Гардузий фикрларига қараганда, Амир Мавдуд «Мариқалъа» қалъасида отасининг қатл этилганлиги хабарини эшитгач, ўша заҳотиёқ зудлик билан бориб қасос олишга азм этган. Аммо вазир Абу Наср Аҳмад уни бу қалтис ишдан қайтаради ва дейди:

– Амирим, яхшиси, ҳозирнинг ўзидаёқ биз Ғазнага қайтмоғимиз даркор эрур, аввал пойтахти муқаддасга бориб ҳокимиятни қатъийлик билан қўлга олайлик, барча сипоҳсолару лашкарларни йиғиб, тартибга солиб, кучларни жой-жойига қўяйлик.

Бу донишманд, кўпни кўрган вазирнинг оқилона маслаҳати эрди.

Улар Ғазнага кириб борганларида, бутун аҳли фуқаро амир Мавдудга ҳамдардлик билдириб ва яна уни хурсанд бўлиб кутиб олдилар. Бир неча кун отаси раҳматли амир Масъудга мотам тутди, эл-юртга ош берди...

ҚАСОСЛИ ДУНЁ

Шаҳзода Мавдуд юраги тўла дард-алам билан бийдек чўллар бўйлаб йиғлаб борар, бўзлаб борар, не қилсун, энди ишонган тоғи йўқ, меҳрибон, паҳлавон отасидан айрилиб қолди, чидай олмайди бундай оғир жудолик дардига. Йўл ҳали узоқ, охири кўринмас. Дашту биёбонлардан борар, йўл-йўлакай Муҳаммад лашкарлари ташлаб кетган эски идиш-товоқлар, кийим-кечаклар, чарчовдан кучи узилиб ўлиб қолган от-туялар, не сабабдандур қатл этилган бир сипоҳсолар жасади йўл устида ётарди. Бу ўша шафқатсиз амакисининг қотиллик излари эди.

Чўлга қоронғи тушиб, зулмат чўқди. Ҳов осмон тагида уч кунлик ҳиллол ёнбошлаб ётиб олибди. Бунақа вақтда: «Ой ўзига тинч, элга нотинч туғибди», дер бобокалонлар. Ҳа, яна уруш, жанжал, тахт можаролари бошланур.

Осмони азалдаги беҳисоб унсиз юлдузларга боқиб дард-алам билан ҳар дам хаёлда отасининг кулиб турган юзларини, баъзан меҳрли, баъзан ғазабли қарашларини, майдонда Рустам Достондек жанг қилишларини ёдга олар, юраги эзилар эди. У отасидан ҳам қаттиққўл ҳукмдор, иродаси мустаҳкам, ҳеч қачон йиғламаган, локин шу ҳижрон-алам кечасида, зулматли тунда паҳлавон отасининг аянчли ўлимини кўз олдига келтириб, ўзини ҳеч тутолмасди, йиғламай деса ҳам кўз ёшлари шашқатор бўлиб юзларини ювар, тагидаги тулпори ҳам аламли, ғам-андуҳли ҳолатини сезгандек ҳар замон-ҳар замон кишнаб қўярди.

Ниҳоят, яна бир неча парсах йўл юрилгач, чўлга туташиб кетган тепаликлар ортида милт-милт чироқлар кўринди. Афтидан, Муҳаммаднинг охириги қароргоҳига дуч келишди, чунки кимсасиз саҳрода кимлар истиқомат қилиши мумкин? Мавдуд бу йўлларни беш қўлидек билади, беҳисоб лашкарлари билан, ҳам бобоси Султон Маҳмуд, отаси амир Масъуд билан ҳам бир неча бор босиб ўтган. Демак, ўзи учун таниш, ўрганган жой бўлганлиги боисидан амакиси ҳам албатта шу ерда тўхтаган.

Шаҳзода Мавдуд вақтни бой бермасдан, бир неча эпчил ғуломи билан боргоҳнинг орқа томонидан ўтиб оти билан тўппа-тўғри амакиси ҳузурига тўсатдан бостириб кирди. Амакиси чарчаган бўлса керак, ёстиқ-тўшак қилиб ёткан экан, хотини емак-ичмак тайёрлаб дастурхон тузмоқда. Катта ўғли Аҳмад бир чеккада ўтирволиб, сопол ликопчадаги қора қўй калласини зўр иштаҳа билан ғажимоқда. Улар ханг-манг бўлиб қолдилар. Мавдуд ҳаммадан аввал қўлидаги шамшири билан қўй калласини узгандек бир зарб билан Аҳмаднинг бошини сапчадек узиб ташлади. Чунки отаси Масъуднинг қотили аслида Аҳмад эрди. Муҳаммад қиличини суғурмоқчи эди, Мавдуд кучли қўллари билан билагидан маҳкам ушлаб олди, шунда иттифоқо кўзи амакиси бармоғидаги ёқут узукка тушди. У амир Масъуднинг машҳур, энг қимматбаҳо узуги, уни Сарандаб оролида бир савдогардан олтмиш минг динорга сотиб олган, буни Мавдуд жуда яхши биларди. Яна ҳам ғазабланган шаҳзода амакиси қўлини кесиб ташлади-да, узукни бармоғидан ситиб чиқариб олди, кейин жазаваси тутиб кетиб, жон-жаҳди бирлан амакисини бутунлай тилка-пора этиб, чаваглаб ташлади. Бу даҳшатли қонхўрликни кўрган янгаси бўлса, эси оғиб, беҳуш йиқилди. Хулласи калом, Мавдуд Муҳаммаднинг бола-чақаларини ҳам битта қўймай, шу ернинг ўзидаёқ бирёқлик қилди. Бул қасос жараёни шундай моҳирлик билан тез ўтказилдики, ўз юмушлари, емиш-ичишлари билан овора бўлган минглаб лашкарлар, саркардалар баридан ғофил қолдилар.

Амир Мавдуд қароргоҳдан чиқиб, ўз яроғбардорлари билан бир неча чақирим нарида қолган лашкаргоҳга етиб келганда, ҳамма ҳали ширин уйқуда эди. Атрофга қўйилган соқчилар тонг билан қайтиб келган амир Мавдудни кўриб ҳайратда қолдилар. Чунки, ҳукмдорнинг тунда чиқиб кетганини ҳеч ким билмаган, сир тутилган эди.

Ҳов осмон тубидаги тобора хиралашиб ботаётган ўроқ-ойнинг эса тили лол, гўё ҳеч нарса сезмагандай маънос...

Амир Мавдуд бошидан кечган ана шу қонли кунларни, ўша қасос кечасини ўйлаб, юраги безовта бўлгандек туйилди. Ёнидаги кўзачадан яна бир пиёла сув қуйиб ичди. Кейин ёдига яна бир нарса тушиб қўнғироқни чалди, эшик ёнида хизматкор ғулом пайдо бўлди.

– Хотирамдан кўтарилибдур, Беруний шул ердаму, ани чақир?

Бир дақиқа ўтмай Беруний кирди, кўрсатилган ўриндиққа чўқди, сўнг дуога кўл очди:

– Ота-боболарингиз руҳи сизга мададкор бўлсун, шу муқаддас тахти олийда яйраб-яшнаб, салтанатимиз обрў-эътиборини, шухратини яна ҳам кўтаргайсиз!

– Сизлар отамнинг ҳам, бобомнинг ҳам ишонган тоғлари эдингизлар, салтанатимизга файз-тароват киритиб, мана неча йиллардан бери ҳалол, садоқат билан хизмат этурсизлар. Айниқса, отам раҳматлик сизга меҳра кўйган, устоз деб кўл берган эрдилар. Қачонки, оиламиз даврасинда жамул-жам бўлиб қолгон чоғларимизда менга, раҳматли укам амир Саидга: «Агар ақл-идрокли, билимли, маъруф киши бўлиб етишмоқ истасангизлар Берунийдан сабоқ олинглар, ул улуғ зот кўп қиррали олими замондур», деюр эрдилар. Мен ўзимда бўлгон барча яхши хислатларимни сиз, улуғ алломалар туфайли деб билурмен, – деди амир Мавдуд.

– Бизнинг шаънимизга айтқон сўзларингиз учун минг бор раҳматлар айтурмиз.

Беруний ҳам, Байҳақий ҳам Мавдуднинг режалари, саховатли ишлари ҳақида айтган сўзларини эътибор билан эшитиб, маъқуллаб турур эдилар.

Аммо шу дамда Беруний юраги безовта бўлиб, пешонасидан тер чиқиб, ўзини ёмон ҳис эта бошлади. Байҳақий дўстининг ҳолатини кўриб, чўнтагидан рўмолчасини олиб терларини артди.

Амир Мавдуд аллома ҳолатини кўриб, кўнғироқни шитоб билан чалди, хизматкор пайдо бўлди.

– Табибга тезда одам юборинглар, – деди ҳукмдор.

Шу воқеадан кейин Беруний, асаблари қақшаб, гўё қони миясига уриб кетгандай, бир неча кун ёстиқталаб бўлиб уйда ётди. Тиббиётдан анча хабардор устози Ибн Ироқ муолажаси билан эрта-кеч машғул бўлди.

Абу Райҳон Беруний хасталик тўшагида ётибди-ю, амир Мавдуд кўз олдидан ярқираб турган қонли узук кетмасди. Наҳотки, шундай бўлса, деб хаёли бўлинар. Кейин яна ўзига тасалли бериб: «Йўқ, йўқ, ундай бўлиши мумкин эрмас», деб пичирларди... Албатта, Берунийга узук тарихи ҳали аён эмас.

Абурайҳон ётибди-ю, кўзлари юмуқ, аммо уйқуси келмас, фикрлари чувалашиб кетган. Яна амир Масъудни қумсади, не учундир шу дамда ўша саодатли кунлар, Масъуднинг қорахонийлар хони Қодирхон қизига уйлангани ёдига тушди.

Тўй маросими 1024 йил куз фаслида ўтганди. Ажабтовур қувончли дамлар, дов-дарахтлар сарғиш рангга кириб қуёш нурида олтиндек товланар. Мева-чевалар ғарқ пишган. Фазна бозорига кириб қолсангиз, Шарқ оламининг ҳар ёғидан олиб келинган хурма, ширин-шакар узумлар, қирмизи олмалар ё бўлмаса раста ўртасига уйиб ташланган қовун-торвузларни кўриб кўзингиз қувонарди.

Ўша тўй тафсилоти кўз олдига келди.

СОВЧИЛАР

Амир Масъуд ўз ҳузурига қози Абду Тоҳир Табонийни ва қадрдони Хожа Қосим Хусайрийни чорлаб, ўз ҳаёти, оиласи, фарзандлари ҳақида гапириб ўтирди. У ўз оиласи, жигарлари хулқ-атвори ҳақида ҳеч қачон бунақа очилиб-

сочилиб сўзлаганмас. Сухбатдошлар ҳайрон, нечун амиримиз давлат ишлари қолиб, кўпроқ ўз ҳаёти ҳақида сўзлаб қолди деб. Шунча йиллар бирга ишлаган бўлсалар ҳам, Масъуд ўзини бу қадар яқин тутиб, бунақа дилдан сўзлаш пайтлари бўлмаган. Албатта, Табоний ҳам, Хусайрий ҳам Масъуднинг энг яқин кишилари эрурлар. Ҳокимиятга келишида яқиндан ёрдам берган, қўллаб-қувватлаган, ҳимоя қилганлар ҳам шулар. Султон Маҳмуд оғир касал бўлиб ётганда, баъзи сарой аёнлари амир Муҳаммадни қўллаб-қувватлаб турганда, Масъуд ёнида туриб, уни Ғазнанинг ҳукмдори, подшоҳи этиб қўйишда жонбозлик кўрсатганлар Хусайрий билан Табоний эди.

– Сиз, азизларимни йўқлатғоним боиси, бир муҳим ва ҳаётий масала юзасидан маслаҳатлашиб олмоқчи эрдим. Ўйлаб-ўйлаб бир фикрга келиб турибдурманки, буни сиз қадрдонларимга айтмасам, кимга айтай.

Хусайрий билан Табоний ер остидан кўз уриштириб қўйдилар. Нечун амир маслаҳатталаб бўлиб қолибдур деб. Илгари кўпроқ ўзи гапириб, кейин, шундай қилинлар, деб буйруқ берадиган одам энди маслаҳат сўраб ўтирибди.

– Сизлар ҳайрон бўлманлар, нечун амиримиз бизга маслаҳат солмоқда деб. Мен сўрамоқчи бўлган масала подшоҳлар оиласига хос, қолаверса, ўзаро энг қадрдон дўстлар билан келишиб олинадурғон масаладур, – деди амир Масъуд.

– Амирим, сиз айтмоқчи бўлган маслаҳатли масала бўлса, биз нима дердик, ахир сиз ҳамиша хуш нарсалар хусусинда ўйлайсиз-ку!

– Ҳа, шундай, ҳақ гапни айтдингиз, бу ҳаёт-мамот масаласи эрур. Кечаси билан ўйлаб-ўйлаб, охири дилимдагини фақат сизларга айтмоққа жазм этдим.

Ўртага сукут тушди. Табоний ҳам, Хусайрий ҳам ҳайратда: амир Масъуд кўпроқ буйруқ бериб ўрганган, ҳеч кимга маслаҳат солмаган ўта қаттиққўл ҳукмдор бўлса-ю, келиб-келиб бизларга маслаҳат солиб ўтирса. Бунақаси ҳеч бўлмаган. Бу ерда бир гап борга ўхшар, деб кўнглидан ўтказди, кўп нарсани кўрган ва билган қози Абу Тоҳир Табоний.

– Амирим, сиз бизга ёмон фикр айтмайсиз-ку, бутун Ғазна салтанатининг ҳукмдори бўлсангиз, – деди Табоний таъзим айлаб.

– Шу кунларда бир фикр миямда айланиб юрибдур. Отам раҳматлик бир вақтлар қорахонийлар салтанатига лашкар тортиб борганлари ёдингизда бўлса керак. Ўшанда Қодирхон билан дўстона алоқа ўрнатиб қайтғон эрдилар. Мана энди, биз ҳам отамиз изидан бориб, ана шу дўстлик ипларини мустаҳкамлаш ниятидадурмиз.

– Жуда яхши ўйлабдурсиз, бу ишингиздан отангиз руҳи шод ўлғай, – деди Табоний яна гапга аралашиб.

– Биз дўстлик алоқалари илдизларини яна мустаҳкам этмоқ мақсадинда Туркистон хонлиғи бирлан қуда-андачиликни ният қилдук.

– Жуда оқилона ўйлабсиз, – деди Хусайрий шоша-пиша, ёнида оғзини гапга чорлаб ўтирган Табонийдан олдинроқ.

– Очиғи, Қодирхон қизини ўзимга, ўғли шаҳзода Буграҳон қизини эрса ўғлим шаҳзода Мавдудга сўратгим бордур. Сизларни хузуримга чорлашдин асл мақсадим ҳам шул эрур. Тўй олиб боришдек масъул вазифани сизларга топширгаймен.

– Бош устига, амирим, – деди Табоний.

– Ушбу хайрли ишингиз муборак бўлсун, – деди ўрнидан туриб Хусайрий.

– Совға-салому от-улов эрталабгача муҳайё этиб қўйилғай. Қодирхон ва фарзандлари учун алоҳида қимматбаҳо саруполар тайёрланур. Сизлар меним обрў-эътиборли ҳам ишончли вакилларим бўлурсизлар.

Эртаси куни тонг азонда совчилар Туркистонга йўл олдилар. Усти ёпиқ совғалар ортилган аравалар, алоҳида ҳашаматли маофа, тулпор отлар, хуллас, йўл учун зарур бўлган барча анжому емак-ичмаклар ҳозир у нозир этилган эди.

Ўша куниёқ бу хабар киборлар ўртасида кўп шов-шувга сабаб бўлди. Айниқса, сарой атрофидаги бой-боёнларнинг аёлларига баҳона гап топилиб қолди. Кутилмаган хабар улар орқали Масъуднинг бошқа хотинлари қулоғига ҳам бориб етди. Кундошлар безовта: баъзилари ёлғандан мақтаниб, баъзилари зорланиб арз-дод этишарди.

Хуллас, ғийбат бу ёқда қолди-ю, ўша куннинг эртасигаёқ совчилар Самарқанд томон йўл олдилар.

Улар довлонлардан ошиб, йўлда учраган ям-яшил қишлоқлардан ўтиб, бир неча кун деганда Самарқанд дорулсалтанатига етиб бордилар.

Совчиларни эҳтиром ва ҳурмат билан кутиб олдлар. Бундай ўйлаб қараганда, Ғазна хоҳиш-иродаси Туркистон хони учун ҳам кўп хайрли, ҳам имтиёзли эрди. Хон ўтириб қолган қизларини кўзи тириклик чоғида тинчителиши айни муддаодир, зеро, мусулмон давлатларида ҳукмдор қизлари ҳар жиҳатдан ўзларига лойиқ фарзандларга берилиши лозим бўлган. Ва, аксинча, шаҳзодалар ҳам муносиб хонадонларга куёв бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланган.

Ана, барча масалалар ҳамирдан қил суғиргандек осон ҳал этилди. Совчилар ҳам хурсанд, бўлажак қудалар ҳам. Амир Масъуд вакилларини хон ҳазратларининг ўзлари ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб олий даражада қабул айладилар. Қимматбаҳо саруполар, совға-саломлар тортиқ этилди, моҳир чеварлар томонидан алоҳида тайёрланган зар чопонлар кийдирилди. Барча расмий маросимлар тугагандан кейин Хожа Хусайрий билан Абу Тоҳир Табонийлар олий даражадаги тақводорлар учун қурилган шоҳона меҳмонхонага жойлашдилар. Совчилар шу дамгача бунақа ажойиб меҳмондўстликни кўрмаган эдилар. Хизматкорлар улар атрофида пакки-парвона. Ҳар дам, ҳар дақиқа аҳволларидан хабар олиб туришар, эрталабки нонуштага не тайёрлаб кўййлик, пешин ёки кечқурун-чи, деб сўрашар эди. Бунинг устига бир куни кечқурун улар шарафига шаҳзода Буграҳон зиёфат берди. Тўкин дастурхон устида амир Масъуд ва меҳмонлар шаънига ёқимли сўзлар айтилди. Буграҳон Табонийга ҳам, Хожа Хусайрийга ҳам заррин тўнлар кийгизди ва қимматбаҳо совғалар билан улар дилини шод ва обод айлади.

Аммо, халқда: «Кўп кулсанг йиғлайсан», деган мақол ҳам бор. Баъзан шодлик-қувонч ғам-андуҳ бирлан ёнма-ён келади, баъзан ҳаётда ҳеч ким ўйламаган, хаёлига келмаган воқеалар юз беради.

Ярим кечага яқин саройда нима учундур йиғи-сиғи, қий-чув, дод-фарёд бошланди. Ҳартугул Хожа ҳали ухламаган, «Қуръон» тиловат айлаб ўлтирур эрди, ўрнидан турди-ю, шоша-пиша Табонийни уйғотди. Шўрлик ғафлат уйқусига кетган экан, беихтиёр сачраб кетди.

– Ҳайронман, бир фалокат юз берган шекилли, – деди Хусайрий.

Йиғи-сиғи тобора кучая борди, аёл кишининг: «Вой отам, донишмандим отам, меҳрибоним отам», деб айтиб-айтиб йиғлаши юракни эзарди.

– Энди буёғи нима бўлади, шуниси ҳам бор эканми? – деди Хусайрий Табонийга юзланиб.

– Қани нима гап ўзи, билайлик, сиз, азизим, ҳовлиқа берманг.

Шу вақт эшикни кимдир аста тикиллатди. Бўсағада сарой хизматчиларидан бири бош эгиб турарди.

– Тинчликми? – сўради Хожа.

– Хон ҳазратлари Оллоҳ даргоҳига кўчдилар, – деди у йиғламсираб.

Хусайрий, «Ло илоҳо иллаллоҳ, Муҳаммадин Расуллулоҳ, бу қандай фожиа бўлди, бундан бир неча дақиқа илгари зиёфат чоғида бизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, ширин сўзлар айтган эрдилар-ку», дея йиғламсираб Табанийга юзланди. Хуллас, энди барча ишлар чаппасига айланиб кетади, тўй кечиктирилади, шунча қилинган хайрли ишлар орқага сурилади. Ҳа, дунё шундай қурилган. Баъзан олдинда кулиб турган бахт ғам-андуҳга айланиб кетади.

Совчилар кечани бедор ўтказдилар.

Эрта билан барча аъёнлар, хоннинг фарзандлари, неваралари сарой олдидаги катта майдонда тўпландилар. Қорахонийлар салтанатининг ҳукмдори, оламгир Қодирхон ҳазратлари оламдан кўз юмиб, бандаликни бажо келтирганликлари расмий равишда эълон қилинди. Самарқанд ўша кундан бошлаб мотам ичинда қолди. Маросим бир неча кун давом этди. Ғазнавийларнинг элчи-совчилари ҳам барча тадбиру йиғинларда қатнашдилар. Ниҳоят, Буграҳон Туркистон тахтига ўтқизилди, унга Арслонхон деган олий унвон берилди.

Арслонхон, анча эътиборли, ақл-заковатли, ўзи эгаллаган олий даражага лойиқ ҳукмдор эди. У, амир Масъуднинг отасига қилган ҳурмат-эътиромини беҳад қадрлашини айтиб, хоннинг иродаси ҳам васиятини бажариб, опаси Шоҳ Хотунни амир Масъудга, қизи Гулбонуни эрса ўғли Мавдудга хотинликка беришга розилик билдирди. Кечқурун Арслонхон катта дастурхон ёзди. Хоннинг барча яқин қариндош-уруғлари, аъёнлар кузатув кечасида иштирок этдилар. Ярим тунда зиёфат тугади. Совчилар ҳам бундай иззат-икромдан бошлари осмонга етиб, дам олиш учун ўз хоналарида кириб кетдилар.

Аммо бу ёруғ дунё тасодиф ва ҳодисаларга тўла эркан. Ярим тунда яна бир мудҳиш фожиа юз берди. Шаҳзода Мавдудга фотиҳа қилинган малика Гулбону, Худодан бўлдимۇ ё бандасиданму, тўсатдан дунёдан кўз юмди. Ярим кечада йиғи-сиғи, дод-фарёд бошланди. Ҳамма ҳайрон. Бахтсизлик устига бахтсизлик, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, нечун хоннинг эрка, гўзал қизи тўй арафасида бу ёруғ дунёни тарк этибди деб. Хожа Хусайрийнинг ранги заъфарондек сарғайиб кетган, ҳамма иш чаппасига кетганидан ўксиниб, ёқа ушлаб Табонийга зорланиб қарайди. Нечун бу тўйга шунчалик тўсқинлик, ё биз қилаётган ишлар Оллоҳга ёқмаётурму!

Нохуш хабар тезда бутун шаҳарга тарқалиб кетган, бутун Самарқандда шов-шув, чунки, барча тайёргарликлар қилинган, совчилар келинларни олиб эрта тонг билан йўлга тушишлар керак эди-да.

Бу ҳақда сарой ва унинг атрофидаги казо-казолар, хон ва хонзодалар ўртасида турли миш-мишлар кўпайди. Саройда майда-чуйда ишлар билан шуғулланиб юрадиган ва аввал хонзоданинг малайи бўлган Ойтовоқ деган қизнинг айтишича, ҳақиқатдан у Мавдудни хоҳламаган, холасининг ўғлига ошиқу беқарор бўлиб қолган, ўхтин-ўхтин ўша йигит билан хуфия учрашиб ҳам юрган. Бу сирни фақат Арслонхоннинг эрка қизи Шоҳ Хотунгина билган, аммо ҳеч кимга айтмаган. Чунки, агар хон билиб қолса борми, ҳамма ёқ тўс-тўполон бўлиб кетарди.

Ниҳоят, бугун тонг билан совчилар ўз ватанларига кетишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Барча нарсалар муҳайё қилинган. Шоҳ Хотун учун алоҳида безатилган қўш отли маофа ажратилган. Ғазнага келинни узатиб борадиган опалари ва сингиллари ва бошқа эътиборли аёллар учун алоҳида заррин чойшаблар ёпилган, юмшоқ ўриндиқли бир неча арава, кузатиб борувчилар учун зотли отлар, турли совға-саломлар, келиннинг мол-анжомлари учун эса

алоҳида ажратилган от-уловлар, туялар ва олтин-кумуш тангалар солинган сандиқлар... Хуллас, бой ва эрка келиннинг мол-дунёси ортилган қирқта туя, от-арава эрта тонг билан Ғазна томон йўл олди.

Самарқанд билан Ғазна ўртасидаги манзил анча узоқ, бепоен чўлу биёбонлар, қирлардан, тоғлардан ошиб, довлардан ўтиб бориларди. Куз фасли бўлса ҳам, кун ўлгудек иссиқ, шу сабаб тўй карвонини бошлаб бораётган карвонбоши ҳаво қизиб кетгач, бирор сувлоқ ерда дам олиб, кечқурун йўлга тушиш чора-тадбирларини ҳам кўрди.

Келин тушган карвон йўл юриб, мўл юриб минг машаққатлар билан Парвонагача етиб боргач, яна бир кўнгилсизлик рўй берди. Совчиликка борган қози Абу Тоҳир Табоний тўсатдан оғир дардга дучор бўлиб қолди. Бир пайт не учундир иситмаси кўтарилиб, кўнгли айнаб қуса бошлади. Ҳамма ёқ бийдай чўл, атроф-теварақда бирорта ҳам дарахт йўқ, шундай бўлса ҳам уни аравадан олиб чиқиб, ёйдоқ ерда кўрпача солиб ётқиздилар. Аксига олиб карвонда табиблиқдан хабардор бирорта ҳам одам йўқ эди. Хусайрий ҳайрон. Эрталаб туппа-тузук юрган, йўл-йўлакай кулишиб-ҳазиллашиб келишаётган эдик-ку! Нечун шундай кори-ҳол юз берди экан. «Қандай таом тановвул этган эдингиз?» –деб сўради карвонбоши ҳансираб ётган Табонийга қараб. Беморнинг гапиришга ҳам мажоли йўқ, унинг учун кимдир: «Қовурилган товуқ гўшти тановул этган эрдилар», деб қолди. Табоний бўлса, ҳар дақиқа бошини кўтариб, тинмай ўхчир, аммо қусавериб ичида ҳеч нарса қолмаганлиги учун яна ҳам қаттиқ азоб чекарди, кейин ҳолсизланиб ўзини кўрпачага ташлади. Карвонбоши, анча бамаъни киши эрди, «ахир шу иссиқда товуқ гўшти қайда эркан», деб қолди таажжубланиб. Нарироқда турган аравакаш йигит: «Шоҳ Хотуннинг дастурхонидан чиққан эрди», деди.

Маълум бўлишича, хоннинг ошпази Ғазнага йўл олаётганлар учун йўлда еб кетишларига турли таомлар, мева-чевалар, бир неча хумда тоза ичимлик суви тайёрлаб берган. Алоҳида идишга бир неча сих кабоб, қовурилган товуқ, курка гўшлари солган. Афтидан чўл шароитида ва бунинг устига кун анча исиб кетганлиги учун ана шу емаклар айниб қолган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эрмас.

Афсус, минг афсус бўлсинким, шўрлик қозининг шу куни вақти-соати етган экан, у овқатдан заҳарланиб, Туркистон билан Ғазна йўлида оламдан кўз юмди.

ҒАЗНАДА ТҶЙ

Ғазнада бўлса катта тўйга тайёргарлик кетмоқда. Амир Масъуднинг фармони билан ҳаммаёқ супирилиб-сидирилган, кўчаларга сув сепилган. Бу ишга масъул этилган барча катта-кичик амалдорлар кеча-кундуз тинмай шаҳарни безаб-ясатиб, азиз меҳмонларни кутиб олиш иштиёқи билан банд эдилар.

Амир Масъуднинг оғзи қулоғида. Нечунким, қорахонийлардек обрў-эътиборли хонлар авлодига қуёв бўлади. Дўстлар хурсанд, душманлар бўлса, гўё нафаси ичига тушиб кетгандай. Бутун дорулсалтанат хешу ақраболари: вазирлар, лашкар бошлиқлари, надиму ғуломлар, савдо аҳли муборақбод этиш учун бирин-кетин ҳузурига кириб қимматбаҳо тўёналар, турли совға-саломлар инъом этмоқдалар. Масъуд ўтирган тахт орқасига катта сандиқ олиб келиб қўйилган. Қарангки, бир неча соат ичида қутлуғ сандиқ тўёнага келган олтин дирҳамларга тўлиб кетди. Кумуш тангалар бўлса қоп-тўрваларда бир

чеккада тахлаб қўйилган. Бошқа совға-саломларни эса ғуломлар алоҳида хонага олиб кириб қўяр эдилар.

Бой келин етиб келишига озгина вақт қолди. Келинга отаси Султон Маҳмуд яшаган ўша ҳашаматли қутлуғ хонадон тайёр қилиб қўйилган. Масъуднинг катта завжаси барча ишларга бош-қош бўлиб, келинчакни кутиб олишга мутасадди бўлиб турарди.

Туркистон карвони Шажавага етиб келганда, келинни ўша ерда тантана билан кутиб олиш, то саройга етиб келгунча қадар хордик чиқариши учун шароит яратиш ва катта дастурхон ёзиш олдиндан белгилаб қўйилган. Бу ишга надим хожа Абул Қосим мутасадди етиб тайинланган эди.

Шаҳарга сокин оқшом чўқди. Кўчалардаги ҳар жой-ҳар жойга ўрнатилган шамчироқлар ҳали қоронғу тушмаган бўлса ҳам, тўй туфайли ёқиб қўйилган. Келинни шаҳар дарвозаси ёнида кутиб олиш учун масъул этилган кишилар, кўпчилик аъёнлар ва уларнинг хотин-халажлари чиқиб кетишган. Хуфтонга яқин келин тушган ва чор тевараги заррин матолар билан ўралган маофа шаҳарга кириб келди. Соқчилар ҳам қутлуғ тўй муносабати билан башанг кийиниб олишган. Кўчалар тўла одам, болалар, аёллар келинни бир кўриб қолиш ниятида эшиклари олдига чиқиб олишган, қани энди уни кўрмоқ мумкин бўлса. Хуллас, тўй карвони сарой дарвозаси олдида тўхтади. Карнай-сурнай навоси янграб кетди, сарой томига чиқиб олган дўмбирачилар, карнайчилар шундай қаттиқ чалдиларки, гўё гулдирос саслардан осмон ларзага келди. Олий лавозимли келинчакни бир неча имтиёзли хонзодалар ўровида саройдаги олдиндан ясатиб қўйилган энг шинам уйга олиб кирдилар. Сочлари оқариб кетган, салобатли аёл нималарнидир ўқиб, исириқ тутатиб юборди.

Саройдаги катта маросимлар учун тикланган маҳобатли айвонга гиламлар тўшалиб, атласу, кимхоб кўрпачалар солиниб жой қилинган. Дастурхонларга йўқ ердаги ширинликлар, мева-чевалар, таомлар қўйилган. Энг эътиборли зотлар тўкин тўй дастурхони атрофида савлат тўкиб ўлтирур эдилар. Аёллар учун алоҳида хоналар безатилган. Масъуднинг онаси, опа-сингиллари, холаваччалари Самарқанддан қиз узатиб келган эътиборли аёл қудаларни иззат-икром билан кутишмоқда. Аёллар гапи кўп, бири олиб, бири қўйиб, келинни мақташар, баъзан бир-бирларининг қулоқларига ғийбат гаплар ҳам айтиб қўйишарди.

Девон вазирларидан бирининг хотини – дуркундан келган тили узун аёл, келинга атаб берилган сеп ҳақида ёнидаги худди ўзига ўхшаган кулча юзли, бўйни ва қулларига қимматбаҳо тақинчоқлар осиб олган хотинга, бошқалар ҳам эшитсин дегандай, оғзини тўлдириб баралла гапирарди:

– Вой, айланай, овсун, бу сарполар, бу сандиқ-сандиқ олтин, кумуш тангалар денг, қимматбаҳо туҳфаларни кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Амир Масъуднинг бахти бор экан, энди бойлигини ҳисоби йўқ. Қуда томондан юборилган қўша-қўша заррин кимҳобтўнлар, шоҳи-атлас матолар, дуру жавоҳирлар, тақинчоқлар – уларни санаб адо этиб бўлмайду. Келган туҳфалар шунча кўпки, баъзи сандиқларни масъул қўйилган аъёнлар билдирмай гумдон қилишди.

Тўй маросими тонг отгунча давом этди. Сарой аъёнлари-ю, барча қариндош-уруғлар бити тўкилди. Фақат бу шодиёналар акаси Муҳаммадга ёқмасди, гўё ўлганининг кунидан меҳмонларни қутлаб, қовушмай, май ичиб, кайф устида Масъуднинг кирдикорлари ҳақида ҳасрат қилиб қоларди.

Ҳа, Масъуд, отаси раҳматли айтганидек, ҳокимиятни акасига бермади, мана энди ўзи Ғазна ҳукумдори. Боз устига қорахонийлар билан қудачилик қилиб, Маликага уйлангани девондаги Масъудга қарши бўлган,

тахтга ўтиришига монелик қилганлар пайтавасига қурт тушиб, яна ҳам ғазабини келтирар, шу тантанали маросимда чекка-чеккада Масъуд шаънига фисқи-фасод тарқатишар эди.

Муҳаммаднинг кўзи Мавдудга тушди-ю, аламли истехзо билан: «Ҳа, куёв тўра, келин қани, келмадими?», деб қолди кесатгандай. Кимдан аламини ололмай турган шаҳзода ҳам худди шуни кутиб тургандай амакисига жон-жаhti билан ташланиб қолди:

– Қачонгача илонга ўхшаб заҳрингни сочурсен, аввал ўзингга боқ, кейин бировни масхара қил, кимсан ўзинг, сатқай амаки кет, бу нотавон кўнглимни кўтариш ўрнига масхара қилурсен, очигини айтсам ўта бачкана, ичи қора одам эркансан. Биламан, отамни ҳам кўрарга кўзинг йўқ!..

Чиндан бахти чопмай қолган шаҳзода Мавдуд кайфияти яхши эмас. Келиб-келиб бўлажак келин тўсатдан ўлиб қолиши ҳеч бир хаёлга келмаган бахтиқаролик бўлди. Мана энди бугун отасининг тўйида эсанкираб, мастона ҳолатда юрибди. Гўё ҳамма: «Холинг шу эркан-ку, бундан баттар бўл», деяётгандай туйиларди. Шундай кайфиятда у ёқ-бу ёққа аланглаб турган эди, олдида амакиси Муҳаммад пайдо бўлди. Муҳаммад паришонҳол ҳам ғазабнок эди. Бу тўй ёқмаётгандай олақарғага ўхшаб, у ёқ-бу ёққа аланглар, қани энди кўзига аламини оладиган бирор одам кўринса! Ҳалиги гапдан ғазаби ошиб, қўлини мушт қилиб шаҳзода Мавдудга ташланмоқчи бўлган эди, Зувзаний ушлаб қолди.

– Ҳа, ур, кучинг етадими, лапашанг, мана мен, – деб Мавдуд ҳам амакиси томон ғазаб билан кела бошлади.

Ўртага ўша ерда хизмат этиб турган эътиборли одамлар араллашиб, Мавдудни бир амаллаб тўйхонадан чиқариб кетдилар, агар қўйиб берилса амаки-жиян муштлашадиган...

Хожа Зувзаний Мавдудни қўлтиқлаб кетмоқда. Шаҳзода ҳамон жаҳлидан тушмай Муҳаммадни бўралаб сўкиб борарди.

– Ҳали қараб тур, сени шундай таъзирингни берайки, ўзинг ҳам билмай қолурсен. Умр бўйи тахтга интилиб келдинг, отамни ҳам, мени ҳам кўрарга кўзинг йўқ. Худо кўрсатмасун, агар сенга ўхшаган лапашанг, ичи қора одам тахтга ўтириб қолса – кўргилик. У ҳар қандай разилликдан тоймайди, ичи тўла гийбат-адоват, Сиз хожа унга ишонманг. Дунёда битта аблаҳ бўлса, ўша менинг шу амаким, ҳа меҳрибон амакижоним... Менга аталган келинчакни Худойим раво кўрмади, шўрлик қиз бахтсизликка учрабдур. Амаким, кўнглимни кўтариш ўрнига, кесатиб, масхара қилиб ўтирса, шу ҳам мурувватданму, бегона ҳам шунчалик юзсизликка бормас. Тагин амаки эмиш, садқай амаки кет.

Хожа Зувзаний кўнглини кўтаришга қанчалик ҳаракат қилмасун, Мавдуд борган сари авжга минар, зеро, Муҳаммаднинг масхаромуз кесатиқ сўзлари юрак-юрагидан ўтиб кетган эди.

Яхшиям амир Масъуд тоға-жиян ўртасидаги можарони кўрмай қолди. Йўқса бу жанжалга араллашиб анча кўнгилсизликлар бўлиши мумкин эди.

Масъуд акаси Муҳаммадга: «Сиз қудаларни ўзингиз кутиб олинг, ахир отам ўрнига отамсиз», деган эди. Ҳали ҳам у жаҳлидан тушмаган эмасми, «менинг бошим нечундур оғриб турибди», дея тескари ўгрилиб, четроқда серрайганча турди.

Зодагон аёллар йиғилган хонада ҳам гап-сўз кўп. Хотинлар шу кеча-кундузда бўлаётган воқеалар ҳақида муҳокама юритар эдилар.

Баъзилар ўзларича мол-дунёсини оғиз кўпиртириб мақташади, баъзилар бўлса ўз юрак дардларини айтиб ҳасратлашади. Шулардан бири Дилнавозхон

бева бўлиб қолди-ку. Эри Хожа Табоний Туркистондан қайтиб келаётганда заҳарланиб ўлиб кетди, бунга ким айбдор?

– Қоврилган товуқ гўшти еган эмиш, шу ҳам гап бўлибдими, ким бечорани заҳарлади, нечун?.. – деди Хажалхон деган барваста, кўзи ғилай аёл.

Бир чеккада мотамсаро ўтирган Хожанинг беваси охири ўзини тута олмай, хўнг-хўнг йиғлаб юборди.

– Ҳой, Хожалхон, ахир шу топда шунақанги гапларнинг мавридиму, сассиқ оғиздан бемаза гап чиқади дерлар. Ахир у ёқ-бу ёққа қараб гапирсанг бўлмайдими? – деди сенсираб бир шаддотроқ хотин.

– Ахир ўзингиз бир танангизга ўйлаб кўринг, туппа-тузук юрган Хожа Табоний дашту биёбонда, хор-зорлиқда ўлиб кета берадимми? Тагин заҳарланиб! – илиб кетди бошқа аёл. – Хожалхон ҳақ гапни айтди, уни ким заҳарлабдур, бу ерда бир гап бор, бирор ғаламуслиқ бўлгон. Ҳой, Дилнавоз, гапирсанг-чи, оғзингга сўк солиб олдингму?

Дилнавоз фақат йиғларди, нима ҳам дерди шўрлик.

– Гапни кавласанг чиқа беради, етар энди, сенлар тўйни азага айлантирмоқ ниятидамисанлар? – овозини кўтарди шаддот хотин. – Қани, ҳой, Лутфихон, нима қилиб оғзингга сўк солиб ўтирибдурсен, қани бошла!

Лутфихон деган элга машҳур яллачи, қўлига чилдирмасини олиб, қўшиқ бошлаб юборди:

Оҳ дедим, овора бўлдим,
 Тугаб бўлди бардошим,
 Гул нигоҳим сўнди найлай,
 Кун бермайди кундошим.

Мен йиғламай, ким йиғласун,
 Бу жудолиқ дардиға,
 Тун-кечалар тинмас асло
 Дийдамдаги кўз ёшим...

– Эй, нима, сен азага келганмусен, қўйсанг-чи шу йиғлоқи қўшиғингни! Мен йиғламай, ким йиғласин эмиш, бу не деганинг, нима сенинг ҳам дардинг борму ё. Юрагимни эзиб юбординг-ку, шўхроғидан айтсанг-чи, бир маза қилиб ўйнайлик.

Бу таклиф ҳаммага ёқиб тушди.

Худди шуни кутиб тургандай семиздан келган, чеҳраси тўлин ойга ўхшаш яллачи аёл «ёр-ёр» айта бошлади:

Ёр-ёр айтинг дугоналар,
 Келин келар, ёр-ёр,
 Унинг билан молу дунё
 Текин келар, ёр-ёр.

Бошқа чечан давом эттирди:

Гўзал юзли келин пошша,
 Бахт муборак, ёр-ёр,
 Суксур йигит ҳам олтиндан
 Тахт муборак, ёр-ёр...

Бўзчи билганини тўқир, деганларидай, ҳар бир аёл ўзи билганча ўйинга тушарди, гўё бу билан юрак андуҳларидан озгина бўшашиб оладигандай. Кимдир чарчаб, ҳолдан тойиб, бир чеккага чиқиб ўтириб олди. Яна кимнингдир юраги ёмон бўлди, уни суяб ташқарига олиб чиқиб кетдилар. Ҳа, амир Масъуднинг тўйида аёллар дилларини ёзиб, бир маза қилиб олдилар.

Тўй ярим кечада тарқалди. Келиннинг янгаси амир Масъудни чимилдиққа таклиф этди. Катта уйнинг тўрига келин-куёв учун жой тайин этилган эркан. Оқ шоҳи пардалар тутилган гўшанга ёнида қора сариқдан келган дуркун семиз аёл, келиннинг янгаси турарди, куёв гўшанга ёнига келганда: «Қани, куёвтўра, қизнинг кўрманасини беринг», деб қолди. Куёв Самарқанддан келган янгага сахийлигимни бир кўрсатиб қўяй деб, чўнтагидан тилла билакузук чиқариб узатди. Энди йўл очилди, амир пардани кўтариб гўшанганинг бир чеккасида юзларини шоҳи рўмоли билан яшириб ўтирган келинчак ёнига бориб ўтирди.

– Қани, Шоҳ Хотун хонум, ой юзингизни кўрсатинг, – деб куёв қўлини узатган эди, келин ноз-карашма билан юзидаги пардани қаттиқ ушлаб очишга рухсат бермади. Амир Масъуд чўнтагидан қутича олиб, келин кафтига қўйди: «Бу сизга атаб қўйган тўхфам!» Келин қутичани очиб эрди, ярқираган ёқут тошли зираклар кўзларини қамаштириб юборди.

– Раҳмат... – деди секингина майин овозда.

Масъуд пардани очиб, биринчи бор қиз чеҳрасига назар ташлади.

Шоҳ Хотун қорачадан келган, юзлари баркашдек, биққидеккина ўттиз ёшлардаги малак эди.

Келин-куёв ўша куни мурод-мақсадларига етдилар. Келин ҳам хурсанд, куёв ҳам. Фақат Масъуднинг бошқа хотинлари анча ўксиган, негаки, улар учун кимсан қорахонийлар салтанати ҳукмдори Қодирхоннинг эрка, тантиқ қизи кундош бўлиб келган эди...

АМУДАРЁ БЎЙЛАРИДА

Амударё жўшқин, сержило, шўх дарё. У баҳор кезлари тоғ-тошлар ошаб обиҳаёт олиб келиб, тўлиб-тошади, ўзанидан чиқиб, кенг бўшлиқларга ёйилиб кетади, Хоразм элига баъзан кўп офатлар ҳам келтиради, шу сабаб ҳам уни Жайхун дерлар.

Бир томондан офат келтирса, иккинчи ёқдан мўл ҳосил, маъмурлик, тўкин-сочинлик, барака бахш этади бутун Хоразмдек гўзал маъвога!

Дарёнинг кечув жойи яқинида тумонат одам йиғилган. Бири қоп орқалаган, бири тугун-терсак кўтарган, яна бири ёш жужуқларини етаклаб олган, хуллас, барчаси амаллаб дарёдан ўтмоқчи. Бир томонда амир Масъуднинг сон-саноксиз лашкарлари. Дарё ёқаси қий-чув, худди байрамдагидек. Шу имкониятдан фойдаланиб, баъзи эпчил, иш кўзини биладиган тужжорлар фойда олиш мақсадида бировни алдаган, хулласи калом, бу маъракада замон билганники, ундириб олганники эрди. Лашкарлар ҳам ўзларига берилган озиқ-овқат маҳсулотларидан чимириб, қолган нарсаларини арзон-гаровга пуллар, бола-чақаларига атаб ўйинчоқлар, кийим-кечаклар сотиб олишарди. Эрта тонгда бошланган бозор кечгача давом этарди. Дарё бўйига катта дошқозон ўрнатиб олган хушмўйлов чапани йигит челақлардаги сувга тирик балиқларни солиб қўйганди. Сиз истаганингизни танлайсиз, у қўлидаги ўткир пичоқ билан балиқни қорнидан ёриб, кейин тозалаб, қозонда қизиб, доғ бўлиб турган ёғга ташлаб қизартиради ва усталик билан шапалоқдек баргга ўрайди-да, қўлингизга беради.

Амир Масъуд вақтинчалик боргоҳида одати бўйича бемалол дам олиб, яқинлари билан маишат қилиб ўлтирар, биров мусаллас, биров чоғир ичар. Капа олдида моҳир ошпазлар кабоб тайёрлаш билан овора эдилар. Янги сўйилган қўй гўштидан пиширилаётган кабобнинг хушбўй, иштаҳа кўзғатувчи ҳиди ҳамма ёққа тарқаб кетган.

Амир Масъуд тушлиқдан сўнг қароргоҳидан чиқиб, атрофга назар ташлар экан, кўзи дарё ёқасида у ёқ-бу ёққа аланглаб, хавотирда турган кимсага тушиб қолди. Кимса олақарғага ўхшаб алоғлар, кўриниши дарвеш сифат, сочлари ўсиб кетган, оқ-қора аралаш соқол мўйловларига қараганда тахминан эллик ёшларга бориб қолган эрди.

Амир Масъуд ёнида турган ғулумга: «Хўв анави дарвешни ҳузуримга олиб кел», деб буюрди. Дарвешни оёғини ерга тегизмай боргоҳга олиб кирдилар. Дарвеш ҳеч нарсани назар-писанд қилмай, «Мен сизларга нима қилдим, айбим не? Бир бечора йўқсул бўлсам!» деб ҳеч кимга тилини бермасди.

Амир ғулумга сирли ишора берди.

Дарвешни нафаси чиқмайдиган жойга олиб бориб, ит қийноғига солишган эди, ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлди-қўйди. Азобнинг зўрлигидан тили чиқиб, булбулдек сайраб кетди. Ул писмиқ Буграхон айғоқчиси экан. Хуржунидан ямоқчилик учун зарур бўлган болғача, игна, ип, мўм ва бошқа нарсалар топилди. Ўз ишига устаси фаранглар айғоқчини яхшилаб бураган эдилар, бошқа сирлар ҳам ошкор бўлди-қўйди. Болғачаси сопи қавагидан парча-парча қилиб қўйилган қоғозлар чиқиб қолди.

– Бу қанақаси, сен ямоқчимисан ё жосус? – сўради шафқатсизликда донг таратган ғулум Маҳмуд.

– Булар Буграхон амри билан қилинаётган ишлар, – деди «ямоқчи», қийноқ азобидан зўр-базўр сўзларкан.

Шундан сўнг Абу Наср «ямоқчи»ни зиндон қилди. Унинг ёнидан топилган ўша майда қоғозларни Амир Масъуд ҳузурида олиб кирди. Арслонхон томонидан тамға босилган қоғозлар салжукларнинг бошлиқлари Тўғрул, Пайгу ва Довудга аталган эди.

Амир Масъуд хайрон, ўйлаб-ўйига етолмас, ахир, бу дунёда нима гаплар бўлмоқда ўзи, одамларга ишониб бўладими, йўқми, дўст бўлиб душман ишини қилаётганлар қаршисида лолсан, сотқинлигу ғаламуслик чеки борму? Мен энди кимга ишонай, қудачилик қилиб, қариндошлик алоқаларини ўрнатишдан не фойда чиқди?

Масъуд ўйланиб қолди, юз бераётган бу савдоларга ақли етмай хайрон бўлиб турган Абу Насрга қаради, тажрибали, пихини ёрган вазир не тилақда экан дегандай.

– Ахир, биз барча масалалар бўйича келишиб, бир фикрга келган эдик-ку. Буграхон нечун шундай қилибдур эркан?

– Ул зот билан юзма-юз гаплашиш мумкин, – деди амир Масъуд бу сафар бир оз жаҳлдан тушиб.

– Амирим, бунақа одамлар танти эрмас. Буни раҳматли отангиз Султон Маҳмуд ҳам кўп айтарди. Ишлари юришмай қолса, сиз билан тезда дўстлашиб кетадилар, агар омадлари келиб қолса, ўзларини сиздан олиб қочадилар. Энди яхшиси, тезда вакил юбориш керак, бу хатларни эса эҳтиётлаб сақлаб қўймоқ даркор, вақти келиб бизга қўл келади, – деди Абу Наср.

– Тўғри фикр. Буграхон қошига элчи жўнатурмиз. Бундай нозик дамларда эҳтиёткорлик билан музокара олиб бормоқ мақсадга мувофиқдур, – деди амир Масъуд босиқлик билан.

Абу Наср ўша хатларни эҳтиётлаб ўраб-боғлади, кейин «ямоқчи»га юз динор берди, «Қани энди туёғингни шиқиллат, дамнингни чиқармай касбингни қилабер», дея ташқарига олиб чиқди ва орқасига бир тепиб ҳайдаб юборди.

ОВ ГАШТИ

Заъфарон фасл эди ўшанда. Табиат сарғиш ранга кириб, қуёш нурида тобланади. Бунақа кезларда об-ҳаво кундузлари исиб, кечалари эса салқин бўлади.

Амир Масъуднинг кўнгли бугун шикор истаб қолди. Амир истагини эшитиб ўғиллари шаҳзода Мавдуд ҳам, амир Саид ҳам хурсанд эдилар. Бунақа оромбахш кезларда овга чиқмоқдан завқли, кўнгилочар иш борми ўзи. Гўзал табиат кучоғида, қушлар навосини тинглаб, ўрмон-чакалакзорларда ов қилишдан ортиқ нарса борму дунёда.

Амир Масъуд томонидан бош вазир Абу Наср, хожа Завзаний, сарой маликушшуароси Аҳмад Унсурий, олими замон Абу Райҳон Беруний, Абулфазл Байҳақий ва шул ишга мутасадди бўлган эпчил ғуломлар шикорга таклиф этилган.

Маълумки, овга бормоқ аслида қадимдан ғазнавийлар авлод-аждодлари тўғони бошида турган Сабуктегиндан тортиб, Султон Маҳмуднинг энг завқшавқли одати, агар жоиз бўлса, энг севимли касб-кори ҳисобланиб келган.

Хуллас, эрта тонг билан амир Масъуд бошлиқ сулола аҳли шаҳар чеккасидан бошланган ҳамда охири улкан дарёга туташиб кетган бепоён қуюқ ўрмонзорлар томон йўл олди. Қаранги, бу манзилгоҳ кўркамлиги, ҳаётбахшлиги билан ҳар қандай кишининг қалбига роҳат бахшида айлайди.

Ана, шу дамда турналар галаси интизом билан саф тортиб овлоқ устида пайдо бўлдилар, шундай серфайз, муборак кунда шикор гашти билан хушнуд,эътиборли зотларнинг ҳавасини келтириш учун, ё бўлмаса табрик этмоқ ниятинда поёнсиз кўк юзида арғимчоқ солиб, гўзалликларини кўз-кўз қилмоқда эдилар. Ривоятларга қараганда, ушбу муқаддас қушларнинг кўзлари шундай ўткир бўлур эрканким, узоқдан ўзлари борадиган манзил – ойна қўлни кўриб турур эрканлар.

Мана, овлоққа ташриф буюрганларнинг барчаси ишга тушиб кетдилар. Хизматкор ғуломларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бири ўтин ташиган, яна бири дарёдан сув келтирган, бошқалари қўлларига бел, кетмон, болта-теша олиб, ўчоқ ковлаш билан оввора эдилар. Амирнинг барчага машхур ва маълум Қосимбек исмли ошпази хизматкорларга ундай қил, бундай қил деб кўрсатма бериб турарди. Ошпаз бугун амир Масъудга ўз маҳоратини яна бир бор кўрсатиб, паловхонтўрани маромига етказиб дамлаб бермоқчи. Бундан у жуда-жуда манфаатдор, биладики, овлоқдан қайтиб келган ҳукмдор паловни еб бўлгач, уни ҳеч қачон қуруқ қўймаган. У кўпни кўрган эрка ошпаз, жуда бадавлат одам.

Бир чеккада турган анави соябонли аравада катта хум турибди, унда ҳукмдор севган чарос узумидан тайёрланган мусаллас. Уни фақат амирнинг ўзи энг яқин кишилари билан нуш айлайди. Айниқса, бош вазир, сарой эркатойи Аҳмад Унсурий ҳам шулар жумласидандур.

Шаҳзода Мавдуд зиёфатга унча қизиқмайди. У ёлғизликни севади, ўз хаёллари билан банд, шу боис элга машхур ноёб камонини олди-ю, ҳамроҳсиз ўрмон томон шошилди. Амир Масъуд бўлса, овга ишқибоз бўлган, сирдош ва содиқ кўриқчиси Абдулҳамид билан ўрмоннинг бошқа тарафига кетди.

Хуллас, бу кунги шикорда ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, аммо ўзига хос бир шир амалда, қани ким кўп ўлжа келтиради, масала шундай қўйилган. Бу амир Масъуднинг талаби, қолаверса ҳукми эрди.

Шикорга унчалик ҳаваси бўлмаган шоиру ғазалхонлар чимлоқ ерга тўшалган гиламлар устига шоҳи-атлас кўрпчалар солиб, аллақачон маишатни бошлаб юборишган. Бир чеккада эҳтиётлаб қўйилган чирпитлардаги мусалласни ним косаларга лобо-лаб қўйиб, кайфда бир-бирларига ғазал айтиб, улфатчилик қилиб ўлтирар эрдилар. Буларнинг барчасига Унсурий бош-қош эрди.

Абдулҳамид билан қуюқ ўрмонлар, чакалакзорлар бўйлаб бораётган Масъуд қаршисидан саёзгина ариқ чиқиб қолди. Ёдига тушди, бир вақтлар раҳматли отаси Султон Маҳмуд билан шикорга чиққан ва шу ариқ бўйида ов қилганди. Амир Масъуд тиз чўкиб, Қуръон тиловат айлади. Кейин фотиҳага қўл очган ҳам эрдик, кўзи катта чинор канорасида жовдираб турган кийикка тушди. Жонивор нишондан анча йироқда, ўқ етмас масофада эрди, қани энди шу дамда шаҳзода Мавдуд бўлса эрди, машҳур камони бирлан бир ўқ ила уни овлаган бўлур эрди, деб кўнглидан ўтказди амир. Аммо ўзи ҳам ўлжани қўлдан чиқарадиган анойи овчилардан эмас. Ҳукмдор дадил ўқ узди. Аммо кийик сезгир чиқиб қолди, бирдан бурилди-ю, шаталоқ отганча чангалзорлар оралаб қочиб кетди. Шу дамда яккапой йўлдан бир мўйсафид шул томон кела бошлади. Соқол-мўйлови оқариб кетган бўлса ҳам қадам босишлари бардам, кўриниши йигитлардек, тоғни урса талқон қиладигандай. Амир Масъуд хаёллари тўзғиди, бир вақтлар отаси раҳматли Султон Маҳмудни батқоқдан қутқариб олган полвон йигит шул зот эмасмикин? Ўша кунни отаси шикорга чиққанда шаҳзода Масъуд ҳам бирга эди, аммо овга қатнашмай, ўз дўсту ёронлари билан балиқ тутиб, дарё ёқасида майишат қилиб тонг отгунча қолиб кетган. Шу пайт амир Масъуднинг ёдига бошқа воқеа тушди: Ҳиндистоннинг Жайпур ўрмонларида шикор қилиб юришганда бир яйдоқда улкан илон кийик боласини ямлаб ютаётганига шоҳид бўлган.

Чол ўрмон оғаси эркан, у катта чинор шохига илинган, қандайдир ноёб ёғочдан ясалган қафасни келтириб, амир Масъудга ҳадя этди. Қафас ичинда эндигина тухумдан чиққан тўтиқуш полапонлари бор эди.

– Булар энг ноёб зотли тўтиқуш боласи турур, аларни боғбонингизга олиб бориб бергайсиз, ўзи эҳтиётлаб боқсун.

Амир Масъуд ўрмон оғасига кўп иззат-икромлар айтиб кўнглини шод айлади. Кейин қараса пешин номози вақти бўлиб қолибдур. Шоша-пиша боргоҳга қайтиб келганда ошпаз дошқозондаги паловхонтўрани маромига етказиб дамлаб қўйган, атроф-теваракка иштаҳа кўзғатувчи ёқимли ҳид таралиб кетган, шоир Аҳмад Унсурий бўлса ширакайфда янги ёзғон ашъорларини хос сухандонлик бирлан ўқиб бермоқда эди. Барчанинг диққат эътибори шоири замонда, чунки у ширали овози билан шундай чиройли талаффуз айлар эдики, тингловчилар ўзларини сеҳр дунёсига тушиб қолгандай ҳис этар эрдилар.

Шикордан эндигина қайтиб келган амир Масъуд ҳам бир чеккага чўқди. Энди амир Масъудни кўриб шоирнинг илҳом булоғи яна ҳам қайнаб кетди. Амирга таъзим-тазарру айлади-да, нотиклик санъатини намойиш айлаб, оҳанг билан ёддан ўқий бошлади.

Улфатлар мунтазам «бале-бале» деб Унсурийни олқишлар эрдилар.

Шоири замон Лабибийнинг эрса кайфи тарақ, аёғида туролмас. Унсурий ғазал ўқимоқда, у бўлса бепарво. Гўё ўз мухолифини менсимагандай бақрайиб, пиёлада лабо-лаб шаробни даст кўтариб юборди. Кейин амир билан сўрашиш ниятида илгари босаётган эди, кайфи тарақлигидан гандираклаб янги қазилган ўчоққа ағдарилиб тушди. Ҳартугул, олов пасайиб қолган экан, фақат бир қўли

озгина куйгандай бўлди. Ўчоқдан зўр-базўр чиқариб олишгач, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, ошпазни бўралаб сўка кетди. Ошпаз ҳам анойилардан эмас, иззат-нафси оғриган шоирга айтадиганини айтди. Ғазаби келиб: «Сен ёзгон ғазалларни ўқиб туфлаб ташладим», деб юборса бўладими. Роса машмаша бошланди. Лабибий ош дамлашдан олдин ўчоқдан олиб ташланган ва ҳали тутаб ётган ёғочни олиб ошпазга отди. Яхши ҳамки ёғоч мўлжалга етмади, дастурхондаги кўзагача тегиб, уни ағдариб юборди, майхўрлар бахтига идишда мусаллас озгина қолган экан.

Лабибий оғзига келганини қайтармай бақирарди:

– Сен кимсан ўзинг, бир саводсиз, саҳройсан, пиширган ошинг шовладан фарқ қилмайди,

Амир Масъуд бунда бўлаётган бедодликларни кўриб, не қиларини билмай ҳайрон. Чунки бу можароларнинг боиси анави кўзачадаги ноёб мусаллас эди. Амир ўрмонга кетгандан сўнг, Унсурий бошлиқ аъёнлар хумни аллақачон бўшатиб қўйишганди.

Амир Масъуд деди:

– Бўлар, бас қилинглар майнавозчиликни.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

Шу вақт яйдоқда ёзилган гиламда танбурини созлаб ўтирган Маъмуржон исмли ҳофиз ушбу машмашаларга чек қўймоқ ниятинда қўшиқ бошлаб юборди.

ИБН СИНОНИ ЭСЛАБ

Амир Масъуд бу кеча безовта ухлади, нечундур кечаси билан алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди. Бир баланд тоғ чўққисиди турган эмиш. Пастга қараса, жарлик, унда олов-оташ ёниб турар, атроф-теварақда эса ям-яшил дарахтзорлар ястаниб ётибдур. Кимдир нола қилгандай, қўшиқ айтар, овози худди танбур овозига ўхшаш ёқимли эрмиш. Уйғониб кетса, туши эркан.

Тўшакни тарк этди, негадир ланж, боши зилдек оғир, юраги эса безовта урар, бунақа ҳолатга ҳеч тушмаган эрди. Бир яхши табиб бўлса эрди деб кўнглидан ўтказди. Ёдига Ибн Сино тушди, қайда эркан ул ҳақими замон, Ғазнадан кетганча кетди – оёғи етгунча, раҳматли отаси ҳам ўла-ўлгунча уни армон билди, дардига даво тополмай. Амир энди кун сайин оғирлашиб бораётган соғлиғи ҳақида ўйларди, ҳаммадан ҳам уйқуси безовта, баъзан боши қизиб оғрийди. Кейин Абулфазл Байҳақийдан: «Ибн Сино қайда?» – деб сўраб қолди. Абулфазл елкасини қисиб деди:

– Илгари Абу Райҳон бирлан ёзишиб турарди, негадур сўнгги пайтларда алоқа узилиб қолган кўринур.

– Биламан, у отам Султон Маҳмуддан бир умр қочиб юрди. Энди унга биз шинам уй-жой ва катта маош тайин этсак, келармукан?

– Билмадим, фикри ожизимча, анинг келишига кўзим етмайдур, Ибн Сино аслинда илму ҳикмат учун туғилган, энди жаҳонга машҳур ва маълум олиму алломадур.

Эртаси кунни ҳукмдор ҳузурига Беруний кириб келди.

Амир Масъуд Ибн Сино ҳақида сўз очган эди, Беруний мийиғида кулиб:

– Энди Ибн Сино довруғи оламга кетмиш, Эронизаминдаги барча ҳукмдорлар уни қафтларида кўтариб юрурлар, – деб қолди.

Маълумки, Ибн Сино таъқибдан қочиб, оқибат-натижада Рай ҳокимаси Саййида Бону ҳузурда ҳимоя топган эрди. Султон Маҳмуд ўша ердалигидан

хабар топгач, ҳақимни Ғазнага олиб келмоқчи бўлади. Аввало Райга элчи юбориб, хутбани менинг номимга ўқитурсен, яна танга зарб этурсен, деб ҳокимадан талаб этди. Шунда аёл элчига: «Султон Маҳмудга бориб айтгилким, агар у бизга қарши уруш очган тақдирда, мен енгиб чиқсам, бутун оламга жар солурмен, Султонни енгдим деб. Агар енгилсам, Султон Маҳмуддек ҳукмдор бир аёлга қарши жанг қилиб, уни енгибди, деган гап тарқалгай. Ҳар иккала ҳолатда ҳам Султон ноқулай аҳволда қолур», – деб жавоб берган. Шундан сўнг Султон Райга лашкар тортиб бормаган. Ибн Синонинг кўнгли жойига тушиб, Саййида Бону паноҳида табиблик ишларини давом эттирган ва жаҳоншумул илмий китобларини ўша ерда битган.

Мана, Беруний қўлида Ибн Сино жўнатган бир-икки варақли салом мактуби сақланмоқда.

«Устоз Абу Райҳон!

Ўртамиздаги ёзишмалар анча вақтдан берли узилиб қолмиш. Мен сенинг ҳақингда кўп ўйлайдурмен, тўғриси, сени соғинаман ҳам. Баъзан мушфиқ ҳолатларимда сени кўргим, ибратли ўғитларинг эшитгим келур. Сен ҳам, мен ҳам аслида илм оламининг кишилари эрурмиз. Мана, умр қурғур ҳам сен, биздан сўрамай ўтиб кетибдур. Ғазна ҳукмдори сиз, Хоразм аломалари каби мени ҳам излаб қўлга олиш учун, ҳатто устозингиз Ибн Ироққа сувратимни чиздуриб, кейин кўп нусхаларда барча элларга юборди ҳам. Бу шўрлик бошим неларни кўрмади. Ўйлаб қарасам, мана, ёшим ҳам фалон жойга бориб қолибдур. Уни орқага қайтармоқнинг ҳеч иложи йўқдур. Ўлим бўлса гўё қарз берган тужжордек эшигим олдинда турибдур. Уни ҳар қандай табиб ҳам тўхтатиб қола олмас, худди қўй каби бўйин тугиб беришдан бошқа иложим йўқдур. Ҳа, дунёга келмоқ иродат, кетмоқ эса қонуниятдир. Дунё шундай қурилганким, оламни титратиб турган манман деган шоҳлар, султонлар, амирлар ҳам ўлим олдинда ожиздурлар.

Оллоҳга минг бор шукурлар бўлсинким, «Ал-Қонун» сўнглади, бу бирлан авом халқим олдидаги ўз бурчимни ҳалоллик билан адо этдим. Ўйлайманким, сўздан ортиқ гавҳар дунёда йўқдур, агар бўлганда эрди, у сўз ўрнига тушган бўлар эрди. Бу билан демоқчиманким, сен ва мен ёзган китобларимиз билан, иншолло, абадул-абад ҳурмат-эътиборда қолурмиз.

Оламни титратиб турган Султон Маҳмуд ҳам оқибат дунёдан кўз юмиб кетмиш. Шунча тахти олий ҳам, бойлик ҳам уни барҳаёт сақлаб қололмади. Аммо Султон Маҳмуд раҳматлик Алптөгиндан, отаси Собуктөгиндан сўнг Ғазна салтанатига асос солган буюк давлат арбоби сифатинда тарих саҳифаларида қолгай. Зеро, ул улуғ зот, ўта золим бўлса-да, илм-маърифат аҳлига меҳр-шафқат қўлини узатди, айниқса, у туркий сулоланинг барқарорлиги, ҳукмронлиги хусусида кўп саховатли ишлар қилди. Муқаддас китобларда битилгандек, ўз ватани, халқини севмоқ иймондандур, буҳақ сўз. Қуръон сўзидур.

Ушбу мактубни ёза туриб, фикр ожизимга бир мушоҳада келди. Қуёш узлатга кетгач, кўп ошиқларни шайдо қилган тўлин ой самода нур сочур, бу ёруғликнинг тугалмас чашмаси бўлмуш Қуёш жанобларининг изми туфайлидур. Агар Қуёш бўлмаса, Ой ҳам, осмону фалакдаги беҳисоб унсиз юлдузлар ҳам кўринмасди, дунё зулмат қўйнида қолган бўлур эрди. Она еримизда ҳаёт бўлмасди.

– Яхшиямки, давлат бор, подшоҳ, султон, амирлар, умуман ҳукмдорлик маевжуд. Фикри ожизимча, агар улар бўлмаса, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетган бўлур эрди. Қадим юнон алломалари «одам-одамга бўри» деб бежиз

айтишмагон. Магарким, ҳукмиронлик бўлмаса эрди, авом бир-бирини еб қўярди, бош-бошдоқсизлик авжга минган бўлур эрди. Бу— ҳақ гап.

Ойнинг ёруғлиги Қуёшдандур, деб айтқан сўзимнинг боиси ҳам шундадур.

Биз алломалар учун, қалам аҳли учун тинч, осойишта турмуш даркор эрур. Камина қулингиз, меҳр-шафқатли ҳукмдорлар паноҳида бемалол, тинчлиги ўлтириб илм қилмоқдаманки, бунинг учун уларга минг бор таъзим-тазарулар айтурмен. Илоҳо золим подшоҳлар ғазабидан Оллоҳнинг ўзи асрасун бизни.

Азизим Абу Райҳон, сенга бахтдан-саодатдан тожу тахт тилайдурмен, илму нужумга муккасидан кетган азиз устозим, биродарим, энди буёғи оз қолди, ўзим одамлар ардоқлаган, ишонган, машҳур ҳаким бўлсам ҳам, ўз умримга кафил бўлолмасмен. Барчаси Оллоҳ измидандур. Кейинги кунларда нечундур юрагим безовта, ҳолатим нигун, ўзим ҳам билмайдурмен, қарилик кургур ўз кучини кўрсатмоқда чамамда.

Агарким, кўришиш насиб этмаса, алвидо, она заминимизнинг жонкуяр алломаи замони Ал-Беруний жаноб олийлари.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,
Абу Али Ибн Сино,
Рай, 1036 йил.

Ушбу Берунийга юборилган сўнги мактуб эрди. Буюк ҳаким, атоқли олим 1037 йилда Ҳамадонда ёруғ дунёдан кўз юмди.

Амир Масъуд Абу Райҳон Берунийнинг Ибн Сино ҳақидаги, отаси Султон Маҳмуднинг табибга муносабати ҳақидаги фикрларини эшитиб, бир оз жаҳли чиқди, зеро, аллома тарихнинг ўша даврларидаги баъзи бир аянчли дақиқалари ҳақида мулоҳаза билдирган эди-да! Нима қилса ҳам, Беруний унинг устози, ҳукмдор бўлса ҳам Масъуд унга тик сўзлай олмасди. Агар айтадиган бўлса, ўзининг ҳам, Берунийнинг ҳам асаби бузилур, айниқса, амир Масъуднинг шу кунларда хафақонлиги ошиб, бутун вужуди хасталик азобини кемираётган бир пайтда, қуйишқондан чиқиш яхши оқибатларга олиб келмасди. Шу сабабдин сўз шу нуқтада тўхтади. Бу олимга ҳам, ҳукмдорга ҳам маъқул эди.

Суҳбат сўнгида Беруний амирга юзланиб, «Агар кўнглингизга олмансангиз, сизга устоз сифатида икки оғиз сўз деюрга рухсат этурсиз, — деди ийманибгина.

— Бош устига, сиз нафақат устоз, балки энди отам ўрнида отамдексиз, — деди Масъуд мулойимлик билан.

— Сизнинг соғлигингиз бутун Ғазна салтанати учун ҳар нарсадан ҳам қимматли эрур. Кейинги вақтлардаги асабга тегадурғон ишлар кўпайиб кетганлиги оқибатинда соғлигингиз анча ёмонлашиб бормоқда. Боз устига, ана шундай хафақонлик ҳолатинда кўпинча узлатга чекиниб, кўпроқ май ичурсиз. Бу кўпол қилиб айтганда, сўкканнинг устига чиқиб тепгандек гап эрур. Ўта майхўрлик киши жисми уренини анча бўшаштурур ва соғлиққа катта зарар келтирур. Билингким, беморга берилган дору дармон ҳеч қачон ширин бўлмайдур. Сиз ғазнавийлар сулоласининг содиқ фарзандидурсиз. Пуштипаноҳимиз ҳам ўзингиз. Буюк Алптегиндан, Собуктегиндан бошланган туркий сулоланинг тепасинда энди сиз жаноб олийлари раҳнамолик қилурсиз. Отабоболарингиз руҳи сизга ҳамиша мададкор бўлғай, Оллоҳ сизни ўз паноҳинда

асрасун. Маърифат киёсиндан баҳраманд этсун, нури илоҳий ҳеч қачон сизни тарк этмасун.

Амир Маъсуд ўрнидан туриб, ибратли ўғитлари учун Берунийга миннатдорчилик билдирди. Кейин устоз ва шогирд, олим ва шоҳ биргалашиб Боғи Ферузга равона бўлдилар.

Мана, ўша, дунёга донғи кетган, раҳматли Султон Маҳмуднинг саъй-ҳаракати билан барпо этилган жаннатсимон боғ. Ҳар бир дарахт, гуллар дунёси, муҳташам пешайвон, катта ҳашаматли сарой, доимо жўшиб-оқиб ётган шаршаралар, чиройли отилиб турган фавворалар, соф ҳаво боғга гўзаллик бахш этур. Булар ҳар бирида Султон Маҳмуд меҳри бордек. Ҳақ гапни айтадиган бўлсак, неча йиллар ўтиб, қанча сувлар оқиб ўтган бўлса ҳам, энди боғ яна ҳам кўркамлашган, файз-таровати кетмаган. Сайроқи қушлар, айниқса, булбуллар кўпайган бўлса кўпайганки, камаймаган.

Амир Масъуд билан Беруний сарҳовуз бўйидаги шинам шийпонга келиб тўхтадилар. Боғбон югурганча келиб салом берди.

– Бу боғбонимиз ўғли Саидакбар бўлур, – деди амир уни Берунийга таништириб. – Отаси вафотидан сўнг падарининг ажабтугул хайрли ишларини давом эттириб, боғни яна ҳам обод, кўркам айлади. Ниҳоллар келтириб, янги гулзорлар барпо этди. Эски дарахтлар ўрнига Ҳиндистондан, Боғи эрамдин янги-янги мевали дарахтлар келтирди. Боғнинг ҳов анави чеккасига алоҳида жой ажратиб, ул ерга кафаслар ўрнатиб дунёдаги энг чиройли, сайроқи қушларни келтириб, бу бўстонга яна ҳам гўзаллик, файз, таровот бахш этди. Биз ишларидан жуда хурсандмиз. Отасининг ҳақиқий фарзанди эркан.

Беруний биллурдек тиниқ осмонга қараб деди:

– Агар билсангиз, осмону замин икки буржининг барраси бордур. Магар бу иккисининг маъносини баён этодурғон бўлсак, улар қадим-қадимлардин халқ забонинда Ҳамал ва Мезон деб аталмушдур. Офтоб-оламтоб биринчи бор ҳамал буржига кирганда ошиқларни, шоирларни шайдо этодурғон, илҳомлантурадурғон гул фасли бошланур. Қир-адрларда лола гулханлари ёнур, бинафшалар, гулсафсарлар, чучмома-бойчечаклар, атир-уфор гуллар табиатга гўзаллик, тароват бахшида айлар, мевали дарахтлар қийғоч очилиб, ҳосил тугалурлар. Муқаддас жийда дарахти Байтул муқаддасга бориб, Ҳаж сафаридан қайтгач, муаттар бўй таратиб гул очур, сўлим баҳор, сўнг шифобахш ёзнинг илиқ-иссиқ кунлари бошланиб, инсон зоти ва барча тирик дунё ундан рағбат, сиҳат-саломатлик, куч-қувват олур.

Заъфарон фасли кузда эса мева-чевалар ғарқ пишиб, эл-юртга тўкин-сочинлик олиб келур. Деҳқон бобо ўзи эккан мевали дарахтлари – олма, беҳи, анор, анжир, нок, ширин-шакар узумларини ҳамда сабзавотларини йиғиб олиб эл-юртга маъмурчилик ҳадя этгай.

Кейин осмоннинг иккинчи буржи бошланур. Бу қиш фасли билан боғлиқдир. Бул даврда осмон кўпинча булутли бўлғай, ёмғир-қор ёғиб, қишли-қировли кунлар бошланур. Она ер музлайдур. Қиш уйқусида маза қилиб дам олғай. Деҳқон бобо ўзи сақлаб қўйган мевалари, сабзавотларини, қуритилган туршак, майиз, жийда, ёнғоқларини бозорга олиб чиқиб, эл-юртга маъмурчилик киритур. Ўзи ҳам бундан кўп фойда олур. Албатта, баъзан қиш фаслида ҳам қуёшли кунлар бўлар, аммо боболаримиз тили билан айтганда, «эшак ўлдирадиган офтоб» чиқиб турса ҳам, баҳор ёз ўрнини асло боса олмайдур. Бунинг барчаси Қуёш ҳазрати олийларининг изми биландур.

Осмон заминнинг икки буржи барраси: Ҳамал ва Мезоннинг таъриф-тавсифи ота-боболаримиз ёзиб қолдиргандек ана шундай баён этиладилар.

Бу ҳақида шоири замон Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»синда ҳам ўринли изоҳлар берилмиш.

Улар учовлашиб соҳилга тушишди. Қарабсизки, дарёнинг сокин оқаётган жойидаги қатор толлар тагида яна учта шийпон барпо этилибдур. Чеккадаги шинам безатилган шийпонга гиламлар, атлас-шоҳи кўрпачалар тўшалиб, ўртага катта хонтахта қўйилган. Боғбон йигит азиз меҳмонлар учун тўкин дастурхон муҳайё қилган эди, амир ташрифини олдиндан билгандай. Гап шундаки, ҳукмдор келса-келмас, барибир шийпонда ҳамиша дастурхон ёзиғлиқ туради. Бу қадимдан, отасидан қолган ажаб анъана эрур.

Амир Масъуд бирлан Беруний дастурхон атрофига чўқдилар. Қандай гўзал бир манзара. Дарёда гўё бир дунё мавж уриб оқар, ҳов анави нариги тарафда ўрдаклар сузиб юрарди. Гоҳо-гоҳо дарё юзига балиқ отилиб чиқиб, яна қайтиб сувга кириб кетади, азиз меҳмонларга салом бергандек.

Боғбон йигит каравот остидан сувга солиб қўйилган тўрвани тортиб олди, сопол кавачаларда май ва гулоб совутиб қўйилган экан.

Амир Масъуд Берунийга ер остидан маъноли қараб қўйди, гўё бояги насиҳатдан сўнг буёғи нима бўлади дегандай.

– Бунақа кўркам шароитда қиттай-қиттай қилсак чакки бўлмайди, – деди Беруний ярим чин, ярим ҳазилга олиб.

Дастурхон мева-чевалар, яхна гўшт, қазии-қарта, қоврилган тустовуқ гўшти ва бошқа ейимли, иштаҳа қўзғатувчи ноз-неъматлар билан тўла. Ажаб бир дилни равшан этгувчи муҳит эрди.

Боғбон косаларни тўлдириб узатди.

– Ўзингизга ҳам қуйингиз, – деди амир.

– Йўқ, мен ичмаймен.

– Мен айтсам ҳам ичмайсанму?

– Отам айтганлар, ичмагин деб.

Амир Масъуд кулиб қўйди. Беруний иккиси бир пиёладан май ичиб, мазали овқатлардан тановул айладилар. Гап-гапга қовушиб кетди. Яна бир косадан нўш этгандан кейин амир дили қўшиқ, мусиқага мойил бўлиб қолди. Боғбон зийрак йигит эмасми, деди:

– Агар рухсат этсангиз, Алмат танбурчини айтиб қўйғон эрдим...

– Балли, айна муддао бўлибдур, садағаси кетсанг бўлади бунақа йигитларни, – деди амир хурсанд бўлиб.

Боғбон туриб кетди. Бир зумда танбурчи кўринди, ёнида эрса бир нозанин хушбичим аёл ҳам бор эрди. Афтидан, йигит билан бирга хониш айлайдиган кўшиқчи шу бўлса керак.

Янги келганлар олий мартабали меҳмонларга салом бериб, камтарлик билан бир чеккада ўтирдилар.

– Қани, дастурхонга қаранглар, – деди Беруний ҳаё билан ўтирган аёлга, танбурчига юзланиб.

Хуллас, улар ҳам ноз-неъматлардан тановул эта бошладилар.

Кейин танбурчи, қизил духобали ғилофдан танбурини чиқариб, пардаларини бир оз созлаб турди-да, ингичка торларни черта бошлади.

Шундай бир кўркам муҳит эдики, тоғу тошлардан ўтиб ўзида бир дунё оби-ҳаётни мужассам айлаб, баъзан тошиб, баъзан сокин оқиб келаётган ҳаётбахш дарёнинг ўзи бир қўшиққа ўхшайдур. Унинг мақсади эрса жонли дунёга, бутун дов-дарахтларга, айниқса, инсонларга оби-ҳаёт улашмоқдур. Уста бастакорнинг «Танбур навоси» гўё ана шу улкан дарёнинг қўшиғи билан омукта бўлиб, тингловчилар қалбига роҳат бахш этарди.

Куй тугади, танбурчи энди бисотидаги иккинчи навони бошлади, шу дамгача кўрпача чеккасида оқимга қараб хаёл дарёсига чўмганча ўтирган кўркам чехралик аёл танбурга жўр бўлиб қайси бир шоирнинг ғазалини хониш айлади:

Нигорон кўзлар, кимнидир излар,
 Пешонам узра, ҳижрондан излар.
 Кўнгил тентирар, бубурд сайёҳдек,
 Нурсиз жилмайган дардли нигоҳдек.
 Маъюс кўзларим унсиз йиғлайди,
 Кўкнинг тоқига чирмашиб оҳим...
 Нигорон кўзлар...

Танбурчи меҳмонларнинг «жуфт бўлсун» дейишларини ҳам кутмасдан куйни-куйга улаб юборди: хонанда бўлса энди шоир Фаррухий ғазалини хониш қила кетди.

Дўст ҳажридин нечун мен, эй худо,
 Дўст излаб бўлдим ўздин Мосуво.

Тишламақдир бул лабу дандон ишим
 Ул лабу дандон хаёлидин басо.

Дурфишон ўлди кўзум мисли саҳоб,
 Лафзи дурафшони яъни муддао.

Уйқу келмас ёр умидидин бўлак,
 Кулмам асло дўст лаълидин жудо.

Дўст бирла аҳду паймон айладим,
 То тирикман бузмагайдир бул бино.

Ёри содиқмен билурман, то абад,
 Бовафодир дўст, билмам, бевафо.

Кейин куйни куйга улаб, шоири замон Унсурийнинг «Сени зулфингдан...» деган чиройли ғазалини куйлай кетди.

Сени зулфингдан олди бўй шаббўй,
 Ҳам ондин мушкин ўлди кўю мушкўй.

Агар қон кўрдинг анҳор ичра, билгил
 Менинг қоним равондир анда, дилжўй.

Нечун мен – ошиғингдан юз ўгирдинг,
 Ўгиргил они ёрингдин, парирўй.

Равондир ашқу ҳасрат бирла Ому,
 Бул сув бўйинда афғон чекмагил, кўй.¹

¹ Ғазалларни шоир Паймон таржима қилган.

Амир Масъуд ёнидан ҳамён чиқариб, бирини кўшиқчи қизга, иккинчисини танбурчига узатди. Яна боғдаги тухфалар сақланадиган хонадан заррин либослар келтиришларини буюриб, икковлари кўнгилларини хушнуд айлади.

Ўша кеча боғда устоз ва шогирд кўп мавзуларда суҳбат курдилар. Бу учрашув бутун умри, ҳаёти кўпроқ жангу жадал, ҳарбий юришлардан иборат бўлган амир Масъуд учун энг роҳатбахш, энг саодатли кунлардан бири эрди.

КЎХАНДИЗ ВОҚИАСИ

Бу воқеа амир Масъуд 430 ҳижрий йили Балхга сафар этган чоғда содир бўлган.

Мана, лак-лак лашкарлари осмонўпар тоғлар ёнбағридаги сокин, кимсасиз бир масканга келиб тўхтади... Бу жойни Кўхандиз деб аташарди. Сўлимлиги шундаки, баланд тоғ-тошлардан оқиб келаётган биллурдек шўх шалолалар пастроқда сўлим сойга айланар, кейин қутлуғ заминга оби-ҳаёт бахш этар, кут-барака келтирарди.

Аммо мана шу ўзига хос табиий гўзалликнинг бир нохуш томонлари ҳам бор, ҳар ҳолда, бу маскан кўп одамлар ҳаётига, бахтига зомин бўлган, деган миш-мишлар тарқалиб кетган.

Бу ердан вилоят, кентларга савдо-сотик ишлари ёки бошқа бирор зарурият билан ўтиб-қайтадиган одамлар, карвонлар чўққига жойлашиб олган ёвуз ниятли ўғри-қароқчилар дастидан безор эдилар. Маълум бўлишича, ўша йўлтўсарлар бошлиғи бўлмиш Али Кўхандозий шафқатсиз киши экан. У атрофига ўзига ўхшаган, юлдузни бенарвон урадурғон каззобларни тўплаб, ўтган-кетганларни талаб-ўлдириб, мол-мулклари, от-уловларини олиб кўяр, яна булар етмаганидек, атроф қишлоқларга ҳам тинчлик бермас, бот-бот тўсатдан бостириб бориб, тинч аҳолини талаб-тунаб кетар эди.

Қийналиб кетган авом оқибат чидай олмай вилоят ҳокимига бир неча бор арз-дод билан борди. Ва ниҳоят нохуш хабар Ғазна ҳукмдори амир Масъудга қадар етиб келди. Амир бир неча бор илғор юбориб, қароқчи-ўғриларни йўқотмоқчи бўлди, аммо бу ишни эплаш иложи топилмади. Ҳукмдор жаҳли чиқиб: «Наҳотки, биз бир муттаҳам жазосини беролмасак, бу қандай гап бўлди, эшитган қулоққа ҳам ёмон-ку, ахир мусулмончилик шунчалик бўлурму», деб қолди.

Мана энди амир Масъуд одамларга тинчлик бермаётган ўғри-йўлтўсарлар жазосини бериб қўйиш ниятида ўз аскарлари билан Кўхандиз тоғи ёнбағрида тўхтади.

Қароқчилар бошлиғи бундан хабар топгач, тоғнинг энг баланд чўққисидаги Парвона деган жойга беркиниб олди. Унга ҳеч ким етиб боролмас, чиқолмас ҳам эди.

Гўзгон ҳокими Нуштегин, амир Масъуднинг рухсати билан, Али Кўхандозий ўрнашган ғорга хужум қилмоқчи бўлиб, элликка яқин эпчил жанговар ғуломи ва уч-тўрт минг жангчисини олға етаклади. Нуштегин баланд қояларга тирмашиб ҳаммадан олдинда борарди. Жанг қизиди, тепадан юмалатилган тошлар урилиб, баъзи бировлар пастга ағдарилдилар, кейин уларнинг ўлигини ҳам топиб бўлмади. Шунда амирнинг жанговар ғуломи Бойтегин ўзи жангга киришиб кетди. Бир вақт ҳеч кимга ҳам айтмай, ўрмалаб кетаётган илондек тошларга тирмашиб, юқорига ўрлай бошлади. У билан беш юзга яқин сарой ғуломи, бошқа бўлинмаларнинг жуда кўп жангчилари бор эди. Тепадан бўлса

тош ёмғирдек ёғилар ва кўп жангарилар жонига зомин бўлар эди. Бойтегин жуда ҳам эпчил эди, от чопишда, қилич солиш, камон отишда унга етадиган одам йўқ эди. У Нуштегинга бақирди:

– Сен шу ерда тўхтаб тур, қимирлама, мен бир оз юқорига чиқиб олай, – деди Буйтегин ва ўрмалаб катта қоя ёнида тўхтади-да, тепага қараб қичирди: – Биродарлар, тош отмай турунгллар, мен элчи сифатида ҳузурингизга келдим. Менга арқон ташлангллар, гап бор, маслаҳатлашиб оламиз.

Қароқчилар арқон ёрдамида элчини тортиб олдилар. Ажиб бир кўрқинчли манзара: бир-биридан хунук, соқоллари ўсиб кетган, кийим-кечаклари ҳам босқинчиларга хос бир жамоа элчига бўри кўзлари билан еб қўйгудек қараб турарди.

– Мен бошлиқларингиз билан учрашмоқчи эрдим. Амир Масъуд жаноб олийлари таклифларини етказмоқчимен, – деди Бойтегин.

Қароқчилар ичидан соч-соқоллари юзларини ҳам беркитиб юборган, эгнига бўри терисидан қилинган нимча кийиб олган серсавлат қароқчи меҳмонни зимдан кузатиб турди-да, кейин уни Али Кўхандозий ҳузурига олиб кирди. У алоҳида ғорда пўстак устида бепарвогина чилим тортиб ўлтирар, гўё мен шу салтанат ҳукмдориман дегандай. Бошида сувсар телпак, эгнида почапўстин, камарига кумуш ханжар тақиб олган. Эллик ёшлар чамасидаги кўзлари чиқнаб турган, серсавлат, келишган, абжир одам эди. Ҳар қалай бошлиқ деса бошлиқдек кўринди Бойтегинга. Кичкинагина ғорда нималар йўқ дейсиз: найза, қилич, қалқон, ўқ, сипар каби жанговар қуроллар расамади билан жой-жойига қўйилганди. Бундай ўйлаб қараганда, бу маскан ўзига хос подшоҳлик эрдик, жанговар қуроллардан ташқари обдастадан тортиб, ҳокандоз, оташкураккача, кўрпача-ёстиқдан тортиб зар чопонларгача, хуллас, одамларни зор қақшатиб олиб келинган майда-чуйдаларгача, ҳаммаси йиғиб-тўплаб қўйилган.

– Хўш, нечун келдинг? – сўради ўғрилар саркори Али Кўхандозий.

– Сен билан сўзлашиб, танишиб олмоқчиман.

– Шеригинг ким?

– Сен билан жанг қилмоқчи бўлган Гўзгон амири, – деди Бойтегин. – Энди сирасини айтсам, мени ҳузурингга Ғазна амири султон Масъуд ҳазрат олийларининг ўзлари вакил этиб юбордилар.

Али бироз тебраниб қўйди. Ахир ҳукмдорнинг ўзи элчи юборибди. Гўё у ҳам ўзини бошқа бир салтанат султонидек ҳис этди шу топда.

Бойтегин давом этди:

– Ахир ўзингга бир қара, туппа-тузук одам эркансен, ўзингни бу бешаларда хор-зор этиб юрибдурсен, бундай ўйлаб қарасам, сен улуғ даргоҳларда, олий мансабларда ишлашга лойиқ паҳлавон эркансен, қани мен билан юр, пастга тушайлик, мен сени амиримиз ҳузурига олиб кирурмен, сенга ул жаноб олийлари зар чопон кийдириб, сўнг сарханг унвони берурлар, салтанат учун хизмат қилурсан, еганинг олдингда, емаганинг ортингда бўлур.

Бошлиқ ўйлаб қолди, хаёллари тўзғиди, афтидан иккиланиб турарди, ниҳоят, ҳардам хаёлда деди:

– Билмадим, амир менинг гуноҳимдан ўтурларму, ишонсам бўлурму гапларингга?

Бойтегин чиройли кўзли қимматбаҳо узугини бармоғидан чиқарди-да:

– Бу амиримиз тухфаси, сенга бериб юбордилар, сўзимизга ишонсин деб, – деди ва узукни бошлиқ кўлига кийгизиб қўйди. Бу олий қимматдан сўнг Али ўрнидан туриб, ғор эшиги ёнига борди, кейин яна ўйланиб қолди-да, орқасига қайтди.

– Йўқ, негадир кўнглим ғаш...

Бойтегиннинг аччиғи чиқиб кетди: «Бу гапларни сенга айтгандан кўра, анови тошларга айтсам бўлуркан, мен сени сўзи устидан чиқадиған мард йигит деб ўйлабмен. Яна босқинчилик қилавер, теппамизда Оллоҳ бор, барча нарсани кўриб-билиб турибдур. Ахир ўзинг бир танангга ўйлаб кўр, қачонгача ёввойи одамдек шу чўққида яшайсан, одамларга ўхшаб оиланг, бола-чақаларинг билан маза қилиб юрсанг бўлмайдиму? Қилмишинг инсон зотига ётдур, гуноҳи азимга ботиб ётибсан, бунақада Худонинг қаҳрига учрайсан-ку, шуни тушунасанму?»

Али Кўхандозий жим бўлиб қолди. Бойтегин уни гўё гап билан михлаб қўйган эди.

– Майли, мен кетдим, амирнинг ҳадя этган узуги, ул олий ҳазратларидин сенга ёдгорлик бўлсун.

– Тўхта, қанақа одамсан ўзинг, бирга кетамиз дедим-ку.

– Жуда соз. Шерикларингни ҳам олвол, ўзинг уларнинг лашкарбошиси бўлурсен.

– Чиндан шундай бўладими, шунга сен кафил ўтасанму?

– Сенга неча марта айтиш керак, юр энди, кўп эзмалик қилма.

Атроф-теварақда турган шериклари ҳайрон, ростдан ҳам шундай бўлармикин, тагин ҳуқумдор ғазабига учрамасак эди, деб хавотирда эрдилар.

Соқоллари оқариб кетган Зокир сариқ деган барваста киши Али Кўхандозийга:

– Хўжайин, шу одамнинг сўзига ишониб ўзингни ҳам, бизни ҳам ўлимга маҳкум этгали олиб кетмоқдасан-ку, эсинг жойидами? – деб қолди.

Яна бир барзангига ўхшаған барваста йигит уни қувватлади:

– Қанча одамларнинг уйини таладик. Эл-юртга тинчлик бермадик, энди улар бизни кечирармиди, ё Али, эс-хушингни йиғиб ол, сен ўзингни ҳам, бизларни ҳам жаллод кўлига топширмоқчимусен?

Али Кўхандозий яна иккиланиб тўхтаб қолди.

Бойтегин уларга қараб турди-да:

– Сенларга яхшилик қилганнинг падарига лаънат, ён бермасаларинг амиримиз ғазабига учрайсанлар, мен сизларга чин кўнгил билан таклифларини етказган эрдим, энди буёғи ўзларингга боғлиқ, мен кетдим, шу ерда бит босиб ётаберинглар, – деди ва пастлай бошлади.

Али Кўхандозий:

– Тўхта, эй яхши одам, ўзим сен билан кетаман, булар билганларини қилсунлар, дарбадарлик жонимга тегиб кетди, ахир мени ҳам бола-чақаларим бор, – деб Бойтегинга эргашди. Начора, бошлиқсиз қолган қароқчилар гуруҳи тақдирга тан бериб, «нима бўлса бўлар», деб Али ортидан юрди.

Қароқчилар қирқ-эллик кишига яқин норғул, тоғни урса талқон қиладурғон забардаст йигитлар, ўрта ёшли кишилар ва икки-уч қариядан иборат эрдилар. Ҳаммалари гуноҳқорона бошларини ҳам этиб тезоқар тоғ дарёси ёқасига жамул-жам бўлдилар. Олдинда саркор Али Кўхандозий турибди. Лашкарбошилар, надимлар, ғуломлар, ўғри-каззобларни кўриш учун капаларидан чиқиб ҳайратда, яна ғазаб-нафрат билан уларга тикилардилар.

Шу вақт шинам боргоҳдан Ғазна салтанатининг ҳукмдори амир Масъуд чиқиб келди. Ёнида Абу Наср, Хожа Завзаний ва бошқа эътиборли зотлар.

Амир Масъуд қароқчиларни бирма-бир кузатиб чиқди-да, кейин Али Кўхандозийга рўбарў бўлди.

– Нечун сен нобакорлик қилурсен, эл-юртга тинчлик бермайдурсен, авлодинг ўғри-каззоб ўтганму ё, Оллоҳдан қўрқмайсанму?

Али Кўхандозий Ғазнанинг буюк ҳукмдори қаршисида ўзини бир хас-чўпдек ҳис этар, савлати, важоҳати олдида тили лол, сўзлашга гап тополмас, гўё ўз отаси олдида гуноҳ қилиб қўйган боладек ер чизиб турарди. Нима ҳам дерди, ариллаб-дариллаб, ўғирлигу босқинчилик қилиб, ўзини атроф-теварақдаги қишлоқлар хўжайинидек ҳис этиб юрган шоввоз энди кичрайиб, жимити одамдек бўлиб қолганди.

Али Кўхандозий бошлиқ барча қароқчилар, қўл-оёқларига кишан солиниб, тоғ ёнбағридаги тошлоқ жойга ётқизилди. Амир Масъуд топшириғи билан аҳолидан талаб йиғилган мол-мулклар барчаси битта ҳам қўймай дарё ёқасига тўплаб қўйилди. Улар жуда ҳам кўп эди. Шунда қароқчилар бошлиғи жойлашган ғор чеккасидан кишанланган бир норасида, ўн беш ёшлардаги қизалоқ ҳам топилди. У бир косиб қизи бўлиб, исми Нурхон экан. Амир Масъуд Гўзхон ҳокими Нуштегинга атроф шаҳар-қишлоқлардаги қароқчилардан озор чеккан аҳолини эрталаб тўплаш ҳақида амри фармон берди.

Эртаси йиғилган аҳоли ўзларига тегишли мол-мулкларни қайтариб олдилар. Айниқса, асира қиз Нурхон ота-онасининг қувончи чексиз эди. Улар осмонга қараб, жон-дилдан амир Масъудни дуо айлар эдилар. Қизнинг отаси – паҳлавонқомат ямоқчи саркорга ташланиб қолди. Бошқалар ҳам ундан ўрناق олиб, қўлларига тушган нарса билан қароқчиларни ура кетдилар. Тошбўрон анча узоқ давом этди. Бу амир Масъуднинг жанговар юришлари тарихида ҳеч бўлмаган, аҳоли иштирокидаги қасоскорлик жанги эди...

БАЛХ КЕЧАСИ

Мана, Балхдаги ҳашаматли сарой. Отаси Султон Маҳмуд Балхга ҳоким этиб тайинлаган чоғларидан бери бу муқаддас, серфайз шаҳар ҳукмдор учун азиз ва ниҳоят қадрдон бўлиб қолган. Бу ерда бой-боёнлардан ошна-оғайнилари, дўстлари кўп. Бир вақтлар Балхда маишатга берилиб, давлат ишларига унчалик эътибор бермай қўйганда Султон Маҳмуд ўғлини Ғазнага чақириб олган дамлари ҳам бўлган. Мана энди амир Масъуд ўзи салтанат ҳукмдори бўлиб олгандан кейин ҳам, ўзи учун жонажон бўлиб қолган бу шаҳри азимни ҳеч ёдидан чиқармайди, қайга сафар қилмоқчи бўлса, биринчи кўниб ўтадиган севимли шаҳри Балхдур.

Баҳорнинг айна гўзал айёмида амир Масъуд Ғазнадан яна Балхга равона бўлди. Дарахтлар қийқоч гуллаган, адрларда лола гулханлари ёнар, қушлар наво айлар – баҳор нашидасидан мастдек. Амир жангу жадал қирони, қаттиққўл саркарда бўлса ҳам асли гўзаллик шайдоси. У баҳорни севади. Унинг Боғи Ферузни жозиб гулбоғга айлантириш йўлидаги саховатли ишлари, ё бўлмаса Балхда ўз номи билан бунёдга келтирган ва ҳаммаёққа машҳур бўлиб кетган Масъул боғи бундан далолат эрур.

Балх сафарнидан хабар топган дўсту ёронлари ўз қадрдонларини кутиб олиш учун шаҳар ташқарисида, сувлоқ бешада атай кўчкор сўйиб, катта дастурхон тайёрлаб қўйишган. Аммо Масъуд тўппа-тўғри Боғи Масъудга йўл олди. У шундай кўркам сабззор, гуллар дунёсига беланган маскан эрдик, Ғазнадаги Боғи Феруздан сира қолишмасди. Оқар сувлар, шаршаралар эътиборни тортади, меҳмонлар кутиладиган, тантаналар ўтказиладиган, атроф-тевараги юз йиллик чинорлар, қайинлар билан қопланган шийпон кўзни қувонтиради. Шарқ оламининг энг моҳир усталари, чизмакашлари,

сураткашлари томонидан зўр ҳавас билан чизилган сувратлар, нақшлар, бадий безаклар кишини ҳайратга солади. Қайси бир мусаввир шийпоннинг кўринарли жойига Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си қаҳрамонлари – Рустам ва Золнинг тўқнашув пайтини шундай моҳирлик билан чизибдирки, уни кўриб хаёлга чўмиб, маҳлиё бўлганча узоқ туриб қоласиз.

Бу кеча ана шу афсонавий шийпонда катта тантана, унга энг машҳур бой-боёнлар, ғазалхон шоирлар, мусиқачилар, хушовоз хонандалар таклиф этилган. Буни албатта, шаҳар ҳокими билан бирга, амирнинг корчалон, давлатманд яқин дўстлари ташкил этишган.

Амир Масъуд узоқ йўлдан ҳориб-чарчаб келганлиги учун ҳашаматли саройнинг бир чеккасидаги шинам дам олиш хонасига кириб, ўзини ўриндиққа ташлади. Кеч бўлди, чақирилган меҳмонлар бирин-кетин боғга кириб кела бошладилар. Ғулوم бўлса, кийим-анжомларини тайёрлаб, ҳукмдорнинг хизматида парки-парвона эрди. Амир эндигина уйқудан туриб, юз-кўзларини юваётган эдики, боғнинг бошқарувчиси келиб: «Бир аёл билан бир эътиборли зот сизга учрашмоқ истарлар», деб қолди. Амир Масъуд сўради: «Ким эркан улар, мендин не истарлар?». Шунда бошқарувчи: «Улар отангиз раҳматлик Султон Маҳмуддин кўп яхшиликлар кўрган кишилар эркан», деди. Амир кўнгли эзгуликка мойил бўлиб тургани боис: «Айт, хузуримга кира беришсун», деб қолди. Бошқарувчи ҳайрон, амир ҳеч қачон бунақа вақтда ҳатто сарой аъёнларини ҳам қабул этмаган, нечундур шу онда аларнинг кимлигини ҳам суриштириб ўтирмасдан «кира беришсин» деб юборди.

Бир дақиқа ўтмасдан ўттиз-қирқ ёшлар чамаси, бир-бирларига монанд, келишган йигит билан хушрўй бир аёл амир хузурига одоб билан салом бериб, кириб келдилар.

Амир ҳавас билан уларга қараб турди.

– Бизлар... – Аёл гап бошлади-ю, бир оз энтикиб жуфтига қараб қўйди.

– Уялманг, қизим, гапир беринг, – деди амир Масъуд.

– Биз асли балхликмиз, раҳматли отангиз Султон Маҳмуддан кўп яхшиликлар кўрганмиз. Ўз ватанимиздан, бир сабаб ё тасодиф туфайли қочиб, кечаси Ғазнияга келиб, Султоннинг Боғи феруз деб аталмиш кўркам боғига кириб қолганмиз.

Боғбон жуда ҳам ажойиб, одампарвар зот эркан, аянчли саргузаштларимизни тинглаб, ўша кеча, боғда қолишга рухсат айлади, сўнг бизга кўп илтифотлар кўрсатди ва барча чироқларни ёқиб юборди. Роса базми жамшид қурганмиз ўшанда. Раҳматли отангиз, жойлари жаннатда бўлсун, иттифоқо саройдаги ўз хоналаридан қараб: «Боғи Ферузда нечун барча чироқлар ёниб ётибди», деб вазир Ҳасанакни гирдобга олганлар. Икковлашиб ярим тунда боғга келишган. Султон аҳволни билгач, тасодифлар, ҳангомаю саргузаштлар ихлосманди бўлганликлари боис, мажлисимизга «балиқчи» сувратинда кириб, маишатимизга қўшилиб, бирга кайф-сафо қилган. Ўшанда мен Султонга чиройлик бир қўшиғимни хониш этиб берганман. Ўша қўшиқ бундай бошланарди.

Кўзларим қолди йўлинда бир хабар олмасмиди,
Кўнглида гар дарди бўлса, интизор этмасмиди...

Ўшанда ўзимга жуда ҳам эркинлик бериб «балиқчи»га «дарёдан балиқ тутиб кел» деб буйруқ бериб юборибман. У чиқиб кетгач, уни кута-кута ухлаб қолибмиз. Эрталаб бизни оёғимизни ерга текизмай саройга олиб кетдилар. Боғбон шўрликнинг ҳам дарди ичида, кўрқувдан дир-дир титрар эрди.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди ўша бахтиёр дамлар. Хавотирларимиз ортда қолди. Султон кўп илтифотлар кўрсатиб, биз ошиқ-маъшуқларга Ғазниядан уй-жой тайинлаб бердилар. Бахтимиз очилди, мана энди ўшандан бери неча йиллар ўтиб кетибдур. Ҳар куни, ҳар дам, ҳар намоз олдидан отангиз раҳматлини дуо қилурмиз. Илоҳо Оллоҳ улуғ зот арвоҳини шод айласун. Шу кунларда тақдир тақозоси билан биз Балх шаҳрида истиқомат қилурмиз. Ували-жували бўлиб кетдик. Илгари ҳам ҳузурингизга кирмоқ истаб келганмиз. Аммо ўша кунлари сиз катта жангу жадалга таёргарлик кўраётган экансиз. Қанча илтимос, илтижо қилсак ҳам ҳузурингизга қўймадилар. Айниқса, Хожа Зувзаний деган зот бор эркан, ўша киши қаттиқ гапириб кўнглимизни оғритди. «Амиримизнинг сенлардан бошқа иши йўқми», деб хонасидан ҳайдаб чиқарди. Кўнглимиз номозшом бўлиб, умидсиз қайтиб кетдик. Мана, букун яна шу ерда эканлигингизни эшитиб, раҳматлар айтмоқ ниятинда ҳузурингизга келдик, – деди аёл.

– Исмингиз не? – сўради амир.

– Гулчеҳра.

– Сизники-чи? – деди қаршисида турган паҳлавонқомат йигитга юзланиб.

– Баҳром.

– Ташрифларингиз учун минг бор раҳмат, хуш келибдурсизлар. Сизларни бул бўстон ичра шул оқшом бўладургон учрашувга таклиф этурмен. Ўша қўшиғингизни куйлаб берурсиз, зеро, бу билан отамизнинг руҳларини ҳам шод этурсиз.

– Мен отангиз Султон Маҳмуд ёзгон ширин ғазалларни ҳам ўқиб, кўшиққа солганмен, истасангиз кечада ўшаларни хониш этиб берурмен, – деди Гулчеҳра.

– Кўнглимни шод айладингизлар, бу кеча энг азиз меҳмоним бўлурсизлар, – деди амир Масъуд улар билан хайрлашар экан.

Алқисса, хуфтондан бошлаб барча машъаллар ёқиб юборилди. Бог анчадан бери сокинлик кўйнида эрди. Мана, бугун уйғоқ, гўё ҳаётга қайтгандай чарақлаб, яшнаб кетди. Муқаддас Балх шаҳрининг казо-казолари, амир Масъуднинг дўсту ёронлари, барчаси йиғилган. Биллур фавворалар чор атрофга яна ҳам тароват, гўзаллик бахш этган. Жамбилу райҳонларнинг муъаттар бўйлари кишига роҳат-хушнудлик инъом этади. Анави очилиб ётган хилма-хил оқ, қизил, пуштиранг атиргуллар Эрон, Бобил, Миср, Ҳиндистон мамлакатлари гулшанларидан келтирилган.

Зилол сувли сарҳовуз бўйидаги қип-қизил гиламлар тўшалиб, шоҳи-атлас кўрпачалар солинган шоҳсупада бир гуруҳ созандалар «Ажам тароналари» куйини шундай моҳирлик билан ижро этмоқдаларки, уни тинглаб гўё эзгулик дунёсига тушиб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни. Хаёлингизни қадим-қадим дунёларга олиб кетади, кўнгил торларини эзгуликка, севги-садоқатга йўллайди. Оллоҳ бу дунёни нақадар саришта ва жуда ҳам гўзал этиб яратиб қўйган, деган фикр хаёлингиздан кетмайди.

Мана, даврада Гулчеҳра, дилбарнинг кўлида тори ўйнар, кўшиқ айтар жўшиб, Султон «Маҳмуднома»сидан бир дилбар ғазални куйга солиб. Баҳромнинг сеҳрли танбури кўшиққа жўр бўлиб, дилни эзар.

Ғам доғидан диллар озод ўлди кўргач лолани,

Шармисордир оху кўргач сен гўзалнинг ҳолини.

Лаъли лабингдин лола нечоғ ийманиб,

Такрор олмас бўлди илгига бўлак паймонани.

Гарчи юз минг шоҳиди гулнинг бор, огоҳ бўлмади,

Дард юзидан гарчи булбул артди оху нолани.
Чикди танга гардидин анжомин анбарин ҳиди,
Тарзини кас кўрмади Ой гирдида бу ҳолини.
Кимса васлингдин осонлик бирла баҳра топмади,
Мушкул олди қўлга қудрат бирла ким наволини.
Булбули ошиқки, гулдан иттифоқо англади,
Ўқимаган ул каби ҳеч кимса бул рисола.
Токай айлайди дилин Маҳмудни озурда Аёз,
Қилмаса мутолаа то гар ушбу қаболани.

Қўшиқ сўнглади, Гулчеҳра қарсақлар остида қолиб кетди. Баҳром ҳам.

– «Сўнар соқий»ни айтинг, илтимос қилурмиз, – деди Султон Маҳмуднинг сирдоши Аёзнинг бир қадрдон дўсти ўртага чиқиб. Ва ўзи жойида Гулчеҳрага маҳлиё бўлганча тура берди. Гўё қўшиқчи уни сеҳрлаб қўйгандай.

– Эшитайлик, илтимос, – деди бир серсоқол полвон йигит ўрнидан даст туриб.

Гулчеҳра дили равшан тортиб, жўшиб, илҳом ва дард билан куйлай кетди. Баҳром ҳам танбурини олиб жўр бўлди.

Сунар соқий лим пиёла гоҳи ўнг, гоҳи чапгаким,
Тутган шаробини ол-а, гоҳи ўнг, гоҳ чапгаким.
Бода боис маслаҳатгўй панд этар, лек фойда йўқ,
Айлагай соқий ҳавола, гоҳи ўнг, гоҳ чапгаким.
Қошида гар яхшилар, лофи гул очгай, бод сочар,
Хижил ундан бу рисола, гоҳи ўнг, гоҳ чапгаким.
Шуълаи ҳуснинг эрур бизга умиднинг чайкали,
Лекин ҳажринг мисли жола, гоҳи ўнг, гоҳ чапгаким.
Тобакай Маҳмудга тутгай майни ул покдомон,
Мушк сочар соқий-кулола, гоҳи ўнг, гоҳ чапгаким...

Кечада ҳозир-нозир бўлган чапдаст шинавандалар даврасида Гулчеҳра ҳам, Баҳром ҳам катта шуҳрат топдилар, йигитлар бўлса биллур косаларга лобо-лаб май куйиб, шавқ-завқ билан нуш этиб, рақсга тушиб кетдилар, гўё Султон Маҳмуд ушбу ўйноқи ғазалини шул йигитларга бағишлагандек. Амир Масъуднинг балхлик қадрдон дўстлари қўшиқчини зару олтин тангаларга кўмиб ташладилар, унга чиройлик шоҳона заррин либос, бошига олтин-кумушлар қадалган дўппи кийдиришди. Баҳром ҳам ана шу тухфалардан холи қолмади, уни амир Масъуднинг ўзи қимматбаҳо совға-саломлар билан улуғлади. Гўё бу хайрли, нурафшон кеча Султон Маҳмуддан бир вақтлар паноҳ топган, бахт-саодат кўрган фариштали муқаддас оила тўйидек туйиларди.

Шу пайт даврага жулдур чопон кийган, бошида битта ҳам туки йўқ семиз киши, битта кўзи йўқ, шалпанг кулоқ, серсоқол мўйсафид тушиб келди. Бундай қараганда, шундай туришларининг ўзи ҳам кулгили кўринарди. Аввалига бир-бирларига қараганча кўзлари, юзларини ўйнатиб, турли имо-ишоралари билан томоша аҳлини кулдирдилар. Кейин серсоқол мўйсафид оғзидан туфугини қўлига олиб, калнинг бошига чалпиллатиб ейиштириб қўйди. Кал бўлса, «Нега ундай қиласан, шунинг учун сизга теккан эдимми», деб ғалати қилиқлар қилиб, бир чеккада ноз билан аразлаб тура берди.

Кекса қизиқчи шеър ўқий бошлади.

Қалдирғоч, қалдирғоч,
Эшигингни оч-оч,
Эшигингни очмасанг,
Туйнугингдан кираман,
Кал бошингга чичаман...
Кетаман қоламан...

Кулги кўтарилди. Калбош қизиқчи яна аёлларга хос назокат билан муйсафид ёнига келиб бидирлади:

Мана сенга калбошим,
Уйда йиғлар кундошим.
Агар ташлаб кетсанглар,
Сўнар менинг бардошим.

Тепадаги сўпачада ўтирган машшоқлар бир ўйноқи куйни чалиб юбордилар. Кал чайнаётган сақичини олиб, бурнига ёпиштириб қўйди-да, шеригига ёндошиб, қош қоқиб ўйнай бошлади.

– Бу ни қилғонинг, нечун сақичингни бурнингга ёпиштириб олдинг? – сўради шериги.

– Камбағални мол-дунёси кўзи олдида туриши керак, – деди кал сақичини кўрсатиб.

- Боймисан?
- Ўлгудек қашшоқмен.
- Акангдан ақча сўра!
- Қайси акамдан, ахир ҳеч кимим йўқ, бир бедавомен...
- Ана аканг, – у қўли билан амир Масъудни кўрсатди.
- Йўқ, уяламан сўрагани...
- Сўрайбер, бир нарса деса мен бор.
- Сен кимсан ўзи, вазирмисан, надиммисан ё ғулом?
- Гадолар султониман.
- Бошингда тожинг йўқ-ку!
- Тожсиз, тахтсиз подшоҳмен, эркин, озод, мол-дунёсиз, ташвишсиз, насл-насабим йўқ подшоҳмен...
- Гадосен!
- Бойлиги йўқ подшоҳмен, кечаси тинч ухлаймен.
- Ухлагандан кўра ўлганинг яхши эрди.
- Нечун, ахир пулим йўқ, тиллойим йўқ, ташвишим ҳам йўқ.
- Эзмачилик етар. Акангга айт, бироз ановидан чўзсин.
- Сен айтақол...
- Мени бошим кал, айтолмайман...
- Мени кўзим шилпиқ, сўзлай олмаймен... Сен айтабер, бошинг кал бўлса ҳам, кўнглинг нозик, амиримиз сени яхши кўрадилар.
- Майли, айтамен.

Кал қизиқчи кўрқа-писа амир Масъудга яқинлашади. Қўлини чўзиб индамай тура беради.

Амир Масъуд ёнидан икки ҳамён чиқариб қизиқчиларга ҳадя этди.

Шундан сўнг ўйин-қўшиқ, мусиқа ярим тунга қадар чўзилди.

Балхдаги Масъуд боғида ўтказилган кеча улуғларни ёд этиш, руҳини шод айлаш, эзгулик ва боз устига шавқ-завқли кулги кечасидек яқун топди.

Амир Масъуд марҳум отасининг қадрдонларига яна кўп совға-саломлар улашиб, улар кўнглини овлади.

ЖАНДА СОТИЛМАЙДИ

Бир куни кечаси амир Масъуд маслақдош дўсти, шоир Икром Хўжандий билан бирга, қадимий шарқона одат бўйича, қаландар кийимларида шаҳар чеккасидаги бир қаҳвахонага кириб бордилар. Одам гавжум: биров май ичган, бошқаси тарёк еган, яна кимдир чилим тортиб ўлтирар эрди. Ҳаво биқик, тутундан ўтирганларни таниб бўлмасди. Амир Масъуд билан ҳамроҳи бир чеккадаги ўриндиққа чўқдилар. Қаҳвахона югирдаги келиб, «хизмат» дегандай қараб турди. Икром Хўжандий қаҳва буюрди.

Шу вақт кашандалар билан ўтирган анча ёшлардаги бир чапани янги келган хўрандалар ёнига келиб чўқди, сўнг не учундур амир Масъудга тикилиб қараб турди-да:

– Биз иккимиз агар янглишмасам, тўққиз ой қоронғу авахтада ётганмиз, – деб қолди.

Амир бироз жаҳли чиққандай бўлди-ю, кейин ўзини босди.

– Мен сизни танимайдурман.

– Йўқ, йўқ, мен ҳақ гапни айтурмен, аниқроғи, тўққиз ой ва яна тўққиз кун бирга хамсуҳбат бўлганмиз.

Нарироқдаги супада ўтирган биродарлари ҳазилкашликни ўрнига қўяётган хира-хандон йигитни зимдан кузатиб турардилар. Афтидан йигит шу қаҳвахонадан чиқмайдиган ва ўзига жанжални сотиб оладиган, тасодиф излайдиган бекорчилардан бўлса керак.

Шу вақт хизматкор қаҳва олиб келиб, янги келган хўрандалар ёнига қўйиб кетди ва майнавозчиликни ўрнига қўяётган ҳалиги йигитга секингина деди: «Аҳмад, меҳмонларни тинч қўй!»

– Мен сизга ҳақ сўзни айтмоқдаман, ёдингиздан чиқдим, яна қайтараман, биз сиз бирлан тўққиз ойу тўққиз кун зиндонда ётганмиз, – деди у яна хизматкор гапига эътибор ҳам қилмай.

Жаҳли чиққан Амир, бир кўнгли беодоб масхарабозни яхшилаб адабини бериб қўймоқчи ҳам бўлди, кейин сен нима дейсан маъносида дўсти Икром Хўжандийга қаради. У сирли қилиб кўз қисди. Кейин кайф устида хиралик қилаётган йигитга сўз қотди:

– Дўстим, аниқроқ айтинг, зиндонда қачон ётган эдингизлар, менинг дўстим эслай олмайдур.

– Шунақада, шеригингизнинг ёдларидан кўтарилибди-да, наҳотки ўша авахтада ётганингизни эслай олмайсиз, – деди бу сафар ўксингандай, кейин қўлини силтаб кетмоқчи бўлиб турган эди, амир Масъуд тўхтатди-да:

– Айтинг-чи, сизни ўшанда ким, нечун зиндон қилгон эрди? – деб сўради.

– Амир Масъуд, – деди у хотиржам.

– Шеригингиз ким эрди?

– Сиз дедим-ку, наҳотки шунчалик эътиборсиз бўлсангиз.

– Мен сизни танимайдурмен, бирга зиндонда ётганимизни эслай олмайман, агар билсангиз, мен ҳеч қачон зиндонда ётмаганмен, сиз мени ким биландур алмаштираётирсиз.

– Яна айтаман, сиз билан биз тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа онамиз қорнида қоронғуликда ётканмиз, ҳазил, – деди-да, у чилимини кўтариб, кула-кула дўстлари ёнига кетди.

Амир Масъуд шунақанги қизиққангомалару саргузаштлар мухлиси сифатида Шарқ оламида машхур бўлган «Алф лайло» қиссаларига кўп қизиқарди, подшоҳ Хорунар Рашид, вазири Бармаки билан бирга, қаландарлар кийимида кечалари шаҳар кезиб, турли саргузаштларни кечирганлари ҳақидаги қизиқ-қизиқ қангомаларни ёшлигидан ўқиган ва ўзи ҳам баъзан ўшаларга тақлид қилишни жуда-жуда истарди.

Мана, бугун қадрдони Хўжандий билан қаландарлар қиёфасида мана шу қаҳвахонага келиб ўтириши ҳам бежиз эмас. Баъзан мана шунақанги оддий одамлар орасида бўлган чоғларида ўз амалдорларининг ноқонуний ишлари, дорулсалтанатдаги баъзи сир-синоат ҳақида муҳим маълумотларни ҳам билиб оларди. Бир куни Ғазна бозорида вазир Абу Наср Мишкон билан бирга ҳаммоллар либосида юрганида хуросонлик бир савдогар харид қилган майда-чуйда нарсаларини амир Масъудга бериб, уларни кўча юзасида турган аравасига қадар олиб чиқишни илтимос қилди. Шунда вазир амирни аямоқчи бўлганда, савдогар: «Мен буларни сиз эмас, мана бу шўрлик фақир киши кўтариб боришини истайдурмен», деб туриб олди. Амир Масъуд ҳам гўё савдогардан миннатдор бўлиб, юкни кўтарганча кета берди. Ул зот йўл-йўлакай бозор хўжайини ўлаксахўрлиги, четдан келган савдо аҳилларини шилиб олиши, ўта порахўрлиги ҳақида вайсаб борарди.

Амир Масъуд қовоқхонадан чиқиб кетмоқчи бўлиб, ўрнидан турган эди ҳамки, яна чилим тортиб ўтирган ўша кашанда югуриб келди-да, амирни кўлидан тутиб: «Мана шу эгнингиздаги жандани менга сотинг, жуда ҳам янги ва чиройли эркан», деб қолди.

– Жандамни анча қимматга олганман, майли, сиз ўн динор бера қолинг, – деди амир сир бой бермай.

– Ахир ўн динорга почапўстин олса ҳам бўлур. Қанақа одамсан, ё мабодо осмондан тушмаганмусен?

– Хоҳласанг шу, бўлмаса катта кўча, – деди амир қатъийлик билан.

– Сен қаландарга ўхшамайдурсен, мабодо амирнинг айғоқчиси эмасмусен. Эшитишимча, амир Масъуд анча инсофли ҳақгўй одам дерлар. Унинг хонлиги ҳам, беклиги ҳам бор эмиш.

– Жанобларининг исми-шарифлари не?

– Мени Абдуқодир Мажусий дерлар, аслида ғазалхон шоир эрурмен, мусиқа шинавандасимен, уд чалурмен, гоҳо-гоҳо ўзим ҳам наво қилурмен. Унсурий, Дақиқий, Фаррухий ғазалларини куйга солиб, айтиб юрурмен.

– Нечун ундай бўлса, бу ғариб қаҳвахонадан чиқмайдурсен? Анча соҳиби истеъдод эркансен-ку!

– Мен олам кезган бир дарвешмен, тўғриси, тарки дунё қилгон бир девонамен, ҳасратим дафтарга сизмас, отам қадимда Балхнинг энг эътиборли зотларидан бири бўлгон, уни раҳматли Султон Маҳмуд ҳазрати олийлари ҳам яхши билур эрдилар.

Амир Масъуд ёнидан бир ҳамён чиқариб, Мажусийга тутди. У ҳамённи чамалаб кўрди-да:

– Йўқ, мен гадо эрмасмен, агар билсангиз, меним таги-тахтим улуғдур, – деб амирга қайтариб берди.

– Олабер, ушбу ақчаларни олийжаноблигинг, таги-тахтинг, истеъдодинг учун бердим.

– Йўқ, олмаймен, яна қайта дейманки, мен гадо эрмасмен, – деди у ва аста дўстлари ёнига қайтиб кетди.

Амир Масъуд суҳбатдошига деди:

– Эртага саройга олиб бормоқ керак, унда кўп гап борга ўхшайдур. Яхши одамлар, қандай ҳолатда бўлмасунлар, улуғлигича қолаберурлар. Пасткашлар ҳеч қачон улар даражасига ета олмайдулар. Буюк инсон пастда ўтирса ҳам, улуғлигича қолаверади.

Эртаси куни пешин вақтида саройдан икки ғулом келиб, дўқ-пўписа билан, сабаб ҳам кўрсатмай Абдуқодир Мажусийни суриштириб қолди. Аҳли қавоқхона ҳайрон, не кор-хол юз берди эркан деб. Кайфда ўтирган нашаванд бангиларнинг эси чиқиб, бошларини ҳам этганча «бир офат юз бермаса эди» деб чекка-чеккага йўрғаладилар.

– Мажусий ким ўзи? – деб бақирди серсавлат мўйлабли йигит.

– Мен...

Кичикроқ даврада кайф-сафо этиб ўлтирган дароз бўйли, соч-соқоллари қордек оппоқ мўйсафид уларга пешвоз чиқди.

– Қани олдимга туш, – деди дўқ-пўписа қилиб ҳалиги ғулом.

Мажусийни аравада саройга олиб кетдилар. Хўжайиннинг жон-пони чиқиб кетди, чунки қахвахона тарихида ҳали бунақа воқеа бўлмаган, қанча йиллар бўлибдики, бу ерга саройдан бирор киши ҳам келмаган. Абдуқодир Мажусий бўлса гўё тарки дунё қилган одамек доимий мижоз, кунора шунда, маълум вақтда келиб, ярим тунда уйига жўнайди. Даромад ҳам шунга ўхшаган фаол кушандалар ҳисобига эрди.

Сарой ғуломлари Мажусийни тўппа-тўғри амир Масъуд қабулхонасига олиб келиб, ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ чеккадаги ўриндиққа ўтказиб қўйдилар. Шу вақт ичкаридан вазири аъзам Абу Наср чиқиб, Мажусийга бир қаради-ю, шошилганча индамай ўтиб кетди. Вазир уни қайдадур кўрган, локин шу дамда ёдига келмади. Бир дам ўтмасдан яна қайтиб келди, кейин: «Сизни қайдадур учратганмен, локин хотиримдан кўтарилибдур», деди.

– Сиз янглишмадингиз, раҳматли Султон Маҳмуд билан менинг кулбамда бўлғонсиз, бисёр одамохун ҳукмдор эрди. Ул олийжаноб инсон ҳаётидаги нурли ва меҳрли саҳифалар ҳақинда ёзғон битикларим ҳам бордур.

Шу дамда ғулом чиқиб, Мажусийни амир Масъуд ҳузурига таклиф этди. Абу Наср ҳам меҳмон билан биргалашиб Масъуд хонасига кириб бордилар.

Мажусий ҳукмдорни кўриб ажабланди, «Ахир куни-кеча қахвахонага ташриф буюрган қаландар-ку», деб салом беришни ҳам унутганча турган жойида қотиб қолди.

Амир Масъуд тахтдан тушиб, Мажусийга: «Жандамни энди сенга сотадурғон бўлдим», деди ҳазиллашиб. Шу дамда хизматкор ғулом заррин тўн келтирди.

– Қани, елкангизни тутинг, – деб Мажусийга амир ва илтифот билан тўнни кийдириб қўйди.

Ғазна ҳукмдорининг бунчалик одамохунлиги, илтифотини кўриб Мажусий ўзига-ўзи: «Ота боласи-да, Султон Маҳмуд ҳам шундай тасодифлар қидириб юргувчи ажойиб инсон эрди», – деб кўнглидан ўтказди.

– Мен раҳматли отангиз Султон Маҳмуд ҳақинда, унинг олийжаноблик хислатлари хусусинда эшитқонларим, қолаберса, битикларим бордур. Истасангиз баъзиларини сўзлаб берурмен.

– Сўзланг, икки қулоғим сизда, – деди амир.

ҲИКОЯТЛАР

Бир хушфеъл, мушфиқ кўнгилли дарвеш сифат кимса бор эрди. Бир кеча тушида Султон Маҳмудни кўриб, ундан сўрабдур: «Эй Султон, соҳиби иқтидор, нечун масканинг дорулсалтанат деб аталур?».

Шунда Султон жавоб берибди: «Салтанат қурдим, аммо юки жуда ҳам оғир эркан, ундан ҳеч бир рўшнолик кўрмадим, неча йиллар ҳукмронлик қилгон бўлсам ҳам, бир дақиқа тинч ухламадим. Кошки дунёда гадо бўлсам эрди».

Кунларнинг бирида Султон Маҳмуд лашкарларидан орқада қолиб, якка хаёлга чўмиб борур эди. Кўрдиким, дарё соҳилинда бир бола қармоқ солиб балиқ тутаётир.

Ҳукмдор салом бериб бола ёнига ўлтирибдур.

– Нечун хомушсен, овинг чопмай турибдиму ё?

Бола дебдур:

– Оилада етти жонмиз, отамиздан етим қолгонмиз, тишга босгулик ҳеч нарсамиз қолмагон, тонг саҳардан бери ўлтирурмен, овим келиб, битта балиқ тутгон эрдим, тортсам, ўша ҳам қармоғимдан чиқиб кетди.

Султон дебди:

– Истасанг, дўсту ёрдамчинг бўлай, розимусен?

Бола нима ҳам дерди, дарҳол кўнибди, сўнг Султон қармоқни сувга ташласа, бир зумда катта балиқ илинибди. Қарангки, ўша куни қармоққа юзта балиқ тушибди. Болакай терисига сиғмай кетибди.

Султон хотиржам отига минибди.

– Ҳиссангни ол, эй олийжаноб одам, – дебди бола.

Султон дебди:

– Менинг ҳиссам ҳам сенга бўлсун, эртага яна келурмен, ўшанда нимаки тутсак, барчаси менга бўлғай.

Эртаси куни Султон балиқчини эслаб, шотурини дарё бўйига юборибди. Бола шотур ниятини билгач, елка қисибди. Боргоҳга кириб қарасаки, тахтда подшоҳ ўлтирур эрди. Султон болани туриб қаршилади, кўп навозишлар кўрсатгач, бир вилоятга ҳоким этиб тайинлади.

Кунлардан бир кун Султон Маҳмуд шикордан қайтаётганда дўсту ёронларидан ажралиб, ўз хаёллари билан келаётган эрди, кўрдиким, бир кекса одам эшакка тикан аралаш хашак ортиб, жониворни «чу-чу»лаб жазирамада ҳарсиллаганча келмоқда. Шу дам эшак мункиб, йиқилиб тушибди. Тикан-хашак эрса ер билан битта бўлиб, сочилиб кетибди. Чол бўлса, ночор аҳволда турарди алам чекиб.

Султон деди:

– Эй жафокаш инсон, сенга ёрдам берайму?

– Жон устига, – деди чол кўзига ёш олиб.

Султон отидан тушиб, тиканли хашакларни эшакка яхшилаб ортиб берди. Кейин ҳеч нарса билмагандек лашкари томон кетди. Чол дуо этганча қолди. Ҳукмдор лашкароҳга етиб боргач, хизматкор ғуломни чорлаб:

– Ўтинчи чолни эшаги билан ҳузуримга келтир! – деб буюрди.

Ғулом шошилини чол йўлини тўсди, бўйин товлашига қарамай, уни Султонга рўбарў этди.

– Эй ота, ҳолинг нечук?

– Бенаво бир ғарибмен, кеча-кундуз чўлда тикан чопадурмен, тирикчилигим шул билан ўтур. Гуноҳим недур? – деб зорланди қария.

Султон деди:

– Баҳоси неча пул турур бир эшак тиканларингни, уларни менга сотгил.

Чол деди:

– Шу дамгача тиканларимга бунақа олий мартабали харидор чиқмагон эрди, агар соҳиби давлат сотиб олса, бу тиканлар гул очиб ҳаммаёқ чамонзор бўлғай. Энди арзонроқ қилиб сотурмен, бу ноёб молимга ўн ҳамён тилло берсанг бўлур. Шунда бошим осмонга етгай.

Султон савдолашиб ўтирмай, айтилган ақчани берди. Шунда аъёнлар ва лашкарбошилар ҳам чол бошидан зару зевар сочдилар.

Султон Маҳмуд иттифоқо бир гулханчи ҳузурига меҳмон бўлиб борди. Мезбон уни ҳурмат-иззат билан гулхан ёнига ўтказиб, сўнг қоқ нон билан сийлади. Султон «агар йўқчиликдан зорланиб, узр сўраса, бошини танасидин жуда этурмен» деб хаёлидан ўтказди. Аммо гулханчи чурқ этмади, бамайлихотир илиқ сўзлар айтиб, подшоҳ кўнглини кўтарди. Оқибат Султон кетмоқ бўлиб ўрнидан қўзғалди. Шунда гулханчи деди: «Менинг хурду хобу уйу айвонимни кўрдинг, йўқлаб келганинг учун бошим осмонга етди. Яна келмоқ истасанг, эшигим сендек олийжаноб инсон учун ҳамиша очикдур».

Султон деди:

– Тила тилагингни, эй яхши одам.

Гулханчи деди:

– Истагим, улуғ подшоҳим, ғариб кулбамга гоҳо-гоҳо меҳмон бўлсанг бас. Сенинг дўсту ёринг кўпдур, лекин айт-чи, мен киби бир ғариб гулханчи ошнанг қайда бор. Мен ягона содиқ дўстингмен.

Султон деди:

– Сенинг гулханинг ёнида бўлмоқ подшоҳликдан ҳам афзал эрур. Икки олам мулкига ҳам бермайдурмен бул каби бахту саодатни, агар билсанг.

Ҳеч ёдимдан чиқмайдур, отангизнинг подшоҳлиги замонида Абул Фатҳ Бустий деган Ниса омили бўлгон. Уни бир гуноҳи учун ҳукмдор амри-фармони билан Ғазнага келтирдилар. Барча мол-мулки хосликка олиниб, ўзини зиндон айладилар. Нисага эрса, янги омил тайин этилди. Бир неча муддатдан сўнг ул зот бир амаллаб зиндондан қочиб, Султон Маҳмуд ҳузурига борди. Йиғлаб-сихтаб, ундан кечирим сўради. Ҳукмдор раҳми келиб, «майли гуноҳингдан ўтдим» деб, унга яна ёрлик бериб юборди. У Нисага бориб, тахтда ўлтирган омилга ҳужжатни кўрсатиб, ўрнини қайтариб беришни талаб этди. Аммо у эшитишни истамеди.

Абул Фатҳ ғазабланди, яна Ғазнага бориб, Султон ҳузурига кирди ва бўлгон воқеани сўзлаб берди. Султон шошиб турар ва зарур ишлар билан банд эди.

– Мен сенга худнома бердим, уни қабул этмасалар, бошингдан тупроқ сочгил!

Абул Фатҳ ҳайрат билан деди:

– Эй олампаноҳ, фармонингни қабул этмасалар, нечун бошимдан тупроқ сочишим даркор?

Султон Маҳмуд ўйлаб қолди. Кейин деди:

– Мен хато қилибман, бас, шундай эркан, тупроқни менинг бошимга сочмоқ лозимдур.

Шундан сўнг эпчил ғулумни юбориб Ниса омилини дорга остирди. Ўша куни жар солинди: «Кимки олий фармондан бош тортса, жазоси шундоқ бўлур!»

Султон Маҳмуд эрта билан энди нонушта қилиб бўлган ҳам эрдик, ғулом бир навқирон йигит арзи-дод қилиб келганлигини билдирди.

Йигит хобгоҳга кирганида Султон Маҳмуд тахт ёнидаги супачада ўлтирарди.

Йигит салом бериб, рўпарада чўқди.

– Исминг недур, не дардинг бор, сўйла, – деди Султон. Йигит у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди-ю, кейин ўз дардини гапира кетди.

– Исмин Бердиёр, шаҳар чеккасиндаги хиёбон ёнидаги хонадонда хизматкор бўлиб ишлайдурман. Хўжайиним Собир Қодирий эрур. Бир наслдор говмуш сигири бўларди. Мен ҳар куни эрта тонгдан ана шу сигирни бузоғи бирлан серут яйловларда боқиб, намозшом бўлғач уйга қайтиб келардим. У хизматим учун ҳар куни бир танга берарди. Қайси куни оқшом майда-чуйда ишлар билан ўралашиб қолдим. Бир маҳал молхонага кирсам, не кўз билан қарайки, хўжайиним челақдаги ҳозиргина соғилган сутга бир коса сув қўшиб юборди. Кейин билсам, ул зот ҳар доим шундай қилур эркан.

Бир куни яйловда сигир боқиб юрган эрдим, бирдан шаррос ёмғир қуйиб, қаттиқ сел келди-ю, яланг тош панасига ўтиб олдим. Говмушни бўлса сел курғур оқизи кетди.

Кечқурун бўлган воқеани сўзлаб бердим. Фигони фалак ошган хўжайин оғзига келган сўзлар билан мени буралаб сўкиб кетди.

Шунда мен ҳам бўш келмай, дилимдаги гапни дедим:

– Қасосли дунё бу, сигирингизни сиз сутга қўшган сувлар оқизи кетди.

Хўжайин дами ичига тушиб кетди. Кўзлари қизариб ҳеч нарса деёлмади. Эртмаси куни ҳақимни ҳам бермай, мени ҳайдаб юборди. Мен сизни адолатпарвар подшоҳ деб билурмен. Ёрдам бергайсиз.

Султон Маҳмуд вазири аъзамга қаради.

Абу Наср деди:

– Сутга сув қўшиб сотмоқ катта гуноҳдур. Нобакор хўжайинни қилган хиёнати учун жазоламоқ даркор. Бу ҳақғўй ва покиза йигитни эса, отбоқарларга бош қилиб олурмиз. Агар ҳазрати олийлари лозим кўрсалар.

Шундай қилиб Бердиёр Султон Маҳмуд хизматида узоқ йиллар ҳалол тер тўқди. Хўжайини Собир Қодирийга қозикалон ҳукми билан катта жарима солинди...

Бир кеча Султон Маҳмуд ғалати туш кўрибдур. Тушида оғзидаги барча тишлари тўкилиб кетган эмиш.

Эрта тонг билан туриб, таҳорат олиб бомдод номозидан сўнг тахтга чиқиб хаёлга чўмиб ўлтирган эркан ҳамки, хожа Завзаний саломга кириб келибдур. Шунда ҳукмдорга юзланиб:

– Нечун бул кун подшоҳим хомуш кўринурлар? – деб сўрабдур.

Султон Маҳмуд тушини сўзлаб берибди. Шунда Завзаний дебди:

– Онҳазратлари буюрсалар, бирорта жонлиқ сўйиб, қон чиқариб юбормоқ даркор.

Шу аснода бош вазир Абу Наср кириб қолибди, у ҳам воқеани эшитиб, босиқлик билан дебди:

– Таъбири шундайким, барча хешу ақроболарингиз, қариндошларингиз дунёдан ўтиб кетгай, сиздан ўзга ҳеч ким қолмағай.

Шунда Султон Маҳмуд жаҳли чиқиб:

– Менинг юзимга бундоқ дардлиғ, андуҳлиғ сўзларни айтишга қандай журъат айладинг? – деб дағдаға қилибди.

– Эй амирим, бу сўзим маъноси шулким, умрингиз барча ақраболару қариндош-уруғларингиз умридан узоқ бўлғай, – дебди ниҳоят Абу Наср эгилиб.

Амир Масъуд Мажусийнинг ибратли ҳикоятларини эътибор билан тинглаб, кўнгли шод ва ҳуррам бўлди. Кейин унга сарой алломалари мажлисидан ўрин таклиф этди.

– Менга кўрсатган ҳурмат-эътиборингиз учун бағоят шод ва масрурмен. Локин ёзмоқ бўлган битикларим кўпдур. Оллоҳ умр берса, азиз бузрукворингиз Султон Маҳмуд ҳазрат олийлари ҳақида рисола битмоқ ниятим ҳам бордур.

– Бу жуда ҳам кўнгилдаги савоб иш бўлғай, сизнинг саховатли фаолиятингиз учун истасангиз дорулсатанатда катта имконият яратиб берурмиз.

– Майли, сиз айтқонингизча бўлсун, фақат яна бир оз менга муҳлат бергайсиз, бола-чақаларим олдига бориб, насиб этса бир ойлардан сўнг қайтиб келурмен.

Отангиз Оллоҳ меҳри тушган улуғ зотлардан эрур. Мен сизга айтсам, бахт юлдузи билан туғулиш маъноси недур. Маъно ва моҳияти шулдурким, осмону азалдаги икки юлдуз – Муштарий билан Зухҳолнинг бир буржга кируви, яъни яқинлашуви кунда Оллоҳ ёруғ дунёни яратган. Бу жараён ҳар юз йилда такрорланади. Уша бахт юлдузлари остида туғилган инсонлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва юнонлик Искандар Зурқарнайндир. Энди бундан сўнг ким шундай муборак кунда туғилади, бу ҳали номаълум. Оллоҳ бўлади.

Ўрни келганда яна бир ҳикоят сўзлаб берай, эшитинг:

Аҳмад Унсурийга ҳурмат ва эҳтиромим чексиз эрди. Қачондир у, Балхда, Султон Маҳмуднинг укаси амир Наср Сабуктегин даргоҳинда ҳам хизмат ўтаган. Кейин Ғазнага келиб Султон Маҳмуд ҳузуридаги шоирлар мажлисига дохил бўлди. Натижада шоирлиги, қалами ўткурлиги учун ҳукмдор ҳурмати ва иззат-икромини қозонди, Султон унга «маликушшу- аро» унвонини берди. Ҳа, Унсурий барча ижодкорлар сардори даражасига кўтарилиб, бир надимдек обрў ва таъсирга эга эрди. У Шарқ адабий муҳитида ўзига хос мактаб яратган ва айниқса қасидалари машҳурдир.

Ўша даврларда Абулқосим Фирдавсий сарой шоирлари даврасидан ўрин топғонлиги ҳеч ёдимдан чиқмайдур. Аслида шоир сарой дарвозаси ёнида не қиларин билмай турган ва бир зодагон юқларини кўтаришиб кириб қолган. Шунда мушоирада бир байт айтқонида Аҳмад Унсурий истеъдодини сезиб, Султон Маҳмуд ҳузурига олиб кирган. Унсурий кашфиётига қойил қолмоқ, тан бермоқ даркор. Агар Абулқосим кимлигини англамоғонда, Султон ҳузурига олиб кирмағонда, ҳақ гапни айтадигон бўлсак, буюк «Шаҳнома» ёзилмаган, дунёга келмаган ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасдур.

Тарихдан маълумким, Фирдавсий подшоҳ ҳузурига кирганда, Султон Маҳмуд ундан: «Сени шоҳлар афсонаси ҳақида назм қилмоққа ҳадафинг бор эмиш, бу ишни уҳда этурмусен», деб сўрайдур. Шунда Фирдавсий: «Балли, иншоллоҳ, уҳдасидан чиқурмен», деб жавоб беради.

Баъзилар Абулқосим Фирдавсий Султон Маҳмуд ҳақида ҳажвия ёзғон деб айтадурлар. Ҳажвия битиб, шаҳарма-шаҳар қочиб юрғон эрмиш, айғоқчилар қувиб топиша олмаганмиш. Булар барчаси шоирни Султонга ёмон кўрсатиш, ваъда қилинган тиллаларни бермаслик учун қилинган иғво, фисқу фасод гаплар эди. Асарни тугатиб Султон ҳузурига келганда у саксон ёшдан ошган

кўзлари ожиз, аёқлари бўшашиб қолгон чол эрди. Қандай қилиб мадорсиз одам шаҳарма-шаҳар қочиб юрсун.

«Шоҳнома» бошланишида Султон Маҳмуд шаънига атаб биттилган кутловда шундай гўзал, чиройлик иборалар назм этилганки, бундай сўз гавҳарлари фақат Фирдавсий забонигагина хосдур.

Мен отангиз давру давронида, девондаги шоирлар мажлисинда Унсурий паноҳинда беш йилдан ортиқ илму маърифдин сабоқ олиб, яна ашъорлар битганмен. Ана шу шоирлар сулоласи камоли давринда айниқса қасида ёки маснавий ёзиш одат тусига кириб қолган эрди.

Ажойиб ширин забон, нозик табиат, худо раҳмат қилғур шоир Дақиқийнинг қутлуғ хонадонида бўлганим бордур, шоир «Фуштасп ва Ажасп» достонини эндигина тамомлаган ва ана шу муносабат бирлан қутлуғ хонадонига йиғилгандик. Ўша кунда, эҳтиётсизлик туфайли, аллома ўз қули томонидан фожиали ўлдирилгани ҳали-ҳали ёдимда. Шоир Дақиқий ҳазратларининг қонга бўялиб ётқон танасини ҳовуздан кўпчилик бўлиб олиб чиққанмиз. Эҳе, қандай мотамсаро, фижиали дамлар эрди ўшанда. Эсиз-эсиз, бекордан-бекорга ёш умри хазон бўлди. Раҳматли Султон Маҳмуд эътибори, меҳри беҳад ортиқ эрди. Ўшанда ҳукмдор фиғони фалакка чиқиб, ҳатто севимли шоири Унсурийга ҳам аччиқ сўзлар айтқон эрди.

Шоирлар мажлисинда яна Манучехрий, Маншурий, Утродий, Масъуди Розий, Лабибий, Зийнатий, Масрур каби шоирлар бўлган. Албатта, улар анжуманинда, очиги, фақир ўртамиёна шоир эрдим. Ғазалхонлик кечаларинда бир-икки бор ғазал ўқиб берганмен. Шоири замон Ажастий ҳазратлари ўз ижодларига ҳам, бошқаларга ҳам қаттиққўл, талабчан, яна айтсам, анча сержаҳл аллома эрдилар. Мен ёзган битикларни унчалик хуш кўрмасди, ҳатто бир куни ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, «Сиз бундан кейин ғазал битмай қўяқолинг», деб қолдилар. Жаҳлим чиқиб ул зотга бир-икки зарда ҳам қилдим. Локин ул олийжаноб инсон чурқ этмадилар. Кейин ўйлаб қарасам, индамасликнинг ўзи ҳам фикр айтмоқ эркан.

АМИРНИНГ ТУШИ

Амир Масъуд узоқ сафардан келаётиб тоғ ёнбағридаги оромгоҳда бир кеча тунаб қолди. Ўша сўлим соҳилдаги шоҳона даргоҳида ярим тунгача май ичиб, маишат қилиб ўлтирди. Абу Наср кўрдик, амир уйқуга мойил, гоҳо-гоҳо кўзи кетиб қолмоқда. Секин-аста ўрнидан туриб, амирни олдиндан тайёрлаб қўйилган шоҳи-атлас кўрпа-кўрпачалар тўшалган ўриндиққа олиб бориб ётқизди.

Ўша кеча амир туш кўрди. Тушида томда варрак учириб турган эркан, онаси: «Ҳой Масъуд, эҳтиёт бўл, йиқилиб тушма тагин», деб қичқирди. Масъуд варақни силтаб-силтаб учириб турди-да онасига деди: «Тунов кеча жуда қизиқ туш кўрибмен, эмишки, гурлар мамлакатига бориб қолибмен, худди бизниқига ўхшаган катта ҳовли, жуда кўп чиройлик товуслар, хўрозлар донлаб юришган экан қарасам. Иккитасини ушлаб қўйлагим ичига солиб олибман, улар ичимда питирчилаб тинчлик бермас эмиш. Сиз кўп нарсани билурсиз, айтинг-чи, тушум таъбири не бўлур?» Онаси: «Ўғлим, яхши туш кўрибдурсен, агар Оллоҳ назар қилса, амирлар амири гурликларни ҳам босиб олади», дебди.

– Мен отамнинг подшоҳлигини ҳали олганим йўқ-ку, қандай қилиб гурни забт этурмен.

– Қачонки катта бўлганингдан кейин, агар Оллоҳ хоҳласа, мақсадингга етгайсан, отанг қанча ерларни босиб олди, сен ҳам падаринг йўлидан боргил, – деди онаси. Эртаси куни амир Масъуд тонг билан Балх сари йўл олди. Фил устида маза қилиб борар экан, Абу Наср сипоҳсолар Алидан мактуб олганлигини айтди. Унда маълум қилинишича, Бўритегин қумидлар томон қочиб кетибди, амиримиз бунга не дерлар. Ортидан қувиб бориш керакми ё зарурият йўқми, бундай қилишга.

Амир Масъуд қўл силтади, пайшанба куни кечга томон Балхга етиб борди ва қадрдон сўлим боғига тушди. Ҳукмдор бироз дам олиб, хуфтон намозини адо этиб, энди кечки овқатга ўтирган эди ҳамки, ғулом сўнгги хабарларни баён қила кетди.

Ўша куни Бўритегин кетидан тушиш керак экан, чамаси, мияси айниб қолибди. Ул номард Хутталон аҳолисини талаб, ўлдириб кўп ёвузликлар қилибдур. Яна мақтаниб, «Салжуклар яқин орада Хуросонни ҳам эгаллаб олур, шуни яхши билинглarki, Бўритегин тагли-тахтли зотлардан, аслида подшоҳлар авлодидандур», дебди.

Бу нохуш хабарни эшитган Амир Масъуд ўша заҳотиёқ махфий машварат ўтказди. Шунда, биринчи галда Бўритегинни йўқ қилиш, кейин салжуклар устига юришга қарор берилди.

– Абу Наср, сен нечун индамайдурсен, – деди амир, – оғзингга сўк солиб олдингму?

– Уруш дегани нозик масала арзимаган ҳар бир нарсага ҳам уруш очабериш ақлдан эрмас, ўртада қанча бегуноҳ инсонлар тақдири ётур, иккинчидан, ҳозир ҳаво совуқ, дарёлар музлаган, лашкарларни шундай пайтда қийноққа солиш маъқул эмас.

Амир Масъуд вазирга бир хўмрайиб қўйди, айниқса «ақлдан эмас» деган ибора ҳукмдорга ёқмади.

Абу Наср амир жаҳли чиққанини билиб турарди. Шу сабаб бор ҳақиқатни тўла асослаб бериш учун, ҳам одоб юзасидан ўрнидан турди-да, таъзимтавозе айлаб деди:

– Фикримча, улуғ амиримиз хафа бўлмасунлар, олдимизда энг муҳим ва зурур вазифа турибдур. Ул ҳам бўлса, Чағонён ҳукмдорига ва Алитегин фарзандларига мактуб йўлламоғимиз даркор. Улар ҳам биз билан биргалашиб Бўритегинга қарши жанг қилишсун. Шунда барча оғирлиқ бизнинг устимизга тушмайдур.

Раёсат аъзоларининг барчаси бу таклифни маъқуллади. Амир Масъуд: «Мен бу таклифни ўйлаб кўрурмен», деб мажлисга яқун ясади.

Авжи қиш, декабрнинг аччиқ изғиринли кунлари эди ўшанда. Термиз кутволи Бектегинга Жайхун орқали ўтиш учун кўприк қуриш вазифаси юклатилди, шундан кейин жанговар юриш бошланади. Бектегин бўлса, росмана айтганда, паҳлавонқомат, жангга кирса ғозий, қутвол сифатида эл-юрт дарди билан яшайдиган олийжаноб инсонлардан эди. у барча ишни ўринлатди, амир Масъуд айтгандан ҳам зиёда этиб, бир неча кун деганда, кўприк тиклади, энди уни соқчилар туну кун зийраклик билан қўриқлаб туришибди. Аёзли кунда кўпрук қурилишида одамлар кўп азоб чеқдилар, шамоллаб касал бўлиб қолганлар кўп эди. Амир Масъуд азоб-укубатни ўйламас, ўзида йўқ даражада хурсанд эди. Сирасини айтганда, кўприк қурилган эса-да, Жайхундек офатлар келтирувчи буюк дарёдан шунча кўп лашкар ва юкларни олиб ўтиш ниҳоят даражада хавфли ва шу боис норозилик кайфияти тобора кучайиб борарди. Баъзилар чекка-чеккада амир Масъудни ёмонлар, ҳатто буралаб сўкар ҳам эрдилар. Амир бўлса, ҳар куни келаётган ҳаяжонли шум хабарлардан юраги бетинч, нима бўлса ҳам дарёдан

ўтиб, хавф солаётган душманлари таъзирини бериб қўймоқчи. Зеро, душманлари ўйласинларки, Амир Масъуд ҳеч нарсадан тоймайди ва қўрқмайди.

Эртаси куни Ғазнадан амирзода Саид оламдан ўтди деган нохуш хабар келди.

Амир Масъуд ҳар кун эрталабдан бошлаб ўз қароргоҳида май ичиб, маишат қилиб ўлтиради. Бунақа вақтда уни безовта этиб, шум хабарни етказиш осон эмас, албатта. Одатини сарой аъёнлари, айниқса, вазири аъзам жуда яхши билади. Қисқаси, маслаҳатга кўра, мактуб эртаси куни қабул бошланишидан олдин хизматкор ғулом орқали хобгоҳга киритилди. Ҳукмдор муҳрланган хатни очиб ўқиди-ю, бирдан бақириб юборди. Кейин ўзини тутолмай, тахтдан тушиб дод солиб йиғлай бошлади. Оху фарёди ташқарига ҳам эшитилиб турарди. Асли амир унча-мунча нарсага ғам-ташвиш чекадиган одам эмас, юраги бақувват, энг оғир ташвишли дамларда ҳам барча ғам-андуҳларни ичига ютиб кета берарди. Аммо бугунги хабар юрак бағрини эзиб юборган эрди. Чунки амир Саидни барча фарзандларидан ортиқ кўрар, уни еру кўкка ишшонмас, вориси этиб тайинлаган эди. Бир неча кун илгари Ғазнадан шаҳзодага қизамиқ тошганлиги ҳақидаги мужда олинганда ажабланганди, чунки ўғли илгари ҳам бундай касалга чалинган, иккинчи бор чалиниши гумон эди. Кейин маълум бўлишича, шаҳзода иккинчи бор сийдик тўхташ касалига йўлиққан, боз устига эркаклик йўли тўсилиб қолган ва уялиб буни бекитган.

Амир Саид буюк бобокалони Сабуктегинга ўхшаган дароз бўйли, юз тузилиши келишган, тил-забони ширин йигит эди. Онаси кўпинча: «Худди куйиб кўйгандек катта бобосининг ўзи», деб кўярди. Амир Саид ҳам бу хил гапларга хурсанд бўлиб, ўзини ўша паҳлавонга киёс қилиб, керилиб кўярди.

Амир Саид дилбар йигит бўлганлиги, боз устига шаҳзодалиги учун Ғазнада дўсту ёронлари бисёр эрди. Улар ичинда Ғозиназар деган бир бой савдогар ўғли ўзини унга яқин тутарди, икковлон яқин сирдош ҳам эрдилар. Ғозиназар анча пулдор, айна пайтда суюқаёқ ва маишатпараст эрди. Хажалхон деган гумаштаси бўларди. Касби-кори қўшмачилик, бой-боёнларга хушрўй аёллар, қизларни топиб бериб, ўзи ҳам шундан наф кўрарди. Баъзи пулдор бойваччалар хизматлари учун яхшигина маблағ беришган пайтлари ҳам бўларди. Амир Саид ҳам дўстининг саъй-ҳаракати ва таъсири туфайли ана шу аёл домига илиниб қолди. Хажалхон амир Саидга бир сартарошнинг ниҳоятда гўзал, ошифтахол Мунира исмли қизини алдаб-сулдаб: «Сени шаҳзода ўзига маҳрам этиб олади», деб бир хуфия хонадонда учраштираб қўйди. Қиз шаҳзодани кўриб, эс-ҳушидан айрилди ва кунора ўша хонадонга келадиган бўлди. Амир Саид Мунираҳон билан танишганга қадар бир лўли қиз билан ҳам бўлиб, комидил ҳосил этганда, ифлос касалга йўлиқиб қолганди. Аммо буни сезмай, Мунираҳон билан ҳам алоқа қила берган. Хуллас, амир Саид ҳам, савдогарнинг қизи ҳам бетобланди. Ана энди қарабсизки, шаҳзоданинг аҳволи жуда танг, ўзи ҳам ҳайрон, ахир у, оламини титратиб турган Ғазна ҳукмдорининг ўғли бўлса, бўлажак подшоҳ бўлса, энди не қилсун, қилгуликни қилиб қўйди, бундан ортиқ шармандалик бўлиши мумкинми? Энди арзи-додини кимга ҳам айтсун? «Касалини яширсанг, иситмаси ошкор этади», деганларидек, иложсиз аҳволда қолгач, ўша иссиқ-совуқчи жодугарга йўлиқишга мажбур бўлди.

Амир Саид ҳар гал лўли хотунга совға-салом кўтариб келар, яна ақча берар, нима бўлса ҳам вужудига ёпишиб олган дарддан холи бўлишини истарди. Қайда дейсиз, танасига ёпишиб олган, тинмай азоб бераётган хасталик борган сайин авж оларди, ахийри, дармонини қуришиб, ранг-рўйини сарғайтирди. Онаси бўлса, одатдаги шамоллаши деб, харалай-таралай қилиб юраберди.

Шахзода табиби ҳамон ўша лўли хотин. У ивирсиган хонадонга кунора қатнашини қўймас, жодугар бўлса ҳар сафар исириқ тутатар, қандайдир ўт-ўланлардан тайёрланган аччиқ дорини зўрма-зўраки ичирар, тузалишига ишонтирар эди. Қайда, амир Саид охири ҳатто ўрнидан туролмай ёстиққа михланиб қолди. Шундан сўнг онаси табиб чақиришга мажбур бўлди. Табиб амирзода томирларини синчковлик билан ушлаб кўриб, калласини сарак-сарак қилди ва деди:

– Эсиз-эсиз, нечун мени илгарироқ чорламадингиз, жувонмарг қилибсиз, энди сақлаб қололмаймиз амирзодани.

Шундай қилиб Ғазна салтанатининг бўлажак ҳукмдори бир неча кун бемажол инграб ётиб, ёруғ дунёдан кўз юмди.

ОХИРАТГА САФАР

Ғазнавийлар дорулсатанатинда қадимдан сақланиб келаётган ва одат тусига кириб қолган ибратли идора усули бор эрди, эрта билан ҳукмдор ҳузурида тор доирада ёпиқ мажлис ўтказиларди. Унга асосан бош вазир Абу Наср Мешкон, хожа Аҳмад Завзаний, Абул Қосим Касар, Абулфазл Байҳақий, керак бўлганда баъзи эътиборли зотлар тақлиф этиларди.

Амир Масъуднинг энг ишонган маслаҳатгўйи, сирдоши Абу Наср эди. Зарур масалалар, кўпинча икковлон келишиб олгандан сўнг, тор доирадаги машваратда тасдиқлаб олинарди.

Ҳукмдор Абу Насрга ҳеч кимга ошкор этиб бўлмайдиган сиру асрорини ҳам айтарди. Вазири аъзам тажрибали, ҳаёт кўрган одам эди. Раҳматли отаси эса Султон Маҳмуднинг донишманд вазири бўлган, унинг маслаҳат-ўғитлари ҳеч қачон ноўрин бўлмас, вақти келиб ҳақлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб берарди.

Салтанатда ҳар бир хизматчи, у вазирми, иш бошқарувчими ёки гулом, барчаси, вазири аъзам буйруқ-топшириқлари, айтганларини сўзсиз бажаришар, зеро хоқиш-иродаси кўпинча олий даргоҳ номи билан боғлиқ бўларди. У доим ҳар томонлама ўйлаб-ўлчаб гапирарди, ўз шогирдларига сабоқ беришдан эринмасди: «Агар бошқа қимматли нарса бўлса, сўз ўрнига тушган бўларди. Хуршид каби порлоқ инжулардин бири сўз гавҳаридир, агар билсангиз, сўз мулки соҳиблари турли даврларда назм ва наср услуби бирлан ўлмас асарлар ёзиб қолдирғонлар, китоблар тўзғонлар, Тангри уларни хайрли мукофот бирлан тақдирласун...»

Баъзан ҳукмдор машварат тугагач ҳам, бош вазир билан давлат ишларидан ташқари кўп ҳаётий масалалар юзасидан, ҳатто оиласи, фарзандлари, ака-укалари ҳақида, умуман юрак дардларини айтиб фикрлашиб оларди.

Амир Масъуд эрталаб бутун вилоят, кентлардан келган хат-хабарлар билан танишиб чиқарди. Бу билан ўзи бошқараётган буюк салтанатда не воқеалар, не гаплар бўлмоқда, халқнинг дарди, сўровлари, ҳаётга қарашлари қандайлигини билиб оларди. Ўша пайт ёнида кўпни кўрган вазири аъзам ҳам бўларди.

Мана, амир қўлида турли-туман маълумотлар, улар орасида ҳокимлар устидан ёзилган шикоятлар ҳам бор. Ҳатто бир жонкуяр инсон ёзибдурки, Ғазна салтанати душманлари, Бўритегинни қўллаб-қувватлаб, катта куч тўплаб Жайхунда ва бошқа жойларда жойлашиб олишган эмиш.

Яна бир аянчли нохуш хат, ё ачинарли дейсизми, эмишки, Омудда бир ночор кампирни кўришибдур, унинг бир кўзи, бир қўли, бир оёғи йўқ эмиш, қўлида

болта тутган эмиш. Нима қилиб болта кўтариб юрибдурсиз деб сўрсалар, у шундай дер эмиш: «Эшитишимча, Хуросоннинг ер ости бойликларини кавлаб олаётган эмишлар, менга ҳам оз-моз тегармикан, деб шу томонга келабердим».

Хатни ўқиб амир Масъуд юраги уюшиб, озор чекди. Нечунким аёлнинг нигун ҳолати кўз олдига келди, ахир, шўрлик кимнинг волидаси эркан, нечун шундай ҳолатга тушибдур, нега ҳам бир кўзи, ҳам бир қўли, ҳам бир оёғи йўқ, қайси аблаҳ, дину диёнатсиз шундай аянчли ҳолатга солибдур. Кейин ғуломига: «Абу Насрни чақиринг, ҳузуримга кирсун», деди амир. Бир дақиқа ўтмасдан эшик ёнида вазири аъзам кўринди, у ҳамиша ҳозир-нозир, не иш буюрсанг ўрнига қўйиб адо этади, ишчан, бир сўзлик, меҳр-шафқатли зотдир.

Амир Масъуд ҳеч нарса демай қўлидаги хатни вазири аъзамга берди ва бу кўпни кўрган суянчим не деюр деб. Абу Наср ойнагини тутди-да, хатни тезда ўқиб чиқди. Кейин ойнагини олиб хўрсинди.

– Хўш, вазири аъзам не дейурлар? – сўради амир.

Вазир жим, сарой тарихида бирор марта ҳам бунақа хат келмаган, ёзган одам не истайди, бу билан нима демоқчи ўзи, агар бирор амалдор ёки золимнинг зулми билан шундай ваҳшийлик юз берган десак, унда айбдорни жазолаш керак, йўқса ўша ночор-ногирон аёлни топиб ёрдам кўрсатиш лозим эрур. Ҳар ҳолда амир шунча долзарб, ҳал этилиши зарур масалалар турганда, атайлаб ушбу хатга эътибор қаратаётгани бежиз бўлмаса керак.

Абу Наср не дейишни билмай турди-да, хат орқа томонига назар ташлади ва кўзи бу бахтсиз, ақлдан озган ночор аёлнинг эри энг бадавлат савдогар эрур мазмунидаги ёзувга тушди.

– Кампирнинг эри Омулдаги энг бадавлат савдогар эркан-ку, амирим. Мана, кичик ҳарфлар билан ёзиб қўйилибдур, – деди вазир ва жумлани Амир Масъудга кўрсатди.

– Ажабо, жумбоқ-ку!

– Агар ижозат этсангиз, бирор синчков ғуломлардан бирини Хуросонга юборайлик, текшириб ҳақиқат қилсун.

Амир Масъуд ўйлаб турди-да:

– Ҳақ гапни айтдингиз, жумбоқни ечишни сизга топширдим.

Абу Наср Мешкон хатни олиб чиқиб кетди ва эртаси куни саройга барвақтроқ келди. Қадимдан одати шу, ҳаммадан олдин девонда пайдо бўлади. Бугун ҳаво жуда ҳам совуқ эди, ёқимсиз илғирин юз-бурунни ачитиб эсарди. Абу Наср боғда бир оз айлангач, четроқдаги ўриндиққа келиб чўқди. Изғирин юзларини ялаб ўтар, лекин у бепарво эди. Сўнг, бир дақиқа ўтмай, ўтирган жойидан илкис ағдарилиб, тушди, юзтериси тортилиб, не учундир бутун жисми ўрени ишламай қолди.

Айтишларича, Абу Наср бир неча кундан бери ўзини ёмон сезар, не учундир боши тинмай оғриётганидан шикоят қилиб юрган эрди. Ҳатто табибга қаратган ҳам эркан. Табиб касалингиз бой касал, кўпроқ ёғлиқ овқатлар тановул этгансиз, бироз парҳез этмоқ даркор. Эрталаб ва уйкуга кетишдан олдин қатиқ ичишни одат қилинг, деб ўзи тайёрлаган дори-дармондан берган. Аммо Абу Наср амир Масъуд билан кўпинча тушлик ва кечки овқатли бирга қиларди. Маълумки, амир дастурхонида қазии-қартадан тортиб бошқа кучли таомлар бўларди.

Нохуш воқеадан хабар топган амир Масъуд ўрнидан туриб кетди ва Завзанийга бақирди: «Нима қилиб бақрайиб турибдурсен, тезда табибни аёгини ерга тегизмасдан олиб келинглари!» Аммо вақт ўтган эди. Табиб вазири аъзам аҳволини текширгач, ошиғич хобгоҳга кирди-да:

– Умрлари узоқ бўлсун, энди бошқа Абу Насрни излашингиз керак, амирим,
– деди йиғламсираб.

Амир Масъуд ўзини тутолмай, кўзига ёш олди.

– Эсиз, эссиз, отам ўрнида ота эрди, маслаҳатгўйим, сирдошим эрди, энди бунақа содиқ қадрдон кишини қайдан топаман!

Яримжон бўлиб ётган вазири аъзамни фил суягидан ясалган замбилга солиб, уйига олиб бордилар. Ўша пайтда жони бор эди, табиблар атрофида гирди-капалак бўлишди. Аммо эртаси куни азон вақтида жони узилди, Оллоҳ даргоҳига кўчди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Абу Наср Ҳамадонга юборган ғулом қайтиб келди. У ўша бир кўзи кўр ва бир қўли, оёғи йўқ ногирон аёлнинг фожиали ҳаёти билан қизиқиб, муфассал маълумот тўплаган, битиклари гўё бир дostonдек ўқиларди. Амир Масъуд ғуломни хузурига чақириб, унга совғасалом инъом этди. Ҳукмдор шу дамда яна Абу Насрни эслади, «жуда ҳам зийрак, айтган вазифаларни садоқат билан ўринлатиб бажарадиган вафодор вазир эди», деб кўнглидан ўтказди.

НОГИРОН АЁЛ

Бир кўзи, бир қўли ва оёғи йўқ аёл қисматини синчковлик билан текшириб, аниқлаб чиқдик. Ҳар неки билганимизни амир ҳазратлари ва вазири аъзамга маълум қилмоқчимиз. Аёл исми Паривашхон эркан. Бул чиройли исм ҳусни-жисмига ярашиғли эрди дерлар билғонлар. Паривашхон Хуросондаги бадавлат ва серфарзанд оиланинг энг кенжа, эркатой қизи бўлғон. Балоғат ёшинда, Ялангтуш исмли олийжаноб, жаҳон кезган савдогар катта тўй-томоша қилиб никоҳига олмишдур. Шундай қилиб, ҳуснда тенгсиз Паривашхон оилавий ҳаёт бошлайди. Ялангтуш тижорат ишлари бирлан дунёнинг кўп кентларига қатнаб, жуда бойиб кетадур. Ҳатто Фарангистонга ҳам йўли тушиб, у ердан тансиқ моллар, жумладан, маликаларга манзур бўладурғон атру упа келтириб доврўғи оламга кетади.

Кунлардан бир куни Паривашхон бир ўзи зерикиб ўтирган чоғида эшиқдан шинам кийинган, бўйи-басти келишган бир аёл исмим Холисхон деб кириб келади, у ёқ-бу ёқдан йиғиб келган олди-қочди гапларни айтиб, кўнглини кўтарган бўлади. Кейин асосий мақсадга ўтади: шаҳар бозорига кираверишдаги заргарлик дўконига кўзингиз тушган бўлса керак. Хўжайини билан танишлигим бордур, ўзи қора ҳабаш бўлса ҳам, бирам келишган, хушбичим, дилнавоз, одам сифатинда ҳам олийжаноб, қўли очиқ инсон эрур. Энди мен сизга айтсам, мол-дунёси жуда ҳам кўп. Ўша барно йигит сизни кўриб қолғон эркан. Дўконига бир марта кириб марварид харид қилмоқчи бўлган экансиз. Нархи қиммат бўлгани учун олмай кетибсиз. Ўша нарсани сизга атаган эмиш!

Паривашхон хаёлга ботди, ўрнидан турди-да, дастурхон ёзиб, меҳмонга иззат-ҳурмат кўрсатди. Чиндан у бир неча кун муқаддам, аёл айтаётган ўша дўконга кирган, ноёб буюмга кўнгли сушт кетган эди, йигит уни тухфа қилмоқчи экан, йўқ десинми?

Бу учрашувдан уч кун ўтгач, Паривашхон қоқ пешин вақтида Холисхон уйида пайдо бўлди. Занги йигит қўлидан ажойиб тухфани олди, олди-ю, айна пайтда асирага айланди, уни кўрмаса туролмайдурган бўлиб, бир умрга севиб қолди. Ул зот эркак сифатида куч-қудратли, боз устига Холисхон айтгандек, жуда ҳам бой эрди. Ошиқ-маъшуқлар тез-тез учрашиб турдилар.

Омад қайтса қийин: Оллохдан бўлдим, ё бандасиданму, йигит тўсатдан оғир касалга дучор бўлиб қолди, ҳамма ёғига сачратқич яра чиқиб, баданлари илвиллаб кетди. Ҳеч қандай дори-дармон кор қилмай, эртаю кеч инграб ётарди. Севиклиси Паривашхон бўлса, энди уйига ҳам бормай, тепасида парки-парвона бўлиб, яраларига малҳам кўйиб, парваришлаб ўлтирар эрди.

Савдогар Ялангуш одатдаги сафаридан қайтиб уйда хотинини кўрмади. Хонадондан файз-барака кетган, ҳаммаёқ очиқ-сочиқ эди. У ёқ-бу ёқни суриштириб, сир-синоатдан воқиф бўлгач, тегишли ҳовлини топиб борди, дарвоза ичидан тақа-тақ занжирланган экан, ноилож девордан ошиб тушди. Оёқ учида юриб пешайвондан ўтиб бориб қарасаки, суюкли хотини Паривашхон уй ўртасида вой-войлаб ётган ҳабашни силаб-сийлаб, қўлидаги оқ латта билан яраларини артаётир. Ҳабаш бўлса, ўзи ит азобида ётибди-ку, тинмай вайсар, оғзидан чиқаётган ҳақоратли сўзларга илон пўст ташлар эрди.

Даҳшатли манзарани эшик ёнида туриб кузатган савдогар оҳ чекди, жони бўғзига тикилди, ахир, нахотки, севимли хотини шу даражага борган бўлса!? Савдогир дағ-дағ учаркан, эшик ёнидаги ойболтани кўрди, бир дам ўйлагач, болта билан яра-чақа босиб ётган занги бошига урди. Бемор шу заҳотиёқ тил тортмай узилди. Кейин нафрат нигоҳини хотинига тикди.

– Бечорани неча ўлдирдинг? Нима ҳақинг бор бундай қилишга? – деб эрига ташланиб қолди Паривашхон.

– Мана сенга бечора!

Савдогар бир тепган эди, хотини ағдарилиб тушди. Дарҳол болта билан бир оёғи, бир қўлини чолиб ташлади, қиндан пичоғини суғуриб, бир кўзини ўйиб олди...

СУРОНЛИ КУНЛАР

Лак-лак лашкар бугун эрта тонгда Балхдан чиқиб, Термиз томон йўл олди. Ҳали шаҳар уйғонмаган, фақат кўча-кўйда қўлтиғига жойнамоз қистириб, шоша-пиша бомдод намозига бораётган ёш-яланглар, қариялар кўриниб қолади. Амир Масъуд Чоғонёнга етиб борганда бир жамоа одам йўлини тўсганча арзи-дод қила кетди.

– Золимлар дастидан дод, қачонгача ул қонхўрлар бизни талайдурлар, қачонгача? – деб улар фарёд қилар эрдилар. Ўша ерлик бир чўлоқ мўйсафид бўлса амир Масъуд ёнгинасига келиб:

– Бўй етган ўғлимни сўйиб ташлашди, уйимда ҳеч нарсам қолмади, болаларим оч-наҳор ўлтиришибдур, – деб нола чекарди.

Маълум бўлишича, Бўритегин одамлари кеча уйларга бостириб кириб, тинч аҳоли мол-дунёсини талон-тарож қилганлар кўпларни қиличдан ўтказганлар. Ушбу нохуш хабар устига, аксига олиб, ўша кундан ҳаво айнади ва паға-паға қор ёға бошлади. Бирпасда ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланди. Совуқ зўрайганда чопар яна бир нохуш хабар келтирди, сарахсалик Довуд кўп сонли кўшин билан Ғўзғон томон келаётган эрмиш. Унинг нияти Жайхун қирғоғини эгаллаб олиш эрди. Агар бунинг олди олинмаса, улар кўприкни бузиб ташлашлари мумкин, ана унда томошани кўрасиз, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетади. Кулфат мураккаб вазият келтириб чиқариши турган гап.

Воқеалар бундай йўсунда кегишидан амир Масъуд хуноб эди.

Нечундир кейинги пайтларда омади чопмай қолди. Қарабсизки, уст-устига муваффақиятсизлик. Ҳозир ноилож ниятидан қайтиб, Термизга бормай, орқасига қайтишга мажбур бўлди.

Умуман, салжуклар ғазнавийлар учун Шарқ оламида энг хавфли, қолаверса, зўр мухолиф кучга айланиб борарди. Улар кўққисдан ҳужум қилиш усули билан даҳшатли эрди.

Буритегин ўта айёр, вазиятни тез бошқара оладиган, ўз мухолифига ҳеч тинчлик бермайдиган саркарда эди. Муҳими, у бошлиқ кўшин ғазнавийлар тинкасини қуришиб, ҳали у ерда, ҳали бу ерда тусатдан пайдо бўлиб қолар, фуқароларни талаб, ўлдириб, улар ўртасида кўркув уйғотар, барчани ҳимоясиз қолдирган ғазнавийларга нисбатан норозилик кайфиятларини кучайтирар эрди.

Амир Масъуд Нишопурга етиб борганда, яна бир совуқ хабар келди, туркманбоши Довуд бу сафар ўз акаси ҳузурига борган. Тўғрул унга қимматбаҳо саруполар кийгазиб, яна эллик минг дирҳам муқофот берган. Бундай илтифот ғазнавийларни тириқтириб, уларга кўп талофатлар етказётгани эвазига қилинган эди.

Ўшанда авжи Наврўз айёми бошланган муборак кун эди. Амир Масъуд байрам нашидаси билан хурсанд бўлиб турган пайтда, яна бир нохуш хабар келиб, кайфиятини бузди. Туркманбоши кўп сонли сараланган лашкар билан Талакани босибдур. Тез орада Фарёбга, сўнг Шопруконга йўл олармиш... Ўн нафар суворийси Кухандизга бориб, тўрт нафар ҳинд аскарни қийноқли ўлимга маҳкум этиб, Султон боғидан кўп қимматбаҳо анжомларни ўмариб кетишибди.

Ўша суворийлар ҳатто куппа-кундузи филлар сақланидиган майдонга кириб, баҳайбат бир филни усталик билан ҳайдаб чиқиб кетганлар. Филбон тажрибасиз йигит эди. У фил устида ухлаб ётган экан. Дарвозадан чиқишгандан кейин, уни уйғотишиб, «қани овозингни чиқармай тезроқ ҳайда, йўқса ўлдирамиз», деб кўрқитишган. Шўрлик ўтакаси ёрилиб, улар амрига бўйсунган. Туркманбоши ўғриларни сарбозлари олдида кўкларга кўтариб мақтаб, уларни қимматбаҳо саруполар ва зар-олтинлар билан тақдирлаган.

Бу воқеа ўша кезлари катта шов-шувга сабаб бўлди. Елкадошлари кўргиликни ҳукмдорга билдирмасликка уринишди. Қайда дейсиз, содиқ дастёрлардан бири барча синоатни ипидан-игнасигача аллақачон етказган эрди. Чорасиз қолган амир Масъуд фиғони фалакка чиқди, гўё салжуклар атайин асабига ўйнаётгандек туйиларди. Амир нима қилсун, аламини бепарволикка йўл қўйган айбдорлардан олди. Филбондан ўша фил баҳоси – юзминг дирҳам ундириб олинди. Бундай анқовликка дахлдор бўлган икки қоровул эса, қаттиқ жазоланди, ҳар бирига юз қамчи урилди.

Шундан уч кун ўтгач, Довуднинг ишончли ҳожиби икки мингга яқин суворий билан Балх яқинидаги Банди Қофиронда талон уюштирди, улар қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлганларни уриб-ўлдириб, тезда ғойиб бўлдилар. Амир Масъуд жаҳли чиқиб деди: «Бу аблаҳлар юзма-юз жанг қилишдан кўрқиб, фақат ғашга тегиб, сувни лойқатганлари-лойқатган, агар мард бўлишса, майдонга чиқишсин!» Ниҳоят, ишончли сипоҳ етакчилигида бир неча отлиқ жангчилар из қувишга тушдилар. Йўл юриб, мўл юриб намозшомга яқин рақибларни қувиб етдилар. Қаттиқ жанг бўлди, икки томондан ҳам бир неча киши ўлди, ярадорлар ҳам бор эди. Ярим тунда жанг тафсилотидан воқиф бўлганда Тўғрул Шопруконда эрди, тезда Алиободга етиб келди.

Амир Масъуд бўлса, Балхдан чиқиб Пули Карвон деган жойга келиб тўхтади. Қирқта тоғдай-тоғдай ваҳимали фил ва лак-лак лашкар билан жанговар ҳолатда турарди.

Ана, Алиобод чўли томондан қора қуйундек бўлиб душман кўринди. Амир Масъуд тепалиқда, фил устида туриб, ёғий сафларини кузатарди.

Бир пайт Тўғрул якка ўзи Масъуд рўбарасида пайдо бўлди. Шунда кимдир: «Қаранг, қандай кўркмас ва жасур паҳлавон эркан, ёнида укаси Довуд ҳам, яроқбардорлари ҳам йўқ, буюк хукмдор қаршисида мардони турибдур», деб қолди.

Жанг-жадап бошланди. Майдонда ғазнавийларнинг беш юз суворийси савашар эрди, улар чарчагач, бошқа қисмлар олға ташланарди. Шундай қилиб, урҳо-ур то пешингача давом этди. Мухораба натижасидан қониқмаган амир: «Отимни келтиринглар», деб бақирди. Кейин филдан сакраб тушиб, тулпорига минди-ю, қилич яланғочлади, «Оллоҳи акбар» дея наъра тортди. Амир соҳибқирон шиддат билан жанг қиларди, қайси томонга ҳужум қилса, ўша ерда вазият ўзгарарди. Ахийри душман лашкарлари тўда-тўда бўлишиб чўл томонга қоча бошладилар.

Мухораба ғазнавийлар ғалабаси билан тугади. Салжуклардан кўплари асирга олинди. Тутқунлар сўроқ қилинганда, улар туркманбошидан зорланиб: «Довуд Тўғрулга бул томонларга юриш қилма, деб маслаҳат берган эрди, ammo у гапга кирмади, оқибат-натижада қанча лашкарлар қирилиб кетди», дедилар.

Амир Масъуд фармониға биноан асирлар тўйғазилди, сўнг озод этилди. Шунда кекса туркманлар қиблага қараб, амир Масъудни дуо айлашди. Шу куни хукмдор зўр шодиёна билан Балхга қайтди.

САРКАРДА ИЗТИРОБИ

Туркий кўшинлар сардори Дамирхон кечаси билан алоқ-чалоқ тушлар кўриб, безовта ухлади. Тушида қиличини ғилофидан олмоқчи бўлган экан, ҳеч чиқмас эмиш, кейин жаҳл билан қаттиқроқ тортган экан, қиличи бир чипор илон бўлиб, оғзини очиб, тишламоқчи бўлибди. Илонни ерга урган экан, у парча-парча бўлиб, ҳар томонга ўрмалаб кетибди.

Дамирхон чўчиб уйғонди, юраги ўйнаб, терлаб, кўзачадаги булоқ сувидан ичди-да, бироз ўзига келди. Бу туш таъбири не бўлди эркан деб ҳайрон. Кеча девонга борган чоғида қулоғиға чилинган гап ёдига тушди. Махфий ходимлар Дамирхон ортидан кузатиб, маълумот тўплаб юришган эмиш. Бу паҳлавон турк ўғлони амир Масъуднинг энг ишончли, содиқ кишиси эрди, демак, қотили кимлигини билса керак. Асли Дамирхон Масъудни ким ўлдирган бўлса, ундан қасос олишга аҳд қилган. Буни барча ҳарбий саркардалар, девон аҳли ва амир Мавдуд яхши биларди. Шуниси муҳимки, Дамирхон гапининг устидан чиқадиган, бир сўзли ҳарбий саркарда. Ўша куни жанг чоғида, ўнг қанотда мардонавор савашиб, ёғилларга қаттиқ зарба берган ҳам шу баҳодир эрди. Чап қанотда эса шаҳзода Мавдуд жанг олиб борди. Кейин нима бўлди-ю, Мавдуд кўшинида парокандалик бошланди, салжуклар ана шундан фойдаланиб, ҳимоясиз қолган жангчиларни қириб ташладилар. Оқибат Дамирхон лашкарлари ҳам қийин аҳволга тушди. Кутилмаган бошдоқсизлик туфайли ғазнавийлар биринчи бор қаттиқ мағлубиятга учрадилар. Кейин нима бўлгани Дамирхонга маълум эрмас. Агар жанг тафсилотини ҳар тарафлама чуқур таҳлил этадиган бўлсак, бунда қандайдир сотқинлик ё хоинлик рўй бергандек туюлади.

Дамирхон эрталаб энди нонуштага ўтирган ҳам эдики, укаси Амирхон бир даста иссиқ нон кўтариб кириб келди. Не учундир ҳаяжонда, ранги бўздек оқариб кетган.

– Акажон, биласизми, бозорда бир совуқ хабар эшитдиму, югуриб келабердим. Ахир бу тухмат-ку!

– Ҳа, тухмат. Кимдир ўз айбини яширмоқ учун шундай миш-миш тарқатиб юрган бўлса керак. Бу билан жамоа фикрини чалғитмоқчидир. Ҳалол, покиза одамни тухмат-надомат остига олиш мумкин, аммо уни бадном этиш мумкин эмас.

– Акажон, махфий ходимлар билан ишлайдиган бир танишим очиғини айтди, яхшиси сиз Ғазнадан тезроқ кетинг, атайин сизга тухмат қилишмоқда. Чунки сиз ҳақгўй инсонсиз, амир Масъуднинг содиқ кишиси эдингиз. Юрагим бир нарсани сезиб турибди, тушимда сиз ўт ичида юрган эмишсиз.

– Майли, ўйлашиб кўрамиз, жуда ҳам ҳовлиқаберма, – деди Дамирхон ва укасини меҳмонхонага бошлаб кирди. Икковлон бирга нонушта қилиб бўлишган ҳам эдиларки, эшиқда сарой ғуломи кўринди.

– Сизни амирим чорлайдурлар, тезда етиб борур эркансиз.

Начора, Дамирхон шоша-пиша кийина бошлади. Амирхон ранги ўчиб, не деярин билмас, ғулом бўлса серрайганча эшик ёнида турарди.

Дамирхон укаси билан етиклашиб сарой томон бораркан, минг хил хаёл билан ўзини чалғитишга уринарди. Ахир, ким эди, энди ким бўлиб қолди. Афтидан ҳукмдор энди унга ишонмайди. Кимдир уни сотган, ёмонлаган. Амир Мавдуд амир Масъуднинг фожиали ўлимида унинг ҳам қўли бор деб ўйласа керак. Ахир, қотил маълум, аллақачон жазосини оди-ку, нега энди Дамирхон айбдор бўлади. Ҳар ҳолда бирон ифвогар юзини шувит қилмоқчи-да. Лекин ҳозир амир Мавдуд бошқа масала бўйича чорлатган бўлса-чи?

Қабулхона ходими Дамирхонни тутиб турмай саломхонага қўйиб юборди.

Дамирхон салом бериб, бир чеккада алоҳида қабулга келувчилар учун қўйилган ўриндиққа чўқди.

Амир Мавдуд унга синчковлик билан қараб турди-да, кейин сўз бошлади:

– Сиз отам раҳматлининг пушти-паноҳида роса даври-даврон суриб юрдингиз, салтанатимиз эркаси эрдингиз. Сизга айтадигоним шулким, жаноб лашкарбошим, энди карвонингиз ўтиб кетди. Маслаҳатим, орқа-ўнгингизга қараб юринг, «девор муш дорад, муш гуш дорад», шу машҳур мақолни ёдингизда тутинг!

– Амирим, ахир айбим недур, нечун бунчалик мени беҳурмат қилурсиз?

– Нечун сиз оламини бошингизга кўтариб, воқеалар тагига етмай амир Масъудни ўлдирган аблаҳни ундай қилодурмен, бундай қилодурмен, гўштини итларга ташлайдурмен, деб эл-юрт ўртасида доврў солиб юурсизким, гўё отамнинг сиздан бошқа ҳимоячиси йўқдек, сиз кимсиз ўзи? Ахир ул зоти олийнинг суюкли ўғли, тахтнинг вориси мен-ку! Отам учун куйиб-ёнадиган, қотилларидан қасос оладиган пушти-паноҳлари менман! Агар кўнглингизда бирор шубҳа бўлса, бизга айтинг, ҳамма ёқда шовқун-сурон тарқатиб юргандан кўра! Мана, менга, Ғазнанинг ягона амирига!

Дамирхон сукутда, қаршисида нима бўлганда ҳам асосий ворис – дорулсалтанат ҳукмдори турибди. У мутлақ ҳоқим, истаса кўнглига ҳар не келганини қила олади. Агар истаса шу дамнинг ўзида уни чоҳизиндон қилиши ёки қатл этиши мумкин. Ахир яқин ҳимоячиси энди йўқ-ку! Укаси Амирхоннинг ҳам тақдири қил устида турибдур, уни негадир амир ҳузурига киритишмади, ноилож сарой дарвозаси ёнида қолди.

Шу дамда ачинарли, нигун ҳолатга тушган Дамирхон ўзини ота олдида ўз гуноҳларини бўйнига олган болага қиёслади. Мавдуд мантиқан кучли сўзлар

билан уни гўё кишанлаб қўйганди, ўзини ҳимоя қилиш учун анчагача бир оғиз сўз топа олмади.

– Мен амир Масъудни бениҳоя ҳурмат ва икром этур эрдим, – деди у ниҳоят букилиб. Тўғриси, уни яқин акамдек кўрардим. Фожиали ўлими мени эзиб юборди; алқисса, энг азиз, энг қадрдон кишимдан айрилиб қолдим. Ахир биз, барчамиз буюк туркий қавмлармиз-ку, Алптегин, Сабуктегин фарзандларимиз-ку. Куйиб-ёнишим боиси ҳам шунда. Амирим, агар бирор ноўрин иш қилган бўлсам, кечиргайсиз.

Амир Мавдуд энди гапни қисқа қилди:

– Энди сиз лашкарбошилиқ лавозимидан озод этилдингиз, вақтинча уй қамоғинда бўлурсиз. Сизни ҳозирча зиндон қилмаймиз, бўёғи ўзингизга боғлиқ эрур.

Шу билан суҳбат боқий дегандек, Мавдуд ўрnidан турди. Дамирхон бошини куйи солганча чиқиб кетди. Сарой дарвозаси биқинида Амирхон интизорлик билан кутиб турур эрди. Акам эсон-омон экан деб кўнгли таскин топди, эркин нафас олди.

Икковлон Ғазнанинг серқатнов кўчаларидан ҳорғин одимлашар эди. Одамлар доврўғи кетган ҳарбий саркардорларга ҳурмат юзасидан эгилиб салом беришар, то ўтиб кетгунларича қўл қовуштириб туришарди. Ҳатто ёш болалар ортларидан анча жойгача кузатиб боришарди. Шоирлар Дамирхон ҳақида қасидалар, жангномалар ёзишган. Чиндан у кеча ариллаб-дариллаб, шон-шуҳрат чўққисида эди, бугун бўлса, замона зайли-ю, подшоҳ майли бирлан энг қуйига тушди.

Дамирхон хуфтон намозини адо этгач, Оллоҳга ҳамду санолар айтиб, жойнамоз устида узоқ ўлтирди. Сўнг ғафлат босиб, кўзи уйқуга кетиб қолди, ажаб туш кўрди. Тушида соч-соқоли қордек оппоқ нуроний мўйсафид унга: «Кўп озор чекма, саодатли дамларинг яқин», деб кўнглини кўтарди. Чехраси таниш чол туркий қавмлар бобокалони Алптегин эрди.

Эрта тонгда уйғониб таҳорат олди, азон намозини тугатган ҳам эдики, хизматкор ҳинд лашкари саркори Тилак жаноблари ташриф буюрганани маълум қилди. Бирдан маҳзун кўнгли ёришиб, севиниб кетди ва ташқарига шошилди. Тилак вафодор дўсти эрди, айниқса, оғир жанг-жадал чоғларида икковлон бир жон, бир тан бўлиб жавлон уришар, шунда ёғийлар уларнинг мухороба санъатига бардош бера олмас эрдилар.

Дамирхон эсида, бир куни амир Масъуд катта сафарга чиқди, Бустдан сўнг Хуросон ва Журжонга ўтмоқ нияти ҳам йўқ эмас эрди. Шу баҳона Тилакка мактуб йўллади:

«Ҳинд лашкари бош қўмондони Тилак жанобларига!

Биз ким Ғазна мулкининг ҳукмдори, салом ва алиқдан сўнг, маълум этмоқчимизким, Лохарда ўзбошимчалиқ билан жойлашиб олган Аҳмад Йўналтегин фуқарога кўп озорлар бермиш, истаймизким, Ғазна салтанатига хавф солаётган ул нобакорни тезда тутиб, жазосини берурсиз. Яна шуни эътиборингизга олмоғингиз лозимки, Аҳмад Йўналтегин туркманлар билан ва яна Хоразм шоҳи билан яширин алоқа ўрнатиб, улардан ёрдам олиб турғон эмиш. Илоҳо, савобли ва саховатли ишда Оллоҳ сизга ёр бўлсун».

Амир Масъуд.
14 сентябрь, 1034 йил

Амир Масъуд Бустга етиб борганда Тилақдан мактуб олди. Унда бундай дейилган эди:

«Аҳмад Йўналтегинга ёрдам бериб, уни қўллаб-қувватлаганлар ўз жазосини олмишлар. Шундан сўнг Аҳмаднинг кетидан тушдик ва икки ўртада аёвсиз жанг бўлди, қонлар дарё-дарё бўлиб оқди, майдон ўликларга тўлиб кетди. Аҳмад Йўналтегин бўш келадиғанлардан эмасди. Атрофида жангу жадалда синалган, суюги қотиб кетган паҳлавонлари кўп эди. Улар бўш келмадилар. Аҳмаднинг ўзи ҳам Рустами дostonдек моҳирона солишди. Аммо барибир бизга тенг келолмади, қоронғи тушиши билан бир неча содиқ жангарийси билан қочиб қолди. Қўлдан чиқармаслик учун кетма-кет изидан қувдик. Бу борада сафимиздаги жутлар бизга яқиндан кўмаклашди. Яна бир қаттиқ жанг бўлди. Аҳмад ўзини дарёга ташлаб қочмоқчи бўлди, аммо жутлар саркори ушлаб, кучли қўллари билан бошини сувга бир неча дақиқа тиқиб турди, сувдан тортиб олганда, паҳлавон Аҳмад Йўналтегин буғилиб ўлган эди. Кейин калласини танасидан жудо айлаб, Ғазнага юбордик».

Аслини олганда Тилак бир оддий сартарош ўғли эрди. Кўриниши ёқимтой, хушрўй, боз устига сўзамол йигит бўлиб, ҳинд ва форсий тилларни яхши биларди. Суюги фақат меҳнат билан қотган бўлиб, ҳаёт пиллапояларидан ўз тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги билан аста-секин кўтарилиб борди. Узоқ йиллар давомида Кашмирда бекор тентираб юрди, вақти келганда пул топаман деб ноўрин, хуфия ишларга қўл ўрди. Нима бўлди-ю, бахти чопиб, Шероз қозиси Абулҳасан билан яқиндан танишиб қолди. Сир шундаки, Тилак шундай устамон эдики, чечанлик билан ҳар қандай одам ишончига кириб кетарди. Дастлаб қози қўлида солиқ йиғувчи бўлиб ишлаганда шу фазилатлари билан машҳур бўлиб кетди, қози буюрган барча юмушларни ўринлатиб, кўнгилдагидек қилиб бажарди. Бир хупия йиғилишда кимдир Аҳмад Ҳасан Майвандийга: «Тилак деганлари юлдузни бенарвон урадиган чиқиб қолди, ҳали қозининг ўзига ҳам панд бериб кетадиганга ўхшайди», деб қолди.

Аҳмад Ҳасан билан қози Абулҳасан ўзаро келишмасди, бир-бирларини иложи борича Султонга ёмон кўрсатишга уринардилар. Ҳалиги сўзни эшитиб, Аҳмад Ҳасан Тилакни тилмочликка ўтказди, билардики, Султон Маҳмудга шундай эпчил хизматчи зарур. Шундай қилиб, Тилакнинг девонга ишга олиниши, балиқни сувга қўйиб юборгандай иш бўлди. У тезда салтанат ҳаётига сингишиб кетди. Ким-кимни ёқтиради, Султоннинг ўз ўғилларига муносабати – ҳамма-ҳаммасини ўрганди, айникса, амир Масъудга ўзини яқин тутди. Унинг хизматлари, топшириқларини ўринлатиб бажарди.

Амир Масъуд Балхга ҳоким этиб тайинлангандан сўнг, ҳинд лашкари саркардаси Сондор тўсатдан оламдан кўз юмди. Шундан бир неча кун ўтгач, Амир Масъуд барча сарой аъёнларини йиғиб Тилакни кўкларга кўтариб мақтаб, эгнига шоҳона зар чопон ёпди, бўйнига олтин тақинчоқ тақиб, тепасидан олтин-кумуш тангалар сочиб улуғлади. Охир-оқибат оддий сартарошнинг ўғли ўз ақл-заковати, ҳаракатчанлиги, улуғларга садоқати туфайли эътиборли лашкарбошига, Ғазна салтанатининг энг ҳурматли зотларидан бирига айланди.

Аммо амир шу билан чекланмади. Эртаси куни ана шундай тантана Боғи ферузда давом этди. Боғда ҳинд лашкарларининг тантанали кўриги бўлди. Башанг кийинган, яхши қуролланган жангарийлар карнай-сурнай, дўмбира

садолари остида амир Масъуд ва Тилак кўригидан ўтдилар. Бу шодиёна маросим хинд ўғлони Тилакка бўлган ҳурмат ва ишонч белгиси эди.

Турклар саркардаси Дамирхоннинг Тилак ташрифидан бағри тўлиб, хурсанд бўлиб кетгани сабабларини энди тўла билгандирсиз. Чиндан Тилакнинг девондаги мавқеи ҳамиша баланд бўлган. Мана энди янги ҳукмдор олдида ҳам эътиборли ҳисобланади. У амир Мавдуд билан эскидан ошна эди. Икковлон кўп махфий, ҳозирга қадар сирлигича қолиб келаётган ишларни ҳам қилишган.

Дамирхон Тилакни иззат-ҳурмат билан меҳмонхонага олиб кирди: ҳартугул кечаси кўрган тушлари яхшиликка эркан, энди кўнгли жойига тушгандай бўлди, ахир, меҳмон бағри кенг, дўстликни қадрлайдиган инсон-да.

– Сенга хушxabар келтирдим, – деди Тилак.

– Сўзла, сен ҳамиша кўнгил кўтарар гаплар келтирурсен, шу сабаб сенга ҳурматим баланддур.

– Амир Мавдуд ҳузурига борғон эрдим, сени сўради.

– Мени лашкарбошилиқдан бўшатди, уй қамоғида бўлурсен деб роса дашном берди, хуллас, гап кўп...

– Қуланч касали яна кўзгаб ўлтирурға жой тополмас, қорни қаттиқ оғриб кўзига ҳеч нарса кўринмас, ҳатто тож-тахт ҳам.

Дамирхон индамай бош чайқади.

– Энди бу ёғини эшит, ҳозир ҳамма иш ваъзири азам Хожа Завзанийга қолган, кунни кечагина анву Тўғрул билан учрашган эмиш, гап шу ерда қолсин-у, агар бирор кор-ҳол юз берса биласанми нима бўлади?

– Тушунмадим, не демоқчисан?

– Узунқулоқ гапларга қараганда Хожа ўша салжуқийни тахтга ўтказмоқчи эмиш, унинг атрофида эса бошқа кушандалари ҳам бор эмиш.

– Бу гапларни ўзи сенга ким айтди?

– Менга Абулфазл Байҳақий жаноблари айтдилар, ул жанобнинг ҳам ғазаблари бўғзига келган, Тўғрулни кўришга кўзи йўқ!

– Тепамизда Оллоҳ бор, билиб, кўриб, эшитиб турибдур, иншооллоҳ барча ишлар изига тушиб кетгай, мана биз бормиз, дунёда яхши одамлар кўп! – дея дўстига умид билан кўз ташлади Дамирхон.

СЎНГГИ СЎЗ

Ғазна тахтига Абдурашид ўтирди, у ҳали анча ўқувсиз, бунинг устига ёш бўлгани туфайли салтанат ишлари анча изидан чиқиб кетди. Бу ҳол тож қийишга ишқибоз Тўғрул учун қулай имконият яратди: пайтини топди-да, Ғазна тахтини эгаллади. Қаранг, муқаддас салтанат келиб-келиб ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган бир келгинди ихтиёрига ўтиб қолди.

Тўғрул ҳокимиятни қўлга киритган ҳамоно Абу Соҳил Завзанийни бош вазир этиб тайинлади, чунки у девондаги барча ишлардан хабардор, тажрибали, чап-ўнгни яхши биладиган одам эди.

Саройда ғазнавийларга ниҳоят садоқатли Расул деган надим бор эди, у Байҳақий ҳамда сипоҳсолар Нуштегин билан яқин дўст эди. Салтанатда рўй бера бошлаган зулм ва андишасизликларга ғаши келиб, Байҳақийга деди:

– Устоз, кўраяписизму, улуғ зотлар ўтирган муқаддас тахтга энди қандайдир бир аблаҳ чиқиб олибдир. Қаранг, ой ўрнида қора булут, новвот ўрнида заҳар-зовқум, ёқут ўрнида қаттиқ тош.

– Мен ўша аблах Тўғрул жазосини ўзим бераман, – деди қатъийлик билан аллома. Аммо шундай деди-ю, юраги ўйнаб, не учундур пешонасидан тер чиқиб, ўзини ёмон сизди. Аммо ҳали ўзини бошқаришга имкони етарди, иродаси мустаҳкам, ўзига яраша куч-қуввати ҳам бор эди.

Ўшанда янги йил, янги айём арафаси эрди, шу муносабат билан Тўғрул катта зиёфат берди. Хазина эшигини катта очиб, Султон Маҳмуд, амир Маъсуд, амир Мавдуд даврларида йиғилган олтин-кумушлар, қимматбахо совға-саломларни ҳар кимга иъном эта бошлади.

Қаранги, бир вақтлар шу даргоҳда ҳукмдорларга хизмат қилган Завзаний энди келиб-келиб ўша келгинди ҳукмдорга сотилди кўйди.

Бойҳақийнинг қадрдони Нуштегин ва қуролдошлари ўзаро келишиб норасмий ҳукмдорни қатл этмоққа аҳду паймон этдилар, режалар тузиб, барча ишларни ойдинлаштириб олдилар. Байҳақий дер: «Ё биз уларни ўлдирамиз, ёки улар бизни, гап битта: ё ўлим, ё ҳаёт!» Масала шундай қатъий қўйилди.

Маслақдошлар зиёфат бўлаётган хона остонасида шай турар эдилар. Бирдан эшик очилиб, кайфдан юзлари қизарган Тўғрул чиқиб келди. Байҳақий қайноқ терга ботиб, бутун вужуди титрар, аммо бу ғазаб билан йўғрилган титроқ эди. Тўғрул маст-аласт ҳолда, босар-тусарини билмай одимларкан, Абулфазл энги ичида беркитган чўқмори билан қорнидан пастроққа чунон қаттиқ урдики, у ҳушидан кетиб йиқилди. Бошқалар ҳам ёпирилди ва кимдир ханжар билан калласини шартта узиб ташлади. Маишатга берилган гумашталар қўрқиб кетганларидан зумда қаергадир ғойиб бўлишди, қасоскорлар эса Тўғрул танасини бўлак-бўлак қилиб, қонга бўялган калласини сарой ёнидаги дарахт шохига осиб қўйдилар.

Амир Маъсуднинг ўғли Фаррухзот Тўғрул фармони асосида, Нарганд қалъасидаги қамоқда сақланаётган эди. У от-уловда зудлик билан саройга келтирилди. Ошиғич машваратдан сўнг шаҳзода тахти олийга тантанали ўтқизилди.



Илмга амал этишни ўзингга одат қил; агар олим илминин амалиётга татбиқ этмаса, у руҳсиз баданга ўхшайди.

Имом Абзат

— —

Афлотундан сўрадилар: «Ўқини-ўрганиш тоқайгача иззат ва ҳурматда бўлгуси?» У жавоб қилди: «Жохиллик нуқсон, деб ҳисоблангунга қадар».

Жалолиддин Даввоний

— —

Амалда қўлланилмайдиган билим жонсиз танага ўхшайди. Билим дарахтдир, амал эса – унинг меваси...

Ҳусайн Воиз Кошифий

НАЗМ



Юрак тўлқинлари тўлиб келадур



Тўлан Низом,
Ўзбекистон халқ шоири

Табиат қўшиғи

Тоғлар кўкка керади кучоқ,
Қуёшга интилуր чўққилар.
Ёш тўккан булутлар жим, қочқоқ.
Бўронлар қувалаб йўқ қилар.

Дарёлар ҳайқирар, ҳовлиқар,
Биларму қайларга борарин?
Денгизлар мавжланар, ер сиқар,
Тўлқинлар бузади қарорин.

Тошлар қотиб қолур шу асно,
Харсанглар қулайди-чилпарчин.
Юлдузга лим тўлса кенг само,
Титраб ғазал ўқир Ойбарчин.

Най чалар жилғалар, ирмоқлар,
Эринчоқ бир уйқу тирғалар.
Қарсақму чаладир қирғоқлар,
Майса кулоғида сирғалар.

Тонг ёриб, кулади зар қуёш,
Қапалак қанотин ёзади.
Ғунча деб, кушлар ҳам бевардош,
Суратин самога чизади.

Буғдойзор шовуллаб солланур
Хирмонга тўлади зумрад дон.
Ўн тошли тегирмон айланур,
Дастурхон устида ширмой нон.

Ёмғир қуйилади беаёв,
Қорлар эриб битар бечидам.
Баҳор кулиб ўйнар бежилов,
Ёз ўтиб куз келур дам-бадам.

Ҳар дарахт, ҳар майса, ҳар бир ўт
Айтадир шукрона – бир оят.
Оламда нима бор тўқис, бут,
Шу эрур сўнгги йўқ ҳикоят...

Севги

Киприкка илинган аччиқ-аччиқ ёш
Юзидан сирғалиб тушар кўксига.
Юрак орзиқади, тугаган бардош,
Кўнгил чил-чил синган, кўнгил ўксиган.

Киприкка илинган аччиқ-аччиқ ёш
Булоққа айланиб бўлур кўп ирмоқ.
Дарё ҳосил қилур ирмоқлар бевош,
Кейин денгиз бўлур мавжли, беқирғоқ.

Киприкка илинган аччиқ-аччиқ ёш
Бағрини куйдирар, дув-дув тўкилур.
Ғунчалар мунғайиб эгадилар бош,
Майсалар эшилур, синур, букилур.

Киприкка илинган аччиқ-аччиқ ёш
Яратган баҳри бар оламнинг кенгги.
Қояга чиқади, оёқ ости тош,
Гирдобга отади ўзини севги.

Бир шода гул

Чаман ичра силкинур бир шода гул,
Ороланур, зеболанур, озода гул.

Ёр ҳали юрган эди райҳон узиб,
Шул сабаб тўлғонадур хонзода гул.

Гул кўзгалур, ёр кўзгалур, офарин.
Ё шароб ичганмикан мабода гул?

Ердан қуёшга интилар оққуш мисол,
Чайқалиб иккиланур ҳавода гул.

Чўғ каби ял-ял ёнур кўз куйдириб,
Термулар эркаланиб шаббода гул.

Гулдан ортиқман деюр рухсора гул,
Термулар ул кўзлари зебода гул.

Кўй, Тўлан, мадҳ этмагил боғинг гулин,
Боғда гулмас, дилда гул, вафода гул.

Икки оқин дарё

Куёшдан йўғрилиб, тоғларга тушар,
Тоғлардан эврилиб, боғларга тушар,
Боғлардан ўргилиб, ер узра жўшар,
Қадр таянчидир, абадий яшар,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси – Навоий, бириси – Бобур.

Шундан ирмоқчалар найлар чаладур,
Найлар наволари кўнгул оладур,
Кўнгил зарбларига юрак қалъадур,
Юрак тўлқинлари тўлиб келадур,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси – Навоий, бириси – Бобур.

Тўлғониб оқарлар, борар жойи – халқ,
Мангу қароргоҳи ва саройи – халқ,
Уларнинг куёши ҳамда ойи – халқ,
Инсоният кўрки, Шарқ чиройи – халқ,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси – Навоий, бириси – Бобур.

Олам харитасин қоқ ўртасида,
Бу хил дарёлар йўқ бирортасида,
Айтинг, кимлар бор ер тўрт қитъасида
Бизнинг боболарнинг мартабасида?
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси – Навоий, бириси – Бобур.

Бу шундай ғаройиб тақдир шеваси,
Тилни тил, элни эл қилган меваси,
Ўзбекистон эрур Ватан кемаси,
Наслимиз қайғулар, ғамлар емасин,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси – Навоий, бириси – Бобур.

Мен эса улардан бир томчи, холос,
Таъзим бажо этган саломчи, холос,
Ҳақ гапни айтувчи каломчи, холос,
Тўлан Низом сиздан илҳомчи, холос,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси – Навоий, бириси – Бобур.

Манзаралар

1

Яна баҳориёт, ер юзи там-там,
Яна гулга тўлди жумлаи олам.
Жўшқинлик, ёшариш, кўнгил тўлғониб,
Саҳарлар уйғониб нур тўкар қалам.

2

Хазоният келди. Кўнгил қариди.
Бўғотларни босди қалин оппоқ қор.
Оташин муҳаббат қолди йироқда,
Тоғлар ҳам пасайди, йўқолди виқор.

3

Қалбим баҳориёт эди, кўп яшноқ эди,
Тилим ҳам оташин, оташнок эди.
Хазоният келди. Сўнгра қиш келди,
Табиат покиза лек дарднок эди.

Тўртликлар

Ерни ўп, зарраси кўзинг қораси,
Унинг нафасидир дил таманноси.
Сен Ватан боласи, халқ дардини ол,
Сен, ахир, шу юртнинг бир фуқароси.

* * *

Хотирамдан, чиқмас умрбод,
Икки нарса мутлоқ, бегумон.
Бири сен-ла илк бор учрашув,
Иккинчиси ажралишган он.

* * *

Дўстлик нима ўзи, ким яратади,
Дўстсиз ўтган дамлар тез қаритади.
Тўлан Низом, дўстлик энг олий неъмат,
Қалбингни қайғудан у аритади.



Абдурахмон Жўра

Кўзларимда ҳаёт кулади

* * *

Кел, ёнимга, руҳимни кўтар,
Ҳозир ғоят юрагим оғрир.
Етар қайғу, ҳасратлар етар,
Ёлғизликдан вужудим оғир.

Одамлардан изладим маъни,
Тополмасам чеқдим изтироб.
Балки ғойиб меҳри туфайли,
Юрагимга қўр бўлди офтоб.

Сокингина бошланса-да кун,
Ҳар кимда бор етарли ташвиш.
Бисотимиз шунчами юпун,
Қийинмикан, дўст деб, жон чекиш?

Қайлардасан? Борлигинг ростми,
Ё чорловим туюлгай ёлғон.
Ёлғизликнинг ташвиши босди,
Йўл бошида турибман ҳайрон.

Кел, ёнимга, руҳимни кўтар,
Ҳозир ғоят юрагим оғрир.
Аҳволимга беролмасдан тоб,
Қуёш ҳам узоқ томонга оғди.

* * *

Ҳужум қилиб келди бариси:
Қор ва аёз, ҳижрон ва ёмғир.
Тугамади ҳаётнинг дарси,
Ўрганиш-чун керақдир сабр.

Гоҳ яшамоқ бўлдию азоб
Чорлайверди қушларнинг саси.
Қийноқларинг бунча беҳисоб,
Битмас сира кўнгил яраси?

Вужудимни эзғилади тун,
Азобига юлдузлар гувоҳ.
Кўринмасдан ўқиди афсун
Бошим узра айланган гуноҳ.

Фикру зикрим олиб қўлимдан,
Имкон излар йўлдан уришга.
Адаштирмоқ бўлар йўлимдан,
Гўзал қиздай қилади ишва.

Сабрим тугар, кимлигингни айт,
Ахир, нима истайсан мендан?
Сезиб қолиб енгилмаслигим
Ҳолсизланиб қулайди бирдан.

Баҳслашиб турганимизда
Далда бўлиб жилмаяр қуёш.
Яшаш завқи, орзу ва умид
Майса каби кўтаради бош.

Кўзларимда ҳаёт кулади,
Вужудимда ер ҳиди анқир.
Кечга бориб ҳужум бошлайди:
Қор ва аёз, ҳижрон ва ёмғир.

* * *

Яна шамол бошлади исён,
Тит-пит қилар боғларни яна.
Пойимизга тўкилар хазон,
Сен юрардинг қулиб, мастона.

Барча ғаму ташвишлар унут,
Бахтли сездим ўзимни, ё раб!
Шивирладинг: — Тонг чоғида кут,
Келиш учун топаман сабаб!

Юрагимда тўлғанди титроқ,
Оёқларим титради қалт-қалт.
Шамол тинмай қилади сўроқ:
– Бир умрга қолармикан, айт?

Дилимга ғам қуйилавергач,
Чарчагандек бўлди дунёдан.
Сен келдингу яшарди кўнгил,
Ошно бўлди нурга, зиёга.

Шамол яна бошлади исён,
Тит-пит қилар боғларни яна.
Пойимизга тўкилар хазон,
Ваъда бердинг кулиб мастона

Шамол бирдан қайгадир кетди,
Чарақлади кўк узра қуёш.
Барча дардлар тўкилиб битди,
Сен кўксимга қўйганингда бош.

Хотиржамлик келди умримга,
Доим шундай кулиб юрсайдинг.
Қоласанми мен билан бирга,
Сен мен билан зерикмайсанми?

* * *

Кўзларимга боқмайсан дея,
Сенга сира қилдимми таъна?
Тизилишган қалдирғочларнинг
Вижиридан бор каби маъно.

Сочларинг не учун ўрибсан,
Камон қошга бунчалар азоб?
Рости, асли, гўзал қизларни
Йўқламоқни демагин савоб.

Ўзим билмам. Бемор қалбимга
Малҳам излаб келдимми бунга?
Кераклигим агарда сезсанг,
Сени йўқлаб келурман кунда.

Сочларингда ажиб бир маъно,
Сўзларинг ҳам сирли, мафтункор.
Бу гўшада сукунатнинг ҳам
Дилга малҳам таскинлари бор.

Рухсат бўлса, бир бора тўйиб,
Шу ҳаводан олсайдим нафас.
Гўзалликнинг фуқаросига
Ёқмас, ахир, олтидан қафас.

Кўзларимга қарамасанг ҳам
Юрагингда сўзларим унди.
Энди бир бор қаҳқаҳа урган
Овозингни эшитсам бўлди.

* * *

Энди мени
кутарми биров,
зорлигимни ким ҳам билади?

Отам кетди
кўзимни ёшлаб,
онам кетган бағримни доғлаб.

Дилга таскин
ёруғ дунёда
юрганлигим номларин ёдлаб.

Баҳор билан
яшарар кўнглим
гуллар менга суҳбатдош, ҳамроҳ.

Билармикан,
соғинганимни
мени ҳам ҳеч эсларми қишлоқ?





Абдунаби Абдиев

Бошловчи боб

Ғалат, мени нима жин чалди, сўнги бир йилдирки қўлимга қалам ушлаб тайинли нарса ёзолмабман, аслида ҳаммасига ўзим айбдорман, ботиний бир туйғу билан англаб турибман, мени эртами-кеч ҳафсаласизлик ёхуд аксарият ҳолларда жиловлашим мушкул мақтанчоқлик хароб этади. «АЁЛ»ни бир кечада қоғозга туширгандим, ҳеч кимга сир бой бермай, ўзимдан ҳам қизғаниб, ҳалигача бўш вақт топдим дегунча қарийб олтмиш варақни эгаллаган битикни лаззатланиб, такрор ва такрор ўқийвераман, ҳар мутолаадан сўнг ўзимга чиқарган баҳоим ортиб бораверади. Қарабсизки ўртамиёна қиссани дурдона, ўзимни тан олинмаган даҳога чиқараман-қўяман.

«Иқрор» муқаддимасини наридан-бери қоралаб улгурмасимданоқ «нима ёздинг» дея кўлёмаларимни титкилайвериб ҳоли-жонимга қўймайдиган оз сонли мухлисларимдан бирига илиндим, бу ҳам етмагандай, мактанчоқлигим тутиб хотимасигача гапириб бердим. Сийқа нарсаларга тобим йўқроқ, фош бўлган режани сира ниҳоясига етказолмайман, шундай дамларда куппа-кундуз чоғи санаб саноғига



ЁЗГИТ БИТИГИ

Қисса

Севги тухфа бўлгани учун,
ҳеч нарсаларини
қолдирмай, унга бутун
борлиқларини берадилар.

Бернар Дадье,
африкалик адиб



етиш даргумон одамлар орасида шир яланғоч қолган тасқара кимсага ўхшайман, афтидан менга ҳар қандай воқеани атиги ягона маротаба маромига етказиб ҳикоя этиш имкони иноят этилган шекилли, ўзимни қанча мажбурламай иккинчи бор на қоғозга тушироламан, на дастлабки галдагидек гапириб бероламан. Эҳтимол, бу бир қарич суяксиз тилнинг ўзини, эҳтиросларини жиловлай олмаган соҳибига берадиган ўзига хос жазодир, ҳар ҳолда шу тарзда ҳафсаласизлик домига тушишим оқибатида изини узмай тамаки сўришим, шаробга ружў қўйишим рост, баъзан бу таҳликадаги тушкунлик беш-ўн ойга чўзилиб кетади. Шундай аламзада кунларнинг бирида қаровсизликдан ивирсиб қолган хонамга чақирилмаган меҳмон қора қуюндек бостириб кирди.

– Сиз... чимисиз?

Дабдурустан салом-аликсиз томдан тараша ташлагандек берилган савол ва бемаврид ташриф энсамни котирса-да, истилочининг бесунақай гавдаси, ўзини кибрли тутиши, таклиф этилишини кутмасдан бурчақда омонат турган чоғроққина курсига оғир жуссасини ташлаши қизиқиш уйғотди.

– Ҳа, қулоғим сизда!

– Бир дафтар олиб келгандим, бошқа ишларингизни вақтинча бир четга йиғиштириб тезроқ шуни ўқиб чиқсангиз.

Қанчалик жаҳлим чиқмасин ниманингдир сирли таъсири остида дафтарга қўл чуздим, шу дақиқанинг ўзидаёқ ён беришда давом этаверсам унинг қуюшқондан чиқиб кетавериши мумкинлигини ўйлаб шоша-пиша узатилган қўлимни йиғиштирдим.

– Стол устида қолдиринг, вақтим бўлганда варақларман.

Ўзимни ҳар қанча бепарво кўрсатишга уринмай жисмимга аралашган титроқни бостириш осон тушмади, ёнимда турган тиқини олинган шишадаги арақни пиёлага қуйишга ҳам сабрим чидамай шишаси билан бошга кўтардим. Ғалати кимса ҳар бир ҳаракатимни синчковлик билан кузатаркан, янада қатъийроқ талаб қилди.

– Ўқимайсизми энди, нимани кутаяпсиз?

Бу гал ғазаб алангасини бостиролмадим, бардошим чок-чокидан ситилди.

– Ўқимасам нима бўлади?

Мен асабийлашганим сайин у сиполашиб борарди.

– Ҳеч нарса, фақат сиз ажойиб имкониятни бой берасиз.

– Қанақа имконият?

– Оҳори тўкилмаган мавзу топиш имконияти. Сиз ёзувчилар одамлардан гап ўғирлаб кун кўрасизлар-ку.

Сўнгги кинояли мулоҳазаси ҳаммасидан ошиб тушди. Нар и борса ҳаваскор бошловчи бўлса керак, илгари қораламаларини шаҳарда ўтириб қолган бирорта ёзувчига кўрсатган, у эса маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига мавзусини ўзлаштирган, шунга алаmidан кекирдик чўзаяпти. Шу тўхтама келиб ижирғанаётганимни ошкор этдим:

– Хонани бўшатиб қўй, ҳақ сенгинага ўргатгани...

Жаҳлимни бостиролмай буралатиб сўкинишим ҳам унинг вазминлигини бузолмади.

– Илтимос қилиб чопар йўллаганингизда ҳам остонангизни ҳатламаган бўлардим, лекин... – у бироз тин олди, – лекин бунақасига бошқа дуч келмайсиз.

Энди унинг афтини кўриб туришга ҳам тоқатим етмади, гапиришни ҳам эп кўрмай эшик томон кўл сермадим, у сувдан чиққан мушукдек шалвираб дафтарни олди, истамайгина ўрнидан кўзгаалди, эшик олдида бир зум тараддуланиб турди-да, лабларини пирпиратиб деди:

– Йўлимни кўриб турибман, кўр эмасман, ҳайдамасангиз-да ўзим кетавераман. Сиз, сиз эса наҳс босган хонангизга қамалиб сариқ чақага қиммат ҳикояларингизни тўқиб ётаверинг.

– Тўхтанг, – аламдан зир қақшаб бақирдим.

– Нима дейсиз?

– Беринг ўша даҳмазангизни, бунчалик дағдаға қиладиган нима ёзган экансиз, – ирғиб ўрнимдан турганча ҳукмфармо мурожаатимдан серрайиб қолган кимсанинг кўлидаги дафтарни юлқиб олдим.

У баралла қаҳ-қаҳа отди.

– Бор экансиз-ку, наҳот мени ҳам ўзингиздек ёзувчи чўтлаётган бўлсангиз, худо сақласин, дафтар бировнинг омонати.

Тахтадек қотиб қолдим, умрим бино бўлиб бировнинг иши учун бу қадар жонкуярлик қилган кимсани учратмагандим, тагин у нафақат менинг, балки жамики қалам аҳлининг устидан кулаётганди.

– Яшанг-э, бегонанинг дафтари учун шунчалик жон куйдираяпсизми, зарур бўлса ўзи келсин эди, шунча нарсани ёзган одам сиздан кўра сертакаллуфроқ бўлармиди.

– Гапингиз тўғри, у сермулоҳаза эди, аммо энди у биров эмас, аллақачон ҳеч кимга айланган, тасаввуримиздаги йўқлик салтанатининг хокисор фуқароси, яратган эгам охиратини обод килсин, – суҳбатдошим пичирлаб муқаддас Қуръони карим оятларидан бирини тиловат этиб юзига фотиҳа тортди, мен ҳам беихтиёр унга кўшилиб билмасдан марҳумга (балки марҳумага) тил теккизганимни оқламокчи бўлдим. Меҳмон жим турганимдан фойдаланиб қайта ҳужумга ўтди:

– Айтинг-чи, сиз муҳаббат тушунчасига қандай қарайсиз?

– Муҳаббат – муқаддас туйғу...

– Китобий сўзларни кўятуринг. Сизнингча, фаҳш урчиган замонамизда соф муҳаббат бўлиши мумкинми, масалан Зухро-Тоҳирникидек?

– Нима десам экан, умуман... – аниқ фикр билдирилмасдан чайнала бошладим.

– Мижғовланишингизга ҳожат йўқ, узундан-узун маърузангизни тинглашга эса сабрим етмайди, қисқагина «ҳа» ёки «йўқ» десангиз бас.

– Ўйлаб кўришга ҳаққим бордир ахир?

У олдингисидан ҳам баландроқ овозда қаҳ-қаҳа урди, очиқ-ошкор устимдан кулди.

– Муҳаббат ҳақида шунча ёзганларингиз зўраки тўқималар эдими ёки ёзувчиларнинг ҳаёти билан китоблари мос келмайди деганлар ҳақми?

– Майна қиляяпсизми?

– Сираям, ёзувчиларга гап топиб бериш мушкул деб ўйлардим, майли, шу кунгача ёзганларингиз виждонингизга ҳавола, аммо, мана шу дафтарни китоб қилсангиз умрингиз давомида битган энг ҳаётий асарингиз бўларди, ишонаверинг. Бокира йигитнинг фоҳиша қизга муҳаббати, мана буни теша тегмаган мавзу деса бўлади.

Дафтарнинг илк саҳифасига йирик ҳарфлар билан қўйидаги сўзлар битилганди:

Муҳаббатим мунгли малагига мактублар

Шармандаларча мағлубиятни тан олиб қирқ саккиз варақли умумий дафтарга қоғозни қизғонгандек тигиз, майда ҳуснихатда битилган ёзувни ўқишга киришдим. Бу ғаройиб тақдир иқрорномаси бир зумда ҳафсаласизлигимни, ҳозиргина содир бўлган дилхираликни тумандек тарқатиб ўз сеҳрли оғушига олди, мактублар тарзида ёзилган битик бетимсол муҳаббат қиссаси эди. Дафтарни ўқиб бўлганимдан сўнг ҳам анчагача унинг таъсиридан чиқолмай турдим.

– Қандай, қойилмисиз? – сукунатни бузди суҳбатдошим.

– Буни ким ёзган, дафтар қандай қилиб сизнинг қўлингизга тишди? – саволга савол билан жавоб қайтардим.

– Ҳаммасини ипидан-игнасигача билишингиз шарт эмас, муҳими, қоралама қўлингизда, у ёқ, бу ёғини тузатиб одатдаги тўқималарингиздан биридек нашрга топширинг, ҳеч ким муаллифлик даъво этмайди.

– Виждон суроғи-чи?

– Виждон қолдими, биродар, уни аллақачон жиғилдон ҳазм этиб улгурган, қолаверса, ҳамма китоби чиқаётганларнинг ўзи ёзаяптими?

– Бўлмаса ким?

– Жаҳлингиз чиқмасин, ҳозир беш-олти яшар бола ҳам китоб чиқараяпти ёки ишонмайсизми? Бир тижоратчи қўшним бор, чет элга қатнайди, адабиётнинг кўчасидан ҳам ўтмаган, чўнтагига тўрт-беш сўм кирди-ю, шаполоқдек-шаполоқдек китобчаларни қаторлаштириб ташлади. Сизга ўхшаган биров ёзиб бергандир, ахир пул, бойлик нималарга етакламайди.

– Тушунмадим, нимага шаъма қилаяпсиз?

– Шунчаки айтдим-қўйдим, эхтимол ўзи ёзгандир, аксини исботлашга бари-бир далилларим йўқ, гумон эса далил бўлолмайди.

– Ишончсизлик ёмон.

– Тўғри, аслида шу дафтарнинг эгасини ҳам одамларга суянмаслик, ҳар нарсага шубҳа билан қараш хароб этганди, хай майли, ўтган ўтди, гуноҳ-савоби ўзи билан кетди, аммо шу дафтар соҳибидан бир умр қарздорман, инсонлигимни англатгани, қалбимда исён уйғотгани учун. Эҳ, уни бир кўриб, суҳбатини олсангиз эди. Сизнинг «АЁЛ» деб номланган қиссангиз босилган журнални сира қўлидан туширмасди, у умрининг сўнгги сонияларигача шу асар билан яшади, ярадор қалбини шу қисса билан эмлади, унинг овунчи ҳам, севинчи ҳам ўз дафтари-ю, сизнинг қиссангиз эди.

«Менга бирон кор-хол бўлса, дафтаримни шу асар муаллифига берасиз», деб қайта-қайта тайинлар, ҳар гал ваъдамни олгач, бироз ором топгандек бўларди.

– Хўп денг, шуни эгаси номидан нашр эттирайлик, майли харажатнинг бир қисмини ўз зиммамга оламан, тайёр асар-ку бу.

– Бунинг сира иложи йўқ, биринчидан, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди, унга тайинлаган жазо аллақачон ижро этилган, иккинчидан, қотил тамғасини олган кимсанинг китобини чиқариш жавобгарлигини ким зиммасига оларди, энг мақбул йўл сизнинг муаллиф бўлишингиз,

унинг истаги ҳам шундай эди, ҳар ҳолда марҳумнинг арвоҳини чирқират-массиз?

Келтирилган важлар асосли, эътирозга жой қолмаганди.

– Шартингизни қабул қиламан, лекин дафтар қандай қўлингизга тушганини айтиб берасиз.

Суҳбатдошим негадир сулғин тортди, хонамга бостириб кирганидаги кибр-ҳавосидан асар ҳам қолмади.

– Аслида шу саволни беришингиздан қўрққандим, яна мени юраксиз одам экан деб ўйламанг, очиги, таваккалчи бандаман, акс ҳолда била туриб қонун чегарасини бузмаган, оғриманган бошимга ушбу даҳмазаларни орттириб олмаган бўлардим, англагандирсиз – бу сирнинг ошкор бўлиши менга сира яхшилик келтирмайди.

– Бутун оламга жар солмаяпсиз-ку, бир кишининг билгани сирнинг яйраши эмас, ёки менга ишонмаяпсизми?

– Ишонмаганимда ҳузурингизга келмаган бўлардим.

– Бўлмаса нега иккиланаяпсиз?

– Майли, эшитинг, қандай баҳолаш ихтиёрингизда.

Мен бутун вужудимни қулоққа айлантириб жим қолдим, у ҳикоясини бошлади:

– Эҳтимол ўша кунга бир умр лаънат тамғасини босиб ёки шукрона ўқиб яшарман. Очиги, бу қамоқхона назоратчилари орасида мендан кўра дарғазаб, мендан кўра бераҳми йўқ десам муболага бўлмасди, арзимаган баҳоналар топиб маҳбусларни шафқатсиз жазолаш менга ҳамирдан қил суғургандек гап эди, уларга инсон сифатида қарашни сингдиrolмасдим, ахир, инсон деган устивор номга эга жонзот турли қабоҳатларга қўл уриши тўғрими? Қаердан ҳам ўша йигитнинг юрагига қўл солиб кўришни истаб қолдим, балки унинг ўзи менинг суқир қалбимга сўроқсиз, истакларимга зид равишда кириб келгандир, ягона нигоҳ ташлаш билан, жиноятчида бу қадар мунис, мусаффо, қувлик-шумликни билмайдиган кўзларни илк бор кўрганим боис мағлۇб бўлгандирман балки. Лекин қойилман унга, жоҳилликка мойил бутун ўтган умримдан қўлимни ювуб қўлтиғимга урдирди, биз ҳам шу пайтгача яшаб, инсонлик даъвосини қилиб юрган эканмиз, кимгадир дилдан талпинмасанг, унга қалбингнинг туб-тубидан муқим жой ажратиб сажда этолмасанг тошбақа янглиғ судралиб минг йил яшагандан не фойдалигини энди англадим. У менга Оллоҳ иноят этган умримнинг катта қисмини яшаб ололмаганим – ҳаёт сабоғини берди, тўкин дастурхонлар, худ-бехуд сочилган ғазаблар ўткинчи эканлигини ўргатди. Ишонаверинг, менинг бу хатти-ҳаракатларим иш жойимда ўрнатилган қатъий тартиб-интизомга мутлақ зид эканлигини яхши билардим, истасам-истамасам уларга амал қилишим шарт эди, аммо бу йигитнинг оҳанрабоси бор эдим, унинг жуфт-жуфт қулф солинган бир кишилик ҳибсхонаси эшигидан бирон маротаба бефарқ ўтолмасдим, бошқа қарамайман деб неча бор ўзимга-ўзим сўз берсам-да, оёғим шу томонга бошлаб келаверарди, мўралаб карашга мўлжалланган тешикчадан, бизда уни «глазок» дейишади, унинг эътиборини тортмасдан сумбатини, паришон чеҳрасини соатлаб кузатардим. Эҳ менинг бу ҳолатим, ички кечинмаларим ошкор бўлса гап-сўзсиз ишдан қувилишим, эҳтимол ички тартиб-интизомни бузишда айбланиб бошқа жазо олишим мумкин эди...

Ғалати меҳмон пала-партиш гап уришидан ниманидир англагандай бўлардим, шунинг билан бир вақтда тайинли нарса тушунмаётганим ҳам

аниқ эди, озроқ кайфияти кўтарилса гапи қовушар деган фикрда пиёлани тўлдириб арақ узатдим.

– Кўзни чирт юмуб шуни ичиб юборинг, ҳаяжонингизни бостиради.

У ортиқча мулозамат кўрсатишимни кутиб ўтирмасдан арақни сўнгги томчисигача симириди.

– Раҳмат!

Суҳбатдошим номига шўрланган бодрингни газак қилган бўлди.

– Уни шом маҳали қўш қўриқчи икки қўлига кишан солганча олиб келди, у силтаб-судрашларига йўл қўймас, равон одимлаб, ҳамма нарсага бефарқ келарди, тажрибамдан яхши биламан, одатда бу ерга илк маротаба келтирилганлар қўрқув жовдираётган кўзлари билан теварак-атрофни кузатишар, қақшаб-қалтирашарди, уни эса юришига қараб пихини ёрган жинятчига қиёслаш мумкин бўларди, фақат ёшлигини ҳисобга олмаганда, энг муҳими нигоҳидан ҳеч қандай маъно уқиб бўлмасди. Қарийб йигирма йил шаҳар турмасининг махсус бўлмасида назоратчилик қилиб не-не жиноятчиларни кўрмадим, нақ онадан қотил бўлиб туғилгандек қонталаш кўзлари совуқ ёнган, чехрасидан инсонийлик нуқси ариган каслардан не-не ҳақоратлару камситишларни эшитмадим, хонасига кириб танобини тортай десанг, биринчидан, худо ўргани етмайдими деган мулоҳазага борасан, иккинчидан, қўрқув йўл қўймайди. Негаки бу бўлмага келтирилганларнинг кўпчилиги алал-оқибат энг олий жазога ҳукм қилинишар, эртанги куни аён кишининг кимнидир, айниқса зимдан ўзига ғаним деб билган одамани бўғизлаб ташлаши ҳеч гап эмасди. Учинчидан, заруратсиз қулфларга калит солиш таъқиқланган, кунига ўнлаб жиноятчилар ҳеч қандай сабабсиз онангга эрлик даъвосини қилса-да, вазифангни мазах этувчи атамалар билан чақирса-да, чидашга мажбурсан. Бу ерда тонг оттириш жаҳаннам азобидан кам эмас, туни билан баралла овозда қўшиқ айтаётгани қайси, хўнграб йиғлаётгани-ю, девонаҳол қаҳ-қаҳа отиб бўлмани бошига кўтараётгани қайси, хуллас, оромни бузадиган ниманики истасангиз топасиз бу ердан. Аммо у на қўшиқ айтар, на хўнграб чархидун бевафолигидан нола тортар, на қаҳ-қаҳа отарди, гоҳ кўзларини бир нуқтага жамлаб тош қотса, кўпинча қоғоз қоралаш билан машғул бўларди. Ёзув-чизувига шу даражада эътиборини қаратар эдики, ҳар қандай бақириқ-чақириқлар ҳам фикрини чалғитолмасди. Фақат тамакиси соб бўлгандагина эшикка ўрнатилган байроқчани тушириб назоратчилар билан қисқа мулоқотга киришарди. Шу даражада интизомли эдики, ҳафта-ўн кунда қиладиган бундай илтимосини нафақат мен, бошқа ҳамкасбларим ҳам қовоқ уймасдан бажаришарди. У ўз оламига ўзгаларни йўлатмай ўжарлик билан ёлғизликни ихтиёр этиб жазо кунини кутарди, атрофидаги ўзгармас бир хиллик ҳам иродасига заррача дахл қилмасди. Кузатганим сайин унга нафақат ҳавасим, балки меҳрим ҳам ортиб борар, охир-оқибат унинг ғайритабиий кайфияти мени батамом ўзига ром қилиб олганди. Билсам, унга бошқа ҳамкасбларим ҳам бефарқ эмас, кундалик ўрин алмашаётганларида унинг аҳволи билан қизиқишаркан, гўё у бизнинг биримизга айланиб қолгандек эди. Бошда панжаранинг икки томонида, кейинчалик тун ярмидан оғанда шерикларимга сездирмасдан хонасида суҳбат қуришимиз одат тусига кириб қолди. Фикри ожизимча, инсон ва унинг ички, ташқи дунёси ҳақида ўзга бирон кимса у даражада мулоҳазага, ўзига хос нуқтаи-назарга эга бўлмаса керак. Билмадим, эҳтимол, бу одамлар билан кам мушоҳадага (бунга вақт қаерда дейсиз) киришим, ишхонамда

эса назоратим остидагиларни инсон ўрнида кўрмаслигим маҳсулидир, ҳар ҳолда у қисқа фурсатда туғишган оғайнимдек бўлиб қолди. Бироқ қанча ҳаракат қилмай, суҳбат тизгинини шу томонга бурмай унинг ўз тақдири ҳақида тайинли бирон маълумот олишга эришолмадим, агар шу дафтар бўлмаганида...

Суҳбатдошим ботинидаги эврилишлар сабабми ёки ҳаёт аталмиш мураккаб олам олдида ожизлигиданми, бу гал нимадир гирибонидан ғиппа бўғиб олгандек, узоқ сукут сақлади, ундаги ўзгариш менга ҳам ўтган, ҳамхонамга тасалли бериш тугул бир оғиз мулоҳаза билдириб, зах, тамаки, май ҳиди деворларигача ўрнашган рутубатли хонамга чўккан сукунатни бузишга ҳам ўзимда имкон, ихтиёр тополмасдим, бахтимга яна унинг ўзи гап бошлаб қолди:

– Ҳаммаси ўйлаганимдек, режалаштирганимдек бўлди, – деди тунги пайт «глазок» орқали қулоғимга шивирлаб. – Барибир бу дунёда усиз яшашга кўниколмасдим, сиздан илтимос, бир амаллаб шу дафтарни бу ердан олиб чиқсангиз.

– Кейин нима қиламан?

– Мен айтган одамга берасиз.

Биласизми, айтган одами сиз эдингиз, ўлимга ҳукм этилганларга тегишли бўлган ҳар бир нарса махсус руҳсатнома билан яқин қариндошларига берилиши керак, мен бу қонидани ўзим билган ҳолда бузаётгандим, шу боис янги танишим таъсирида уйғонган виждоним амрига қулоқ тутиб ўз аризам билан ишдан кетдим. Мана, дафтарнинг сирини билиб олдингиз, энди китобни ёзасизми?

Дафтарни албатта китоб килишни ваъда бериб, қораламани қайта ёзиб бўлгач, маслаҳатлашиб олишга келишдим. Мен ўзимни олтин топган одамга менгзардим, сўнги бир йилдирки, чидам, дош бериш амримаҳол зилзамбил юкдек елкамдан босиб тушган, вужудимни батамом парчин этишга чоғлангандек мажақлаётган, босқон тобидаги темир янглиғ палағда этаётган ҳафсаласизликдан бир зумда фориг бўлиб, илҳом тўрига асир тушгандим. Бироқ қанча уринмайин, бисотимдаги асраб-авайланаётган сўз лашкарини мухорабага чоғламай шаҳар қамоқхонаси собиқ бош назоратчиси тақдим этган дафтардаги ёзувларга арзигулик ўзгартириш киритолмадим, қўлимдан келгани жўнатилмаган мактубларни тартибга солиш бўлди, холос.

Асосий боб

Биринчи мактуб

Маҳзуна!

Муҳаббатимнинг мунис малаги!

Бугун менинг нақадар бахтиёр эканлигимни бир кўрсанг эди, ниҳоят сўнги ой давомида интилганим, орзулаганим – айблов хулосасини қўлга киритдим, энди олий жазо берилишига ҳам эришолсам сен билан махшар кундаги висолимни ҳеч ким, ҳар қандай куч тўсолмайди. Терговчи йигит ёш бўлса-да, анча ишига пухта экан, сўнги хулосага имзо қўйдириш учун келган куни ҳам икромимга ишонтириш жуда қийин кўчди, у мени

чалғитишга, асабимни издан чиқаришга астойдил уриниб кўрди, ручкани кўлларим қалтираб ушлаганимда асабийлашганича бақриб юборди:

– Сиз ўз ҳаётингизга нуқта қўяётганингизни биласизми, бу айбнома билан олий жазога, ҳеч бўлмаганида узоқ муддатли қamoққа ҳукм этилишингизни наҳот ҳалигача англамадингиз?

– Нима қил дейсиз, ёлғон кўрсатма берайми, айбимдан тонайми? Ҳаммаси кўлнинг беш бармоғидек аён бўлса!..

– Ҳақиқатни айтиб беринг.

– Сизга тағин қандай ҳақиқат керак, бирон нарсани яширмаган бўлсам, жиноят устида қўлга тушганман, ашёвий далиллар етарлича бор, нимага шубҳаланасиз?

– Одам арзимаган гап талашини учун ҳали яхши таниб улгурмаган кишисига тиғ тортаверадими? Рашк устида десак, аёл сизга етти ёт бегона, қолаверса оддий кўча аёли.

– Кайфиятим йўқ эди, асабимни жиловлай олмадим.

– Бу ерда аёлнинг иштироки нимадан иборат, нима учун унинг уйига келиб қолдингиз, нега уни ҳам ўлдирдингиз?

– Неча маротаба айтай, унда гуноҳ йўқ, жанжалимизга ҳам аралашмагани, фақат жиноятимни очиб қўйишидан кўрқдим.

– Айбингизни яширмақчи бўлсангиз нега бўлимга ўз ихтиёрингиз билан келдингиз?

– Ҳаммаси кутилмаганда содир бўлди, бу уйга адашганимдан йўл сўраш учун кирдим, ҳар қандай киши шундай ҳолга тушиши мумкин, аммо ўша йигит кўпол муомала қилди, оқибати бундай бўлишини ўйламаганим, қилғиликни қилиб қўйгандан сўнг нақадар оғир жиноятга қўл ўрганимни англадим.

– Ака, инсон хунини, қонини кўтариш ёмон нарса, сариқ чақага арзимайдиган жонингиз-ку садқаисар, охиратингизни куйдирманг.

– Мен аллақачон соб бўлган бандаман, нимамага раҳмингиз келаяпти?

– Адолат бўлсин дейман, умрингизда бировнинг дилини оғритмаган экансиз, танишларингиз шундай кўрсатма беришди, бирданига қўш қотилликка қўл уриш... ишониш мушкул.

– Ҳаётда нималар бўлмайди.

– Мени ҳам ўйласангиз-чи, биродар, биринчи жиддий ишимдаёқ беғуноҳ одамнинг жазо олишига сабабчи бўлсам, виждоним қийналмайдими?

– Ҳали бундан бешбаттарларига ҳам лоқайд бўлиб қоласиз.

– Демак, терговга ҳеч қандай қўшимчангиз йўқ?

– Шундай.

– Сиз инсон қиёфасидаги ваҳшийсиз...

– Бемалол сўкинаверинг, мен шунга лойиқман.

– Пасткаш, яхшиликни билмаган, – у кўлимдаги имзо қўйилган айблов хулосасини тартиб олди-да, хона эшигини тепиб очди: – Олиб кетинглар.

Назоратчи ҳамроҳлигида ҳибсхонамага йўл олар эканман, тергов асносида ҳувиллаб қолган қалбимга осойиш бериш учун хотиралар уммонига фарқ бўлдим...

Отам бандаликни бажо келтирганларида тўққиз-ўн ёшлардаги болакай эдим, мурғак хотирамда у кишининг кўп такрорлайдиган бир иборалари муҳрланиб қолган:

– Инсон ҳамма нарсага чидаши, чап бериши мумкин, бироқ у қанчалик уринмасин, талвасага тушмасин тақдири азалда пешонасига зарб этилмиш ёзғит битигидан қочиб қутилолмайди.

Бу ибора замирида улкан ҳақиқат ётганлигига йиллар силсиласида ишонч ҳосил қилдим, ўша заҳил кузнинг одатий кунларидан бири ёзғитим битиги мени сенга дуч келтирди, тақдир сўқмоқларимни буткул тизгинлаб ўз етовига солган бу учрашув бахтиммиди, кулфатиммиди – аниқ тўхтамага келолмадим, бироқ кўпдан буён (онам мени ташлаб кетган, болалигим қийин ўтганидан одамови бўлиб қолгандим) дардқаш излаётган дилимга малҳам қўйиб ҳаётимга кириб келганинг инкор этиб бўлмайдиган воқелик эканлиги рост. Бу ерга келтиришганидан сўнг умрим саҳифаларини титкилаб кўрсам сен билан боғлиқ хотиралар ўчириб ташланса у бўм-бўш варақларга айланиб қолишини ҳис қилдим. Шу боис ушбу – ўз манзилига, аталган кишисига сира етиб бормаيدиган мактубларимда фақат сен ва сен билан боғлиқ воқеаларни таҳлил чизигидан ўтказдим.

Балки сен ҳам омадли-омадсиз кунларингда мазкур хотиралар билан қувончингни орттириб, ҳувиллаган кузги боққа монанд қалбингдаги кемтикларни тўлдиргандирсан? Дарвоқе, кузги боғ – бизни учраштирган, бир-биримизга яқинлаштирган, биримизни иккинчимиздан йироқлаштирган, биримизни иккинчимиз учун энг ардоқли, энг азиз кимсага айлантган кузги боғ! Ўша кун лавҳалари кўз ўнгимда сўнмас хотира бўлиб бир умрга муҳрланиб қолди – хазонрезги барглар учиб юрган хиёбон, заъфарон япроқлардан поёндоз тўшалган йўлка, овлоқ бурчақдаги мен севган, кўпинча бўш вақтларимни ўтказадиган тахта ўриндиқ, бошдан-оёқ қопқора либосга бурканган бир сиқим жуссасини ўриндиққа ташлаганча китоб мутоласига бутун вужуди билан берилган қиз (уни илгари сира учратмагандим), шаҳарнинг аксарият безори болалари танда кўйган билардхона яқинидаги ушбу мискин кўриниш эътиборимни тортмаслиги мумкин эмас эди. Даъфатан хаёлимдан «бу қизни нима жин чалган, китоб ўқишга бошқа жой қуриб кетганмиди, наҳотки хиёбоннинг бу овлоқ маскани хавфли, айниқса аёл киши учун хунук оқибатларга олиб келадиган тасодифлар руй бермаслиги кафолатланмаган қисми эканлигини билмас» деган фикрлар ўтди. Унинг бутун борлиқни унутгандек ўтириши ғаюрлигимни уйғотди, негадир бу ғалати қизнинг жиғига текким, жисми-жонини бағишлаган машғулотидан чалғитгим келди. Дастлаб ўриндиқнинг бир чеккасига омонатгина чўкиб, сигарет тутатганча ўпкални тўлдириб тортган тутунни у томон пуфладим, бироқ қўл чўзсам етадиган масофада ўтирган қиз менга қиё боқишни ҳам эп кўрмади, кузатувда давом этдим, во ажаб, таърифига тил ожиз деб шундайларни аташармикин – бу хилқат чинакамига яратганнинг ноёб мўъжизаси эди, унинг қимматбаҳо тошдан йўнилгандай қиёфаси буюк мўйқалам соҳиби Аллоҳ ато этган бутун иқтидорини ягона нуқтага жамлаб чизган шоҳ асарга менгзарди, ҳатто вақтидан эрта пешонасига саф торта бошлаган ажин излари ҳам фавқуллодда гўзаллигига ўз салбий таъсирини ўтказолмаганди, афтидан бутун борлигини бағишлаб мутолаа этаётгани – китоб қаҳрамонлари ҳаётида содир бўлаётган бахтли воқеалар таъсирида яноғига ўйнаб чиқаётган кулгучлар ажинлар сафини бешафқат тўзгитар, акс ҳолларда эса қийналишдан пешонаси тиришиб тўғри ва эгри чизиқчалар кўпаяр, қизиғи, ҳар иккала вазиятдаги ўзгаришлар унга ўзгача ҳусн ато этарди.

Мен бу гўзаллик олдида лол эдим, қаердандир қўлимга тушган заъфарон барг балдоғини тишим билан майдалашга тушгандим. Ниҳоят жисмимдаги куч ва иродани жамлаб унга мурожаат этишга қарор бердим, ҳаётимда аёл кишига шилқимлик қилиб кўрмаганим боис овозим зўр-базўр чиқди.

– Кечирасиз, қизиқарли китоб эканми?

Назаримда лабларим ҳолсиз қимирлагандек туюлди, у истамайгина китобдан бош кўтарди, бир зум вужудимга қўш ханжардек санчилган кўзларида норозилик учқунлари жилваланди, бироқ ўз кечинмаларини сўзда ифодаламади, эхтимол асабларини асрагандир ёки мендан овозини ҳам қизгангандир, ҳар ҳолда терс ўгирилиб китобнинг навбатдаги саҳифасини ағдарди, совуққон бефарқлиги ботинимга куч бағишлаб, сурбетлигимни оширди, қандай йўл билан бўлса-да уни тилга киритишга аҳдландим:

– Эшитмадингизми яхши қиз, сизга гапираяпман.

– Илтимос, мени тинч қўйинг.

Малак товуши ҳам фурсати етиб билганим – исмидек маҳзун ва маъюс эди, аммо ўша пайт мени унинг ботиний дунёси қизиқтирмас, кутилмаганда фикримни тобе этган ғаюрлик дилини парчин этишдан-да қайтмасди.

– Агар тинч қўймасам-чи, қўлингиздан нима келади?

– Ҳеч нарса, шу ўриндиқни сизга топишириб жўнаб қоламан.

Дилимни ёввойи қаҳ-қаҳа банд этди, баралла хандон отиб кулдим.

– Зўр экансиз-ку, илтимос ундай қила кўрманг, мен бечорага раҳмингиз келсин, сиз кетиб қолсангиз мен нима қиламан?

– Мендан тортиб олган ўриндиғингизда ўтираверасиз бемалол.

Хуллас, ўша одатдаги кўз кунларидан бири, ҳазонрезги боғ, хилват гўша, таниш ва қадрдон ўриндиқ... бир оз дилхиралик билан бошланган суҳбат йиллар силсиласидан зир югуриб излаганим, қарашларим ва кайфиятимга мос инсон – СЕНи кашф этиш билан якун топди. Афтидан биз бир олам – дил дунёсининг фуқаролари эдик шекилли, бир оз хаёлларга эрк бергувчи дарвешфеъллигимиз ҳам ўхшаш чиқиб колди. Мен сени шом қоронғуси тушганда эски шаҳар жин кўчалари оралаб анча манзилгача кузатдим, сен ҳали яхши таниб улгурмаган одамингга ўз турар жойингни кўрсатишни истамадингми, навбатдаги кўча бошида хайрлашишни тақлиф килдинг.

– Бўлди, буёғига ўзим кетаман, кузатиб қўйганингиз учун раҳмат!

– Шунча суҳбатлашибмизу исмингизни ҳам сурамабман.

– Бунинг нима ҳожати бор?

– Яна суҳбатингизни қўмсаб қолсам ақалли уйингизни ҳам билмайман.

– Бизни тасодиф учраштирди, тақдиримизда бор бўлса яна учрашармиз, ахир бир кунда ким неча одамларни кўраимиз, унутамиз, кўраимиз, унутамиз, инсон қисмати фақат учрашиш ва айрилишлардангина иборат, шундай экан, ҳар бир учрашувдан натижа кутмаслик керак, хайр.

Сен шу сўзларни айтиб шошилганча катта кўча бўйлаб кетдинг, мен эса қайси уйга киришингни кўриб қолиш илинжида жойимда тик қотдим, афсус, бу ниятим ҳам амалга ошмади, навбатдаги муюлишда бурилиб кўзим қарашларидан бекиндим. Бу учрашув мени батамом бошқа одамга айлантирди, ҳар куни ички бир орзиқиш билан қадрдон ўриндиқ сари борадиган бўлдим, аммо сен бедарак эдинг. Ниҳоят интилиш, изланишларим, зир югуриб қидиришларим ўз самарасини кўрсатди, орадан уч ойлар чамаси ўтиб хиёбонда заъфарон барглар эмас, изғирин-совуқ

хукмронлигини ўтказаётган қиш кунида илк учрашувимиздаги сингари қоп-қора либосда (қалин пальто кийиб олгандинг), қадрдон ўриндикда ўша олдинги ҳолатингдасидек китоб ўқиб ўтирганингни курдим.

– Хайрият, сизни топадиган кун бор экан, минг йиллардирки, шу ерга неча бор келсам-да, бир бор қорангизни кўрсатмадингиз.

Сен ҳайрат балққан кўзларингни китобдан кўтардинг.

– Ўзингизда биз фақирни бир бор эсламаган, кўриниш бермаган.

Жавобингдан сен ҳам мени излаганингни англаб қалбимда қувонч алангаланди.

– Ўша кундан буён ҳар куни бурилиб кетган кўчангиз бошига бораман, шу жойга келаман, ерга сингиб кетгандек бўлдингиз.

– Қизиқ, мен ҳам ҳар куни шу ерга келишни қанда қилганим йўқ, мана, ҳамон ўтирибман суҳбатидан баҳраманд этадиган кимсани кутиб.

– Ўша киши менман, – деб ҳайқиргум келар хиёбонни бошга кўтариб, аммо тилимни нимадир тушовлаб олгандек айланмасди.

Маҳзуна, менинг мунис малагим! Сўзамоллик қилиб сени чарчатиб қўйдим шекилли, ҳозирча хайр, қолганини кейинги мактубларда сир-лашармиз, рухсорингга зор яшаётган АБАДИЙ АЙРИЛИҚ АЗОБИНИГ!

Иккинчи мактуб

Муҳаббатим мунис малаги, Маҳзуна!

Яна хотираларинг қатини тўзғитиб, маъсума руҳингни азоблаяпман, кечир, сен ҳақингда ўйламаган ҳар оним асрга дўниб, кеча-кундузимда тайин қолмай, юрагим бу тор дунёда жой тополмай тарс ёрилиб кетгудай бўлаяпти.

Иккинчи учрашувимиз хотимасида бор иродамни жамлаб исмингни сўрашга жазм этдим.

– Исмингизни айтмасангиз кетишингизга йўл бермайман.

Сен кўзларингни пирпиратиб ғалати нарсани томоша қилаётгандек менга узоқ термулдинг.

– Шундай бўлиб қолгани яхши эмасми? Ахир биз тамом бошқа-бошқа олам одамларимиз.

– Сен ўзга сайёрадан бўлсанг билмадим, лекин мен замин фуқаросиман.

– Тўғри топдингиз, мен учар ликопчадан тушганман, шу боис баъзида кўринмас одамга айланаман.

– Ҳазиллашма, наҳот мен бечорага исмингни ҳам раво кўрмасанг!

Мен ранжиганимни кўриб маъюс тортдинг, кўнглимни оғритишни истамаётганинг қиёфангдан сезилиб турарди, лабларинг майингина шивилади:

– Маҳзуна.

– Маҳзуна, жисмингга қанчалик мос ном, ўзгача бўлиши мумкин эмасдек гўё.

– Мақтовни ошириб юбордингиз, ўзларини қандай аташим керак?

– Алиқамбар, ғалати ном, шундай эмасми?

– Нега ғалати бўларкан, аксинча мусиқий экан, мозийнинг қат-қатидан чиқиб келгандек.

– Раҳмат, ҳалигача бирон кимса исмимни бунчалик таърифламаганди, эшитганлар алмисоқдан қолган экан деб мазах қилишарди.

– Исмнинг қадрига етиш учун мазмунини шарҳлай билиш керак, ўша одамларингиз шугина оддий ҳақиқатни идрок этишолмас экан.

Сенинг ҳар бир каломинг қалбим кемтикларини тўлдирар, дилим яраларига малҳам қўяр, шу боис гапингни бўлиб фикр билдиришга ҳам журъат этолмасдим.

– Мана, танишиб ҳам олдик, энди жавоб берарсиз?

– Эртага келасизми?

Қувончдан гоҳ сизлаб, гоҳ сенсираб мурожаат қилаётганимнинг ҳам фаҳмига етадиган ҳолатда эмас эдим.

– Билмадим, эҳтимол бу сўнги учрашувимиздир, учар ликопчамда ўзга манзилга йўл оларман.

– Бу ер-чи, мен нима қиламан, ким билан дардлашаман?

– Шу ўриндиқнинг боқий соҳиби бўлиб, бахтли онларимизни эслаб ўтираверасиз.

– Мен билан қолишингга нима тўсқинлик қилади?

– Ҳеч нарса. Фақат сиз ҳақдаги хотираларим ширинлигича қолишини истайман, негаки, кимлигимни билиб олганингиздан кейин барибир мендан юз ўгиришингиз аниқ.

– Асло, қалбим кўринмас ришталар билан сенга боғланиб қолган.

– Гапирманг, – шоша-пиша қўлларинг билан оғзимни беркитмоқчи бўлдинг, – мени севишга ҳақингиз йўқ, тушунаяпсизми, ҳақингиз йўқ, хаёлингиздан чиқаринг бу ахмақона фикрни.

– Нега ахмақона бўларкин? Астойдил гапираяпман.

– Мен билан ҳаётини боғлаган киши ҳеч қачон бахтли бўлолмайди, қора ўтмишим таъқиб этиб бир умр афсус-надоматда яшайди. Мен айниқса сизга бу қисматни сира раво кўрмайман, ахир мен насл-насабининг тайини йўқ ташландиқман.

– Деярли қисматдош эканмиз, мен ҳам ота-онамни ҳатто хотирлай олмайман.

– Сизнинг йўригингиз бошқа, мени ҳатто ўз ота-онам ҳам болам дейишдан орланишган, гуноҳдан яралган кимсани ким ўзига яқин тутарди. Ҳатто кейинги ҳаётим ҳам фақат гуноҳдангина иборат бўлган, энди тушунгандирсиз?

Бу хабар юрагимга ханжардек санчилди, насл-насабининг тайини бўлмаган, бунинг устига иффатини бой берган аёл билан бир ёстиққа бош қўйиш учун ботинимдаги «мен»ни беомон мухорабада енгишимга тўғри келарди. Ўша кун бўшашибгина ётоқхонамга қайтдим, дилим илтижоли инграрди: «Наҳот шундай гўзал қиз чорасизлик домиди, эй Яратган эгам, нега уни менга дуч келтирдинг, осий бандангни нега шунчалик оғир синов чиғириқларидан ўтказишга азм этдинг?» Шу ўйда дил дунёим зулумотга айланди, шу фурсатгача вужудимни қамраб олган ўқиш-изланиш истаги ҳам тумандек тарқади, шусиз ҳам файзини йўқотган ҳаётимда маъно-мазмун қолмади, энди менга ҳамхоналаримнинг далдаси ҳам татимас, эртадан кечгача намчил тортган рутубатли кўрпамни тарк этолмас, оёғимдан мадор қочиб ўзимни балчиқ иси жисм-жонигача ўрнашган кишидек лаҳас сезардим, кўз унгимдан сенинг гўзал ва бетимсол чеҳранг, синовчан нигоҳинг бир дақиқа булсин нари кетмасди. Билмадим, неча кун ва тун шу алфозда

ётдим, қай кундир вужудимга енгиллик аралашгандек бўлди, батамом ботинимдаги «мен» амрига буйсўнган оёқларим итоаткор алфозда зил-замбил жуссамни кўтариб қадрдон хиёбон сари олиб бораётганини элас-элас сезиб ўзимга келдим. Не кўз билан кўрайки, иковимиз учун бу куҳна дунёдаги энг азиз гўша бўлиб қолган ўриндикда сен мунғайиб ўтирардинг. Чарос кўзларинг ниманидир, кимнидир излаётгандек теварак-атрофга жавдираб боқар, хиёбондан ўтиб қайтаётган одамлар орасидан ўзи қидираётган кишини тополмагани боис маъюслашарди. Мен узоқ муддат хилват бурчақдан сени кузатиб, кўзим соғинчини қондирдим. Энди ҳар куни сездирмасдан сени кузатиш энг севимли овунчимга дўниб қолганди, қани эди бутун умрим шу севимли машғулотга сарф бўлса, бироқ ботинимдаги «мен»: «Бор, юзини кафтинг орасига олиб, кўзи уммонига ғарқ бўл, агар у умидини ўзим кетиб қолса ҳеч қачон тополмайсан, умринг изтироблар оғушида ўтади», деб амр этарди, мен бу кўрсатмани бажармаслик чорасини тополмас, сендан айрилиб қолишдан кўрқар эдим.

– Келдингизми? – майингина шивирладинг сен, интизорликдан чуқур ботган кўзларингда қувонч учқунлаб.

– Келдим, сира кетмайдиган бўлиб келдим, билсам сенсиз ҳаётимда файз қолмас экан.

Узоқ айрилиқдан сўнгги учрашув, чекинган ҳижрон онлари, сидқидилдан айтган дил изҳорларим сени қувонтирар деб ўйлагандим, аксинча, чеҳранга маъюслик чизгиларини кўрдим.

– Мен сизни маза-матрасиз ҳаётимга буткул олиб кирмоқчи эмасман, онда-сонда бир йўқлаб, дилбар суҳбатингиздан баҳраманд этсангиз кифоя.

Биз бир-биримизга термулганча жим қолдик, бир оздан сўнг сен орадаги қарашлар савашига дўнган сукунатни бузиб кутилмаган саволни бердинг:

– Айтинг-чи, сизнинг назарингизда кўнгил нима, нега у айнан инсон зотигагина иноят этилган?

Сирли саволингга жавоб тополмай ожизликдан зир қақшадим, сўзларим пайдар-пай чиқди:

– Нима десам экан, сирли нарса эканлиги аниқ, аммо ҳалигача бирон кимса қўли билан ушлаб кўрмаган, шакл-шамойилини тасаввур қилолмаган, мавжуд эканлигини инкор этолмагани ҳам аён...

Туткунликка тушганимдан буён ўша мулоҳазаларингни бот-бот эслайман, билсам номаълум йўллардан юришга ишқибоз экансан, эҳтимол ўз дунёнгни ўзинг ва ўзгалардан қизганиб яшаётганинг иккимизнинг тақдир сўқмоқларимизни туташтиргандир. Бу ҳақда яна такрор ва такрор сўз юритишдан ўзимни тўхтатолмайман, ҳозирча эса ҳар иккаламиз учун энг мақбул йўл бир оз хотиралар исканжасидан чиқиб, руҳиятимизга ором бағишлаш, умрбод сенинг висолингга талпиниб яшовчи АЛИҚАМБАР!

Учинчи мактуб

Маҳзуна!

Менинг мунис малагим!

Изн бер, ғойибона бўлса-да, бир гал, ягона маротаба саволга тутиш, фикр билдириш навбати менга етсин:

– Айт, гўлим, хиёнат нима, сен унинг тахир мевасидан тотиб кўрганмисан?

Рости, сен билан юзма-юз турганимда бу жўн савол билан дилингни оғритишга, бошингни қотиришга зинқор-базинқор журъат этолмаган бўлардим, ахир, кўксинг ичра қафасдаги тутқун кушчадек потирлаётган мўъжазгина эт – юрак фанога илк ташлаган одимларингданоқ хиёнатдан зардобга дўнганини дил дардларингни инонганинг – мен билмасам бошқа ким биларди. Биргина ташландиқ деган тамға кишига қанчалик изтироб бағишлашини сенинг пешонангга эртачи уя қурган ажинлар англадиб турибдики, шундай вазиятда ноўрин савол бериб дил яраларингни тирнашимга ҳожат бормиди? Шу боис ғойибона саволимга ўзим жавоб топишга уринаяпман, ахир менинг ҳам кўнгил фуқароси бўлишга заррача ҳаққим бордир?

Инсонни тизгинлаб олиш учун қалбига ишқ оловини қалаш, ёлғизим, яғонам деб биладиган кишисига айланиш кифоя экан, сен ўз ташрифинг билан қалбимдаги энг катта бўшлиқни тўлдирганинг, тун чодирини йиғиб шафақ шуълаланиши билан ҳузурингга ошиқиш кундалик севимли машғулотимга айланди, гўё юрагимга боғланган кўринмас ришта қаерда бўлмай оёқларимни ўз итоатига буйсўндириб сенинг ҳузурингга етакларди. Мен сенинг қалбимга ташрифингни қиш қаҳратонини чекинтиришга интилган баҳорнинг борлиққа ҳукмронлик ўрнатишига қиёслардим. Айтишадими – шоирлик қисмат, сен билан учрашув менда бу кўҳна иборага шубҳа уйғотди, аслида қисмат шоирликка етакларкан. Қисматим сени менга дуч қилди, сенсиз онларимни шеърга, шеърятга ошно этди. Бир гал минг бир истиҳолада илк битикларимдан бирини севимли китобинг орасига қўйиб сенга узатдим.

Умрим сарҳадлари балки ҳисобли,
Балки таъқиб этар кўринмай ажал.
Ошкор айтмоқликка ҳаққим йўқ асли –
Муҳаббат дилимдан ситилган ғазал.
Абад талпинганим сенинг висолинг,
Тунлари уйқумни ўғирла майли.
Руҳим асир этган сенинг тимсолинг,
Истагим учратмай сени ҳеч ғамли.
Кўзингда мунг кўрсам йиғларман унсиз,
Бўзлаб чирқирайди ўзлимни ёбон.
Ҳаёт бор қувончин йўқотар сенсиз,
Дилингда бир фурсат эт мени меҳмон.
Умрим сарҳадлари балки ҳисобли,
Балки пистирмада ётгандир ажал.
Бардошим синовдан ўтказмоқ истаб
Сенга дуч этгандир тақдиру азал.

– Шоирона қалб соҳибининг бунчалик маҳзунлиги боиси нимада?
Кейинги учрашувимиздаги ушбу саволингдан англадим, битигимни сатрма-сатр ўқиб, мушоҳада юритибсан.
– Қалбим бандилиги.

– Ким экан ўша истилочи? Бунчалик бемехр, қаҳри қаттиқ бўлмасин, қалбингизни тутқунликдан бўшатсин.

– Бунинг чораси йўқ, у мени тушинишни истамаяпти.

– Тушунса-ю, ўзини гулликка солаётган бўлса-чи?

– Эртами-кеч барибир кўнглига йўл топаман.

– Бу хато йўлдан қайтинг, уни тамоман хотирангиздан учуриб ташланг.

– Буни қалбим буюрмаса-чи?

– Алдамчи ташрифларни унутган афзал, ишқ яраси оғир, кейин афсуслангандан фойда йўқ.

– Дунёдаги яккаю ягона мақсудига эришган кимса ҳеч афсусланадими?

– Афсусланади, сиз талпинган кимсанинг чиркин ўтмиши қадамба-қадам таъқиб этиб хатоларни тан олдиради.

– Уни ўтмиши таъқиб этмайдиган узоқ-узоқ, гап етмас манзилларга олиб кетсам-чи?

– Омонат майлларни унутинг, ҳали сизнинг йўлингизга кўз тикиб ўтирганлар сон мингта.

– У аллақачон муҳаббатим мунгли малагига дўниб улгурган бўлса-чи?

– Парво қилманг, муҳаббатингизнинг бу мунгли малаги учун абадий айрилиқ азоби кунда-шунда нарсага айланиб қолган, сиз навбатдагиси бўласиз, холос.

Шу суҳбатдан кейин сен мендан ўзингни олиб қочадиган бўлдинг, бу ҳаракатинг боис бор вужудим билан сенга талпинишим ўн карра кўчайди. Мен зўр бериб сени таъқиб этишга тушдим ва илк баҳор даракчиси Наврузи олам байрамида муддаомга эришдим, борлиқ баҳор нафасини олар, сен ҳамон ўша-ўша қора либосда сайлга чиққандинг.

– Маҳзуна, нега мендан ўзингни олиб қочасан?

Кутилмаган учрашув, таниш овоздан сесканиб тушдинг, аммо кўзларингда балқиб турган шодлик учқуни ўзинг ҳам бу учрашувни қумсаб қолганингни ошкор этарди.

– Сира ҳам, нега қочар эканман, мен ўз ҳаётимнинг чиркин кўчаларида ризқ териш билан атрофимдагиларни унутиб қўйганман, холос.

– Ундан чиқишнинг чораси йўқми?

– Асло, бу кўчанинг боши бор, ниҳояси кўринмайди.

– Менимча у кўчада қиладиган ишинг қолмади, янги ҳаётга кўниксанг бўлармиди?

– Қандай қилиб, мен учун жон қадар азиз бир кишининг ҳаётига фаҳш аралаштирибми?

Сенинг саволингга жавоб бериш учун лаб жуфтлаганимда қаердандир пайдо бўлган афтодаҳол тиланчи кампир суҳбатимизни бўлди:

– Болам, илоё бахтли бўлинглар, мен нотавонга раҳмингиз келсин, ночор одамларнинг дуоси ижобат бўлади, хайр қилинг.

Кампир тезроқ бизни холи қолдиришини истаб чўнтагимдан қўлимга илашган пулни чиқариб кафтига қўйдим, у негадир қўлимни сиқиб ушлади.

– Ҳотамтой йигит экансан, тақдирингдан фол очиб қўяй, пул бермасанг ҳам майли.

Қизиқ, бу кампир ким ўзи, фол қараш учун нега мени танлади, одатда лўли аёллар гўл одамларни лақиллатиб киссасини шилиш учун касб қилган бу ишни нега ихтиёр этди.

– Керак эмас, бизни тинч қўйинг.

– Ундай дема, ўғлим, кафтингдаги тақдир чизиқларидан ўқиганларимни ўзингга айтмасам кўнглим тинчимайди.

– Айта қолинг, бувижон, – менинг ўрнимга сен кампирга изн бердинг.

– Унга ишонма, Маҳзуна, ахмоғини бошқа ердан изласин.

– Ишончсизлик ёмон, ўғлим, – деди кампир. – Мен ҳаққа қул бандаман, фақат сени яқин келажақда катта фожиа кутаётганидан огоҳ этмоқчи эдим.

Бетгачопар ошкоралик ғижинимни келтириб, силтаб қўлимни бўшатдим.

– Машъум башорат айтсам тинглайди, фол очишимга рухсат беради деб ўйлаясизми? Кетдик, Маҳзуна, сайлни ҳам ҳаром қилишди.

Сенинг қўлингдан тортиб фолбин кампирдан узоқлашмоқчи бўлдим.

– Шошма, болам, – деди у, – бу ҳали ҳаммаси эмас, сени энг азиз билган кишинг ҳамма балолардан қутқаради, лекин...

Кампир хиёбон дарвозаси олдида навбатдаги қурбонини кутиб қолди, ортимиздан айтиб қолган сўзларига ҳам қулоқ тутишни истамадим, қадрдон ўриндикда сен кўрқувдан қалт-қалт титраганча пинжимга тикилдинг.

– Ғалати кампир экан, фолини охиригача эшитсак бўларди, гапларидан кўрқиб кетаяпман.

– Қизиқсан-да, Маҳзуна, кўчада бунақалар тўлиб-тошиб ётибди, ҳар нарсага ишонавериш нимага керак, бу воқеани унут.

Сени тинчлантиришга уринсам-да, кампирнинг хирилдоқ овози анча кунларгача қулоғим остида акс-садо бериб юрди.

– Яқин кунларда сени катта фожеа кутаяпти, фожеа кутаяпти, кутаяпти...

Мен турфа башоратлардан кўрқардим, шу боис кейинги йилларда болалаган хиёбон газеталарида эълон қилинаётган бири-иккинчисини инкор этгувчи «Мунажжимлар башорати»ни имкон қадар ўқимасликка уринардим. Инсон эртанги кунини билмагани мақбул, минг йиллардан буён шундай бўлиб келган, биргина Нострадамус деганининг башоратлари неча юз йиллардирки, одамзотни кўрқув остида сақлаб келаяпти, ҳамма нарсани кафтдаги чизиқчалардек кўриб, билиш ёлғиз Яратгангагина хос, биз ўз имкониятларимиз етмайдиган нарсани билишга чиранмаганимиз мақбул...

Маҳзуна!

Тагин хаёлларим чувалашаяпти, хотиралар қатини ағдаришга мажолим етмаяпти, мактуб орқали навбатдаги дийдорлашув фурсатимиз етгунча хайр, умрбод сенинг висолингга ташна АЛИҚАМБАР!

Тўртинчи мактуб

Ҳаётимнинг олис ва яқин ўтмишидан мўралаб турган маъсум қарашларингни сира унутолмаяпман, Маҳзуна!

Фақат Сен ва Мен, иккимизнинг фожеий муҳаббатимиз лаҳзаларини ўз ичига олган ишқ достонининг навбатдаги саҳифасини қоғозга тушириш мен учун қанчалик оғир кечаётганини ҳис қилсанг эди! Бу машъум ҳодисот содир бўлганидан жисмимни жаллод кундасида нимталашгани минг баҳя

яхшироқ эди. Эҳтимол, ўша кун ҳам ҳар иккаламиз тонгни бир амаллаб оттириб, учрашув жойига интилгандирмиз, бир-биримизга таскин бергувчи сўзларни айтишга шошилгандирмиз. Бу гал учрашувга доимий одатингга хилоф тарзда оппоқ либосда келгандинг.

– Очилиб кетибсан, кўзларимга инонгум келмаяпти, – ҳазиллашган бўлдим.

– Бугун мен азадорликдан кечишга қарор қилдим, – дединг сен жиддий тортиб.

– Шу пайтгача қора кийишинг сабабини нега яширгандинг, кимга аза тутганингни билсам бўладими?

– Бахтимга, бокиралигимга. Ўн тўрт ёшдан буён шу либосни ечмаётгандим.

– Энди йўқотган бахтингни топдингми?

– Йўқ, воқеликни ортига қайтариб бўлмайди, аммо дунёда мени англайдиган ягона киши борлигига иймон келтирдим.

– Ҳаётингнинг қолган қисмини шу инсон билан боғлай оласанми?

– Аксинча, мен у билан бир умрга ажралмас дўст бўлиб қолмоқчиман.

– Иккинчис икки жинсдан бўлсангиз, одамлар бу дўстлик ҳақида нима дейишаркин?

– Мени бошқаларнинг фикри қизиқтирмайди, фақат у таклифимга розилик берса бас.

– Розилик бермаса-чи?

– Ялинаман, оёқларига...

Негадир мулоҳазаларингни ниҳояламай жим қолдинг, сабабини билиш учун кундан-кун чирой очиб бораётган чехрангга термулдим ва кўзларингда зухурланган кўрқув аломатини курдим, сенинг олазарак нигоҳинг биз томонга заҳархандали жилмайганча яқинлашиб келаётган узун буйли, елкалари кенг, юзининг ўнг томонидаги чандиқ излари яққол кўриниб турган кишига қадалганди, беихтиёр титраб-қақшаганча ўрнингдан туриб, истиқболига қадам ташладинг, шу тобда сен гуноҳ устида қўлга тушган болақайга менгзаб кетардинг.

– Мурод ака, сиз, бу шаҳарда...

– Нима, топмайди деб ўйлаганмидинг, манжалақи, одам игна эдими тупроққа қоришиб кетса?

Бетакаллуф жавоб сени руҳан чўқтирганини нозик бир ҳиссиёт билан туйдим, аммо дабдуристан мулоқотга қўшилиш ва сенинг тарафингни олишнинг чорасини тополмасдим!

– Илтимос, четроққа чиқиб гаплашайлик, – дединг сен ҳар қандай тошюрак кимсани ҳам бир муддатга иккилантирадиган даражадаги илтижоли оҳангда.

У сени сўз билан парчин этишга чоғлангандек илтимосингни инобатга олмади.

– Ҳа, ойимча, янги жазманинг ким эканлигини билиб қолишимдан кўрқаяпсанми? Барибир эртами-куч ҳар қандай сир ошкор бўлиши тайинку, шу пайтгача кимга ўтмишидан қочиб кутулиш насиб этибди.

Сен юзингни қўлларинг билан чангаллаганча хўнграб юбординг, кейин, кейин эса чопқиллаганча биздан узоқлашдинг. Нотаниш, сени шунчалик даҳшатга туширган сирли одам эса бамайлихотир ёнимга чўқди.

– Мендан қочиб кутулолмайди бу мегажин.

Чандиқли кишининг ҳис-ҳаяжонсиз, ҳукмфармо товуши вужудимни қақшатиб, дилимда ғазаб учқунларини алангалатди.

– Нима ҳаққингиз бор бировни камситишга, нега Маҳзунани таъқиб этаяпсиз, айби нимада?

– Бунчалик куйинаяпсан, севиб қолганмисан, йигит?

– Сиздан рухсат сўрашим керак эдими?

– Ўпкангни бос, оғайни, ўзи жимитдек жонинг бор.

У хандон отиб кулди, жуссамни масхараомуз назардан ўтказди, лабига бамайлихотир сигарет қистирганча кастюм-шимининг чўнтақларини титкилаб гугурт қидирган бўлди, кейин қўлимда қачондан бери эзгилаб турган гугуртимни тортиб олди ва сигаретини тутатди:

– Неча ёшга кирдинг? – томдан тараша ташлагандек сўради.

– Йигирма учга.

– Айни ўйнаб-куладиган, даври-даврон сурадиган ёшда экансан, лекин дидингга қойил, жазман танлашда адашмабсан, Мафтуна жуда қўйдирмажон қиз-да, дарвоқе у яқинда йигирмани тўлдирди. Афсус, тоза бўлганда жуда бир-бирингизга мос жуфтлик бўлардингиз.

– Мафтуна деганингиз ким?

– Ҳозиргина пинжингга тиқилиб ўтирган манжалақи.

Шунча вақт сен билан учрашиб, ким неча соатларни бир-биримиздан ажралишни истамай ўтказган бўлсак-да, ёшингни суриштириш хаёлимга келмаганидан ажабландим, аслида бунинг нима ҳожати бор эди, муҳаббат ёш танламаслигига мозийдан истаганча мисоллар топиш мумкин, биз эса деярли тенг эканмиз.

– Сиз адашаяпсиз шекилли, унинг исми Маҳзуна, – бўшашиб эътироз билдиришга уриндим.

– Маҳзуна эканлигини мен ҳам биламан, лекин офатижон бўлгани учун биз даврамызда Мафтуна деб атаймиз, ростданам чиройли-я?

Мен жавоб беришга улгурмасдан у тагин суҳбат тизгинини қўлга олди.

– Сен ҳали ёшсан, ўка, билиб қўй, ташқи гўзаллик қоғозгулга ўхшаб одамни чалғитади, агар Мафтуна иккингиининг ёшингизга нисбатан қилган гуноҳларингиз сарҳисоб қилинганида уники юз баробар сеникини босиб тушиши аниқ.

– Бундай дейишга асосингиз борми?

У бирдан жиддийлашди, чандиқли юзини мен томон ўгирди.

– Кўраяпсанми, унинг илк гуноҳи рамзи бу, бокиралигидан мосуво этганимда шу тамғани қолдирганди, кейин у кимлар тўшагида ётмади, санаб адоғига етиш мушкул.

Юзинг-кўзинг демасдан дилингдан жой олган кишининг номини ланъат ботқоғига қориштиришса чидаб ўтириш осон бўлмас экан, аммо унинг чайир гавдаси олдида менинг жуссам бир сиқимгина бўлиб, жисмоний ўч олишга кучим етмаслиги очиқ-аён кўришиб турарди, шу боис иккимизнинг энг саодатли дамларимиз шоҳиди бўлган ўриндиқни, севимли хиёбонни ташлаб кетишдан ўзга чорам қолмаганди, шу мақсадда шахт билан ўрнимдан турганимда у шартта билагимдан ушлади.

– Ундан тезроқ қутил, ўка, сенга раҳмим келганидан айтаяпман, бир умр унинг жазманлари кулгусига қолиб, оёқости бўлгандан эсинг борида этагингни ёпганинг дуруст, шуни унутма, ҳеч қачон кўча аёлидан вафодор

хотин чиқмаган, чиқмайди ҳам, шаҳвоний нафсни қондириш бўлса бошқа гап, ҳаммага етади.

Мен унинг таъна-дашномлари, маслаҳатига қулоқ тутадиган аҳволда эмасдим, эрталабки кўтаринки кайфиятимдан асар ҳам қолмаганди, мадорсиз оёқларим зил-замбил жуссамни аранг судраб борар, кўзлаган манзилим эса мен учун ҳар бир муюлиши таниш бўлиб қолган уйинг эди, ҳар куни сени кузатганимда бир нафасда етиб борадиган масофанинг сира тугагиси келмас, йўл буйи у ёқ-буёқдан ўтиб-қайтаётган одамлар ҳам менинг ғунчалигида ховжираган муҳаббатим устидан очиқ-ошқора кулаётганга менгзарди. Бахтли дамларингда бутун борлиқ ўз қувончингга шерик бўлаётгандек, акс ҳолда – кимнингдир ханда отиши, юз – кўзидан қувонч шуълалари ёғилиб туриши ҳам сен учун эриш туюларкан. Кечинмаларим исканжасида эврилиб кўзлаган манзилимга етиб келдим, ланг очиқ дарвозадан ўтиб ётоқхонанга кирганимда кўзимга дастлаб юмшоқ кароват, унинг устида ғужанак бўлиб юзтубан ётган сен, камситилиш, хўрланишдан тўлиб-тўлиб йиғлаётганингни аён этиб титраётган елкаларинг чалинди:

– Маҳзуна, сенга нима бўлди?

Сен жавоб қайтаришни ўзингга эп кўрмадинг, гўё менинг ҳазин овозимни эшитмагандек ётавердинг.

– Садқаи кўз ёшинг Маҳзуна, у сенинг дилдан оҳ чекишинг, ўртаниб йиғлашингга арзимади.

Кейинги мурожаатимдан сўнг қаддингни ростладинг, алам тўла кўзларинг нафақат мени, балки бутун борлиқни ёкиб юборишга чоғлангандек нафрат оловини пуркарди.

– Ўзингчи, нега келдинг, яраларимга туз селиш учунми? – алам билан бақирдинг, шунчалик ғазабланган эдингки, ҳатто мени сенсираётганингни ҳам англашга ўзингда куч тополмасдинг. – Мени тинч қўясанларми – йўқ? Ҳамманг бир гўрсан, эркак зотининг ягона истаги кўзига чиройли кўринган ҳар бир аёлни тўшакка тортишдан бошқа нарса эмас, барчангдан нафратланаман, кет, қорангни кўришни ҳам истамайман.

– Кечирасан, Маҳзуна, бунчалик қаҳринг қаттиқлигини билмагандим, майли, ҳайдаётган бўлсанг кетаман, хайр!

Мен бўшашибгина эшик томон йўл олдим, мени остонада сенинг бир зумда ўзгарган илтижоли овозинг тўхтатиб қолди.

– Кетманг, Қамбар ака, энди сиз ҳам мени тарк этмоқчимисиз? – жавобимни кутмасдан ўрнингдан сакраб туриб илк бора қучоғимни тўлдирдинг, сочингдан таралаётган атиргул ҳиди димоғимни тешиб ўтди. – Қўрқаяпман, мени бу бўм-бўш ҳовлида тақдир ҳукмига ташлаб кетманг.

– Мана, ёнингдаман-ку, ҳеч нарсадан қўрқма, мен сени сира-сира ёлғиз қолдирмайман, – сенинг титраётган нозик елкаларингни силаб, сочингдан таралган ифорни тўйиб-тўйиб ҳидладим. Биз шу ҳолатда қанча вақт турдик билмадим, фақат нозик бармоқларинг билан қўлимдан тортиб бўш курсига ўтказганинг, изтироблардан иборат ўтмишингдан мен кутмаган, эшитишни истамаган ҳикояни сўзлашга тушганингни эслайман, холос. Мактубимни шу ерда тўхтатмоқчиман, ҳозирча эса юрагимни чил-парчин этган хотиралардан бир муддат халос бўлишга, тин олишга рухсат бер, азизам, сенинг абадий айрилиқ азобинг, АЛИҚАМБАР!

Бешинчи мактуб

Салом, малагим!

Хиёнатдан яраланган қалбинг изтиробларини нега бу қадар ошкор этдинг!?

Ёки мени шу чиркин таассуротлар кўмагида тоблашни, ўзингдан бездиришни кўзлаганмидинг?

Шунча бахтдан масрур онларимиз мобайнида қурган узундан-узок суҳбатларимиз асносида қалбим бу – фано чорраҳаларида зир югуриб топган малагини ягона хотира қутқуси билан ташлаб кетишга куни қолмаслигини наҳот англамагандинг?

Сен нафрат уйғотишини кутган ҳикоя мени кўринмас ришталар билан сенга янада мустаҳкам боғлашини, гуноҳлардан фориф тимсол яратишини билмаганмидинг?

Хуллас, сен ўтмишингни хотира элагидан ўтказа бошладинг, мен эса сурувига эргашолмаган ярадор оху, эркини йўқотган занжирбанд шер янглиг маҳзун ва маъсум ҳикоя гирдобида тўлғонардим.

– Ота-онамни эслолмайман. Мен, ҳали ёлғон дунё сабоқларидан етарлича таълим олмаган қизалоқ, меҳрибонлик уйи кичик гуруҳ тарбияланувчиси чоғимдаёқ кўпчилик ҳуснимга маҳлиё эканлигини англаган, исмимни эркаловчи қўшимчалар билан аташларига кўникиб қолган эдим, масалан кўйидагича:

– Ўзимнинг дилбар қизалоғим!

– Чарос кўзларингдан ўргулиб кетай!

Маҳзуна деган ном эса эндигина ўн ёшни тўлдирганимда бандаликни бажо келтирган, барча қатори менга ҳам онамдек меҳрибон, туғишганимдан аъло мудира опадан ёдгорлик бўлиб ҳужжатларимга зарб этилганди. Бир гал мудира опанинг катта тарбиячига:

– Умрим бино бўлиб бу қадар гўзал ва маҳзун чехрани кўрмаганман, тўғри, гудакларнинг ҳаммаси кўзга яқин бўлади, аммо бу қиз бошқача, – деганини эшитгандим.

Ота-онам меҳру муҳаббатидан баҳраманд бўлиш болалик дунёмнинг ягона ва ўшалмас армонига айланган бўлса-да, ҳусним ва ёқимтойлигим эвазига меҳрибонлик уйи эркатойига дўнганим боис ўксиниш нималигини билмай улғаяётгандим, ўзимга кўрсатилаётган мурувватдан рағбат олиб жамики инсон зотига ишонч кўзи билан қарашга батамом одатлангандим. Сиз бугун хиёбонда кўрган Мурод ака, беғубор болалик дунёмнинг шафқатсиз қотили, одамларга бўлган ишончимни паймол этган кимса бизда мусиқа раҳбари бўлиб ишларди. У ҳақда кўпинча тарбиячилар бурчак-бурчакдан ғаламис гапларни болалатганини билардим, аммо нафосат оламига ишқибозлигим сабабли бўш вақтларимни шу кишининг қўл остидаги тўгарак машғулотларига сарфлардим. Ширали овозим, куй оҳангига майин рақсга тушиш иқтидорим эвазига:

– Ўзимизнинг бўлажак Юлдуз!

– Бизнинг Қизлархон! – деган мақтовларга сазовор бўлгандим.

Эндигина ўн тўрт ёшимни қаршилаган йилим талантлар куриктанловининг вилоят босқичида «Танавор» рақсини ижро этиб фаҳрли биринчи ўринни эгалладим. Кейин ўзимни дунёдаги энг бахтли инсонлардан

бири чоғлаб танловнинг якунловчи боскичига ҳозирлик кўрдим. Якуний босқич ўтадиган санага бир ойлар чамаси қолганда барча иштирокчилар Тошкентга бориб малакали мутахассислар кўмагида тайёргарлик кўриши лозимлигини, танлов тўғридан-тўғри «ойнаи жаҳон»да олиб берилишини айтишди. Сафар чоғида Мурод ака устоз сифатида йўлбошчим бўлди.

– Мени айтди деявер, Мафтуна (у киши негадир мени шундай атарди, ўшанда бу ном лақабим бўлиб қолишини ҳали билмасдим), бу ёғида ҳам сенга тенг келадигани топилмайди, бошда раққоса, сўнгра кўшиқчиликка ўтиб эстрада олами юлдузи, Худо ёрлакаб катта санъаткор бўлиб кетганинда биз бечораларни унутмасан.

– Сизни бир умр унутмайман, отамдек ардоқлайман (Аллоҳнинг фаришталари яхши ва ёмон тилақларнинг барчасига овмин дейишар экан шекилли, мана, уни эслаяпман, унутолмаяпман, унутолмасам керак).

Мурод ака марказдан олисда яшаса-да, унча-мунча таниқли санъаткор бўлгани (ҳар ҳолда «ойнаи жаҳон»да тез-тез кўриниш бериб турарди) учун пойтахтда таниш-билишлари кўп экан, бир ой мобайнида манман деган рақс усталарининг маслаҳатидан баҳраманд бўлдим, улар ҳар бир ҳаракатимни минг бора синов чиғириғидан ўтказишди, кўпинча машғулотлардан ҳориб-чарчаб чиқсам-да кайфиятим кўтаринки эди, мен ғолибликка ўзимни руҳан ва жисмонан тайёрлаб бораётгандим. Танлов бошланиш арафасида Мурод ака темир йўлчилар санъат саройига тўпланган ҳакамлар ҳайъатининг нуфузли аъзоларидан, оврупача русумда ярим-яланғоч кийинган, «ойнаи жаҳон» орқали таниш бўлиб қолган ўрта ёшлардаги қош-киприги терилиб, бетига турлича бўёқларни аямай чаплаб олган раққоса жувон олдига мени етаклаб борди.

– Мана сизга мақтаган шогирдим, озгина мадат берсангиз бас, танловнинг биринчи рақамли қаҳрамонига айланишига шубҳа йўқ.

Раққоса жувон ноёб буюмни томоша қилаётгандек мени бошдан-оёқ синчков назаридан ўтказди.

– Муродчик, дидингга қойилман, бундай ҳурилиқони қаердан топдинг, раққоса учун энг муҳими ҳусн, халқ эътирофи, обрў, шон-шуҳратга табиат ато этган чирой, толчивиқдек сумбат орқали эришилади, ҳаммаси яхши бўлишига ваъда бераман.

Танлов бошланди, бирин-кетин турли вилоятлардан келган иштирокчилар ўз иқтидорларини намоиш этишди, ниҳоят, залга ўрнатилган овозкўчайтиргичлар орқали менинг номимни эълон қилишди, саҳнага чиқиб келаяпману ҳаяжондан вужудимга қалтироқ аралашади, оёқларимдан мадор қочиб тиззалаб олгум келади, йирик зални тўлдирган, томошабинлар, ҳар бир ҳаракатимни назардан қочирмаётган ҳакамларнинг синчков нигоҳини туяман. Илк ҳаракатларим суст чиққандек туюлди ва аста-секин ҳаммаси жойига тушди, гўё залда ҳеч ким қолмаган, мен ва мусиқа юзмаюз тургандек эдик, самовий оққушлардек оёқ олишим енгиллашди, рақс тугагандан сўнг ҳам анча вақтгача ўзимга келолмадим, фақат гулдурос қарсақлар қучоғимни тўлдирётган гулдасталар мени хаёлот аршидан туширди, мухлислар ўринларидан туриб олқишлашарди. Халқ рақслари энг моҳир ижрочиси йўналиши бўйича олий мукофотга номзодим лойиқ топилганини эълон қилишганида қувончдан юрагим бўғзимга тикилгандек туюлди, янги юлдузнинг кашф этилишини интиқлик билан кутиб, вақт ўтиб бошқаси чиққанда уни унутишга қодир мухлислар атрофимни қуршаб

олишди, доимо ҳозир нозир сураткашлар турли кўринишда расмимни адабиятга муҳрлашди, эҳтимол улардан айримлари шу куниёқ нашр этилаётган юзлаб хиёбон газеталари, журналларнинг зарварақларини безар, мен бунга ўйламас, қутилмаган зафардан масрур ва мамнун эдим.

– Муродчик, шогирдинга гап йўқ, ҳатто салгина кўллаб юборишимга ҳам ҳожат қолмади, астойдил изланса рақсимиз осмонининг ёрқин юлдузи бўлиши аниқ, – деди танлов олдидан учрашганимиз, раққоса жувон. – Дарвоқе, кечқурун яхши уақхонимиз давраси бор, бугунги танлов ғолибларидан ҳам икки-учтаси борадиган бўлишди, шогирдинг икковингиз қолиб кетманглар, ҳақиқий синов ўша ерда бўлади.

– Сиз таклиф этасизу биз бормаё ўлибмизми, албатта қатнашамиз, лекин бундан кейин Мафтунга ўзингиз устозлик қилсангиз бўларди, – деди тилёғламалик билан Мурод ака.

– Шундай шогирд топилади-ю, мен рад этаманми, ўқишини тугатсин, ўзим қанотим остига оламан, – жилмайиб жавоб қайтарди раққоса жувон. Аммо ўшанда мен бу мулоқотларнинг ҳаммасини самимий деб қабул қилгандим, туб моҳиятини эса йиллар ўтиб англадим.

Қуёш қорайган палла меҳмонхонадан чиқиб санъаткорлар гурунгига йўл олдик.

– Мафтун, уятчанликни йиғиштир, санъат аҳли очиқ бўлади, – маслаҳат берди Мурод ака йўл-йўлакай. – Рақсга тортишса чиқ, катта саҳналарга йўл шундай давралардан бошланади.

Эҳ, бу даврада кўрганларимни мен айтмай, сиз эшитманг, «ойнаи жаҳон»да суянчиқлари ёрдамида бир-икки кўриниш берган кўшиқчилар, ярим-яланғоч раққосалар ўзларини сал кам санъат олами даҳоларидек тутишар, шароб тўла шишалар бўшагани сайин уларнинг гап-гурунгидан файз кўтарилиб, бачканалашиб боришарди. Бир-бирини авраётгани қайси, жуфт бўлиб қаергадир кетиб келишаётгани қайси, ажратиб бўлмасди. Улар тортинчоклигим, даврага кўшилолмайд турганимдан бошда «ёввойи» деб ошқора кулишган бўлса, сўнгра ўзларидан биридек эркин муомала қилишга ўтишди. Эраклардан бири нечанчи бор таклифларга мувофиқ рақс тўшаётганимда кўйлагимнинг очиқ ёқасидан сийнабандим орасига пул қистирмокчи бўлди, мен хира йигитдан ўзимни четга олганим сайин унинг қарори қатъийлашиб борар, атрофдагилар эса қизиқарли томоша кўраётгандек қийқириб олқишлашарди:

– Бўш келма, йигит!

– Нозик жойингни асра, қизалоқ.

Томошага Мурод ака аралашмаганида нима бўлишини тасаввур этолмайман.

– Қўй, тегажақлик қилма, ҳали балоғатга етмаган гудак-ку!

Спиртли ичимликларни йигитлардан қолишмай ичиб, тез-тез лабига ғалати, узун сигарет қистирганча буруқситиб чекаётган ёшгина «давра юлдузи» кўзини сўзганча айтган гап жон-жонимдан ўтди:

– Ёшлиги қолганми, кўкрақлари лорсиллаб, етилиб қолибди-ку, фақат асовлиги учун йигитларимиз қандай бўйсундиришни билишмаяпти.

Қаҳ-қаҳага кўмилган даврани ташлаб кўчага отилдим.

– Тўхта, Мафтун, – ҳаллослаб изимдан чиқди Мурод ака, у менга етиб қўлимдан ушлади, баданимга енгил титроқ аралашгандек бўлди,

ботинимда ғалати эмраниш туйдим. – Хафа бўлма, йигит-қизлар кўпроқ отиб кўйишди шекилли, аслида улар бундай бўлишини уйлашмаганди.

– Домла, тезроқ бу ердан кетайлик, кўнглим бухузур бўлаяпти.

– Майли, кетамиз, фақат мен хайрлашиб чиқай, индамай кетиб қолиш хурматсизлик.

Тун алламаҳал бўлганида пой-пиёда меҳмонхонага етиб келдик, Мурод ака ҳаяжондан қалтираётган кўлимдан калитни олиб эшикни очди.

– Сен кириб тур, мен бир пиёла чой кўйдириб келай, чарчамаган бўлсанг озроқ гурунглашиб ўтирамыз.

Агар бу машъум тун ҳаётимга қора из солишини, «устоз» деб атаганим ғараз ниятли нопок кимса бўлиб чиқишини билганимда ўша заҳотиёқ эшикни ичкаридан тамбалаб олган, хонамга ҳеч кимни йўлатмаган бўлардим, афсус ўша онда ишонувчанлигим панд берди, бир умрлик панд. Мурод ака спорт либосида келди, қолганини гапиришга тилим бормади, тилим бормадигина эмас, бу ҳодисани эслаш кони азоб. Унинг совуқ йилтираган кўзлари, ҳирс билан ташланганида димоғимга урилган бадбуй май ҳиди, бурда-бурда бўлган кийимларим, қаршилиқ кўрсатаётганимда қаердандир кўлимга тушган пардоз қайчисини жон ҳолатда юзига санчиб олганим, жаҳл билан афтимга шапалоқ тортиб диванга отиб юборгани, жароҳатидан оққан иссиқ қон тафти – бари-бари ёдимда.

– Сен нима деб ўйлайсан, ғолиб бўлишинг учун беҳуда уринганмидим, ўтказиб кўйганинг йўқ-ку, – деб бақирарди ярамас. – Эспайсанми, бугун даврадаги йигитларнинг кўзлари еб кўйгудек бўлиб сенга қадалди, гўзаллик аёл зотининг энг мудҳиш ёғийси! Эрта ёки кеч бу гўзаллик сени хароб этиши, қурбон бўлишинг аниқ эди. Хўш, мен оғзимни очиб туришим керакмиди?

Шундай қилиб ўша мудҳиш оқшом ёрдамга чақирганларим, ялиниб-ёлворганларим фойда келтирмади, қиз бола учун муқаддас саналган, илк висол кечасига асрашим лозим бўлган бокиралигимдан ҳаёт яхши-ёмонини англаб улгурмасимдан Мосуво бўлдим, тақдирнинг кутилмаган зарбаси олдида эсанкираб қолдим, кейинги ҳаётим қандай кечишини тасаввур этолмасдим. Вилоятга қайтиш олдидан Мурод ака тақдидли оҳангда огоҳлантирди:

– Кечаги воқеани бировга айта кўрма, ўзинга ёмон бўлади, номингни тавқи-лаънатга булғашдан бошқа ҳеч нарсага эришолмайсан, жим юрсанг ўзинга яхши, барибир ит теккан қизни биров хотинликка олармиди, мени йўриғим бошқа мавридида ими-жим никоҳ ўқиттирамыз.

Маслаҳат берадиган жонкуярим йўқ, қанча бош қотирмай ўзга чора тополмадим, арз қилганимда ҳам ёвузлик қурбони бўлган мен бечорага ким ён босарди, Мурод акани танишлари илгари ҳам қанча жазолардан ҳимоялаб қолишгани аниқ, номимни оқлаб олиш, кейинги ҳаётимни салпал ўнглашнинг ягона йўли у киши қаноти остида бўлиш деган хуласага келдим. Мактабни тугатганимдан сўнг Мурод ака мени санъат билим юртига ўқишга жойлаб, кўп қаватли бинодан икки хонали уй олиб берди, лекин биз эр-хотинлардек эмас пинҳона жазманлардек яшардик, тақдиримга кўника бошлагандим. Ҳаётда ҳамма нарса ўткинчи, ҳали бахтли онларим олдинда деган ишонч қалбимни тарк этмасди.

Бир куни навбатдаги тўй даврасида қайта-қайта кўшиқ айтишимни талаб қилишди, ҳар бир чиқишимни гулдурас қарсақлар билан олқишлашди.

Техника тараққийетининг ҳозирги ҳолатида қўшиқ айтиш ортиқча қийинчилик туғдирмас, туйларда жонли ижро деганлари аллақачон урфдан чиққан, диск, мини дискларнинг бозори чаққонлашган, фақат оҳангга мослаб хиргойи қилиб турсанг бас, махсус овозкўчайтиргичлар хира товушни ҳам пардозлаб таратади.

Инсон арзимаган муваффақиятлар олдида ҳам эсанкираб қоларкан, Мурод ака иддаоларига қарамасдан бисотимдаги кўшиқларни бирин-кетин айтишга тушиб кетдим, айримларини икки-уч мартадан куйладим. Пўрим кийинган, одамларнинг муносабатидан даврада обриси баланд эканлиги кўриниб турган йигит ҳар гал саҳнага кўтарилганимда кўлимга даста-даста пул қистирди. Шу боис, айрим ҳаракатлари ошиб тушса-да, ортиқча қаршилиқ кўрсатмадим, негаки энди мен анча тажриба тўплаб, турли давраларнинг ҳадисини олиб улгургандим. Тун ярмидан оғиб тарқаганида Мурод аканинг мошинаси ёнига ҳалиги йигит келди.

– Оғайни, раққосангни бир кечага қолдириб кет, – деди у.

– Хиралиқ қилма, оғайни, бу қиз менга бегона эмас, – қаршилиқ кўрсатди Мурод ака.

– Нима бир кечада бирон нарсаси камайиб қолармиди?

Шу пайт аллаким Мурод аканинг қулоғига нималарнидир шивирлади, ой ёруғида у кишининг афти ўзгариб кетганини кўрдим, тез-тез юриб менинг ёнимга келди.

– Туш, Мафтуна, нариги мошинада кетасан.

– Нега?

– Гапни кўп айлантирмай айтганимни бажар, акс ҳолда чатоқ.

– Бормайман, ярим кеча бегона жойда нима қиламан?

– Нима қилишингни боргандан кейин биласан.

Очиғи, ҳалигача ўзимни Мурод аканинг норасмий бўлса ҳам хотиниман деб овулардим, унга бўлган ишонч кўзимни кўр қилган, оиласи, болачақаси борлигини ўйламасдим. Ўша куни ишонганим башараси очилди, у кўра-била туриб мени бировнинг тўшагига итарди, қўшмачилиқ қилди.

– Нега бундай қилдингиз? – дедим эртаси куни йиғламсираб.

– Нима қилишим керак эди? – сўради у қуруққина қилиб.

– Ҳар ҳолда норасмий бўлса-да хотинингиз эдим.

– Хотиним, нима деяпсан Мафтуна, отарга чиқадингиз раққосадан хотин бўлармиди, менинг ўз оилам, бола-чақам бор. Сен мен учун ҳеч кимсан.

– Қачондан бери?

– Ўша биринчи оқшомдан бери, сен қизгина бир оғиз гапимга лаққа тушиб ўтирибсан, ўшанда алдашдан бошқа чорам йўқ эди. Агар бирон жойга арз қилганингда борми...

Шундай қилиб дунёда мен паноҳ биладиган, умид билдирадиган ҳеч нарса қолмади, охир-оқибат бу тахлитдаги ҳаётдан бешиб бир кечада хонамдаги қўлга илинадиган қимматбаҳо нимаики бўлса олиб бошим оққан томонга қочдим. Мен кўним топган макон шу шаҳар бўлди, кейинчалик ҳаётимга сиз озгина бўлса-да, мазмун бағишладингиз. Аммо бу ерда ҳам қолган умримни осуда ўтказишга йўл беришмади. Баъзида ўйлаб қоламан, наҳот ҳаёт бир издан чиқнидан сўнг уни равон йўлга киритиб бўлмаса?

Ҳикоянинг залворли юки нафақат жисмингни яғир қилган, балки руҳингни ҳам қийноққа солган, чорасизликдан эсанкираб қолгандинг, мен эса сени

овунтирадиган, дил яраларингга малхам бўладиган сўз тополмасдан қийналардим.

– Барибир уни ўлдираман, паймол бўлган бокиралигим, топталган бахтим, издан чиққан ҳаётим ҳаққи ундан ўчимни оламан, кейин бошга тушганини кўравераман, – дединг тишларингни ғижирлатиб.

Чироқ ёруғида қасос ўти ёниб турган кўзларинг, мисдан ясалган мисол қилт этган ҳаракат сезилмаётган юзингга боқиб ҳайратдан лол қолдим, шу тобда сен мен билган маъюс ва маъсум Маҳзунага сира менгзамасдинг.

– Энди кетинг, – дединг кутилмаганда овозингни кўтариб. – Мана, ҳаммасини билиб олдингиз, иккимизни боғлаб турган барча ришталар узилди, ҳар ҳолда сизда ҳам орият бордир, бировларнинг сарқити бўлган аёл билан умрингизни боғламассиз, мени холи қолдиринг.

Бутун вужудимда бўшанглик ҳис қилдим, бу ерга мени бошлаган қатъият тум-тарақай тарқалди, мулоҳазаларингни рад этишга рағбат тополмадим, муайян топшириқларнигина бажаришга мослашган темир одам янглиғ бир-бир қадам ташлаб остонагача етдим. Каловланиб турганимни кўриб олдингисидан ҳам жазавага тушиб бақирдинг:

– Нега серрайиб турибсиз? Кетинг, эркак зотини кўргани кўзим йўқ, тушундингизми!?

Сени хонангда қоронғу тун ва ёлғизлик билан юзма-юз қолдириб, кўчага отилдим, энди билсам бу менинг ҳаётда йўл қўйган энг машъум хатоим экан, у қандай оқибатларга етаклаганини кейинги мактубимда баён этарман деб сенинг АЛИҚАМБАРинг!

Олтинчи мактуб

Маҳзуна!

Ўшанда мени хонангдан ҳайдаб юборганингга қалбинг амрига бўйсунганмидинг?

Нега мен жиззакилик (эҳтимол бўшанглик) қилдим?

Барча инжиқликларингга дош бериб сен билан қолсам бўлмасмиди?

Наҳот мен айбсиз қотилингга айланган бўлсам?

Жуссамни емиришга чоғланган саволларга жавоб топишга қанчалик уринмай, улар исканжасидан қутилиб қолиш ниятида сўнгги учрашувимиз сахналарини бирма-бир эсламай, ўзимни оқлашга, денгизда қалқиб турган хасчалик важ тополмасдан дузах алангасида қоврилаяпман. Аламли ҳайқирганингдан сўнг ёлғиз қолса ҳаяжони босилар, қаҳридан тушар деган илинжда хонангни тарк этдим, қандай йўл тутишни билмай анча вақтгача тунги шаҳар осуда кўчаларида эгасини йўқотган дайди итдек санғиб, ўзим билан ўзим беомон мухорабага киришдим. Кибрли зоҳирий «мен» тезроқ сендан юз ўгиришимни, ҳаётда ўзимга мос ҳамроҳ топиш имконияти ҳали бой берилмаганини, сенга бўлган муносабатим ўткинчи ҳавас, ташқи чиройга учиш эканлигини уқтирар, ботинимдаги «мен» эса аянчли қисматингда сенинг айбинг йўқлигини, кимнингдир истаги қурбони бўлганингни таъкидлаб, сени қабоҳат тўридан олиб чиқишга чорлар, агар бу имкониятни бой берсанг бутун умр афсус-надоматда яшайсан, дея шивирларди. Тонг палласи ботиний «мен» келтирган важлар тарозу

палласини ўз томонига ағдарди, унинг амрига буйсуниб оёғимни қўлга олганча ҳаёт қадар азиз, ҳаёт қадар бебаҳо инсон истиқомат қилаётган ҳовли сари елдим. Афсус, мен кечикибман, сен таҳдидли қарорингни амалга ошириб, Муроднинг жун босган кўкрагига пичок ботирибсан, унинг чайир қўллари сени бўғган ҳолда қотиб қолганди. Жон ҳолатда елкангдан тутиб тортқиладим, ҳар иккалангизда ҳаёт нишонаси қолмаган, баданларингиз аллақачон совиб улгурганди.

Нима қилиб қўйдинг Маҳзуна?

Қаҳринг шунчалар қаттиқ эдим, севгилим?

Бир каминг «қотил» деган аянчли тамға олиш қолганмиди?

Ҳайрат ва қўрқув оғушида ўпкам тўлиб-тўлиб йиғладим, овозим хирқираб-харқираб қолгунча йиғладим, сўнгра бирон ёзув қолдиргандирсан деган илинжда китоб-дафтарларингни титкилашга тушдим ва иккимиз неча бор биргалашиб мутола этиб, мунозарага киришишимизга сабаб бўлган «АЁЛ» қиссасининг ок саҳифаларига битган қуйидаги мактубингни топиб олдим, бу сенинг тазаррунг эди:

«Алиқамбар!

Сиз билан тақдир сўқмоқларимиз туташган кун ҳаётимдаги энг лаззатли, энг ёрқин саҳифа бўлиб қолишига шубҳам йўқ. Аммо, бу нотенг муҳаббат достонининг ибтидоси бўлгани сингари интиҳоси ҳам бўлишига сира иккиланмасдим, неча бор ўзимни алдашга чоғланмаин, сенга бўлган муҳаббатимни ошкор этишга ҳаққим бўлмагани учун очиқ-ойдин сўз юритишга журъат этолмагандим. Нафақат жисмим, балки танамдаги бир қовуч жоним ҳам ҳар бир учрашувда сизга ва фақат сизга талпиниб турганини хоин кўзларим ошкор этишидан қўрқардим. Эҳтимол, сизни илоҳ қадар улуғламаганимда ўтмишимни яширган, соддалигингиздан фойдаланиб умр ришталаримизни бириктиришга уринган бўлардим. Кейинчалик виждон азобида қийналгандан бу машъум қадамни қўймасликка қарор қилдим. Бироқ ишқ ўтида қовурилаётганингизни аниқ ҳис қилганимдан сўнг пок номингизни асраб қолишнинг ягона йўли ўзимни йўқлик дунёсига отиш деб билдим. Бахтсиз эдим, бахтсизлигимча қолай. Сиз ушбу мактубни топиб мутолаа қилаётганингизда мен ўз қароримни бажарган бўламан, кечиринг, қалбингиздан чиқишга бошқа чора тополмадим. Ўзимга чиқарган жазомни ижро этишдан олдин бутун орзу-умидларим ва бахтимни паймол этган кишини ҳам яшаш ҳуқуқидан маҳрум этмоқчиман. Бу хатти-ҳаракатимни қораламассиз, ахир, сиз менинг АБАДИЙ АЙРИЛИҚ АЗОБИМСИЗ!

Хайр, маҳшар куни жисмимиз бўлмаса-да, жонимиз висол шарбатидан маст бўлишига беадад умидлар боғлаб МУҲАББАТИНГИЗ МУНГЛИ МАЛАГИ МАҲЗУНА».

Шалвираган қўлларимдан китоб тушиб кетди, хонага бетакаллуф бостириб кирган елвизак варақларини шалдиратиб очарди.

Маҳзуна! Сен мен ўйлагандан кўра ҳам буюк ва мўътабар экансан, бевақт бақо бағрини макон тутишингда озми-кўп менинг ҳам айбим борлиги юрагимни қиймалади, шоир топиб айтганидек:

Мендан сенга ёдгорлик дея,
Парчин қалбим айладим ҳадея...

Эндиги мақсудим ягона, бутун фикри-зикрим сен орзулаган маҳшар кунини тезлаштириш бўлиб қолди. Шу ниятда хонангдаги машъум олишув изларини йўқотиб, ҳар иккалангизнинг котилингиз эканлигимни жар солдим. Хайр, азизам, агар мақсудимга эришсам висол онлари арафасида турибмиз, сенинг АЛИҚАМБАРинг»...

Дафтар шу сатрлар билан ниҳоясига етканди.

Якунловчи боб

Мухтасар қиссани бир ўтиришда машинкадан чиқардим, ортиқча хизматим сингмагани боис, минг бир истиҳолада ойнома таҳририятига олиб бордим. Муҳаррирга ёқди шекилли, навбатдаги сонда босилиб чиқди. Нотаниш бўлса-да, дил эмранишлари билан қалбимда ёрқин из қолдирган инсон руҳи олдида қарзимни ўзганимдан масрур бўлиб юрган кунларимнинг бирида тагин хонамга дафтарни келтириб берган киши бостириб кирди.

– Мана, бўларкан-ку, – деди собиқ бош назоратчи, – қисса учун раҳмат.

– Бу раҳматлар ҳам, қиссадан келадиган шон-шуҳрат ҳам ёлғиз уники бўлиши керак эди, афсус...

– Нега афсусланаёпсиз? Айтгандим-ку, унинг хоҳиши шу деб.

– Барибир ўзимни ноқулай сезаяпман.

– Қиссангизни ўқиб қанчалик севинганини кўрсангиз сира афсусланмаган бўлардингиз.

– Нима, нима дедингиз, ахир, жазо ижро этилди дегандингиз-ку?

– Баъзан хайрли иш учун ёлғон ишлатишга ҳам тўғри келаркан, ўшанда мен нафақат сизни, балки уни ҳам алдаган эдим.

– Қандай қилиб?

– Дафтардан нусха кўчиртириб терговчи йигитга ҳам бергандим.

– Кейин нима бўлди?

– Нима бўларди? Вазият бутунлай ўзгариб кетди, терговчи йигит уddaбурон экан, ҳукми бекор қилдириш учун Олий судгача ўзи югурди, иш қайта терговга қайтарилгач, Маҳзунанинг мактуби битилган китобни топиб жиноят ишига илова қилдирди. Асарингиз билан бирга ўзингиз Алиқамбарнинг халоскори бўлдингиз. Хуллас, у озодликка чиқарилди.

– Бўлмаса сизнинг ишдан кетганингиз ҳам ёлғондир?

– Йўқ, буниси рост, институтни тугатиб атиги бир йил ишлаган касбимга қайтдим – ўқитувчиман.

– Алиқамбар ҳозир қаерда?

– Қамоқдан чиқиб бизникига келганди, қиссани бирга ўқидик, сизга раҳмат айтишимни тайинлади.

– Нега бу ерга бошлаб келмадингиз?

– Хохламади, яхши кўрган кишинга, севимли ёзувчинга яқин бўлмаган мақбул экан, акс ҳолда ҳаётда сен сиғинадиган ҳеч нарса қолмас экан деди.

– Ўзи шу шаҳардами?

– Йўқ, ўтмишини эслатадиган манзилдан кегиб, боши оққан томонга кетди, ҳатто ўқишини ҳам давом эттирмади, энди уни истаган пайтимиз на мен, на сиз учрата оласиз, ҳаётини бошидан бошлашга қарор қилган.

– Яратган эгам омадини берсин.
– Дарвоқе, у сизга бир шеър қолдирганди, қиссани китоб ҳолида нашр эттирганингизда қўшиб қўяркансиз, фақат маъқул топсангиз.
Мен сирли қаҳрамонимнинг бу илтимосини ҳам инкор этолмадим, марҳамат, мана ўша шеър:

Хазонли боғлардан олганим – дармон,
Тоғларнинг тошидек бағримга ботар.
Муҳаббат – армонлар ортилган карвон,
Умримнинг уфқига жимирлаб ботар.

Дилимни тўлдирган умидмас, ғусса,
Бемажол дунёда топталган имкон.
Бўғзимда хирқироқ ортар минг ҳисса,
Муҳаббат – илинжи сўлиган инсон.

Сохта садоқатни мадор билиб мен,
Бўл оқшом кувончмас ғамдин ўйнадим,
Аламли, оғриқли дамдин ўйнадим,
Муҳаббат – сен ва мен ҳайдалган макон!..

Қиссанинг китоб вариантыга сўнги нуқтани қўйишга чоғланиб турганимда қулоғим остида хирқироқ овоз жаранглагандек бўлди, бутун диққат-эътиборимни жамлаб элас-элас эшитилаётган товушдан шуларни англадим:

– Яқин келажакда сени катта фожиа кутмоқда, бу ҳали ҳаммаси эмас, сени энг азиз билган кишинг ҳамма балолардан қутқаради, қутқаради, қутқаради...

Бу фолбин кампир овози эди, у Алиқамбар ёзғитига битилганлардан башорат келтирарди.





Яшил аҳдни тушунар шудринг



Илхом Аҳроф

* * *

Тонг отади, завқлар уйғонар,
Кўздан қочган уйқуни кўринг.
Гуллар кулиб, диллар тўлғонар,
Яшил аҳдни тушунар шудринг.

Ошиқ кўнгли баргларга кўчар,
Айлантирар майсани танга.
Қандай кулиш, қандай йиғлашни
Тонг эслатиб туради санга.

* * *

Дунё тўхтаб кулбамга бир зум,
Кулиб қўяр ҳолимдан яна.
Танлаганман йўлимни ўзим,
У не истар ўғлингдан, она?

Унга монанд шамол ҳам баъзан
Аралашар кўнгил кўйимга.
Дерезани очиб ташлайман
Қани, киргин, дея, уйимга.

Гулдондаги гулларим ранжир,
Бош тебратиб асрар ифорин.
Ўйнаса-да расмингни она,
Дейман, еллар бунчалар саррин?

Дунё тўхтаб кулбамга бир зум,
Кулиб қўяр ҳолимдан она.
Мен шамолни кузатган каби
Ўрганаман уни ҳам она.

* * *

Рухга озиқ бермоқлик ишқи
Сени бошлаб кетар дийдорга.
Суҳбат-холис, маошсиз хизмат,
Айланасан мулкисиз-мулкдорга.

Хотин ташвиш чекар кунингга,
«– Қаердасан?» – Дўстлар хўмраяр.
Фақат қадринг билган зеҳнингга
Кўнглингдаги инсон жилмаяр.

* * *

Девор бурчагига борар сурилиб,
Босиб кела бошлар уни ҳаяжон:
– Қайда қолди экан, келмайди нега,
Сўзланг, эй деворлар, нега сиз бежон?

Мен томон сурилмас иссиқ вужуди,
Қўлларим ҳавода санғир муаллақ.
Топиб бергин уни сокин дереза,
Эшиклар мен сизга қилурман қуллуқ.

Титроқ лабларимга шафқатинг шуми,
Ҳисларим уволи тутар тоабод.
Сен ҳам сотилдингми гўзал қизларга,
Сен ҳам унутдингми мени табиат?

* * *

Тонгни билган каби биласан,
Тонгни билган каби ҳаётни.
Ўзлигингга содиқ қоласан,
Кўтарсанг-да кулфат ва бахтни.

Ўсал, хаста бўлганда ҳам гоҳ
Усмон Носир ишқин асрайсан.
Ҳисобин-да, олиб бўлсин –
Кўпга не кўз билан қарайсан?

Не кўз билан, не-не фаросат,
Не каромат билан қарайсан?
Ёмон кўздан куйма бефурсат,
Бу дунёга жуда ярайсан.

Кишиларга (ҳамма тушунмас),
Кишиларга фақат сен керак.
Мен-чи, сенга ўзини билмас
Одамларни тилайман, юрак.

* * *

Менга бепарводай туюлар осмон,
Замин борлигимни сезмагансимон.

Тоғларда толаман, сойдан қонаман,
Оловим ичимда, ўзим ёнаман.

Дўст қўли қўлимдан тафт олар озроқ.
Дейман, манзил қани, етайин тезроқ?

Ёр кўнгли мендаги сойда чўмилар,
Мендаги ёмғирдан гулга кўмилар.

Менга бепарводай туюлар осмон,
Замин борлигимни сезмагансимон.

* * *

Уйғониб қарайман кечаларга, мен,
Рухимни пуллайман нечаларга, мен.

Кундан кўз юмаман баъзида гирён,
Ўйловсиз сўйласа елга дўст – ёрон.

Гўё кун кўрсатар, тун-чи беркитар,
Кўнгилда қолган гап яшринар баттар.

Кўнгилда қолган гап юлдуздай сирли,
Ўзидан ортмаган кундуздай сирли.

Дунёлар тўқнашар: «Ранжитган сан-ку!»
Кўнгилда қолган гап яшайди мангу!

* * *

Умрим – вафо юрган йўл,
Кўзим – ишқингга коним.
Шаъним – меҳрингга тимсол,
Кўнглим – уйингдир, жоним.

Туйганим унсиз оҳанг,
Уйим – дард топган оним.
Куйламасин тилгинанг,
Нолам – куйингдир, жоним.

Маёғимдир оқ либос,
Дийдоринг ойдин куним.
Азизам, кулдингми, бас,
Чеҳранг – тўйимдир, жоним.

* * *

Боғда
Хушбўй сўзли
Ялпиз анқийди –
Демак, бугун сени
Кимдир йўқлайди...



Кўзимда қорачиғ янглиғ Ватан тут

Зоқир Худойшукур



Йўлчиман манзилин ахтарган мустар,
Фано саҳросида кезинмоқда жон.
Кўнгилки, қуш янглиғ учмоға истар,
Ҳар дам ваҳшат солар маккор биёбон.

Бунда ўтмишларнинг аъмоли асрор,
Не жонлар кезинур нотинч арвоҳдай.
Йўлки, пойимизда хатарлар бисёр,
Кўнгил, бўлмаймизми эран – огоҳдай?

Улуғ ҳайбат билан ўтди карвонлар,
Издан кўчмишлар манзила етмиш.
Мақсуд йўлларида азиз кайвонлар,
Мисоли Наврўзким, ул Гула етмиш.

Илкима етгайму покбоз домони,
Етишсам – чекинса бу кўҳна равоқ.
Чорлаю илҳом бер, жоним жонони –
Йўлчи андишасин унутай мутлоқ.



Очун-лабга етмай тўкилган чоғир,
Ангаким, бир синиқ сополки отдир.
Айролиқ тиғидан порадира бағир,
Бул Лайли зотига улуғ уётдир.

Диёридан айро тушган ҳар бир жон,
Ёхуд сувдан чиққан балиқ ўлмайми?
Ҳар фармон измингда, яна бир фармон,
Дил лабига шароб тутсанг бўлмайми?

Қатра тутган билан битарми уммон,
Ул маъшуқ эмасдур илтифот-е йўқ.
Куффора эврилиб борадур даврон –
Афсонаси бордур, вале, зот-е йўқ.

Кўзимда қорачиғ янглиғ ватан тут,
Асотирлар ўлсин – ҳақиқат пайдо.
Хоҳласанг бўлакла, хоҳла бир тан тут,
Барибир, шайдоман, шайдоман, шайдо.



Қани дўстга дўст бўлсам ман,
Ўзимдан минг маломат бор.
Ишқдин ичсам, маст бўлсам ман,
На тун-кунда ҳаловат бор.
Ўздан турли фарёд этсам –
Ҳануз манда залолат бор.
Нафс қасрини барбод этсам –
На сабру на қаноат бор.
Қаён йиғлаб, қаён боргум,
На манда бир итоат бор.
Аён боргум, аён боргум,
Вале, на бир ишорат бор.
Ишоратни дилга индир,
Кўрурсан – зўр каромат бор.
Ишқ отина мани миндир –
Етушгайман – кафолат бор.



Қалбим ул зим-зиё тунларга тутош,
Домонга дун гарди қотиб борадур.
Оташ бер, оташ бер, бир ўтлиғ оташ,
Дамларим бемаъно кетиб борадур.

Олов тилларида маънолар инсин,
Комрон бўлмишлар-ку, ахир, сўзонлар.
Қалбимни забт этган раънолар тинсин,
Кимга гиря этди шунча азонлар?

Дилимни ўчоқ эт, очунни ўтин,
Оташ пурка сўнгра итобинг билан.
Эриб-эриб қолсин жавоҳири чин –
Ўлайн, учмасам хитобинг билан.

Бундан кўчарману шаксиз учарман,
Бу бошмас, садқадир мингта бўлса бош.
Остонанг гардини суйиб кучарман,
Оташ бер, оташ бер, оташ бер, оташ.



Сайддирман, давворки, домин ташламиш,
Жоним талошида гирёна тушдим.
Қайски, зарра ишқдин номин ташламиш,
Нуктасин билай деб уйғона тушдим.

Хуш эврилиб офлок, етушса даврон,
Жамшиднинг базмидин базмим ўткурсам.
Теграмда ўргулса ваҳшатли арслон,
Мажнуний шаробни лабга еткурсам.

Тўфон кўпса гумроҳ бу жаҳонимда,
Қалқисам, омонлик топсам Нуҳ мисол.
Сўнгра жаҳон жамдир пок домонимда,
Бўхронларни энгиб келур ҳур висол.

Висол-о, йўлингда гирёнлигим бор,
Боққил, собитлар дун комин ташламиш.
Кимга вафо этмиш бу кўҳна даввор,
Очун – жом, тутганлар жомин ташламиш.



Илм фикрнинг хос меvasидир. Агар қалбда илм хосил бўлса, холати ўзгаради, холати ўзгарса, аъзоларнинг амали ўзгаради. Бас, амал холатга, холат илмга, илм фикрга тобеъдир.

Абу Ҳомид ал-Ғаззолий

— —

Илмни амал учун ўрганишлар. Аксар одамлар илмлари тоғдек, амаллари заррадек бўлиб қолиб, янглишишади.

Иброҳим Адҳам



Эгамберди Үроқов



ОРИЯТ

Ҳикоя



Ўша куни Ҳамза раис Тўлқинни ёллади, ўзи чўбир отини миниб юрди, Тўлқин улоқни даст кўтариб олганини, тўдани қиличдай ёриб олға интилганини кўриб: «Яшавар!» деб ҳайқирганини сезмай қолди. Ҳамза раис ичини ит тирнар, тезроқ, тезроқ, деб ўзича Тўлқинни қистарди. Яна бир неча сониялардан кейин самани улоқни маррага келтириб ташлайди-ю, номи тилларда дoston бўлади. Унга фақат шу керак.

Маррага яқин қолганда қурисойлик Абдир, Амет ва Дувлат полвонлар Тўлқинни қувиб етишди. Абдир полвон улоққа бургутдек чанг солди. Чинакам тортишув бўлди. Марра рўпарасида улоқ каптоқдек юмалаб тушди. Ҳамза раис Тўлқин ғалабасига аниқ ишонганди, аммо жарчи улоқни Абдир полвон олдошмонлик Шерқулбой оти билан ташлади, деб эълон қилди. Ана шунда бошига биров гурзи билан ургандек гандираклаб, кўзи тиниб кетди.

– Э отанга балли, азамат! – деб кекирдагига зўр берди Тўра жиртаки. – Иш бундай бўптида! Одамлар тулпорини қантариб ётипти солим оламан деб!

Тўра жиртаки кесатиғи Ҳамза раиснинг жонжонидан ўтиб кетди, шартта ўрнидан туриб ёқасидан бўғмоқчи, қувиғига тепиб аламини олмоқчи бўлди-ю, тағин ўзини босди. «Келиб-келиб шу муттаҳам билан тенг бўламанми, – деди ўзига ўзи, – у киму мен ким?»

Кўпкаридан кайфияти бузилиб қайтди. Отни боғлади-да, тўғри меҳмонхонага кириб кетди. Совутгичдан ароқ олиб икки пиёлани босиб-босиб ичди. Бадани қизиб боши айлангандек бўлди, лекин барибир алами аримади. Ўзини диванга ташлаб чуқур уф тортди, оғзидан тутун чиқиб кетгиндек бўлди. Чиққанда ҳам куйдириб, тирнаб чиқдики, анча вақтгача илондек тўлғаниб

ётди. Қанча ётганини билмайди, бир вақт ўғли Раҳим эшиқдан мўралаб, кайфияти йўклигини билди ва кўнглини кўтариб қўйди.

– Хафа бўлманг, ота, ўзингиз айтгандай яхши от кейин чопади! Худо хохласа саман Баҳодир буғалтер тўйида солимининг олдини олади!

– Уни ким чопади? Чопадиган мард борми? Биттаси менми? Э солимининг ҳам падарига ланъат! Мен солим учун талашаётганим йўқ!

Чиндан Ҳамза раисни солим қизиқтирмасди. Фақат кўпқари куни оти бир-икки бор улоқни узибчиқса бўлди. Номи жамоа олдида тилга олинса бас. Ажойиб тулпорлари борлигини бутун улус билади. Тўра жиртаки боя шунга шама қилганди. Унинг бойлиги, мол-дунёси ўзига етарли. Ақча топиш унга чўт эмас, қўша қўша машина, кўзни қамаштирувчи дангиллама уйлар, кўра-кўра қўй, балиқдек семиз қорамоллар – ҳамма-ҳаммаси бор, фақат бир нарса кам...

Яхши от жону дили, ҳар қандай меҳмонни ҳар қандай зарур ишни кўпқари куни унутади. Дарагини эшитса бас – етиб боради. Афсуски, юлдузни урадиган отларини минадиган муносиб чавандоз топилмаётир.

Ҳамза раис биринчи хотини Ҳалима билан ажрашиб кетган. Ўғил туғмагани учун икки қизи билан қўйиб юборган. Энди афсусда. Иккинчи хотини битта ўғил туғди-ю, бошқа туғмади. Раҳим чавандоз бўлишини хохлаганди, бироқ у отга қизиқмади. Нима эмиш, от ҳиди ёқмасмиш, олдига борса кўнгли айнирмиш. Нодон бола от гаштини билмайди-да. Билганда ўзига ўхшаб бедов совиган ёки совимаганини билиш учун терисини ялаб кўрадиган бўларди-я!

Ҳамза раис ўғлини зўрламади, майли, вақти келиб, кизиқиб колар, деган ўйда ўзи билан кўпқариларга олиб юрди. Йўқ, ўғли эпга келмади. Унга машина бўлса, қизларни миндириб юриш бўлса бас. Охир-оқибат Раҳим Тожибой полвон қизини бузиб қўйди. Тожибой полвон саманни унча-мунча миниб турарди, шуям тугади. Кейин икки ўртада адоват бошланди. Полвон шикоят қилиб у ёққа чопти, бу ёққа чопти – бироқ арзини ҳеч ким тингламади. Раис пулдорлик қилиб ҳамма томон оғзини ёпди.

Қурисойлик Абдир полвонни етти иқлимда танишади. Амед билан Дувлат кўл-оёғи. Агар улоқни тортиб олиш керак бўлса Амед Абдир полвон оти орқасидан ҳайдайди. Дувлат эса рақиб олдини билдирмасдан тўсади. Ўтган сафар улар Тўлқин полвондан ўлоқни шундай тортиб олишди. Учовлон бир-бирларини имо-ишора ёки ҳатти-ҳаракатларидан тушуниб олишади. Биронтаси бўлмаса ҳам кўпқарига боришмайди. Бу учовлонга кўпчилик ҳавас қилади: улар қурисойликлар фахри, тўй-маъракалар тождори. Оқтомда эса Охмурод полвон, Тўлқин полвон ва Тожибой полвон элга танилган, бироқ бирикишмайди, якка-якка чопишади. Ёлғиз отнинг эса донғи чиқавермайди. Ҳамза раис ҳамқишлоқлари нуқсонларини кейинчалик билиб қолди ва улардан ихлоси қайтди.

– Раҳим! – деб бақирди Ҳамза раис ётган жойида. Шу заҳоти ўғли кириб келди. Унинг кайфияти йўқ ёки иши юришмаган пайтлари олдига фақат ўғлигина кирар, хотини ва хизматкорлари қора бергани кўрқишарди. Ҳамза раис ҳар қандай шароитда ҳам кўзи оқу қораси бўлган ўғлини ранжитмас, унга мулоийм гапирарди.

– Лаббай, ота!

– Карим қассобни чақириб қўчқорлардан бирини сўйдир. Сўнгра Абдир, Амед ва Дувлат полвонларни чақириб кел!

– Хўп бўлади, ота!

Кечроқ уч полвон бирин-кетин кириб келди. Ҳамза раиснинг ўзи уларни эшик олдида қаршилар экан, зулмат дили ёришиб кетди.

– Қадамларингга ҳасанот! – дея ўпишиб кўришгач, уларни нозик меҳмонлар учун жиҳозланган хонага бошлаб кирди. Полвонлар қип-қизил чўғдай гиламларни кўриб остонада тўхташди.

– Абдиржон, бемалол кираверинглар, гиламлар сизлардан айлансин!

Мезбон далдасидан кейин полвонлар уст-бошларига бир-бир қараб, илгари босишга, журъат қилишди.

Хизматкорлар шу заҳоти дастурхонни ноз-неъматларга тўлдириб ташлашди. Абдир полвон бу илтифотлар нима учун қилинаётганини сезиб турар, шериклари билан тез-тез кўз уриштириб оларди. Ҳамза раис ширин сўзлар билан меҳмонлар атрофида парвона эди.

Зиёфат охирлагач Ҳамза раис, мен ҳозир, дея ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Кўп ўтмай қўлида учта тўн ва учта қоракўл телпак билан кириб келди. Оҳорли буюмлар чироқ ёруғида ярақлаб кўринар, гуё хона янада ёришиб кетгандек туюларди.

– Қани, полвон, ўрнингиздан туринг-чи!

Абдир полвон ҳайрат билан кўзғалди-да, елкасини тутди. Ҳамза раис чопонлардан бирини полвонга кийгазиб, белига шохи белбоғ боғлади, бошига телпаклардан бирини кўндирди.

– Қулли бўлсин, полвон, жуда ярашди! Яхши кунларда кийинг! – Ҳамза раис қувонч билан чапак чалди. Сўнгра қолган чопон билан телпакларни икки полвонга кийгазди.

– Қулли бўлсин, жуда ярашди!

– Бу сийлов нима учун, раис? – сўраб қолди бир маҳал Абдир полвон.

– Шу десангиз...

Ҳамза раис сал довдираб қолди ва тезда ўзини ўнглади. Раислиги қўл келди, катта-кичик йиғинларда баъзан кутилмаган саволлар тушиб қолар, бундай пайтлари раҳбарга хос чечанлик ва устамонлик билан жавоб қайтарарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

– Қурисойликлар билиб қолишса теримизга сомон тиқишади-ку, бизни боя Тўра жиртаки кўрган эди, – деди Амед полвон. Ўртага ноқулай жимлик чўқди. Чиндан агар бу меҳмондирчилик ошкор бўлса, ғовға кўтарилиши аниқ.

– Озиб-ёзиб бир илтимос қилдик, йўқ деманг, полвон, биздаям қолиб кетмас, ахир бир тоғнинг кийикларимиз-ку! Нахотки ҳурматим бўлмаса, қурисойликлар мен учун индашмас, – дея Ҳамза раис қўлини кўксига қўйди: – Қандай хизмат бўлса, мана биз тайёр!

Аслида шу ерда яшаганиндан кейин раис билан ҳисоблашишга мажбурсан, хохласанг ҳам, хохламасанг ҳам. Раис гапини қайтариб бўлмайди. Абдир полвон ҳаёлидан шу фикр ўтгач, самонни чопишга изн берди. Шундан кейин давра қизиб кетди, Ҳамза раис қизиқ-қизиқ хангомалардан сўйлаб, ҳаммани кулдириб ўтирди...



Қишнинг охирги кунлари бўлгани учун баҳор нафаси сезилиб турар, майин шабада эсарди. Майсалар ҳали кўкармаган, ер тап-тақир эди. Осмон мусаффо денгиз сувидек тиниқ, қуёш майин нур сочарди. Уфқ чеккасида тўда-тўда булут карвони қаёққадир имиллаб сузмоқда, орқадан бир парча булут сурувдан ажраган кўзидек шитоб ошиқмоқда.

Ҳамза раис кўпкарини кузатар экан, биронта улоқчи от отига ўхшамаслигини англади, уники ҳамманикидан зўр! У ҳозир кўпкарини эмас, бедовларни томоша қиларди. Кўп ўтмай сабрсизлик билан кутган лаҳзалари етиб келди: улоқ бошланди. Гурас-гурас отлар орасидан саманини дарров таниди: қуюндан қолишмасди жонивор. Абдир қамчини тишлаб олганча улоқни тақимига босиб олган, бир томонга сал қийшайиб манзил томон учиб келарди.

Шу пайт қурисойлик Мурод полвон елдай учиб Абдир полвонга етиб олди-да, икки ёнидан кўриб келаётган Амед полвон билан Дувлат полвонга алланарса деб бақирди. Ҳадемай бир нечта шериклари етиб келишди. Улар Абдир полвонни ўрашиб, улоққа бўридай ташланишди. Бир вақт Мурод полвон Абдир полвонни қамчи билан савалаб кетди. Бошқалар ҳам уни ура кетдилар. Охири Абдир полвон бошини тўсиб тўдадан ажраб чиқди. Тўғри оқтомликлар олдига борди-да, Ҳамза раис қаршисида тўхтади. Индамай отдан тушиб, жиловни тутқазди. Унинг юз-кўзи зарбалардан моматалоқ бўлиб кетган, ҳатто кўлида ҳам қизғиш излар кўринарди.

– Нима гап, полвон, тинчликми? – сўради Ҳамза раис. Абдир полвон индамади, тўрсайганча оломон орасига кириб кетди. Ҳамза раис ер ёрилмадики кириб кетса. Назарида ҳамма устидан киноя билан кулаётгандек кўринди. Қани энди кўлидан келса-ю, ҳеч кимга қарамасдан, ялинмасдан, кўкрагини ғоздай кериб ўзи улоқ чопса. Афсус... Тўғри, илгари ўзи чоларди, аммо пичоғи мой устида бўлиб қолгач, семириб кетиб энгашолмай қолди. Бир кўпкарида улоққа энгашаман деб орқасидан дам чиқиб кетди. Бу овозни от дупурида ўзидан бошқа ҳеч ким пайқамади, аммо ўзидан ўтганини ўзи билиб, бошқа кўпкари чопмай қўйди.

Кўпкари қизигандан қизиб борарди. Қурисойлик мухлисларнинг қувончли ҳайқириғи тез-тез эшитилар, Ҳамза раис эса бошини ҳам килганча ерга қараб турарди. У ҳозир одамлар кўзига қарашдан қўрқар, тўполондан ситилиб чиқиш йўлини изларди. Ахир қамчи остида қолган Абдир полвон чакана одамми, ҳурмати раисникидан юқори бўлса юқорики, кам эмас. Ҳаммадан ҳам тумандан келган раҳбарлар олдида ўсал бўлди. Энди улар нима деб ўйлашади?

Яна қурисойлик мухлислар ҳайқириғи янгради, нимадир Ҳамза раис юрагига наштардек қадалди, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Бор-э деб жўнавормоқчи бўлди-ю, бироқ меҳмонлардан уялди. Бу ерда фақат соясигина тебраниб турарди. Кимдир чақиргандек бўлди, қараса, Тожибой полвон.

- Ассолому алайкум, раис?
- Валайкум ассалом, полвон!
- Раис бова, малол келмаса отингизни берсангиз, бир чопсам!
- Майли, полвон, майли, бош устига!

Ҳамза раисга жон киргандек бўлди. Тўсатдан қалбида қуёш чараклаб, боядан бери вужудини қурғошиндек эзаётган қора булутлар тарқаб кетди. Сал нарида турган ўғли шу заҳоти саманни Тожибой полвонга ўнглади. Тожибой полвон жиловни ушлар-ушламас сакраб эгарга миңди-да, отни кўпкарига солди. Охмурод полвон билан Тўлқин полвон орқасидан елиб қолишди.

– Илоё йигит пирлари кўллаб-қувватлаб юрсин, овмин!

Кўп ўтмай Тожибой полвон тўдани иккига бўлиб, улоқ билан чиқиб келди. У жиловни қўйиб юборган, жон-жаҳди билан кучаниб улоқни тақимиға янада маҳкамроқ тортарди. Пешонасидан тер селдай оқарди. Полвон ҳозир гина-қудратни унутган, ортида бутун бошли қишлоқ умид кўзларини тикиб турганини биларди. Илгари қизи учун раисдан аламини олмоқчи бўлиб юрарди. Бундай ўйлаб қараса, ўз орияти уруғ-аймоқ орияти олдида майда, арзимас нарса экан. Ҳозир унинг учун ҳамқишлоқлари ишончини қозонишдан ортиқ бахт йўқ эди.

Ҳамза раис қоплондек елаётган саманини бутун вужуди билан кутиб турарди, э Худо, ўзинг мадад бер, шарманда қилма, деб қайта-қайта илтижо қиларди. Ниҳоят Тожибой полвон улоқни маррага ташлаганинг аниқ кўрди. Жарчи карнайдан ғолибни ва от эгаси номини эълон қилди.

Шу заҳоти оқтомлик мухлисларнинг қувончли олқишлари оламини тутиб кетди.

– Э худо, борлигинг рост экан! Дунёда ҳақиқат борлиги рост экан, хайрият, хайрият! – Назарида ҳамма Ҳамза раисга ҳавас билан қараётгандек туюлди. Тумандан келган раҳбарлар уни ғалаба билан қутлашди. – Қуллуқ сизларга!

Тожибой полвон саманни совута бошлаганда Ҳамза раис унинг олдиға ёш боладек югуриб борди.

– Балли, полвон, балли, отангизга раҳмат! Худо хохласа, эртагаёқ уйингизга тўй юбораман!

Ҳамза раис Тожибой полвонни кучоқлаб олди. Терлаб кетган юз-кўзидан жирканмай ўпа кетди. Сўнг бедави тумшуғига лаб босаркан, томоғига нимадир тиқилгандек бўлди...

– Менинг қувончим, менинг қанотим!..





ҚУТЛОВ

Сайдулла Мирзаев,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, профессор

НАСРИМИЗНИНГ КАТТА УСТАСИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Пиримқул Қодиров таваллудининг 80 йиллигига.

Атоқли адиб Пиримқул Қодиров – ҳозирги замон ўзбек адабиёти хазинасига, айниқса, миллий насримиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган улкан ижодкорлардан биридир. У ўз ижодини ўтган асрнинг эллигинчи йилларидан бошлаган. Ёш адиб дастлабки ҳикоялари биланоқ китобхонларнинг назарига тушди. Кўп ўтмай насрнинг йирик жанрлари бўлган қисса ҳамда романчиликка қўл уриб ўз истеъдодини намоён этди.

Пиримқул Қодиров «Қадрим», «Эрк», «Мерос», «Нажот» сингари қиссаларида турли мавзуларни ақс эттирди. Уларда инсон кадр-қимматини улуглаб, инсонпарварлик ва адолатпарварлик, ҳалоллик ва соф виждонлилик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик ғояларини олға сурди. Адибнинг «Қадрим» қиссасида замонавий мавзу ёритилган. Асарда газчилар ҳаёти ва меҳнати Искандар, Зулайҳо, Даврон, Ашур каби жонли образлар орқали бадиий гавдалантирилган. Қисса воқеаларининг бош қаҳрамон Искандар тилидан, унинг бошидан ўтказган кечинмалар сифатида ҳикоя қилиниши ёзувчига образларнинг руҳиятини чуқур тасвирлаш имкониятини берган.

Ёзувчининг ижодида роман жанри катта аҳамият касб этади. Унинг «Уч илдиз», «Қора кўзлар», «Олмос камар», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони», «Она лочин видоси» сингари романларида Абдулла Қодирий ва Ойбек асарларидаги бадиий нафосат, Абдулла Қаҳҳор ижодига хос ичхам, лўнда тил ҳамда руҳий таҳлил санъати рўй-рост намоён бўлган. Демак, адиб устозлар мактабидан сабоқ олиб, уларнинг илғор анъаналарини ижодий давом эттирган.

Пиримқул Қодировнинг илк романи «Уч илдиз» эллигинчи йиллар ўзбек насрида муҳим, қувончли воқеа бўлган. Устоз Абдулла Қаҳҳор мазкур романга юксак баҳо бериб, хусусан, шундай фикр билдирган: «Анча вақтдан бери мен ўзбек адабиётида момақалдиروқ гулдуросини эшитмай юрган эдим. Назаримда, мана шу асар адабиётимизга момақалдиروقдай гулдурос солиб, чакмоқдай ялтиллаб кириб келяпти».

«Уч илдиз» олий мактаб талаблари ҳаётига бағишлаб ёзилган биринчи ўзбек романидир. Шахсга сиғиниш даври таъсирида, эллигинчи йилларда олий ўқув юртларда илдиз отган тарафкашлик, мансабпарастлик, сохталик, дабдабозлик, ҳақиқатдан кўз юмиб, ростгўй олимларни беобрў қилиш сингари иллатларни фош этиш, илм фидойилари билан сохта «олим»лар ўртасидаги зиддият ва бунинг асл моҳиятини очиб бериш, адолатли, ҳақгўй зиёлиларни ва истеъдодли толиби илмларни қўллаб-қувватлаш асарнинг асосий ғоявий йўналишини ташкил этади.

Романда кингирлик билан ҳалоллик, попоклик билан поклик, лоқайдлик билан фаоллик, манманлик билан камтарлик, яккабошчилик билан жамоатчилик ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирланган. Шу орқали эзгулик ва адолат улугланган, ҳаёт ҳақиқати очиб берилган. Романда тўғрилиқнинг сохталик устидан ғолиб келиши ёрқин тасвирлар орқали ифодаланган.

Асарда талабалар образи марказий ўринни эгаллайди. Маҳкам, Гавҳар, Очил сингари фаол талабаларнинг ўзига хос феъл-атвори, ахлоқ-одоби ва орзу-истаклари рангин буёқларда тасвирлаб берилган. «Уч илдиз» романида чуқур мазмунли фалсафий хулосалар, ҳикматли сўз ва иборалар сероб. Романининг номи ҳам теран мазмун касб этади. Ёзувчи романда талабалик даврида ёшларда шаклланидиган эзгуликлар ва фазилатлар тўғрисида мулоҳаза, баҳс юритар экан, мустаҳкам билим олишни, фаол фуқаролик малакасини касб этишни ва севги-садоқатда собит туришини инсон ҳаётининг уч илдизи деб атайди. Ана шу уч илдизи мустаҳкам бўлган кишигина ҳаётдан ўз ўрнини топиб, эл-юрт ҳурматини қозонади, деган муҳим фикрни маҳорат билан ифодалайди. Асар қаҳрамонларидан бири профессор Акбаров талабаларга қарата шундай дейди: «Студентликда отадиган илдизларингиздан биринчиси, албатта, билим. Чунки сизлар бу ерда, аввало, билим деб юрибсизлар. Лекин билимли кишининг яна бир зўр илдизи бўлиши керак. Биласизлар, бутун истеъдодини халқ учун сарфлаган улуғ одамлар ўзларини граждандек деб атаганлар. Студентликда вояга етadиган яна бир илдизингиз мана шу маънодаги гражданлик бўлиши керак... Шу илдизларнинг бири ўқишда ўсса, бири жамият учун қилинган ишда ўсади. Илдизлар бир дарахтга келиб бирлашгандай булар ҳам ҳаётларингизда бирлашиб, бир-бирига киришиб кетади. Шу илдизларингиз қанчалик чуқур бўлса, шунчалик кенг шох ёя оласизлар, қанчалик мустаҳкам бўлса, ер юзида шунчалик маҳкам қўтариб тура оласизлар».

Пиримкул Қодировнинг «Қора кўзлар» ва «Олмос камар» романларида ҳам замонавий мавзу акс эттирилган. «Қора кўзлар»да чорвадорлар ҳаёти, қишлоқ ва унда яшаётган одамларга доир муаммолар Исмат бобо, Холбек, Хулкар каби образлар воситасида ёритилган. «Олмос камар» да эса катта шаҳарларни янги замон талабларига мослаб қайта қуриш ва ободонлаштириш жараёнида юзага келган мураккабликларни бартараф этиш, қадимий эзгу урф-одатларни, иқлим шароитини сақлаб қолиш билан боғлиқ муаммолар ўзининг бадиий ифодасини топган. Муҳими, шу муаммоларни ҳал қилиш асносида асар қаҳрамонларига хос руҳият тадқиқ этилган ва яхши тасвирланган.

Ёзувчининг табаррук тарихимиз тўғрисида ёзилган «Юлдузли тунлар», «Авлодлар доवони», «Она лочин видоси» романларини маълум маънода ўзига хос бир трилогия деб аташ мумкин. Зеро, улар мавзу, ғоявий мазмун ва асосий образлар эътибори билан бир-бирига яқин туради. Ҳар учала асарда ҳам темурий-зодалар ҳаёти, улар билан боғлиқ воқеалар акс этади. Бу романлар ўртасидаги ўзаро ички мантиқий боғланиш ҳам, аввало, ана шунда намоён бўлади.

«Юлдузли тунлар» асари ёзувчи ижодида ва, умуман, ўзбек романчилигида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Адиб бу романни яратиш билан тарихий мавзунини бадиий ўзлаштиришнинг янги бир намунасини, яъни, тарихий-биографик романчилик сирасини янги босқичга кўтарди.

Романда улуг ўзбек шоири, адиби ва шох Захириддин Муҳаммад Бобурнинг зиддиятли ҳаёти, долғали фаолияти, ҳаёт-мамот курашларида кўрсатган шахсий қаҳрамонликлари кенг кўламда тасвирлаб берилган. Пиримқул Қодиров асарда Бобур образини яратар экан, бу беназир инсоннинг жаҳоний шухрати ва буюк хизматини ҳинд халқининг унга бўлган меҳр-муҳаббатини чуқур идрок этган ва буни ҳаққоний кўрсатишга эришган.

Романда Бобур бутун борлиғича намоён бўлган. Асарда Бобур образининг ёркин, мукамал бўлиб чиқишида ёзувчининг руҳият таҳлилидан моҳирона фойдаланганлиги ва ҳар бир воқеани, ҳар бир фикрни пухта асослай билганлиги алоҳида аҳамият касб этган. Романдаги Бобурнинг она юртга нисбатан меҳр-муҳаббати, ўз ватанидан йироқда яшашга мажбур бўлиб чеккан изтироблари, юртини дил-дилдан соғиниши тасвирланган ўринлар руҳият таҳлили санъатининг етук намунасидир. Бунда адиб руҳий туғёнлар ва драматик ҳолатлар инъикоси воситасида Бобурни ҳақиқий ватанпарвар эканини яққол гавдалантирган. Бобур ўз ҳаётининг сўнгида суюкли ўгли Хумоюнга васият қилиб: «Мен туғилган юрт билан алоқани узманглар, шояд, мен битган китоблар икки орадаги алоқанинг ришталари бўлса», дейди.

«Юлдузли тунлар» романида Бобурнинг шахсий ҳаёти тасвирига ҳам керагича ўрин берилган. Бобур асарда ҳақиқий инсон сифатида жонланади. Ёзувчи унинг инсоний фазилатларини онаси Қутлуг Нигорхоним, онаси Хонзодабегим, суюкли хотини Моҳимбегим ва фарзанди Хумоюнга бўлган меҳр-муҳаббати мисолида моҳирона очиб берган. Нағижанда Бобур китобхон кўз ўнгида пок қалбли оқил инсон сифатида гавдаланади. Романда воқеалар давомида Бобур образининг турли қирралари бирин-кетин очилиб боради. Асарда тасвирланишича, Бобур зўр бир давлат тузиб, юртни фаровон, мамлакатни обод қилиш йўлида ҳаракат қилар экан, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига ҳар жиҳатдан ёрдам беради. Бобур ақлнинг кудратига ишонади.

Романда сарой муҳити, ундаги зиддиятлар ҳам ҳаққоний ёритилган. Амир-амалдорлар ва беқларнинг адолатсизлиги, золимлиги, попоклиги, бир-бирига хиёнат қилиши, шаҳзодаларнинг бебошлиги, ўзаро бемаъни тарафкашлик жанглари драматик ҳолатларда аниқ ифода этилган. Шу билан бирга, буларнинг ҳаммаси Бобур образини, хусусан, унинг донолиги, тадбиркорлигини очишга тўла бўйсундирилган.

Романда Бобур ҳаёти ва фаолиятининг ибратли жиҳатлари билан бирга, салбий томонлари ҳам очиб берилган. Хусусан, унинг подшоҳ сифатидаги хато ишлари, шафқатсизлиги, Бобур шахси ва дунёқарашидаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар аниқ қилиб кўрсатилган. Ёзувчи асарда Бобурнинг бутун фаолиятини бирдек оқлаб ва ёқлаб қўя қолмайди, балки оқни-оқ, қорани-қора қилиб тасвирлайди. Шу жиҳатдан қараганда, асарда Бобурнинг тарихчи Хондамир билан суҳбатда айтган кўйидаги сўзлари унинг ўзига берилган тавсифнома вазифасини ҳам бажаради: «Авлодлар ҳақиқатни билсинлар, бизни фаришта деб ўйламасинлар. Қилган гуноҳларимиз ўзимизга нечоғлик оғир тушганидан огоҳ бўлсинлар... Жанглارнинг қонли селлари, салтанатнинг тошқин дарёдай бетиним талотўмлари жонимга тегди. Тоғу тахт бевафолигини кўпдан бери сезиб юрибман. Менга вафо қилса, фақат ёзган асарларим вафо қилмоғи мумкин.

Ватанимга ўзим қайтмасам ҳам, асарларим қайтмоғи мумкин. Эндиги орзум-мен туғилган юртимга қилолмаган фарзандлик хизматимни асарларим қилса». Романнинг бошқа бир жойида Бобур: «Неки хатолик, неки гуноҳ қилган бўлсам, ҳаммасининг бирламчи сабаби менинг подшоҳлигимдир», деб афсусланади.

«Юлдузли тунлар» романида Тоҳир, Фазлиддин, Хондамир, Хонзодабегим, Нигорхоним, Ҳумоюн, Моҳимбегим, Шайбонихон, Малика Байда каби образлар ҳам жонли ва ишонарли тарзда гавдалантирилган. Буларнинг ҳаммаси роман гоёвий мазмунини очишга, бош қаҳрамон образини яққол ифодалашга, сюжет ривожини таъминлашга бевосита хизмат қилган. Романнинг тили ҳам бадиий маҳорат билан яратилган.


Ёзувчи бобурийлар авлоди тарихини бадиий тадқиқ этишни «Авлодлар давони» романида ҳам муваффақият билан давом эттирди. Романда Бобурнинг набираси Акбаршоҳнинг Ҳиндистонда бобоси тузган давлатни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида олиб борган саъй-ҳаракатлари ва адолатли курашлари кенг миқёсда қизиқарли тарзда тасвирлаб берилган.


Пиримқул Қодировнинг «Она лочин видоси» романида ҳам аجدодларимиз ҳаёти ҳамда руҳияти бадиий тадқиқ ва таҳлил этилган. Маълумки, шўролар даврида ҳаёт қарама-қаршилик ва зиддиятлар асосидагина тараққий этади, деган ақидага таянган ҳолда, ҳар бир тарихий шахсни қайсидир бошқа бир шахсга қарши қўйиб тасвирлаш анъанаси шаклланган эди. Шунга кўра, Алишер Навоий Хусайн Бойқарога, Улуғбек Хўжа Ахрорга, ҳатто онаси Гавҳаршодбегимга қарши қўйилар эди. Пиримқул Қодиров ушбу романида тарихий манбалар берган гувоҳликларга таянган ҳолда, Улуғбек ва унинг онаси Гавҳаршодбегим ўртасидаги муносабатлар тамомила ўзгача асосларга қурилганлигини ишонарли тарзда кўрсатиб берган. «Она лочин видоси» романи муҳим маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, «Она лочин видоси» романи мустақиллигимиз туфайли юртимизда, дунёқарашимизда содир бўлган ўсиш-ўзгаришларнинг меваси бўлиб, унда мавзу истиқлол мафқураси асосида янгича талқин этилган ва ёритилган. Худди шу хусусият Пиримқул Қодировнинг, «Амир Темур сиймоси» номли илмий бадиасида ҳам бўртиб туради. Унда бутун дунёни лол қолдирган Амир Темурнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, жаҳон тарихида тутган ўрни ва нуфузи, хислату фазилатлари янги-янги топилмалар, ноёб, нодир далилу хужжатлар асосида талқин этилган.

Пиримқул Қодиров нафақат бадиий ижодда балки халқимизнинг маънавий, маърифий, қадрий сираларига дахлдор жихатлари борасида ҳам бир қатор асарлар ёзган. Хусусан, «Ўйлар», «Дил ва тил», «Халқ тили ва реалистик проза» сингари рисолалари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг асарлари халқимизнинг миллий бойлиги бўлиб, китобхоналарни эзгулик руҳида тарбиялашга, уларга эстетик завқ беришга катта хизмат қилиб келмоқда.





УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Амиркул Пўлкан

Ўтиб борар вақт



Ҳаёт қизиқ,
Дунёда кимдир
Яшаб юрар ҳовучлаб жонин.
Лол қоласан,
Биров бир умр
Сувдек ичиб ўтар ёлғонни.

Рост бир тараф,
Ёлғон бир тараф,
Кимдир икки дунёсин ғамлар.
Бир-бирининг кўзига қараб
Ёлғон айтар баъзан одамлар.

Саҳна кўрган артистдек секин
Рол ўйнашар аввалу охир.
Ширин гаплар айтишар, лекин,
Барида ҳам ёлғони зоҳир.

Кимдир кимга ўз юкин ташлаб,
Тўймагай ҳеч дунёда зарга.
Мен ҳайратдан ёқамни ушлаб
Нафрат билан боқғум уларга.

Амиркул Пўлкан ўзбек бахшичилик мактабини яратган хонадонлардан бири – Пўлкан сулоласининг учинчи авлоди эди. Унинг қалбига сўз дўмбира товуши ила сингиганди. Шу боиским, битикларида табиий маънодорлик билан самимий оҳангдорлик бирикиб кетган. Амиркул Пўлкан жуда эрта кетди. У ҳаёт бўлганда бу йил олтмишга тўларди. Шоирнинг хотирасини ёдлаб, қолдирган шеърларидан намуналарни ҳукмингизга ҳавола этаётирмиз, азиз мухлис.



Таҳририят

Фақат яшаб эзгулик билан,
Ҳар бир сўздан излайман маъни.
Чунки, жуда яхши кўраман
Самимият деган нарсани.



Саноғи йўқ ўтгувчи куннинг,
Эслайсанми мени ҳеч, жоним?
Тушларимга кирасан менинг,
Тушларимга кирар армоним.

Гоҳ билмайман, қандай бўлар бахт,
Гоҳ ёқамдан олар ҳамият.
Қушдек учиб ўтиб борар вақт.
Юрагимда фақат бир ният.

Ер ва осмон туташиб кетган,
Ой ҳам катга кўринган ерда
Иккаламиз тутиб бир маскан
Узоқ йиллар яшасак бирга.

Шунда таскин топиб бегумон
Рўёбга ҳам кўнгил бермасман.
Сен ёнимда бўлсанг, бас, ишон,
Ухламасман, туш ҳам кўрмасман.

Сирларингдан воқифдир онанг,
Гарчи ўзинг сирингни ёйдинг.
Ҳавас қилиб сўрса дугонанг.
«Қишлоқи йигит-да!» деб қўйдинг.

Бу қандай гап?
Бу қандай қилиқ?
Танангга бир ўйлаб олдингми?
Йигитнинг пок ишқидан кулиб,
Сен шаҳарлик бўлиб қолдингми?

Унга ошиқ қалб берган тақдир,
Сени ўйлаб ўтади куни.
Сени топиб келганда охир
Кўкрагидан итарма уни.

Айтмас эдинг бу гапни, тақдир
Нималигин агар билсайдинг.
Сен ҳам шундай яшасайдинг бир,
Сен ҳам шундай севаолсайдинг...



Одамзод меҳри ҳеч билмагай ҳудуд,
Зулматни ҳар доим парчалар зиё.
Тез учар қояда туғилган бургут,
Тез оқар тоғлардан бошланган дарё.

Бургут-ку яшайди ўлжа ғамида,
Дарёнинг қисмати ўзгадир бироқ.
Шуъла акс этгандек қилич дамида,
Урмимиз акс этар дарёда ҳар чоқ.

Чунки у заминнинг жонбахш томири,
Кўнгилни гул каби ўстирган нафас.
У борки, ободдир боболар ери,
У борки, боғлар ҳеч хазонрез бўлмас.

Бахтим шул, яшайман мен ҳам шу боғда,
Мастона тинглайман булбуллар сасин.
«Бир ҳўплам сув», дерлар, чанқаган чоғда,
Бир ҳўплам сув билан инсон яшасин.

Шу ҳаёт, шу тупроқ унга насиба,
Сарбаланд тоғларнинг кўрсин меҳрини.
Орзуи кирмасин сароб тусига
Ва туйсин дунёнинг турфа сеҳрини.

Мард одам номарддан кутмагай имдод,
Номард қилмишидан титрагай дунё.
Бор бўлсин дарёдек гувлаган ҳаёт,
То ҳаёт бор экан, тинмасин дарё.



Хаёлан кўраман сенинг юзингни,
Хилват гўшаларда кезинаман жим.
Қалбимга ишқ солган қора кўзингни,
Дарё бўйларини жуда соғиндим.

Бу ерда кун қисқа, тун узун экан,
Вақт ўтмай кўнгилни қилади хира.
Ўзимнинг тоғиму шарқираб оққан
Жилғалар ёдимдан чиқмайди сира.

Битта мактубингни юз марта ўқиб,
Юз бора кўксимга босганман, бу рост.
Гоҳ узоқ юлдузга нигоҳим тикиб,
Соғинчдан энтикиб қўяман, холос.

Сени кўролмайман қанча зорикмай,
Зероки, дардимга топилмас малҳам.
Деҳқоннинг қўлида синган ўроқдай
Фалақда осилиб турибди ой ҳам.

Ҳолбуки, бунда куз, хазонлар тўзиб,
Битта бўлиб ётар қора ер билан.
Сенинг ёдинг билан умр ўтказиб,
Фақат овунаман хотиранг билан.

Хаёлим гоҳида кун санаб толар,
Ишқ деган бир туйғу қалбга тўлганда.
Бизни учраштирар келажак кунлар,
Ёнингда бўламан баҳор келганда.



Дунё пайдо бўлгандан буён
Ёнма-ёндир оқ билан қора.
Табийики, улар ҳеч қачон
Бир-бирини тан олмас сира.

Тун ва кундуз талашар сурат.
Қуёш ҳеч вақт дуч келмас ойга.
Ўз ҳукмини ўтказар гурбат
Ҳаққоният бўлмаган жойда.

Эътиқоди собит бўлса ким,
Толе насиб этган ўшанга.
Адолат ва разолат доим
Бир-бирига эрур кушанда.

Ҳолбуки, кун кўрса-да палон,
Оқил элга тилар омонлик.
Ҳамма жойда яхшилик билан
Қўшни яшар доим ёмонлик.

Агар кучли бўлса муҳаббат,
Қалб дош бергай ҳар қандай ғамга.
Гар қуролга айланса нафрат
Ўт қўйиши мумкин оламга.

Барчасига келса ҳамки дуч,
Титрамас ҳеч одамнинг жони.
Аслидаям, шу иккита куч
Тутиб турар бутун дунёни.



Бойназар Йўлдошев,

филология фанлари доктори;

Барот Ярашев,

тадқиқотчи

«ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ БИЛАН...»

Истиқлол даври шеърияти сеҳрли эртакларнинг қаҳрамонларидек ғойибдан пайдо бўлгани йўқ. У XX асрнинг ўттизинчи йилларида қалб оғриғи бўлиб, дастлаб, Чўлпон ва Фитрат, Бехбудий ва Абдулла Қодирий ижодида ўзининг илк нишонларини намойиш этган бўлса, олтмишинчи йилларига келиб, Абдулла Орипов шеъриятида айрича бир кўринишда намоён бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ шоирнинг «Тилла балиқча», «Она тилимга», «Темир одам» сингари шеърлари яратилди. Албатта, бу асарлар ўз вақтида элнинг назарига тушиб, эрксизликдан зада кўнгилнинг дардлари сифатида ўқувчилар қалбига муҳрланиб қолгани сир эмас.

Ўз-ўзидан маълумки, мустақил шахс сифатида фаолият кўрсатиш Абдулла Орипов ижодида, хусусан, унинг лирик қаҳрамони руҳиятида истиқлолдан анча йиллар муқаддам пайдо бўлгани боис, вақти келиб мустақиллик билан юз кўришиш, шоир ҳаётида ўчмас из қолдиргани, унинг ижодида янги саҳифа очгани аниқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, истиқлолнинг илк кунларидан эътиборан Абдулла Орипов ижоди янгиланган даврнинг маҳсули сифатида янгиланишга юз тутди.

Бу фикрнинг илмий асосга эга эканлигини академик Бахтиёр Назаровнинг қуйидаги мулоҳазалари ҳам тўла тасдиқлайди: «Мустақиллик даврида Абдулла Орипов ижоди сермахсул бўлди. Шоирнинг, истиқболни улуғловчи, уни асрашга, мустаҳкамлашга даъват этувчи «Адолат офтоби», «Бедорлик», «Ватан» каби шеърлари қаторида янги замон ўзбек шеъриятида янги тамойил, йўналишларидан бирини бошлаб берган «Ҳикмат садолари», «Ҳаж дафтари» тўпламига кирган шеърларида муборак асрий анъаналаримиздаги поэтик дунё янгидан жамол очди.

Абдулла Орипов истиқлол даврида нимани кўрмасин, нима ҳақида ёзмасин, унинг бадиий таҳаюли мустақиллик томирларига, ватан озодлиги хўжайраларига тутшиб кетади».

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, Абдулла Орипов шеърияти қарама-қаршиликлардан холи, силлиқ шеърият эмас. Унинг шеърияти даврдаги ижобий ҳодисаларни эътироф этган ҳолда, жамият ҳаётида учраб турадиган салбий ҳолатларни ҳам аёвсиз фош эта олиш хусусиятига эга исёнкор шеърият. Бу ҳолат шоирнинг мустақиллик мавзусидаги «Бедорлик» шеърдан олинган мазкур парчада тўлақонли акс этган:

Дер эдим: Истиқлол шукуҳи билан
Рўзгорни бутламоқ фурсати етди.
Шундай пайт, кўйнимга кирди бир илон,
Кимдур остонамга ўт кўйиб кетди.

Дер эдим: Хур замон келиб, ниҳоят,
Асрий ғалвалардан холи бўлди бош.
Шундай пайт, кўзғалиб қайдин қабоҳат
Юртбошим бошига отмоқ бўлди тош.

Шоир мазкур мисраларда инсон ҳаётининг мураккаблиги, ўтаётган умри катта-кичик зиддиятларга тўла эканлиги, ҳатто инсон умрининг тинч ва осуда кечган фаслларида ҳам тинч оқар дарёларга хос ички тўлғонишлар, гирдоб ва гирдибодлар содир бўлиб туриши муқаррар эканлигини ачиниш ила таъкидлайди. Айни пайтда, одам феъл-атворида кўролмаслик, зимдан зарба бериш, пана-панадан туриб тош отиш, ўрни келганда очикдан-очик таъна тошларини ёғдиришдек ярамас иллатлар ҳам учраб туришини ички бир куйиниш билан эътироф этади. Қалб оғриқлари ва оғринишларига қоришик бу эътирофлар одамларни хушёрликка чорлаши, ҳаётга уйғоқ қалб, очик кўз билан назар ташлашга, яхшию ёмонни ажрата билишга даъват этиши билан эътиборга лойиқдир.

Абдулла Орипов шеърляти кенг қамровли шеърлят. Бу хусусият шоирнинг барча мавзуда бирдек қалам тебрата олиш маҳоратида, айниқса, лирик қаҳрамон руҳиятида содир бўлаётган кечинмаларни нозик хис-туйғулар фонидида кўрсата олиш салоҳиятида намоён бўлаётир.

Абдулла Орипов ижоди учун барча мавзулар муҳим. Бироқ, шоир учун энг қадрлиси эрк ва эркпарварлик, адолат ва адолатпарварлик мавзуларидир. Айниқса, мустақиллик мавзусида қалам тебратиш шоирга нурли хис-туйғулар бахш этиш пировардида, унинг зиммасига ўзгача бир масъулият ҳиссини ҳам юклайди. Бу хусусият шоирнинг куйидаги сатрларида айрича кўринишда намоён бўлади:

Сафга тизил набирам, отажоним тур энди,
Мустақиллик нашасин ҳаққинг бордир сур энди,
Кўлни бериб қўлларга бир тан бўлиб юр энди,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,
Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин!

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Абдулла Ориповнинг ижодий камолоти шоир шеърлятининг лирик қаҳрамони фаолиятида кўзга ташланади. Муҳими, Абдулла Орипов ижодидаги лирик қаҳрамон инсоннинг ташидан кўра, унинг ичини, ички дунёсини, суръатидан кўра, сийратини кўпроқ қадрлайдиган, одамнинг меҳнатидан кўра, ўзини, ўзлигини ортиқ биладиган, уни асраб-авайладиган кўнгил одами. Шунданми, Абдулла Орипов ижодидаги лирик қаҳрамон руҳиятида алланечук самимий нур, аллақандай англаб бўлмас бадий жозоба бор. Бу хусусият шоирнинг мустақиллик даврида яратилган она ва она Ватан, ёр ва диёр, истиқлол ва истиқбол, иймон – эътиқод ва орият, вафо ва вафодорлик ҳамда илоҳий муждалар билан боғлиқ мавзулардаги шеърларида айрича кўринишда кўзга ташланади. Бундай жиҳат, айниқса, она ва она Ватан мавзуидаги шеърларида баланд пардада садоланади. Чунончи:

Ватанни ким улуг билди, азиз билдим мен ул касни,
Ватан деб жўш урар эрса, кўтаргум бошимга хасни,
Ватандан айри кўнгилни билингки, яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Абдулла Орипов волидаи муҳтарамаларимиз ҳақида сўз юритар экан, онанинг барча мавжудотларнинг яратувчиси ҳатто пайғамбарларни ҳам она туққанлигини, уларга илоҳий куч-қудрат ато этганлигини самимият билан эътироф этади:

Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ
Онадан тугилган пайғамбарлар ҳам.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, Абдулла Ориповнинг истиқлол даври ижодида ўзни, ўзликни англаш ўзгаларни англашгина эмас, оламни, оламнинг сарвари Оллоҳ ва унинг ердаги муқаддас уйи-Маккаю Мадина ва исломий қадриятларни ҳам

англаш ва улуғлаш бўлиб кўзга ташланади. Бу даврда Абдулла Орипов ижодида илоҳият муждалари сари талпиниш, руҳоният дунёсига сажда қилиш, руҳият иқлимида ўзгача бир ҳаёт муждаларини кўриш, шу йўл билан қалбнинг очилмаган янги уфқларини кашф этиш ҳис-туйғуси устувор рутбага айланади. Муҳими шундаки, Абдулла Орипов «Ҳаж дафтари», «Ҳикмат садолари» тўпламларига кирган шеърлари билан мустақиллик даври шеъриятига янги йўналишдаги шеърий нафасни олиб кирди. Бу борада атоқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров шундай деб ёзади: «Абдулла Ориповнинг ҳаж туркуми – ўзини илоҳий муждалар орқали кашф этиш; ўзини янги концептуал баёнда кўриш; қалбнинг янги уфқларига талпиниш; янги нажот қалъасини ахтариш ва топиш; руҳониятнинг истиқлолгача Ҳувайдо ва Сўфи Оллоёрдан кейин қуруқ бўлиб ётган ладуний майдонларига оҳиста қадам қўйиш.»

Дарҳақиқат, бу фикрнинг ёрқин далили сифатида Абдулла Ориповнинг «Ҳаж дафтари» ва «Ҳикмат садолари» туркумларидан ўрин олган шеърларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунончи, шоир ёзади:

**Оллоҳим кимгадир мансабни берди,
Амал пояларин қилди мустаҳкам
Ва, лекин, нариги томонда қурди,
Қайтиб тушадиган зиналарни ҳам.**

«Оллоҳнинг марҳамати» номли шеъридан олинган мазкур парчада Оллоҳнинг даргоҳи кенглиги, одамларга меҳру муруввати бисёрлиги, бироқ уларнинг хатти-ҳаракати ва феъли-атвориға қараб, гоҳ ғалаба, гоҳ мағлубият, гоҳ юксаклик-мартаба ато этса, гоҳ ундан тушириш зиналарини ҳам барпо этишга қодирлиги самимиятга қоришиқ сатрларда теран талқин этилган. Шоирнинг истиқлол даври ижодида Оллоҳ ва унинг пайғамбарларига бўлган муҳаббат айрича кўринишда кўзга ташланади. Айниқса, Муҳаммад алайҳиссаломнинг каттаю кичикни бирдек қадрлаши, ҳушфеъллиги, қамтарин, камсуқумлиги, камтарликни камолот белгиси деб тушуниши лирик қаҳрамон ҳис-туйғулари билан тўйинтирилган тарзда лирик қаҳрамонлар образида янада жозибали акс эттирилади.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Абдулла Ориповнинг истиқлол даври шеърияти ва унинг лирик қаҳрамони замондошларимиз руҳиятида содир бўлаётган янгиликлар жараёнини янгича тамойилда акс эттирганлиги билан эътиборга лойиқдир. Шунингдек, шоир тириклик моҳиятини руҳоният иқлимида кечадиган сир-синоат ҳамда илоҳий муждаларда деб тушуниш ва уни поэтик ҳис-туйғулар фониди тўлақонли ёритиб бериши билан шеъриятга янги йўналишдаги шеърий нафасни олиб кирди.

Насримиз камолоти: АНЪАНА ВА ЯНГИЛИКЛАР

Мустақиллик даври ўзбек насри нафақат ўзининг мазмундаги янгиликлари, балки шакли, хусусан, бадий адабиётнинг биринчи унсури ҳисобланган тил хусусиятлари билан ҳам тамомила янгиликка юз тутди. Ўзбек насрининг сўнги йилларда яратилган кўплаб намуналарида бадий нутқ поэтикасига оид ўзига хос фазилатлар кўзга яққол ташланди. Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам», «Тепалиқдаги хароба», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романлари ана шундай янги фазилатлари билан ажралиб туради.

Маълумки, қадим мумтоз адабиётимиз ва XX асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларига қадар воқеликни асосан муаллиф томонидан баён қилиш анъанаси устун турарди. Кейинроқ бу анъана янгиланиб, муаллиф баёни организмга персонаж нуктаи назари кириб кела бошлади. Бу фазилат, айниқса, Асқад Мухторнинг «Чинор», Одил Ёкубовнинг «Диёнат», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» романларида яққол кўзга ташланди. Бора – бора бутун воқеани ҳикоя қилишни ўз зиммасига олган ҳикоячи – қаҳрамонлар кириб келди. Улар нафақат ҳикоячи, айна чоғда, муаллифнинг ифодаловчи, бошқа персонажларга худди муаллиф сингари баҳо берувчи вазифасини ҳам муваффақиятли адо эта бошладилар. Бу жиҳатдан Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи ибратлидир. Албатта, бу асар ҳикоячилари мавқеи ва дунёқараши жиҳатидан муаллифга тенглаша олмайдилар. Шу боисдан улар ортида ҳар доим муаллиф ҳозир у нозир, ҳикоя савияси ҳамда оқимини унинг ўзи бошқариб туради.

Кейинроқ бу анъана янада ривожланиб, асарга муаллиф – ёзувчига тенг кела оладиган, унинг вазифасини тўла бажара оладиган ҳикоячи қаҳрамонлар кириб келди. Масалан, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романида ҳикоя қилишнинг кўплаб ноанъанавий шакллари дуч келамиз. Ундаги воқеаларни баён қилишда биратўла учта ҳикоячи намоён бўлади. Булар – муаллиф, асар қаҳрамони Назар Яхшибоев ва яна бир иштирокчи – қиссанавис Саидқул Мардондир. Мабодо, уларнинг роман воқеаларини баён этишда тутадиган мавқеини аниқлайдиган бўлсак, қиссанавис Саидқул Мардон биринчи ўринга кўтарилади. Унинг нутқига муаллиф мутлақо аралашмайди, ҳатто баён услуби ҳам ўзига хос. Чунки Саидқул Мардон ҳам худди Мурод Муҳаммад Дўст сингари ёзувчидир ва у романда мустақил фикрлаш ҳуқуқига эга, бошқа персонажларга муносабат билдириши, орада пайдо бўлган муаммо ҳамда вазиятларни баҳолаши, муҳокама қилиши мумкин. Бунинг устига, Саидқул Мардон ўзи ҳикоя қилаётган воқеаларнинг бевосита иштирокчиси ҳамдир.

Иккинчи ҳикоячи бош қаҳрамон Назар Яхшибоевнинг ўзи. Зеро, романнинг «Бемор» деб номланган еттита бобида Назар Яхшибоев ўқувчига ўзини ўзи таништиради, унинг узлуксиз онг оқими берилади. Буни ёзувчи қаҳрамоннинг «хаёлдаги нутқи» деб тавсия

қилади. Назар Яхшибоевнинг ана шу «хаёлдаги нутки» – ўйлари орасига баъзан изоҳловчи, шарҳловчи сифатида муаллиф кириб келади. Лекин, барибир, «Бемор» бобларидаги ҳикоя қилиш услуби Назар Яхшибоевга тегишлигича қолади. Сабаби, Назар Яхшибоев касалхонада ётганлигидан амалиёт кишиси бўлолмайди ва у ётган жойида фақат кечаги амалий фаолиятида рўй берган воқеа – ходисаларни эслайди, хотирасида тиклайди, холос. Шуни назарда тутганда, ушбу романда бадиий нутқнинг фаол шаклларида бири – ретроспектив нутқдан унумли фойдаланилганлигига дуч келамиз.

Таъкидлаш зарурки, асарга ретроспектив баённи ҳаддан зиёд кўп киритиш унда ифодаланаётган воқелик ҳамда ҳаракатлар изчиллигини бузиши, баёнда маълум даражада «зигзаглик» ҳолатини вужудга келтириши ҳам мумкин. Бинобарин, диққат билан қаралса, романнинг «Бемор» бобларида худди шундай ҳолат юз бергани сезилади.

Романда акс эттирилган реал вақт Саидкул Мардон нутқида бир қадар узлуксизликка, катъий чегарага эгадир. Назар Яхшибоев «хаёлий нутқи» да эса у бир қадар чекланиб қолади. Яъни, ҳикоя қилинаётган воқеалар вақти билан тасвирланаётган вақт кўлами ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Шу сабабдан баённинг узлуксизлиги «бузилиб», айти пайтда, ретроспектив нутқ роли ошади. Ретроспектив нутқда хотирадаги воқеалар қаҳрамон онгига қалқиб чиқиб, айти чоғдаги ҳодисалар билан ассоциацияга киришади. Натижада, улар ўртасида ички боғлиқлик вужудга келади. Ретроспектив баёнда муаллиф кичик бир майдонда кўп вақтни эгаллаган воқеаларни персонаж характерининг ривожланиши билан боғлиқ суратда марказлаштиради.

Маълумки, ҳар бир асар ижодий тафаккур мевасидир. Бу тафаккур самараси ўзига хос шаклда нутқ орқали намоён бўлади ҳамда адабий тур ва жанрлар талабларига кўра ёрқин экспрессивлик, холислик, кўп маънолиликини касб этади. Эстетик киммати юқори бўлган асарлардаги образли иборалар тизимида ифодаланган ҳаёт манзаралари сиртдан жуда содда кўринса-да, одатда ғоят мураккаблиги билан эътиборни тортади. Бунга мисол тариқасида «Лолазор» романидан қуйидаги парчани келтириш мумкин:

«Осмон мезонлардан йилтирар эди.

Йигирма йил аввал эди, куз эди, еру осмон тиниқ эди. Ва ҳавода ўргимчак иплари оҳиста сузардики, Назар Яхшибоевнинг хаёлига айнан чиройли ўй келди. Келгани баробар дилга жойлади – гўё рўмолча учини тугун қилиб тугди.

Кейин дўстларига гапириб юрдик, э биродарлар, Булдуруққа бориб ғаройиб манзара кўрдим, шу десангиз, тиниқ куз осмони мезонлардан йилтираб ётарди.

Дўстлар аспидида у қадар дўст ҳам эмасди, Яхшибоевдан кўрқишарди, холос. Шу боиски, маъқул, деб айтишди, айти кўҳна жумла билан роман ёки қисса, жуда бўлмаганда узунроқ ҳикоя бошласа бўларкан, нозик, хўб нозик!..» (Таъкидлар бизники – Й.С.).

Матн оҳанги, қўлланган ибораларнинг кўтаринчилиги, экзотиклиги, бўёқдорлиги билан эътиборни тортади. Муаллиф биринчи ибора биланок ўқувчини образлар оламига олиб кириш учун руҳий тайёргарликни вужудга келтиради. Шундан сўнг адиб бир йўла замон (вақт), макон (жой) ва табиат (манзара) тасвирига ўтади. Асосий руҳий тайёргарлик пайдо қилингандан кейин унинг «тўлқини» да ғоят аниқлик билан замон ва макон тўғрисида маълумот беради. «Йигирма йил аввал эди» деган иборадан ўқувчи тасавурида Назар Яхшибоевнинг айти навкиронлик пайти аён бўлади. «Куз эди» жумласи фаслни аниқ ифодалайди. «Еру осмон тиниқ эди. Ва ҳавода ўргимчак иплари оҳиста сузардики» гапидаги «тиник» сифати ўқувчи кайфиятини бирданига кўтариб юборади.

Айти чоғда, руҳимизда аллақандай осойишталик пайдо бўлади. Бу вазифани «оҳиста сузардики» жумласи ўз зиммасига олган. Шундан сўнг қаҳрамоннинг муносабатига ишора қилинади. Бу маъно «рўмолча қилиб тугди» иборасидан англашилади. Албатта, бу жумлада ҳаракат мавжуд эмаслигини китобхон яхши билади, яъни, Яхшибоев рўмолчасини чўнтагидан олиб, учини тугиб қўймайди. Бу фразеологик ибора замирида Назар Яхшибоев табиатига хос бўлган талай чизгилар яширинган.

Бинобарин, ўқувчи тасвирнинг қолган қисмини ҳам шу зайилда қабул қилиши ва тасаввур этиши мумкин. Бунда у даставвал табиатнинг жонли ҳаракатдаги ҳолатини, бош қаҳрамон Назар Яхшибоевнинг кайфиятини, атрофидагиларнинг унга ва унинг бошқаларга муносабати қандайлигини билиб олади. Энг муҳими, муаллиф ўз нутқи организмга қаҳрамон нутқига хос жумлаларни мўл – кўл киритади, унинг овозини ўз овозига қўшиб юборади.

«Лолазор» романида анъанавий романлар қолипига тушмайдиган талай фазилатлар учрайди. Унинг иккала қаҳрамони ҳам (Назар Яхшибоев билан Саидкул Мардон) ижодкор бўлганлигидан ҳар бирининг нутқи худди, муаллифники ўзига хос оҳанг, лексик, синтактик ва семантик қурилишга эга. Шу туфайли улар мустақил овоз сифатида бир – бирига ҳам, ёзувчи нутқи оҳангига ҳам қўшилиб кетмайди. Назар Яхшибоев билан Саидкул Мардон асарда фақат образ сифатидагина эмас, балки ёзувчи нутқининг самараси тарзида ҳам қимматлидир. Чунки улар ифодаланаётган воқеа – ҳодисаларнинг иштирокчисигина эмас, айна чоғда, ана шу воқеликни тасвирлаб, ўқувчига етказиб бераётган ва ўзини маълум маънода муаллиф ўрнига тақдим этаётган ҳикоячи ҳамдир.

Сўнги йиллар ўзбек насрининг муҳим хусусиятларидан бири муаллиф ва персонаж нутқларининг ўзаро чатишуви, яъни, икки овозли нутқнинг устивор тарзда қўлланилишида кўринди. Муаллиф баёни таркибига персонаж нутқига мос оҳанг, ибора ва атамаларнинг мўл – кўл киритилиши, муаллиф нутқининг лексик бойлиги, синтактик қурилиши жиҳатидан ранг – баранг, оҳанги сержило кўламга эгаллиги билан эътиборни тортади.

Шу маънода ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидан бошлаб, объективлаштирилган «мен» шахсидан олиб борилаётган баён янада кўп тармоқли бўла бошлаганлигини алоҳида янгилик сифатида қайд этмоқ лозим. Бунда ҳикоячи (муаллиф ёки персонаж) бўлиб ўтган воқеа – ҳодисаларни айтиб беришдан кўра кўпроқ уларни ҳис қилаётганлиги сезилиб туради. Улуғ рус адиби Лев Толстой айтганидек, «Ҳар қандай бадий асар муаллифининг воқеликка бўлган шахсий муносабати, шу муносабат орқали намоён бўладиган барча нарсалар китобхон учун муҳим, қимматли ва ҳаммасидан ҳам ишонтирарли бўлмоғи керак. Зеро, бадий асарнинг бутунлиги ғоянинг бирлиги, қатнашувчи шахсларнинг ишланганлиги билангина эмас, балки бутун асарга сингдирилган воқеликка автор муносабатининг равшанлиги ва аниқлигидан ҳам иборатдир».

Бинобарин, «муаллиф муносабатининг равшанлиги ва аниқлиги» у яратган қаҳрамон мавқеи билан белгиланади. Бундай қаҳрамон овози асар макроструктурасида мутлақо мустақилликка эга бўлиши, муаллиф сўзи билан ёнма-ён жаранглаши талаб этилади. Бу овоз айрим холлардагина бошқа персонажлар овози билан чатишади, холос. Омон Мухторнинг «Ффу», Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романларида худди шундай хусусиятни учратамиз.

Авалло, шуни таъкидлаш жоизки, бу романларнинг қаҳрамонлари ҳар доим ёзувчи ғоясини очишга хизмат қиладилар. Тўғрироғи, муаллифлар қаҳрамонлар нутқи орқали ўзи айтмоқчи бўлган ғояни илгари сурадилар. Натижада, улар ўз фикрларининг моҳиятига кўра, муаллифга тенглашадилар, у айтмоқчи бўлган фикрни ўз тилидан баён қиладилар ва ёзувчини бу вазифадан озод этадилар. Шунга қарамай, муаллиф ўзини четга ололмайди, учинчи овоз тарзида диалогда иштирок этади. Бундай нутқий жараёнда кўповозли нутқнинг гомофоник ҳодисаси рўй беради. Яъни, жўровоз бўлиб куйлаётганлар орасидан муаллиф овози аниқроқ ва баландроқ эшитилади. Бундай гомофония ёзувчи ғоясини бўрттириброк кўрсатишга ёрдам беради.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романи шу жиҳатдан характерлидир. Муаллиф ўз асарида кўтарилаётган муаммонинг ўта долзарблиги, замонавийлиги ва муҳимлиги боис персонажлар нутқида фалсафийлик, китобийлик, экзотиклик, баландпарвозлик каби унсурларни мўл – кўл қўллаганлигининг гувоҳи бўламиз. Асар учун танланган эпиграф (...ор, ...зор, ...озор, ...бозор) дан тортиб, сўнги эпизодгача кўповозли (полифоник) нутқ оҳанглари эшитилади. Уни тинглаш, тафаккур тегирмонида

қайта ишлаш учун асарнинг асосий қаҳрамони «Фозилбек бутун вужудини кулоққа айлантиради, у шу туришда барча гап – сўзлар, овозу товушларни, уларга қўшиб бозорнинг жамики ҳикмат синоатини ичига жо қилишга» уринади.

Бозорнинг олди – сотдисини, нописандлигини, унча – мунча ташвишларга бепарволигини англаувчи турли савол – жавоблар, инкор этиш ёки маъқуллаш, мурожаат асосига қурилган полифония романнинг бош ғоясини тушуниб олишга ёрдам беради. Ёзувчи романда илгари сураётган ғоявий ниятларини асосан қаҳрамоннинг сўзи зиммасига юклайди. Бозорнинг ҳақиқий қиёфаси, асл моҳияти тўғрисидаги муаллиф ғояси кўпроқ диалоглар орқали очилади. Айниқса, Фозилбек – Бахтиш эзма, Фозилбек – Улуғ Қосим, Фозилбек – Қадрия, Фозилбек – Фуломжон ўртасидаги диалогларда роман марказига қўйилган муҳим ғоявий юк бутун залвори билан намоён бўлади. Диалогда қатнашаётган персонажлар нутқи муаллиф ғоясига мос рецепт асосида тайёрланган. Яъни, у муаллиф ўзи айтмоқчи бўлган гапларни персонажлар ўта донишмандлик билан айтиб берадилар ва ўқувчини ҳайратга соладилар. Бу усул билан адиб одамларнинг бир-бирини тушуниши зарурлигини, ўзи яратган образлар эса ана шундай кишиларнинг намунаси эканлигини исботламоқчи бўлади. Шу боисдан улар ўзаро суҳбатда бир-бирини яримта гапдан тушуниб, суҳбатдоши айтмоқчи бўлган фикрнинг давомини ҳеч тўхтамасдан айтиб кетаверадилар. Бу ҳақда муаллиф Қадрия тилидан шундай дейди: «Фозилбек ака, ишонасизми, мен... мен сизни жуда – жуда тушунишга ҳаракат қиламан, тушунишни истайман... тушунаман ҳам!..» Ёзувчининг ўзи айтишича, одамлар «бошқа-бошқа эмас, бир бутун» бўлишлари керак. Ана шунда ҳаётнинг ҳеч бир жабҳасида чўкиш рўй бермайди.

«Лолазор» романи қаҳрамонлари Назар Яхшибоев билан Саидкул Мардон, «Бозор» романи қаҳрамони Фозилбеклар фақат ўзларининггина эмас, балки ўзгаларнинг сўзлаш тарзига, талаффузига ҳам эътибор бериб борадилар. Аслида, Назар Яхшибоевнинг ўзи ёзувчи сифатида бир умр «шунчаки сўзлар тизмаси... бамисоли ипга тизилган маржон, бири – оқ, бири – қизил, бири – кўк. Хуллас, турфа ранглар. Маънодан холи» сўзларни чалакам – чатти тизиб юрадиган шахс. Шу боисдан унинг «хаёлдаги нутқи» қурилмаси жиҳатдан муайян тартибга эга эмас. Ундаги нутқ шакллари, замон ва макон унсурлари, оҳангнинг тез-тез ўрин алмашиб туриши шундан. Қиссанавис Саидкул Мардон нутқи эса ўқувчи билан бевосита юзма-юз ўтириб суҳбатлашаётгандек, айтган сўзларининг маъноси, оҳанги тўғрисида у билан маслаҳатлашаётгандек, гўё «ёзувларининг охири сусайиб, сўлжайиброқ» кетаётганидан хижолат чекиб узр сўраётгандек таассурот қолдиради. Назар Яхшибоевдан фарқли ўларок, Саидкул Мардон нутқининг бу фазилати ҳикоячи билан ўқувчини бир-бирига тагин ҳам яқинлаштиради, улар ўртасидаги тўсиқ йўқолади, бир-бирига ишончи ортади.

Бундай самарага эришиш учун ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад асардаги диалогларда қаҳрамони Фозилбекнинг ички «мен»ини ишга солади ва ўз фикрларини унинг ички нутқи орқали ўқувчига етказди. Бу ички «мен»нинг фикрлари суҳбатдошнинг жонли мулоҳазасига гоҳ зид, гоҳ муқобил равишда пайдо бўлади. Хуршид Дўстмуҳаммад қаҳрамонларининг ўзлигини англаш жараёни ёппасига диалоглашган вазиятда кечади. Бу диалог ҳар дақиқада ташқи омилга айланиши ҳам, бир пайтнинг ўзида ўзига, бошқага ва учинчи одамга мурожаат қилиши ҳам мумкин. Аслида, ўз-ўзига ва бошқаларга жонли мурожаатсиз қаҳрамоннинг ўзи ҳам йўқликка маҳкумдир. Унинг ўзи фикрламай туролмаганидек, ўзгаларни ҳам фикрига тезроқ шерик қилишга, улар билан фикр алмашишга, бахслашишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Фозилбекнинг Фуломжон, Бахтиш, Улуғ Қосим билан бўлиб ўтган суҳбатлари хийла мунозарали кечади. Шу жиҳатдан Фозилбекни ёзувчининг ўзгага мурожаат қилиш субъекти тарзида қабул қилиш мумкин.

Хуллас, ўзбек романчилик мактаби ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига келиб тубдан янгиланиш жараёнини бошдан кечирди. Бу, энг аввало, унинг бадиий нутқ нафосатининг янги босқичга кўтарилишида кўринди.



Дармон Ўраева,

филология фанлари доктори, профессор;

Дилрабо Қувватова,

докторант

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ШЕЪРИЯТИ ТИЙРАК НИГОҲЛАРДА

Миллий истиқлолнинг ўн еттинчи йилига қадам қўйдик. Шу давр мобайнида жамиятимизнинг барча жабҳаларида қатор сифат ва мазмун ўзгаришлари кечди. Буни адабиётимиз мисолида ҳам ёрқин кузатиш мумкин. Унинг муҳим бир бўлаги бўлмиш шеърият турфа ранг ва жилоларда намоён бўлди. Мустақиллик даврида шеърият мафкуравий андозабозликлардан қутилди. Маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларга эзгулик, адолат, гўзаллик каби башарий мезонлар билан муносабатда бўлиш тамойили қарор топди. Табиат ва жамият ҳодисаларига, ижтимоий воқеликка шахс, Ватан, миллат манфаатлари юзасидан ёндашиш ва баҳолаш маданияти шаклланди. Ана шу етакчи хусусиятлари билан мустақиллик даври шеърияти эстетик ходиса сифатида намоён бўлди. Мазкур ходисанинг юзга келиш тамойилларини, зоҳир бўлиш қонуниятларини, сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва назарий умумлаштиришни маънавий ҳаётимизнинг ўзи тақозо этди. Таниқли адабиётшунос олим Нўмон Раҳимжоновнинг «Мустақиллик даври ўзбек шеърияти» деб номланган монографияси ана шу эҳтиёж туфайли яратилди.

Китоб икки қисмдан иборат. Аввало, унда шу давр шеъриятининг етакчи тамойиллари очиб берилган. Жумладан, кечинмаларнинг фикрчан суратларини чизиш, рамзлар, тимсоллар орқали мушоҳада юритиш, турли шеърий шаклларнинг фалсафий мазмунини ифодалашда асосий восита бўлиб хизмат қилаётгани бугунги шеъриятимизнинг муҳим хусусиятлари сифатида ифода этилади.

Албатта, бу тамойиллар барча давр шеъриятида у ёки бу шаклда юз кўрсатган. Адабиётшунос олим ана шу мезонга таянган ҳолда, шеъриятимиз саҳифаларига назар ташлайди ҳамда мустақиллик даври шеъриятининг бошқа даврлар шеъриятидан фарқли ва муштарак жиҳатларини очишга чоғланади.

Адабиётшунос олим устоз ижодкорлар Зулфия ва Асқад Мухторнинг мустақиллик йилларида яратган асарлари оламига саёҳат қилади. Бинобарин, Зулфиянинг «Хотирам синиқлари» лирик поэмаси атрофидаги таҳлиллар бетакрор мазмунга эга. Мунаққид шоиранинг лирик қаҳрамони қалбида кечаётган турли руҳий жараёнларни таҳлил қилиб ёзади: «Достондаги тахайюллар табиати шундан иборатки, лирик қаҳрамон хотирасида тикланган – синган тақдирлар мисолида ўз юрти, миллати бошига тушган зўравон тузум кўргуликларига қарши бош кўтарган нолаларини сатрларга тизади». Зеро, Зулфия ҳаётининг энг қайноқ йиллари мустабид тузум даврида ўтди. У умрининг сўнгги йилларинигина истиқлол тузумида яшади. Достон узоқ давр мобайнида шоиранинг қалби қатида яшириниб ётган дардлардан, изтиробли кечинмалардан сўзлайди. Истиқлол кўнгил қатидаги дардларни очиш имкониятини берди. Энг асосийси, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларини қалб-қалбдан ҳис этган ижодкоргина шундай дарднок мисралар битиши мумкин. Мунаққид кузатишлари шундай хулосаларга олиб келади.

Китобнинг «Файласуфнинг айтганлари» деб номланган қисмида Асқад Мухторнинг

сўнги пайтлардаги ижод намуналари таҳлилга тортилади. Унинг истиқлол йилларида яратган «Мен дунёга келиб дунё орттирдим», «О, юлдузлар тунги ошноларим», «Сизга айтар сўзим» сингари туркумлари юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди. Адабиётшунос олим шоир шеърлятидаги фалсафийлик моҳиятини у яратган поэтик тимсоллар воситасида очиб беради. Хусусан, вақт поэтик тимсоли атрофидаги мулоҳазалар, шоир шеърлярида лирик кечинманинг берилиши борасидаги муайян таҳлиллар Асқад Мухтор фалсафий шеърлятини чуқурроқ англаш имконини беради.

«Нур – хурлик тимсоли» деб номланган қисмда эса, Абдулла Ориповнинг Ватан ва табиат мавзуйидаги шеърляри таҳлилга тортилади. Шоирнинг лирик қаҳрамони қалбида гупурган туйғулар силсиласи очиб берилади. Шу асосда адабиётшунос олим Ўзбекистон-халқ-табиат образларининг силсилавий тарзда уйғунлик касб этганлигини, шоир муқаддас тушунчаларнинг моҳиятини шеър сатрлярига марварид мисол жо этганлигини ёрқин мисоллар воситасида шеърхонга етказилади.

Мустақиллик даври шеърлятида нур, хаёл поэтик образляри муҳим ўрин тутлади. Адабиётшунос олим Абдулла Орипов шеърлярида мазкур тимсолларнинг бадий юки хусусида фикр юритади. Шу асосда нур, хаёл тимсолляри шоир яратган сифатляшлар орқали рангин мазмун ифодаланганлиги, айна пайтда, улар мустақиллик туфайли янги маъно қирраларини намоён этганлиги ёритилади. Умуман, Абдулла Орипов шеърлярини назардан ўтказар экан, мунаққид шоирнинг ижоди ХХ аср ўрталари – ХХI аср бошляри шеърляти тараққийида алоҳида босқични ташкил этишини асослайди.

«Шоир – миллатнинг маънавий муаллими» деб номланган қисмдаги мулоҳазалар ҳам адабиётшунос олим мушоҳадаларининг кўламдорлиги, сермазмунлигини ўзида намоён этади. Унда мунаққид бадий-эстетик тафаккурда вужудга келаётган ўзгаришлярни назардан ўтказилади. Бунда истиқлол даври шеърлятида мажозий образлилик орқали поэтик фикрни бадий ифодалаш майли кучайганлиги алоҳида таъкидланади.

Поэтик тимсолларнинг рамзий моҳиятини очиш, адабий жараёндаги ўзгаришлярни кузатиш асосида адабиётшунос олим истиқлол даври шеърляти хусусида умумлашма хулосалар қилади. Бинобарин, мажозий, тимсолли образлилик ижодкорга

ҳақ сўзни айтиш имконини берганлиги, истиқлол шеърляти ХХ аср классикаси, қолаверса, Шарқ ва Фарб, Лотин Америкаси, япон, ҳинд, инглиз шеърляти бадий-эстетик тажрибаларидан озиқланиши унинг уфқларини кенгайтираётганлиги, шу асосда лирикамизда анъанавий жанрлар: ғазал, мухаммас, мусаддас, рубойи, фард, лиро-эпик дoston такомил толганлиги, янги жанрлар: учлик-хокку, танка, октава, бешлик, олтилик кабиларнинг юз кўрсатганлиги илмий асосланади.

Китобнинг «Бадият қирралари»да Эркин Воҳидов, «Иймон асири»да Рауф Парфи, «Кўнгилга очилган йўл»да Икром Отамурод, «Бахтим ўпай десам»да Фаарида Афрўз сингари шоирларнинг шеърйи оламга саёҳат қилинади. Саҳифадан-саҳифага ўтгани сайин мунаққиднинг илмий нигоҳи ўткирляшиб, теранляшиб боргани кузатилади. Айтиш мумкинки, бу мақолалар ижодий портрет жанри мезонлярига мос келади.

Китобнинг иккинчи боби «Шеър кўп, шоир кўп, аммо...» деб номланади. Унда истиқлол даври шеърлятининг кемтикликляри бир қатор шоирлар ижоди мисолида қаламга олинади. «Шоир юрагида очилмаган гул» дейилишининг ўзиёқ мунаққид фикрини китобхонга аён этади. Айниқса, Ватан ва унинг хурлигига бағишланган айрим шеърлар куруқ мадҳиябозликдан иборат бўлаётганлиги, ҳиссиз, ҳароратсиз сатрлар эканлиги, уларда бадий мантиқ этишмаслиги Ихтиёр Ризо, Жамила Сувонова, Умида Абдуазимова, Муҳиддин Омон, Ориф Тўхташ, Замира Рўзиева, Равшан Исоқов сингари ижодкорлар битикляри мисолида жонкуярлик билан таъкидланган. Шунингдек, мунаққид баъзи шоирлар ижоди мисолида кейинги пайтда тақдидчилик авж олиб бораётганлигини ҳам очиб беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, адабиётшунос олим Нўмон Раҳимжон – овнинг ушбу монографияси мустақиллик даври шеърлятининг бадий-эстетик тамойиллярини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Китоб мунаққиднинг жаҳон бадий-эстетик тафаккурини чуқур англашини, ўзбек шеърлятига жаҳон шеърляти бадий мезонлярида ёндашишини ўзида ифода этувчи янги тадқиқот сифатида қимматлидир.

Шу билан бирга, монографиядаги мукамал таҳлил, назарий умумлашма ва хулосалар истиқлол даври шеърляти бўйича изланаётган ёш тадқиқотчилярга ҳар жиҳатдан кўмак бериши билан ҳам муҳимдир.

Азиз Қаюмов,

академик

Ибратли умр дафтари

Журналист Талъат Солиевнинг китоби кенг ва катта ҳаёт қатламларини қамраб олган.

Унда биз Ўзбекистонимизнинг гўзал бир бўлаги Хўқанди латиф деб ном чиқарган қадимий шаҳарда туғилиб ўсган одамнинг ҳаёт йўли билан танишамиз. Бу бутун бир авлоднинг ҳаёт йўли.

Китоб муаллифи Талъат Солиев бой ҳаёт тажрибаси, табиий журналистик қобилиятига эга бир зот. У ана шулар асосида бу тарихий йўлни ўз асарида имкон борича тўлароқ тасвирлашга эришган. Китоб муаллифнинг ўз она шаҳари Қўқон тўғрисидаги эҳтиромлари билан бошланади.

Асар бошидаёқ шундай эътирофларни ўқиймиз. «Қўқон аҳли ўзининг нафис санъати ва хунармандчилиги ва адабий муҳити, маърифати ва юксак маънавияти билан ном қозонган».

Камина ҳам Қўқонда таваллуд топганман. Шу ерда учинчи ўрта мактабда таълим олдим. Сўнг 1944 йилда Тошкентга – республикамизнинг гўзал ва улғвор пойтахтига ўқишга келдим. Кейинги ҳаёт йўлим шу ерга боғланиб қолди.

Азиз Хўқанди латифда иқомат айлади оз, Тошканди дилкаш аро бўлди илмга ҳамроз, Ватан кучоғида ўтган умрнинг ҳар куни соз, Навоий бўлмасига озими Ироқи Ҳижоз, Назокати мулки Ҳирий эрур боис.

Хўқанди латифнинг Талъат Солиев қилган таърифини мен бир-икки мисоллар билан тўлдирмоқчиман.

Шаҳарни иккига бўлиб турувчи Қўқон-сойнинг шарқий соҳилидаги кичик-кичик кўчалардан бирининг бошида бир ён кўча бор. Унда машҳур олим ва фозил, математика илмининг етук билимдонларидан бири, академик. Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқовлар оиласи яшаган. Шу жойдан сал нарида, ўша сойнинг ғарбий

соҳилидаги маҳаллада яна бир академик Теша Зоҳидович Зоҳидовлар оиласи турган. Машҳур шоир ва маърифатпарвар Зокиржон Фурқатнинг маҳалласи ҳам шу ерда.

Саримсоқов домулла яшаган ҳовлининг қаршисидаги кўчада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг яшаган уйлари бор. У ерда ҳозир Ҳамзанинг уй-музейи ташкил этилган.

Энди яна ўша кўчага қайтсак. Саримсоқов домулланинг ҳовлилари яқинида санъатшунослик фанлари доктори, академик Мамажон Раҳмоновлар оиласи яшаган уй келади. Ундан сал беридаги тор кўчада эса бизнинг падари бузуқворимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ўлкашунос олим Пўлатжон домулла Қаюмовнинг ҳовлилари бор. Биз ҳам шу ерда таваллуд топганмиз.

Шу кўчанинг охирида, сой бўйидаги маҳаллада Сотти Ҳусайн туғилиб ўсган. Бу кўча ҳозир шу ерда яшаган таниқли маърифатпарвар, «Садои Фарғона» газетасининг асосчиси Обиджон Маҳмудов номи билан аталади. Ўзбекистон матбуотчилари орасида ном қозонган журналист шарҳловчи Талъат Солиев ҳам – Қўқонда туғилиб ўсган, у ерда савод чиқариб, сўнг республикамиз пойтахти Тошкентда таълим олган ва камол топган. Унинг «Шарҳловчининг йўли» китоби бу ҳақда китобхонда тўла тасаввур пайдо этади. Яна бир жиҳати, мазкур китоб, Ўзбекистон матбуотчилиқ тарихига оид бой материалга эга бўлган биринчи манба сифатида ҳам қадрлидир.

Мен Талъат Солиев асарининг барча кўламини қамраб олабилмайман. Аммо, менга яқин бўлган соҳасига кўпроқ диққат қиламан. Бу Қўқондаги учинчи ўзбек тўлиқ ўрта мактаби. Бу мактабни биринчи бор 1940 йилда бир гуруҳ ёшлар битириб чиққанлар. Бу шаҳар маорифи тарихида катта воқеа бўлган ва тантанавор нишонланган эди.

Тальят Солиев ҳам кейинчалик шу мактабда ўқиб ўрта маълумот олган. У ўз китобида учинчи мактабнинг ўқитувчилари Муҳаммад Саид Муҳаммадиев, Юсуф Усмонов, Азим Неъматов сингари муаллимларини ҳурмат билан ёдлайди.

Тошкентда Университетдаги ўқиш йиллари муаллифнинг хотирида ёрқин из қолдирган. У Турсун Собирӣ, Лазиз Қаюмов, Шавкат Раҳматуллаев, Мухторжон Расулов каби ўқитувчиларини эҳтиром билан таърифлайди.

Дарҳақиқат, ҳазрат Навоӣ айтганларидек,
Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Хизматин қилмоқ адо бўлмас анинг минг ганж ила.

Мен қисқа бўлса-да, «Шарҳловчининг йўли» китобидаги ўзимга яқин бўлган маконлар ва доиралар тўғрисида сўз юритдим. Бу китоб эса бундай қатламларга жуда бой. Уларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, улар тажрибасидан истифода этган ҳолда истиқболимизни куриш янги авлоднинг вазифасидир.

Қўқонликлар тўғрисида ёзиш, бирор гап айтиш анча мушкул юмуш. Чунки

улар ҳақидаги ҳамма нарса ёзилгандай, ҳамма гап айтилгандай. Сиёсий шарҳловчи Тальят Солиев ижодий фаолияти асносида бирор фикр билдиришга жазм этганимда, худди юқоридаги ҳолатга дуч келдим: гўё у ҳақидаги ҳамма гаплар айтилган, барча сўзлар ёзилган. Радио эшиттиришлар ва телекўрсатувлар, газета ва журналларда босилган мақолалар.

Лекин ижоднинг сеҳрли томони шундаки, у кон кабидир. Қанча кўп қидирсангиз, шунча мўл маъдан топаверасиз. Мен анча йиллардан бери Тальят Солиевнинг сиёсий шарҳловчи сифатидаги ижодини кузатиб юраман. Чунки у укам – Лазизхоннинг шогирди, мен ўқиган мактабни тугатган, юрагимга яқин бўлган дорилфунунда таълим олган.

Тальят Солиев, аслида, бир одам умрига арзигулик барча ишларни қилди, жўшқин ижодини давом эттирди. Биргина шу ҳолатнинг ўзи уни ардоқлашга чорлайди. Ҳар ким эккан экинини ўради, деб шунга айтсалар керак. Халқимиз қалбига кираолган, ўз соҳасининг фахри саналган сиёсий шарҳловчимиз доимо омон бўлсин.

Муҳайё Ҳамроева,

Термиз давлат университети тадқиқотчиси

«Турон, сен ҳур бўлғайсен...»

Ёзувчи Тўлқин Ҳайитнинг «Турон тунлари» асари Амир Темур тўғрисида. Муаллиф Амир Темур характерининг ички оламини кенгроқ ёритиш мақсадида, турли усуллар ва воситалардан унумли фойдаланган. Чунончи, ички драматик конфликт қаҳрамоннинг ягона мақсад ва ғоя учун шиддатли курашини тақозо қилади. «Оёғи остида ғуж-ғуж чумолилар уймаланиб юради. Мана бу жониворлар ҳам бир марта яшайдур! Ҳозир нима дейди-а? Беҳуда курашларда ўлиб кетиш керакму, дедими? Ҳай, банда, хом сут эмган ночор кимса, нималар дерсен, эс-ҳушингдан айрулмадингму? Сенинг қисматингда юрт тақдири жоку, ахир! Оллоҳ, тоғдек масъулият юкини елканга ортган, шунга яраша куч-қудрат, сабр-бардош, ирода берганлигини англайтургонинг йўқму?

У сени синаб кўрмоқчидур! У сени оловда чиниктирмоқ истайдур. Шуни билки, инсонга ҳеч бир нарса осонликча берилмайдур!...»

Воқеалар ривожидида Амир Темур билан рафиқаси Улжой Туркон ўртасидаги самимий суҳбатлар ҳам ўз таъсир кучига эга эканлиги кўзга ташланади. Ёзувчи эрхотин ўртасидаги инсоний муносабатларни шарқона одоб доирасида тасвирлашга ва ҳар икки характер қирраларини очишга ҳаракат қилган. Амир Темурнинг нафакат жанговар фаолияти, балки оилапарвар, ўз турмуш ўртоғига садокат ғоясини каламга

олган. Шунингдек, асарда карама-қарши кучлар ўртасидаги муросасиз тўқнашув, характерлараро кураш ҳаётий акс эттирилган.

Ёзувчи воқеалар жараёнини тасвирлашда ретроспекция (асар воқеаларини тугундан бошлаб, қаҳрамон хотиралари орқали давом эттириш) усулидан фойдаланади. Бу усулни асарда Мамат ва Амир Темур учрашуви эпизодида кўллайди. Муаллиф нотаниш йигитни сюжет чизигида Амир Темур билан учраштиради ва уларни суҳбатга тортади. Сўнгра Мамат хотиралари орқали асар воқеаларини давом эттиради.

Ёзувчи Амир Темурнинг илм-фанга, адабиёт ва санъатга бўлган муносабатини ҳам самимий тарзда тасвирлайди.

«...Яратган ким тан ичра жон яратди,
Сени кўрклуклар узра хон яратди.

Улжой мамнун ва ифтихор ила жилмаяркан, ўша шикаста овозда, лекин сал нозланган, ўпқаланган товушда деди:

– Назмда ҳам нафасингиз ўткир экан, шу пайтгача бул наводан баҳра олишни бизга эп билмас эркансиз, бегим!» Индивидуал реал воқелик, ҳаётийлик ила қоришиб кетган мазкур диалогда қаҳрамон ички дунёси, ҳолати тасвир этилади. Асарда Амир Темурнинг бадиий адабиётга бўлган кизиқиши, назмда ўзига хос поэтик мисраларни ёддан билиши ҳам қаламга олинади. Хуллас, Амир Темурнинг бадиий образини, унинг шахсиятига хос турли характер қирраларини очишга бўлган интилиш Тўлқин Ҳайитнинг «Турон тунлари» асарида ўз ифодасини топган.

Илм сарват (бойлик)дан устундир. Чунки сен сарватни кўрнқлайсан, илм эса сени кўрнқлайди.

Али ибн Абу Талиб

Книш илм ўрганишда давом этаётган паллада олимдир. «Олим бўлдим, энди бас», деб хулоса чиқарган чоғидан бошлаб жоҳилдир.

Абдуллоҳ ибн Муборак

Илм намобёндаларига бахиллик қилма. Зеро, илм бир хазинадирки, ундан қанча фойдалансанг ҳам, бойликдан фарқли ўларок, барибир, кўпайиб бораверади.

Мажидиддин Хавофий

Илм олишда кийналдим, бир оз хорландим, тилагим ҳосил бўлгач, азизу мукаррам бўлдим.

Абдуллоҳ ибн Аббос



БЎЛИМГА ҒАФУР ҒУЛОМ АСОС СОЛГАН

Сафар Кокилов

РУЧКА

Бошлиқнинг қора рангда ёзадиган тилло пероли ручкаси йўқолиб қолди. Оддий ручка бўлганда гўрларга эди-я. Шарикли ручка бўлганда-ку, умуман бу ҳақда гапириб, қоғозни қоралаб ўтирмас эдим. Тилло перо дейсизми? Ҳе-е, гап фақат ўша перонинг тиллолигида бўлганда ҳам қани эди-я. Бошлиқ, ўлай агар, битта перо учун бунча куймасди. Лекин бошлиқ ручка йўқлигини сезгач, бирдан қўрқиб кетди. Ичида бир нима узилиб кетгандай бўлди. Аъзойи бадани яхлаб, пешонасидан совуқ тер чиқди. Шоша-пиша гоҳ у чўнтаги, гоҳ бу чўнтагини қайта-қайта ковлашга тушди. Қани энди ручка курғур қўлга илаша қолса.

Йўқ! Йўқолибди!

Эрталаб ишга шошиб, хизмат машинасини кутиб турган бошлиқнинг бирдан ҳафсаласи пир бўлди-қўйди. Ҳеч нарса ёқмай, ишга ҳам боргиси келмай қолди. Оёғига суркалаётган тўрт ёшлардаги қизчасини ҳам «қоч-е» деб туртиб юборди. Ҳар доим ишга кетишдан олдин кўтариб, эркалаб бурнидан ўпадиган отаси қилиғидан ҳайрон бўлган болача чариллаб йиғлади. Кела солиб уни кўтариб олган хотинига қараб ўшқирди:

- Қани менинг ручкам?
- Қанақа ручка?
- Билмагандай талмовсирама-е, овсар. Ҳалиги тилло пероли жигар рангли ручкам-да. Катта ака берган ручкам...
- Вой, билмадим, дадаси. Қаёққа йўқолиши мумкин?
- Ғалча, билсам сендан сўрармидим. Бўл тез, қидир баринг. Уйнинг бирор жойига тушгандир...

Бошлиқнинг уйи тўс-тўполон бўлиб кетди. Икки ўғли, икки қизи хотини бошчилигида уйни аллак-таллак қилиб ташлашди, ҳамма нарсани кўтариб, қоқиб кўришди. Кийим илинган шифонер-у, тахмонда йиғилиб турган кўрпачаларгача ағдариб кўришди.

Йўқ! Ё тавба! Ер ютдими нима бало?

Бошлиқ эслайди, кеча кечқурун чўнтагида эди, ишдан келганда ҳам костюмини еча-еча уни олиб, бир айлантириб томоша қилган эди. У ўтган йили пойтахтга бориб қабулда бўлганда қандайдир ютуғи учун аяхон ўзига ўхшаган бошлиқлар олдида бирдан ийиб кетиб, қўлини сиққан ва чўнтагидан ўша ручкани чиқариб берган ва табриклаган, омадлар тилаган, доимо шундай ғайрат қилинг деганга ўхшаш гаплар айтган эди. Буларни эслаб, ўпкаси тўлиб, кўзлари намланди. «Ҳе, ишини-ям...» У ечинди, уйлик пижамасини кийиб, ўзини диванга ташлади. Барибир ишлагандай бўлмайди бугун. Кайфият бузилди. Ахир доим энг муҳим ҳужжатларга шу ручка билан имзо қўяр эди-да. Ручка бўлмагач, иш қаёқдан бўлсин. Бошқаси билан қўйилган имзо имзога ўхшамайди барибир. Сигнал бериб келганини билдирган хизмат машинаси ҳайдовчисини тоби йўқлигини бахоналаб қайтариб юборди. Яна диванга чўзилди. Юраги сиқилди. Бирдан туриб ўтирди-да, хотинини чақирди. Ошхонани ҳам ағдар-тўнтар қилиб, ручка излаётган хотини кўрқа-писа хонага кирди.

- Нима дейсиз, адаси?
- Менга қара, анов кунини ручкани олиб, мен ҳам ишхонага обориб бир мақтаниб келай девдинг. Яна сен олган бўлма тагин? Ҳазиллашган бўлсанг тез қайтар, ҳозир жоним чиқиб кетади. Бўл, тез! Топ!

Хотини ўшанда ўзи ишлайдиган мактабга эрининг ручкасини бир кунга сўраб обориб, ўқитувчиларга кўрсатиб, мақтанганини эслади.

«Мана бизнинг хўжайинга шахсан катта аканинг ўзи ручка совға қилибди. Яхши ишлайверсанг ёнимга ўринбосар қилиб оламан деганмиш», деганида ўқитувчиларнинг роса ҳаваси келиб, ручкани кўлма-кўл олиб томоша қилишганди.

– Йўқ, хўжайин, ўлибманми сизга ҳазиллашиб. Ўшандан сўнг кўл тегизганим йўқ. Ўлай агар, ишонмасангиз...

– Ҳа, унда ким олади, ким? – бақриб юборди бошлиқ.

– Билмадим, – хотин ер чизиб қолди.

– Қайси куни болаларинг ҳам навбат билан сўраб олишган эди. Синфдошларимга кўрсатаман, мақтанаман деб. Сўра-чи, балки биронтаси яна олгандир. Анови ўғлингдан кўрққилик, ўғирлаши ҳам мумкин.

Хотин болаларини эрининг олдида қаторлаштирди. Ҳаммаси ерга қараганича ота дағдағасини эшитишди. Биттаси ҳам мен олдим демади. Олмаган бўлса, олмаган-да.

– Йўқол баринг. Қидирларинг. Гўрдан бўлса ҳам топасанлар. Вой юрагим! Топилмаса ўлиб қоламан нақд!..

Бошлиқ иккинчи куни ҳам ишга чикмади. Ўлиб ҳам қолмади. Лекин ҳали ҳам қовоғидан қор ёғади. Ҳеч нарса ёкмайди. Бошини қора тўнига ўраб диванга ётгани-ётган. Тузук тамадди ҳам қилмай қўйди. Кўзлари таги салқиб, соқоли олинмай, юзи аллақандай қорайиб қолди. Уф-ф, энди нима бўлади?!

Тушдан сўнг хавотирланиб биринчи ўринбосари ва бош ҳисобчи кўргани келишди. Қуруқ кўл бўлмасин деб бир қўйни тандир қилиб олишганди. Бошлиқ аввалига таомга кўл урмай ўтирди, муовини коняқдан қўярда-қўймай «банияти шифо» деб бир пиёла ичиргач, пешонаси сал терлади, ички сир қилиб, тоби қочгани сабабини айтди, мабодо ҳазиллашиб олганларинг йўқми-эй, топиб берсаларинг бир эриш биздан, деб ҳазил қилиб қўйди.

Бошлиқнинг «касали» сабаби грипп касаллигига ўхшаб, тезда бутун ишхона ва филиалларга тарқалиб кетди.

Ҳамма ручкани топиш тўғрисида ўйлай бошлади. Ҳеч кимнинг кўли ишга бормай қолди. Ахир, ҳазилакамми, нақд катта ака ўзи тақдим қилган тилло перолик ручка йўқолади-ю, кўнгилга иш сиғадими? Қолаверса, кўп ҳужжатлар имзосиз ётибди. Ходимлар бир-биридан «қандай ручка эди, ранги қанақа эди, қопқоғи бормиди», деб сўрашар, каллаларида қанийди ручкани бошлиққа биринчи бўлиб ўзим олиб борсам, шу баҳона яқин бўлсам, бирон амалга минсам қабилдаги ҳавойи орзулар чарх урарди.

Кечқурун кўчада одам оёғи узулгандан сўнг бошлиқ дарвозаси олдида оқ «Нексия» фуриллаб тўхтади. Машинадан кассир тушди. Уйда ёлғиз телевизор кўриб ўтирган бошлиқни ҳайратга солиб чўнтагидан олтин пероли жигарранг ручкани чиқарса бўладими. Бошлиқ бирдан ирғиб ўрнидан туриб кетди ва кассирни кучоқлаб, пешонасидан чўлпиллатиб ўпди.

– Ҳе, яшавор укам, сенинг содиқлигингга ишонар эдим. Адашмаган эканман. Қаердан топдинг?

– Шундай кабинетингизга кирадиган ерда, гултувакнинг тагида ётган экан-эй. Яхшиям биров кўрмабди. Қуллуқ бўлсин, хўжайин. Ручка муборак...

– Қуллуқ, қуллуқ. Раҳмат сенга...

Кассир ташқарига қайтиб чиқиб, қуруқ кўл бўлмасин деб обкелган бир яшик арақ, бир неча тўплам минерал сув ва бошқа бозорликларни машинаси юкхонасидан тушириб ошхонага ташир экан, бошлиқ ручкани айлантриб томоша қилиб ўтирарди. «Худди ўзи-я.» Олдидаги қоғозга ёзиб, имзо қўйиб кўрди. Имзо ҳам ўхшади. Лекин... Бошлиқ кўнгли чўкмасин, шашти қайтмасин деб мақтаб-мақтаб кузатди. Ахир, унинг ручкасида Сўпиевга совға» деган ёзуви бор эди-да. У пойтахтдан қайтаётганда бир заргар дўконига кириб, шундай деб ёздириб олган эди. Ҳа, боласи тушмагур-а, шунча ёнимга кириб, шу ёзувга кўзи тушмаган экан-да.

Тонг-саҳар пайти одамлар молини подага қўшаётганда яна бир «Нексия» бошлиқниқига кириб келди. Бош ҳисобчи экан. У ҳам яп-янги ручка олиб келипти.

Ҳатто ёзувлари ҳам бор. Бошлиқ дарров имзо қўйиб кўрди. Йўқ, бу ҳам эмас. Лекин шундай бўлса ҳам бош ҳисобчини опкелган тандир гушт-у, бир қоп гуруч, зиғир ёғларини юз-хотир қилиб, иззат билан жўнатди. Сўнг хотинига «анови омборхонани тозалаб қўй, бугун меҳмон кўп келади-га ўхшайди» деб қўйди.

Сўнг йигирма йилдан бери оддий ходим бўлиб ишлаб юрган Қорабоев пайдо бўлди. У ҳам худди ўзиникига ўхшаган ручка обкелипди. Ёнига озгина пул ҳам қўшганми-ей. Ҳе, бечора, майли, кўнглинг қолмасин...

Кечга бориб бошлиқ қўлида йигирмата ручка бўлди. Ошхона, омборхона ҳам картошка-пиёздан тортиб, арағу сувларга, тандир гўштга тўлди. Қўйхонага тоғдаги филиалда ишлайдиган бир ходим катта думбали қўйни киргизиб юборди. Иккита какликни ҳам тўрқовоғи билан ҳовлидаги тут шохига илиб кетди.

Ҳаммаси яхши бўлди-ю, лекин барибир бошлиқ кўнгли ёришмади. Ҳақиқий ручкаси топилмади-да. Тўртинчи куни «энди ишга бир бориб келмасам бўлмас» деб эрталаб кийина бошлади. Совға ручкалардан биттасини олиб костюми чўнтагига солди-да, устидан пайпаслаб қўйди. Ие... Ручка қани?

Хотинини чақирди.

– Қара-чи, ички чўнтагим тешикка ўхшайди, – деб костюмни эгидан ечди. Хотини костюмни олиб нариги уйга чиқди ва ҳаял ўтмай отилиб қайтиб келди. Кўзлари чақнар эди.

– Дадаси, дадаси. Вой, мановини қаранг. Ручкангиз...

– Ие, қаерда экан?

– Иккала ручкангиз ҳам костюмнинг астари ичидан пастга тушиб кетган экан...

– Ҳе, яшавор хотин. Ўзим ўргилай сендан, – деганича бошлиқ хотинини шартта кучоқлаб юз-кўзидан ўпа кетди ва пириллатиб икки-уч айлантирганча ерга қўйди.

– Вой, бошим айланиб кетди-е, дадаси. Қуллуқ бўлсин, ручкангиз топилгани чин бўлсин...

– Ҳе, қуллуқ, қуллуқ. Сендан қарздорман, хотин...

– Ҳа, бор бўлинг, дадаси. Бизга соғ-омон, худди ҳозиргидек ўйнаб-кулиб турсангиз бўлгани.

Бошлиқ хурсандлигидан хизмат машинасини ҳам кутмай кўчага отланди. Тезроқ ишхонага боргиси келарди. Уйдаги ручкаларни бўлса хотини ва болаларига биттадан тарқатиб берди, «Қолганлари запасга турсин. Менинг ручкамга тегишманглар», деб тайинлади.

Бошлиқ кун буйи завқ-шавқ билан ишлади. Йиғилиб қолган кўп ҳужжатларга тилло пероли ручкасида имзо қўяверди, қўяверди...

ЭЛЧИГА ЎЛИМ ЙЎҚ

Улар аввал кичкина бир хонага йиғилишди. Эшикни ичкаридан тамбалашди. Сўнг шу корхонада қирқ йилдан бери ишлаётган, сочларига оқ тушган, афти ғижимланган қоғоздай Дарозов пингиллаб гап бошлади.

– Шу десангизлар, мен жуда яхши биламанки, обуна бўлиш ихтиёрий! Масалан чет элларда... обуна қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ...

– Тўппа-тўғри айтасиз, ака. Қари билганни, пари билмас дегани шу-да. Мен юз поиз қўшиламан гапингизга... – деди бақалоқ, тепакал Гуржиев оғзининг бурчагидан доим оқиб турадиган сўлагини қўли билан артар экан: – Ахир бизда ҳам энди демократия-ку. Ҳар кимнинг эрки ўз қўлида бўлса...

– Ҳе, ҳар йили аҳвол шунақа. Минг дод-вой деган билан барибир мажбурлаб обуна қилдиришаверади – деди мингиллаб, бошини эгиб ўтирган Мулойимхонов.

– Яна тагин қайси гўрдаги керак эмас газета-журналларга обуна қилганига ўлайми. Тавба! – деди ингичка овозли, хипчабел, қорақош Калтаев.

– Бўлди, ўртоқлар! Энди бунга чек қўйиш керак. Юқорига шикоят ёзамиз, тамом-вассалом! – деди столни муштраб Дарозов ака.

– Шундай қилиш керак. Дардимизни эшитадиганлар бордир юқорида... – деб, уни қўллаб-қувватлади бақалоқ Гуржиев.

– Йўғ-э, дарров ёзиш шартмикан-а?! Аввал бошлиқнинг олдига бир кириб чиқсак бўлмасмикан. Балки унинг бу гаплардан хабари йўқдир. Барисини анови бош ҳисобчи билан кассир қилаётгандир... – Уёқ-буёғига кўрқа-писа қараганча минғирлади Мулойимхонов.

– Ҳе-е, бари бир гўр. Ҳаммасининг тили бир, бошлиқ ҳам улар билан... – чийиллади Калтаев.

– Бу гап ҳам маъқул, – бош ирғади Дарозов. – Бўпти, аввал бошлиққа кирамиз. Вазиятни шундай-шундай деб тушунтирамиз. Обуна бўлмаймиз. Обуна ихтиёрий деймиз. Кўнмаса, юқорига ёзамиз деймиз-да. Тўғрими?..

– Тўғри, шундай қилиш керак – деди Туржиев.

– Хўш, ким киради бошлиқ олдига? – ҳаммага бир-бир қаради Дарозов.

– Ака, ўзингиздан яхшиси йўқ бу ерда. Каттамизсиз. Гапни биласиз. Ўзингиз кириб ака, – деди Калтаев униб елкасини силаб.

– Йўқ. Мен кирмайман, – деди қатъий овозда Дарозов бош чайқаб. – Ахир мен яқинда нафақага чиқиб кетаман-ку. Сизга нима демайдимиз? Мен киролмайман...

– Мулойимхонов кирсин бўлмасам. Қачон қарасам хотинлар билан тил топишиб юради. Демак гапни билади-да, – деди Гуржиев кўз қисиб.

– Ҳе, кўй-э. Шундай бўлган билан кўрқоқ. Бошлиқ олдида тили калимага келмай қолади. Бошлиқ сенга хотин эмас-ку, айлантурса... Бўмайди, – деди Дарозов ва кўшиб кўйди: – Калтаев эплайди. Шу кира қолсин.

– Ҳа-а, ана топдик. Калтаев кирсин. Шу ичимизда энг дадилроқ. Гапни ҳам ўхшатиб гапиради, – деди бирдан жонланиб Гуржиев.

– Вой, қандай бўларкан. Нима дейман? – қийшанглади Калтаев.

– Ҳа, айтдик-ку энди. Шартта кир-да, мен жамоа номидан элчи бўлиб келдим дегин. Шундай-шундай, биз обуна бўлмаймиз, тамом-вассалом... кўрқма, изингда мана биз бор. Ўша ерда, эшик орқасида турамиз. Қолаверса, элчига ўлим йўқ деган гаплар бор... Бўпти, қани, бор бўлмасам.

Дарозов шундай деб ўрнидан турди. Улар етаклашиб корхона бошлиғи кабинетини томон юришди. Калтаевни орқасидан итариб-итариб бошлиқ хонасига киргизиб юборишди-да, қочиб чиқмасин дегандек, эшик орқасидан елкалаб, итариб туришди. Бутун вужудлари қулоққа айланиб кута бошладилар.

Калтаев маҳобатли хосхонага кирди. Ўзига таниш гавдалик, семизлигидан пишиллаб, тўрдаги столда нимадир ёзаётган бошлиққа кўзи тушган ҳамона эти жимирлашиб, тили калимага келмай қолди. Дир-дир титрай бошлади. Бошлиқ бир қараб кўйди-да, ёзишдан тўхтамасдан:

– Хўш, нима гап? – деди гулдурраган овозда. Калтаев чўчиб тушди ва қалтираётган кўли билан оғзини артган бўлиб, томоғини қириб олди.

– Мен... Шу... Ҳалиги... Элчман...

– Қанақа элчи?

– Обуна масаласида...

– Э-э, шунақами? Маъқул... Кўшимча обуна бўласизлар чоғимда. Офарин, офарин!

– Ҳалиги...

– Тушундим, тушундим. ташаббус бошлайсиз-у, йўқ дермидим. Қўллаб-қувватлайман. Жамоага дархол етказинг. Ким қанча кўшимча обуна бўлади, рўйхат тузилсин.

Калтаев ташқарига отилиб чиқди. Елкасидаги оғир юкни ташлагандек, чуқур нафас олиб қаддини ростлади. Бир ютиниб кўйди. Сўнг хуштак чалиб, ишхона томон тез-тез юриб кетди. Катта бино бурчагида кутиб турган шерикларига қараб, лабини чўччайтиб чийиллади...



МУНДАРИЖА

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Маърифат масканидан таралган зиё..... 3

ЭҲТИРОМ

Носир Фозилов. Мўътабар устозим 8
Эркин Воҳидов. Дорилфунунга..... 9
Абдулла Орипов. Дорилфунунга..... 10
Аҳмаджон Мелибоев. Ҳамон қадрдон даргоҳ..... 11
Аҳрор Аҳмедов. Университетнинг тарғиботчисиман..... 13
Баҳодир Карим. Тафаккурнинг олтин бешиги..... 14
Гуландом Тоғаева. Илдизи мустаҳкам чинор..... 16

ТАЛАБАЛАР ДАФТАРИДАН

Гуллаб юборади орзулар..... 18

НАСР

Мақсуд Қориев. Ғазнавийлар. Роман..... 28

НАЗМ

Тўлан Низом. Юрак тўлқинлари тўлиб келадур.
Шеърлар..... 89
Абдурахмон Жўра. Кўзларимда ҳаёт кулади.
Шеърлар..... 93

НАСР

Абдунаби Абдиев. Ёзғит битиги. Қисса..... 97

НАЗМ

Илҳом Аҳрор. Яшил аҳдни тушунар шудринг.
Шеърлар..... 125
Зокир Худойшукур. Кўзимда қорачиғ янглиғ
Ватан тут. Шеърлар..... 128

НАСР

Эгамберди Ўроқов. Орият. Ҳикоя..... 131

ҚУТЛОВ

Сайдулла Мирзаев. Насримизнинг катта устаси..... 136

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Амиркул Пўлкан. Ўтиб борар вақт. Шеърлар..... 140

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Бойназар Йўлдошев. Барот Ярашев.
«Истиқлол шукуҳи билан»..... 144
Йўлдош Солижонов. Насримиз камолоти:
анъана ва янгиликлар..... 147

ТАҚРИЗЛАР

Дармон Ўраева, Дилрабо Қувватова.
Мустақиллик даври шеърляти тийрак нигоҳларда..... 151
Азиз Қажумов. Ибратли умр дафтари..... 153
Муҳайё Ҳамроева. «Турон, сен ҳур бўлғайсен»..... 154

ГУЛҚАЙЧИ

Сафар Кокилов. Ручка. Элчиға ўлим йўқ.
Ҳажвиялар..... 156

Шарқ юлдузи

Адабиёт журнали

2008

4-сон

Саҳифаловчи:

Эля Ким

* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинмасин.

Тахририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Тахририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади.

* Обунага монетлик кўрсатилса
Тошкент – 100000,
Амр Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Манзилимиз:
100129 Тошкент шаҳри.
А. Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар:
244-20-64,
244-20-94,
244-20-69.

Боснига рухсат этилди
03.10.2008 йил.
Қоғоз бичими 70x108¹/₁₆.
Офсет босма усулида
тип №1-қоғозга босилди.
Босма табоғи 10.
Шарғли босма табоғи 14.
Нашриёт ҳисоб табоғи 15.4.
Адади 1050 нусха.
Буюртма № 30.

«Niso Poligraf» ШК
босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:
100182, Тошкент шаҳри,
Ҳусайн Бойқаро
кўчаси, 41